


Ж.Ғ. ЙЎЛДОШЕВ

**МАЛАКА ОШИРИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

(ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?)



ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 1998

Жамиятимизда илмий изланишлар ҳаётга кенг татбиқ этилаётган ҳозирги даврда "Малака ошириш педагогикаси" педагогика фанининг мустақил тармоғи сифатида юзага келмоқда, у таълимнинг бошқа бўғинларидан фақат педагогик фаолият объекти бўлибгина эмас, балки мақсади, вазифалари ва таълим мазмуни билан ҳам фарқ қилади.

Муаллиф Республикамизда таълим бўйича ислохотларни амалга оширишда педагоглар олдида турган долзарб вазифаларга тўхталиб, "ўқитувчи бўлиш осонми?" деган саволни қўяди ва унга илмий-назарий ҳамда амалий жавоб беради.

Қўлланма "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалга оширишда таълимни бошқарув органлари раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар, педагогик таълим муассасалари ходимлари, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган мутахассислар ҳамда педагогика фани ихлосмандлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир — фалсафа фанлари доктори,
профессор Р. ГАЙНУТДИНОВ

Тақризчилар — педагогика фанлари доктори,
профессор Д. ШОДИЕВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор Ж. ИКРОМОВ

4302000000—37

ISBN 5-645-0338-8

© "Ўқитувчи" нашриёти, 1998

*Марҳум отам Йўлдош ота ўғли Фанижон ва
онам Тўлаган ота қизи Комилахонларнинг
порлоқ хотирасига бағишлайман.*

МУАЛЛИФДАН

Маълумки ҳар қандай касбда фаолият самарадорлиги ва муваффақияти касб соҳибларининг тайёргарлиги, маҳорати, малакаси, ўз омилкорлигини такомиллаштириш устида нечоғлик қунт ва изчиллик билан ишлашига боғлиқ.

Ўқитувчилик касбида эса ўз билимдонлиги, зукколиги, касб маҳоратини такомиллаштириш устида умр бўйи мунтазам ишламай туриб, эл ардоқлаган, обрў-эътиборли педагог бўлиш мумкин эмас.

Чунки ўқитувчи жамиятнинг ёш авлод таълим - тарбиясига қўйган ижтимоий буюртмасининг асосий ижрочисидир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов ҳозирги пайтда ўқитувчилар олдида давлат ва жамият қўйган талабларни қуйидагича баён қилиб берди.

„Тарбиячи - устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун энг аввало, тарбиячининг ўзи айнан шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиш керак“.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда баён этилган мантиқий хулосалар ва ғоялар педагогика фани олдида турган долзарб масалалар, таълим - тарбия ишининг сифат ва мазмунини таъминлаш бўйича кўп йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар, тадқиқотлар, малака ошириш курсларида Республика-мизнинг турли шаҳарларида меҳнат қилаётган ўқитувчилар, таълимни бошқарув бўғинларининг мутахассислари билан олиб борилган маърузалар, мулоқотлар, баҳс ва мунозаралар, ўтказилган жонли тажрибалар, жойларда таълим-тарбия ишларининг қўйилиши ва таҳлил қили-

ниши, мазкур масалада хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблар тажрибаларини ижодий ўрганиш хулосалари асосида яратилди.

Унда ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, маҳорати болалар психологиясини тушуниш даражалари, ўқитувчининг педагогик фаолиятига реал баҳо бериш ишлари, вилоятлар кесимида таҳлил этилди ва хулосалар чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг ижодий ишлаши, ўқувчиларга пухта билим бериш, иш самарадорлигини белгилловчи ва уларни ҳаракатлантирувчи психологик, педагогик, дидактик факторларни диагностик таҳлил этиш орқали фаолиятимизда қўлланилиши зарур бўлган қатор имконият ва воситалар мавжудлиги аниқланди ҳамда ўқитувчининг педагогик фаолиятини ривожлантирувчи, унинг малакасини ошириш бўйича янги педагогик йўналишларни ишга солиш зарурлигини кўрсатди.

Ўқитувчиларга янги ахборот ва педагогик технологиялар асосида янги шакл ва мазмундаги касбий малака бериш иши шунчалар кенг қамровли, кўп қиррали, катта кўламларга эга бўлган жараёндир. Шу боисдан биз амалга оширган кўп йиллик тадқиқотларимиз хулосаларига асосланиб, малака ошириш жараёни ўз **ПЕДАГОГИКАСИ**га эга бўлмоғи зарур деган фикрга келдик ва бу хулосаларимизни ушбу китоб орқали илмий, назарий ва методологик жиҳатдан асосладик.

Бу китоб Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга оширишга мутассади бўлган ташкилотлар, идоралар, муассасалар, шахслар учун, айниқса, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган мутахассислар учун керакли ва фойдали деб ҳисоблаймиз.

Зеро, педагогик кадрларни тайёрлашдан кўра мавжуд ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тезроқ, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан самаралироқ жараёндир.

Китобда шунингдек ўқитувчилик тарбиячилик жамият эъозлаган касб эканлигини, уларнинг кўп қиррали, машаққатли меҳнатини, бу касб соҳиблари изланувчан, назарий - методик жиҳатдан етук, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ҳар томонлама ибратли шахс

эканлигини ифодаладик, ўқитувчи умр бўйи мустақил мутолаа қилиши зарурлигини илмий исботладик ва ниҳоят, „**ЎҚИТУВЧИ БЎЛИШ ОСОНМИ?**“ деган ҳақли саволга жавоб беришга ҳаракат қилдик. Агар китоб муштарийлар фаолиятини такомиллаштиришда, уларнинг ўз олдига қўйилган мақсадларини руёбга чиқаришда фойдаси тегса биз бундан мамнун бўлар эдик.

Жўра Йўлдошев
Педагогика фанлари доктори, профессор

МУҚАДДИМА

Кадрларнинг узлуксиз таълими муаммоларига азалдан бутун дунёда катта диққат-эътибор бериб келинган. Ушбу муаммо жаҳон таълимини режалаштириш институти (Париж), ЮНЕСКОнинг таълим бўйича институти (Гамбург), олий таълимнинг Европа маркази (Бухарест), маориф халқаро бюроси (Женева), Европа муаллимлар таълими Ассоциацияси (АТЕЕ), Россия таълим Академиясининг катта ёшлилар таълими институти Санкт-Петербург ва бошқа қатор илмий муассасаларда тадқиқ этилмоқда.

Ўқитувчиларнинг узлуксиз таълимини ташкил этиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланган кўп сонли илмий тўпламлар, тавсияномалар, илмий-оммабоп китоблар чоп этилган. Прагадаги Карлова университетида ўқитувчилар малакасини ошириш Европа ахборот марказининг (ЕЦИ-ПКУ) „Янгиликлар“и („Новости“) мунтазам чиқариб турилади. Жаҳондаги бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистон Республикасида ҳам ўзининг ички муаммоларини, имкониятларини ҳисобга олган ва педагог кадрларнинг муайян эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили узлуксиз таълим бўйича кўплаб тавсияномалар эълон қилинмоқда.

Собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ва бошқа республикалар ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ва Халқ таълими вазирликларининг 60 йилдан ортиқ давр мобайнидаги амалий ҳамкорлиги натижасида педагог кадрларнинг узлуксиз таълим тизими муайян даражада шаклланди. Ўзбекистон Республикасида ушбу тизим мактабгача тарбия, мактаб, ўрта махсус таълим, олий ўқув юртлари, малака ошириш институти (МОИ), аспирантура, докторантурани ўз ичига олади.

Узлуксиз таълим тизимида мактабгача тарбия, мактаб, олий ўқув юртлари кўп жиҳатдан ишланган ва илмий тадқиқ этилган бўғинлар ҳисобланади. Фанда улар: „Мактабгача тарбия педагогикаси“, „Ўрта мактаб педагогикаси“, „Олий мактаб педагогикаси“ каби мустақил илмий йўналишларга ажратилган. Бироқ „Малака ошириш педагогикаси“ педагогика фанининг мустақил тармоғи сифатида ҳозирча тан олинган эмас. Ваҳоланки, у бошқалардан фақат педагогик фаолият объекти бўлибгина эмас, балки мақсад вазифалари ва таълим мазмуни билан ҳам фарқ қилади. Бизнинг фикримизча, малака ошириш педагогикасини мустақил илмий йўналиш сифатида алоҳида тадқиқ қилиш давр тақозосидир.

„Малака ошириш педагогикаси“нинг назарий ва методологик асослари ишланмаганлиги кўп жиҳатдан узлуксиз таълимнинг ушбу бўғини жамиятда фақат кейинги йиллардагина муҳим мавқе касб эта бошлагани билан изоҳланади.

Малака ошириш институтлари тизимидаги амалиёт ва таълимнинг ўзига хослиги, ўқитувчилар билан ишлашнинг шакл ва услубларини тадқиқ қилишни талаб этади. Таълимнинг бу шакллари анъанавий ва олий ўқув юртларида талабаларни ўқитишнинг барқарор шаклларига ўхшаган эмас. Чунончи, „иш ўйинлари“, „муаммоли вазиятларни таҳлил этиш“, „маъруза-мунозаралар“, „давра суҳбати“, „ақлий ҳужум“, „ижтимоий-психологик тренинг“ ва шу каби усуллар МОИ тизимида ходимларнинг амалий фаолиятлари жараёнида беихтиёр, ўз-ўзидан қўлланилади. Аммо назарияга таянмаган эмпирик ёндашувнинг истиқболи бўлмаслиги маълум нарсас. Зотан малака ошириш тизимининг назарий-методологик асослари ҳозирча тўла ўрганилган эмас. Бизнинг фикримизча, бу соҳадаги мавжуд тадқиқотлар ичида энг маҳбули ва илмий асослангани собиқ Иттифоқ Педагогика фанлари академиясининг катта ёшлиларни ўқитишни уюштириш илмий тадқиқот институти томонидан 1988 йилда ишлаб чиқилган Концепциядир (НИИ ООВ АПН СССР).

Узлуксиз таълимнинг асосий бўғини малака ошириш тизими ўзининг назарий-методологик асосига эга эмас-

лиги туфайли ғайритабиий ҳолат вужудга келди. Мана шу сабабга кўра, узлуксиз таълим тизими педагог кадрларнинг онги ва тафаккурини замон талабларига мос равишда шакллантириш вазифасини етарли даражада бажара олмаётир.

Педагог кадрлар малакасини ошириш тизими узлуксиз таълимнинг алоҳида бўғини сифатида ўзининг назарий-методологик асосига таянган ҳолда ривожланмоғи даркор. Бу эса ўз навбатида бир қатор бошқа умумий муаммоларни (ижтимоий-иқтисодий, педагогик, психологик, ташкилий-бошқарув, ижтимоий-маданий) тўғри ҳал қилиш имкониятини беради.

„Узлуксиз таълим тизимида кадрлар малакасини оширишнинг назарий асослари“ монографияси Ўзбекистон Республикасининг минтақавий, ижтимоий-маданий ва этник хусусиятларини ҳисобга олиб, педагог кадрлар малакасини ошириш муаммосининг назарий-методологик асосларини батафсилроқ таҳлил этишга бағишланди.

Мазкур тадқиқотда:

— педагог кадрлар малакасини ошириш масаласи, узлуксиз таълимнинг алоҳида бўғини эканлиги назарий жиҳатдан асосланди;

— узлуксиз таълим тизимида малакани ошириш бўғинининг ўзига хос ўрни ва мақоми аниқланди;

— узлуксиз малака оширишнинг психологик-педагогик ва ижтимоий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида „Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тўғрисида“ги Давлат қонунини қабул қилиш зарурияти илмий асосланди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида бу муаммонинг мустақил давлатлар таълими тараққиёти учун алоҳида аҳамияти бор.

Бу илмий иш фанда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини ҳодиса, жараён, ижтимоий институт, инсон маданиятини қайта шакллантириш тизими сифатида тадқиқ қилиш борасидаги дастлабки уриниш ҳосиласидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга кiritгач, ўзининг бетакрор ижтимоий, иқтисодий, сиё-

сий ривожланиш йўлини белгилаб олди. Бу йўл бозор иқтисодиёти ва муносабатлари тамойилларига асосланган, эркин ва демократик жамият барпо этиш йўлидир. Республикамиз танлаган йўл унинг ривожланишидаги ўтган босқичлардан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ шундай улканки, у мамлакат иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётини тўла ислоҳ қилишни, янгилашни талаб этади.

1997 йил август ойида қабул қилинган „Таълим тўғрисида“ги Қонун Ўзбекистон Республикасининг „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ таълимни ислоҳ қилиш бўйича вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Республика Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, қабул қилинаётган бу икки тарихий ҳужжат эса шу пойдеворнинг мустақамлигини таъминлайди, „Таълим тўғрисида“ги Қонун, „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ Республикамиз мустақиллиги йилларида таълим-тарбия соҳасида орттирилган тажрибалар, юзага келган муаммолар, камчиликлар ва нуқсонларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, бу муҳим тарихий ҳужжатлар замирида юқори малакали, тадбиркор, айни пайтда юксак ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, маданиятли, эътиқодли маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамол, мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялаш вазифаси ётибди.

1992 йилда қабул қилинган „Таълим тўғрисида“ Қонунни бажариш жараёнида таълим-тарбияда қилинган ислохотлар, юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги изланишлар ҳақида қисқача тўхтаб ўтиш фойдадан холи бўлмас.

Таъкидлаш жоизки, 1992 йилда қабул қилинган „Таълим тўғрисида“ги Қонун Республикамизда таълимнинг тўла мустақиллигини таъминлаб беришдан ташқари уни миллийлаштириш йўлидаги муҳим босқич ҳам бўлди.

„Таълим тўғрисида“ги биринчи Қонун қабул қилингандан буён орадан ўтган 6 йил ичида таълим-тарбиядаги ислохотларни амалга ошириш бўйича сезиларли ишлар қилинди.

Лоақал мактабгача тарбия соҳасини олиб кўрайлик: таълимнинг бу бўғинида олиб борилган ишларнинг шакли ва мазмуни кескин ўзгариб борди, Республикамизда „Оила боғчалари“, „боғча-мактаб“ мажмуалари барпо этилди, мактабгача тарбия тўла маънода узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичи бўлиб қолди. Илгари болалар боғчалари асосан ота-оналарни ижтимоий фаолиятига қулай шарт-шароит яратишгагина хизмат қилган бўлса, бугун у болаларни мактаб босқичига тайёрлаб берувчи асосий таълим муассасасига айланди. Бугунги кун боғчалари зиммасига болаларни ўқишга, ёзишга, илк ҳисоблашга ўргатиш, уларга тасвирий санъат, мусиқа, экологик ва иқтисодий саводхонлик бўйича илк сабоқлар бериш, компьютер техникаси билан таништириш, хорижий таълим тизимлари, ўқувчилар билимини диагностик таҳлил қилиш, тестлар асосида ўқувчилар билимини аттестация қилиш ва бошқалар республикамиз таълим муассасалари томонидан ўзлаштирилди.

— Республикамиз мустақиллиги шарофати билан вазириликнинг хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, жамғармалар, муассасалар билан алоқалари йўлга қўйилди. Ҳозир вазирилик 20 дан ортиқ хорижий давлатлар, чет элдаги ташкилотлар, жамғармалар билан таълимни такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик қилмоқда. 1000 дан ортиқ ўқувчилар хорижий мамлакатларда билим олдилар. 400 га яқин педагоглар, таълимни бошқариш бўғинининг мутахассислари, хорижий мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўрганиб қайтдилар.

— Республикамиз таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадаларида, танлов ва мусобақаларда иштирок этишлари учун имкониятлар очилди. Ўқувчиларнинг халқаро олимпиадаларда эришган ютуқлари шуни тасдиқламоқдаки, улар эгаллаётган билимлар савияси ривожланган хорижий мамлакатлардаги ўқувчилар билимидан қолишмайди. Масалан, биргина 1997 йилда физика, кимё, математика, биология, экология каби аниқ фанлар бўйича Польша, Аргентина, Туркия, Голландия каби мамлакатларда ўтказил-

ган халқаро фан олимпиадаларида ҳамюртларимиз жами 33 та олтин, кумуш, бронза медалларини олишга муяссар бўлдилар, юқори даражали диплом ва сертификатларни қўлга киритдилар.

— Халқ таълими ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича Республика Президенти фармонларида берилган имтиёзлар изчил бажарилди. Республикаимиздаги ярим миллиондан ортиқ ўқитувчилар ва тарбиячилар, ўзлари яшаб турган коммунал уйларини бепул хусусийлаштириб, биринчи навбатда уй-жой, ер участкаси олиш, газ, сув, электр энергиясидан, шаҳар транспортдан имтиёз-ли фойдаланиш каби ижтимоий қулайликлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

— Кейинги 5 йил ичида Республикаимизда 224 мингдан ортиқ ўқувчи ўрнига эга бўлган 700 дан ортиқ мактаблар, мактаблар учун қўшимча бинолар қурилди, 5000 дан ортиқ мактаблар компьютерлаштирилди.

Бироқ тан олиш керакки, 1992 йилда қабул қилинган „Таълим тўғрисида“ ги Қонун билан белгиланган тартиб ва қоидалар жадал суръатлар билан тараққий этаётган жамиятимиз талаб ва эҳтиёжларидан орқада қолиб кетаётганлиги сезилиб қолди. Амалдаги таълим тизимларининг эскирганлиги, 9-синфни битириб таянч маълумот олаётган ҳатто 11-синфни битирган ўқувчиларнинг катта қисми ўқиш ва иш билан таъминланмаганлиги оқибатида кўчада қолиб кетаётганлиги; шахс, давлат, жамият эҳтиёжлари билан кадрлар тайёрлаш тизими орасида номутаносибликнинг вужудга келганлиги; ўқувчилар эҳтиёжи ва имкониятлари билан ҳисоблашмаслик; таълим тизимларига давлат ўлчамларини (стандарт) тўлиқ киритилмаганлиги; мактабда берилаётган назарий билимларнинг амалиётдан узилиб қолганлиги; ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш доирасининг торлиги, таълим муассасалари моддий-техника базасининг ночорлиги, таълим тизимининг ривож ва такомиллашувини белгиловчи ҳуқуқий - метёрий асосларнинг маънавий жиҳатдан эскирганлиги; миллий педагогикамиз ва илғор чет эл тажрибаларини таълим амалиётига сусткашлик билан жорий этилаётганлиги каби қусурлар шулар жумласидандир.

„Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ эса давлатимизнинг шу муҳим масалага оид сиёсатининг стратегик асоси бўлиб, у таълимни яхлит тизим сифатида ривожлантиришга, шу асосда ижтимоий ҳаётдаги ҳар томонлама камол топган, фаол шахсни шакллантириш ишига хизмат қилади.

„Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“да таълим тизимларини, унинг мазмунини, бошқариш ва режалаштиришни ҳатто унинг таъминотини ҳам тубдан ислоҳ қилиш кўзда тутилган.

Жумладан, у бошланғич таълим, ўрта, академик ва касб-ҳунар таълими 4+5+3 таркибида амалга оширилдиган бўлди. Бу таркиб ўқувчиларнинг бошланғич таълимда 4 йил, таянч таълимида 5 йил билим олишларини белгилайди. Таълим тизимининг бу икки босқичи мажбурий бўлиб, кейинги 3 йиллик босқич ихтиёрий-мажбурий тарзда икки йўналишда: ўрта таълим (академик лицейлар) ва ҳунар таълими (касб-ҳунар коллежлари) шаклида амалга оширилади.

Таълим тизимининг уч йиллик босқичи янги йўналишдаги босқич бўлиб, академик лицейлар ўқувчиларнинг қобилияти, истеъдодини ҳисобга олган ҳолда фан асосларини чуқурлаштирган, йўналтирган ҳолда ўргатишни таъминлайди. Касб-ҳунар коллежлари эса ҳар бир ўқувчига ўрта маълумот бериш билан бир қаторда уларга маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош касб-ҳунар беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўрта таълимнинг бу тармоғи таълимнинг ташкилий жиҳатлари, педагогларнинг савияси, ўқув муассасаларининг жиҳозланиши ва уларнинг илмий-методик таъминоти даражаси билан ҳозиргача мавжуд бўлган ҳунар билим юртларидан кескин фарқ қилади. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларга таъбир жоиз бўлса „энг харидоргир“ касблар ўргатилиб, унинг битирувчилари юқори касб малакаларига эга бўладилар.

Ўрта махсус таълимнинг ҳар икки йўналишида ҳам ёшларга давлат ўлчамлари асосида таълим берилади. Битирувчилар олий ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

Республикамизда ўқув тарбия жараёнини юқоридаги тартибда ташкил этиш, бу - тўла маънода ўзбек миллий модели бўлиб унинг асосий таркиби қуйидагилардан иборат:

— шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги фаолиятнинг асосий истеъмолчиси ва уларнинг амалга оширувчиси;

Давлат ва жамият — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилиги;

узлуксиз таълим — малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Фан — юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

ишлаб чиқариш — кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёрлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси ва ҳоказо.

Дастур — босқичма-босқич амалга оширилади.

I босқич ўтиш даври бўлиб, 1997-2001 йилларга мўлжалланган. Бу босқичда таълим фаолиятидаги илғор тажрибаларни сақлаб қолган ҳолда дастурий янгиликлар ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий, илмий-методик, моддий-молиявий асослари яратилади, таълимни такомиллаштиришнинг зарурий шарт-шароитлари ишлаб чиқилади.

II босқич 2001-2005 йилларга мўлжалланган бўлиб, бу давр дастурни, кадрлар тайёрлашнинг мониторинг тизимидаги ғоялар ва ҳолатларнинг самарадорлигини таъминловчи омиллар, меҳнат бозори, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади. Бу босқич белгиловчи босқич бўлиб қолади.

III босқич 2005 ва кейинги йилларни ўз ичига олади. Бу йилларда кадрлар тайёрлаш тизимлари эришилган дастлаб-

ки натижалар, хулосалар, тажрибалар асосида такомиллаштирилади, уларни ижтимоий-иқтисодий вазиятга мослаштириш, уйғунлаштириш даври кечади.

Дастурда белгиланган вазифалар бажарилгач, қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда;

- ислохотлар моҳиятини тўла англайдиган, уларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этадиган, замон талабларига ҳозиржавоб, касб-маҳорати юксак кадрлар таркиби шаклланади;

- миллий ва маънавий қадриятларимизни ўзида пухта мужассамлаштирган таълим-тарбия тизими йўлга қўйилади;

- ҳудудлар, тармоқлар ва соҳаларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжи қондирилади;

- ўқувчи ёшларга сифатсиз таълим ва тарбия беришдан сақланилади;

- аҳоли турли ижтимоий қатламларининг ҳудудий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг таълим хизматига бўлган эҳтиёжлари қондирилади;

- “Интеллектуал мулк” мамлакат хазинасига даромад келтирувчи манбага айланади;

- илм ва фаннинг жадал ривожланиши натижасида иқтисодий ривожланган жамият барпо этилади ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг ривожланган мамлакатлари буюк интеграциялашув жараёни амалга ошади.

Юқорида баён этилганларни эслатиб ўтишдан асосий мақсад шуки, бугун мактабларда ўқувчиларга пухта ва сермазмун билим бериш ўқитувчи шахсига, унинг билимига, услубига, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлишига, ўқитувчи маҳорати эса унинг олий ўқув юртида эгаллаган билимини, кейинги амалиёт босқичида нечоғлик изчиллик билан такомиллаштириб боришига боғлиқ.

Президент И. А. Каримов ўзининг Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек „Тарбиячининг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз.

Аммо замонавий билим бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак“.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, таълим муассасалари жамият, давлат улардан талаб этаётган ғоят кенг қамровли ва масъулиятли вазифа билан рўбару турибдилар.

Мактабларга компьютер техникаси олиб кирилмоқда, моддий базамизни мустаҳкамлаш учун ҳам кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда, таълим ишига ҳукумат томонидан кенг ҳуқуқий кафолатлар берилди. Лекин таълим мазмуни пировард натижада, инсон омилига, ўқитувчи шахсига, унинг тайёргарлиги ва малакасига келиб қадалади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса оддий, содда, тушунарлидир. Ўқитувчининг қобилиятини, назарий-методик тайёргарлигини, малакасини, мунтазам ва мукаммал ошириб боришни таъминлайдиган изчил тизимини барпо этиш зарур бўлиб қолди.

Шунинг учун ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимлари янги ўқитувчининг шаклланишига самарали ва фаол таъсир қилиши, бошқа тизимлари ичида ўзининг муносиб ўрнини топиши муҳимдир. Бу масалани ечиш ва таълим ислохотларини самарали амалга оширишнинг илмий асосланган шакллари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Ўйлаймизки, мазкур асарда ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакани ошириш тизимининг илмий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш бўйича баён қилинган фикрлар юқоридаги долзарб муаммоларни ҳал қилиб бериш ишига ўзининг муайян ҳиссасини қўшади.

Масалага бундай ёндашиш малака ошириш тизимини тушунишнинг салмоғини кенгайтиради ва этнопсихологик, этномаданий, миллий-минтақавий омилларни ўз ичига олади. Мазкур тадқиқот педагогика фанида янги тармоқни — „Малака ошириш педагогикаси“ни шакллантириш учун илмий-назарий манба бўлади. Шунингдек, узлуксиз таълимнинг умумий назариясини ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилади ва айни пайтда таълим тараққиётининг янги масалаларини ечишда халқ педагогикаси анъаналарини ҳисобга олишнинг муҳимлигини назарий жиҳатдан асослаб беради.

I БОБ. ПЕДАГОГ КАДРЛАР УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Узлуксиз таълим ғоясининг чуқур илдиzlари бор. Аммо унга бўлган қизиқиш бизда XX асрнинг 50-йиллари охирларида кучая бошлади. Бундай ҳол „жаҳон таълим тизимининг инқирози“, унинг „жамият тараққиёти билан баварар қадам ташлашга ноқобиллиги“ билан изоҳланади.

Таълим борасида 90-йилларда вужудга келган вазият аҳоли билимдонлигининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашуви билан боғлиқдир. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси давлат, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маданий ҳаётининг ҳамма тармоқларида ходимларнинг сифат тавсифлари ҳал этувчи аҳамият касб этади.

Таниқли рус педагог олими П.Г.Шедровицкийнинг фикрича, „таълим институтларининг инқирози, роли ва аҳамияти қайтадан янгиланадиган университетлар ғоясига қайтиш, узлуксиз тўлдириш ва мустақил таълим олиш муаммоларини муҳокама этиш алоҳида одамлар тақдирларида „муҳрланадиган“ фаолиятни қайта тиклаш ва тараққиёт жараёнларининг носозлигидан иборат асосий нарсани қамраб олади ва акс эттиради“.

„Таълим билан боғлиқ бўлган барча қусурлар — давом этади П.Г.Шедровицкий — дунё тараққиётида инсон функционал ўрнининг бузилиши оқибатидир. Ҳақиқатан ҳам, тор бир доирадаги ишлаб чиқариш функциясига моддий ва махсус тайёрланган одам доим ўзгариб турадиган оламдаги ўз ўрнини йўқотиб қўяди, турмуш тарзини қийинчилик билан ўзгартиради“.

Олий мактаб йўналишининг ўзгариши, ижтимоий ишлаб чиқариш суръатларининг жадал ўсиши, касбларнинг алмашуви, билим ва тасаввурларнинг маънавий эскириши, умумий ва махсус (касб) таълим жараёнларини

узвий боғлаб олиб боришдаги ноқобиллик, ижтимоий педагогик бошқаришнинг мавжуд тизимларидан четга чиқадиган ва ўз йўли билан ҳаракат қиладиган кенг тизимдаги қўшимча таълимнинг вужудга келиши ҳам таълим борасидаги инқирозларнинг сабаби бўлиши мумкин. „Ҳозирги вақтда олам шундай катта тезлик билан ўзгариб бормоқдаки, педагогиканинг мавжуд кўп қонун-қоидаларидан воз кечишга ва антропониканинг „тез ўзгарувчан оламда ўзлари ҳам ўзгаришга ва тез ўрганиб олишга қобил одамларни етиштириш“ ғояларига ўтишга мажбурмиз.“

Бундан узлуксиз таълим тизимининг болалар боғчасидан то малака ошириш институтига қадар бўлган йўналишдаги кетма-кетлилик маъносида эмас, балки вариантларнинг чексизлиги, таълим йўналишларини ўзгартириш ва уларни шахс танлови имконияти доирасида кенгайтириш зарурияти келиб чиқади.

Ҳар бир одам ривожланиш жараёнида ўзига оид масалалар бўйича, хоҳиш-иродасига кўра, қатъий фикрга келиши даркор, педагогик тизим эса бунда ўзини ўзи таниб олиши учун зарур воситалар ила таъминлаш йўли билан (аммо ҳеч қачон муайян қарор ила таъминлаш йўли билан эмас) унга ҳаракат имконияти яратиб берган ҳолда инсонни худди шундай қатъий фикр эгаси бўлишга олиб келмоғи керак.

Мана шундай тушуниш доирасида педагогикадаги олимларнинг кўпчилиги нуқтаи назарига мувофиқ келувчи маданий-тарихий плюрализм ғоясини амалга ошириш мумкин. Бу ерда шуни қайд этиш керакки, шўро давридаги собиқ республикаларда таълим борасида Гегелнинг „давлат одами“ ғояси ҳукмрон эди. Бунда мумтоз монизм, яъни давлат одамининг яратилиши акс этган. Худди ана шундан касб ҳақидаги қуйидаги ғоя келиб чиққан: касб, бу таълимнинг янги маъноси ва концепциясини берувчи тафаккур ва фаолиятни ташкил этиш яхлит бирликларининг асосий тўпламидир, бу ерда ўз фаолиятида мамлакат манфаатларига етарли даражада таъсир кўрсатувчи давлат амалдорлари ва фуқаролари даражасига кўтарилиш назарда тутилади...

922900

Шундай қилиб, таълим мутлақо янги мақом — ўзида давлатчилик идеаллари ва меъёрларини мужассамлантирган давлат амалдорлари, шу жумладан, ўқитувчилар тизимини шакллантириш мақомини қабул қилади..

Оламнинг — ижтимоий тизимларнинг, институтларнинг хилма-хиллиги инсоннинг узлуксиз тарзда маънавий (интеллектуал) ўсишини тақозо қилади. Агар бу хилма-хиллик ўсишдан илгарилаб кетса ёхуд шахснинг ўсишига мувофиқ келмаса, у инсон маънавий жиҳатдан емирилиши мумкин.

Узлуксиз таълим тушунчаси кўп қирралидир. Бу ерда шахс ҳаёти фаолиятининг ҳамма босқичларида унинг ривожланиши ҳақидаги қоидалар дастлабки асос сифатида мужассамланади. Ҳар бир ёшдаги одамда ўзига хос „тараққиётнинг ижтимоий вазияти“ мавжуддир. Бунда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш узлуксиз таълимнинг бош мақсади бўлиб хизмат қилади. Узлуксиз таълим концепцияси ёхуд унинг ғояси, шахс мавжудлигининг, унинг ўз-ўзини ташкил этишнинг махсус моддасидир (346). Табиийки, бу ҳол шахснинг ўзида такомиллашишга йўналтирилган ички омилларнинг бўлишини тақозо қилади. Бунда шахснинг „Мен — Концепцияси“ (ўзи ҳақидаги тасаввурлар тўплами; уларга мувофиқ тарзда инсон ҳаёт фаолиятини юзага келтиради) бир вақтнинг ўзида ҳам „идеал мен“ни (яъни, инсон унинг фикрича қандай бўлиши керак), ҳам „динамик мен“ни (яъни, одам қандай бўлишни истар эди, агар бунинг имкони бўлса) мужассамлаштира олиш мумкин ҳисобланади.

Узлуксиз таълимнинг вазифаси шахснинг ижобий „Мен — Концепция“сини шакллантириш учун психологик-педагогик шарт-шароитларини яратиб беришдан иборатдир.

Кейинги йилларда узлуксиз таълим масалаларига бағишланган кўп китоблар чиқди. ЮНЕСКОнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 70-йилларнинг бошларига келиб, узлуксиз таълим муаммолари бўйича эълон қилинган нашрларнинг сони 5 мингдан ошиб кетди. 90-йилларда бу рақам камида уч баробар кўпайди, деб тахмин

қилиш мумкин. Ушбу муаммоларни ўрганишда ЮНЕСКО, Европа Кенгаши ва Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕЭС), иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) ва бошқалар фаол иштирок этмоқдалар.

Тадқиқотларнинг кўпчилиги таълим-тарбия фаолияти тажрибасини умумлаштиришга, узлуксиз таълим тизимининг самарадорлигини оширишга, илғор тажрибаларни умумлаштириш ишига, тараққиёт имкониятларини аниқлаш каби масалаларга бағишланган.

Ушбу ишларнинг ютуқларини камситмаган ҳолда, уларнинг кўпчилиги фақат амалий характерда эканлигини қайд этиш лозим. Ҳолбуки, узлуксиз таълим муаммоларининг назарий-методологик, концептуал томонларига мазкур тадқиқотларда жуда кам эътибор берилган.

1. Узлуксиз таълим тизимининг назарий методологик асослари

Узлуксиз таълим тизимининг методологик асослари ва мазкур тизим самарадорлигини ошириш йўлларини назарий англаш билан боғлиқ бир қатор масалалар А.П. Владиславлев, В.Г. Онушкин, Б.С. Гершунский, А.Ю. Панасюк, В.Н. Турченко, В.П. Худоминский, П.Г. Щедровицкий сингари россиялик педагог ва психолог олимларнинг тадқиқотларида кенг ва батафсил ёритилган.

Жамият ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётининг турлича шароитларида ишлаб чиқилган узлуксиз таълимнинг кўпчилик концепциялари ўртасида тафовутлар билан бир қаторда, муҳим масалалар бўйича ўхшашликлар ҳам мавжуддир. Масалан, умрбод таълим концепцияси (ЮНЕСКО), тикланидиган таълим концепцияси (ОЭСР) А.П. Владиславлев, В.Г. Онушкин, Б.С. Гершунский, С.Петрачек, В.Н. Турченко, П.Г. Щедровицкийлар томонидан ишланган концепциялар ўртасидаги ўхшашлик таълим тизимини яратиш бўйича мақсадларнинг умумийлиги орқали маълум бўлади; бу эса ўз навбатида шахснинг бутун ҳаёти давомида ривожланиши, билимлар олиши, уларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш кўникма, малака ва тажрибаси учун кенг имкониятлар очиб беради.

Ушбу концепцияларда узлуксиз таълим жамият моддий ва маънавий ҳаётининг ҳамма томонларига таъсир ўтказувчи, миллионлаб кишилар турмуш тарзини тубдан ўзгартирувчи янги омил сифатида эътироф этилади; узлуксиз таълим, ҳаётий қадриятлар ва режаларнинг янги тузилишини, шунингдек, билимлар сифатига нисбатан янги муносабатни шакллантиради.

Жаҳон фани ва таълими амалиётида „саводхонлик“, „билимдонлик“, „касбий етуклик“, „маданиятлилиқ“ каби муҳим мезонларнинг бирлиги ва ўзаро ворислиги эътироф этилади. Айнан ҳар бир кишининг кенг маънодаги маданият чўққиларига кўтарилиши, ҳозирги замон маданиятининг бутун маънавий бойлигини умуминсоний қадриятлар даражасида ўзлаштирилиши узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим мақсади ва вазифаси сифатида намоён бўлади.

Давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги, улар иқтисоди ва сиёсатининг муайян тарздаги бирлиги ҳозирги даврда инсониятнинг бир қатор умумбашарий муаммолари (экология, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа йўналишларда) мавжудлигига бориб тақалади. Умумжаҳон долзарб муаммолари қаторига таълим масалалари ҳам қўшилади. Албатта, турли сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий давлат тузумларига эга бўлган мамлакатларда таълим тизими ҳам турли шаклда бўлади, ўқишни рағбатлантириш ва унинг мотивациясига ҳар хил қараш ва ёндашувлар мавжуд. Равшанки, узлуксиз таълим тизимининг тузилиши ўзига хосдир. Аммо, таълим соҳасидаги тадқиқотчиларнинг аксарияти кўп жиҳатдан янги методологик муаммо: ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва ҳатто ишлаб чиқариш-технологик (табiiй-илмий характердаги ҳодисаларни устуворлик ила акс эттирувчи) омилларни бошқа омилларга, аввало, педагогик гуманитар йўналишдаги омилларга айлантириш, кейинчалик олинган маълумотларни мазмун эътибори билан талқин этиш ва педагогик фаолиятнинг мақбул томонларини қайта ўзлаштиришнинг меъёрларини тузиб, амалиётга олиб чиқиш муаммоси юзасидан иш олиб бормоқдалар.

Бундай методологик йўналишга синчковлик билан назар ташланса, таълим, ўқитиш ва тарбиянинг узвий бир-

лиги намоён бўлади ва шундай тарзда шахс тараққиёти жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Жараённинг бошқа томонини эса шахс-индивиднинг ижтимоий-амалий фаолияти ташкил этади; педагогик таъсир этишнинг пировард натижалари эса худди ана шу фаолият мазмуни, характери ва ижтимоий шароитларига боғлиқдир. Катта ёшдаги одамнинг илгарилама тараққиётига эса, ўқиш жараёнида унинг ўқув, меҳнат ва ижтимоий фаолияти йиғиндиси асосида эришилади.

Шу муносабат билан табиийки, ижтимоий-амалий фаолиятнинг ана шундай мураккаблаштирилиши ўз навбатида таълим мазмунининг мураккаблашишига, „унинг ташкилий шаклларида туб ўзгаришлар қилиш зарурияти“га олиб келади; бу ерда гап таълим тизимини ташкилий такомиллаштириш ва унинг ижтимоий ишлаб чиқариш доираси билан алоқаларини тартибга солиш ҳисобига юксак натижаларга эришишга қаратилган туб ўзгаришлар ҳақида кетмоқда.

Ижодий салоҳиятнинг илгарилама тараққиёти узлуксиз таълим соҳасида жуда муҳимдир. Узлуксиз таълимни умрбод билимларни тўплаш ёки ходимларнинг касбий имкониятларини доим такомиллаштирилган ва соддалаштирилган ҳолда тушуниш нотўғридир.

Узлуксиз таълимнинг асл мақсади инсоннинг фақат закийлик қуввати, интеллектуал имкониятини шакллантириш ва бойитишдангина иборат эмас. Узлуксиз таълим ўқитиш ва тарбиянинг узвий бирлиги сифатида шахсни шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисмидир.

Машҳур педагог Б.С.Гершунский узлуксиз таълим ягона тизимининг тузилишини асослаб бериш масаласига жиддий методологик муаммолардан бири сифатида қарайди. Узлуксиз тизимни олий таълимнинг барча бўғинлари ташкилий ва мазмуний бирлиги ҳамда ўзаро вoрислигини таъминловчи давлат ва жамоат таълим муассасаларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Ушбу тизимда ҳар бир одамни ижтимоий эҳтиёжларининг долзарблиги ва истиқболини ҳисобга олган, биргаликда ва мувофиқлаштирилган ҳолда тарбиялаш, умумтаълим, ислоҳ этилган таълим ва касбий таълимга тайёрлаш ма-

салаларининг ечимини таъминлайди ва бунда инсоннинг бутун ҳаёти давомида ўз-ўзига, таълимга, ҳар томонлама гармоник тараққиётга бўлган интилишини қондирадиган йўналишда бўлиши лозимлиги белгиланади.

Педагог Б.С.Гершунский узлуксиз таълимнинг ягона тизимини яратиш ва уни такомиллаштириш муаммоси ўқув фанларининг умумий характерга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, унинг ўзаро боғланган тўртта асосий йўналишларини ажратиб кўрсатади.

Биринчи йўналиш — таълим тизимининг анъанавий таркибий қисмларини (мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим, касб-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш) қамраб олади.

Иккинчи йўналиш — халқ университетларида, ўқув-ахборот марказларида, турли курслар, семинарлар ва клубларда ўқиш, ишлаш ва яшаш жойларида таълим ва мустақил таълимнинг (ижтимоий сиёсий, умуммаданий, иқтисодий, ҳуқуқий, илмий-техникавий, психологик-педагогик ва ҳоказо) жамоатчилик шакллариининг жадал ривожланиш жараёнини акс эттиради.

Учинчи йўналиш — ҳар бир кишининг шахсий қобилияти, манфаати ва мойиллигини тўлиқ ва ҳар томонлама аниқлаш, фақат фаолиятининг муайян кўринишларида уларни ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиб беришга қаратилган касбга йўналтириш, танлаш бўйича ягона давлат ва жамоат тизимини яратиш ҳамда уни такомиллаштириш заруриятини ҳисобга олади.

Тўртинчи йўналиш — ўз аҳамиятига кўра энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб, у узлуксиз педагогик таълим ва мустақил таълимнинг ягона тизими билан боғлиқдир, мамлакат халқ таълими тизимининг ҳамма бўғинларини биринчи галда кадрлар билан таъминлашга ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан йўналтирилади.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғини шахснинг ривожланиши, умумий, сиёсий ва касбий таълими, мустақил таълими ва касбга йўналтирилиши муаммоларини махсус восита ҳамда усуллари ила одам ёши ва унинг психофизиологик хусусиятлари, олдинги тай-

ёргарлик даражаси, ижтимоий аҳволи, хоҳиши ва манфатларини ҳисобга олган ҳолда ечади.

Таниқли педагог олимлар В.Г.Онушкин ва Б.С.Гершунскийларнинг узлуксиз таълим тизимига ёндашувларида инсоннинг эҳтиёж доираси диққат-эътибордан бирмунча тушиб қолган. Бизнинг фикримизча, улар ижтимоий-демографик, минтақавий муаммоларни, кишиларнинг миллий хусусиятларини, уларнинг ўқишга, билимларга, таълимга ва малака оширишга нисбатан муносабатларидаги шаклланган кўникмаларни тўлиқ ҳисобга олмаганлар.

Иқтидорли олим И.Н.Назимовнинг тадқиқотларида эса узлуксиз таълим борасида етарли даражада аниқ методологик йўналишлар бор. Муаллифнинг фикрича, „узлуксиз таълим“ тизими тараққиёт жараёни объективлик ва субъективликнинг ўзаро таъсири маҳсулидир. Шунинг учун ҳам субъектив „мен“нинг эҳтиёж ва имкониятлари ҳисобга олиниши биринчи даражали масаладир.

Одам шахс ва индивид сифатида таҳлил ва бошқаришнинг объекти ва субъекти бўлмоғи керак. Аммо муаллиф кейинчалик ўз диққат-эътиборини узлуксиз таълим тизимида касбий йўналтириш муаммосига қаратиб, узлуксиз таълим тизими тараққиётини бошқаришнинг жамоат шаклларига эмас, давлат шаклларига устувор ўрин беради. Бунда одамнинг ўз-ўзини касбий аниқлаши унинг шахсияти тараққиётининг муҳим омилидир, деб таъкидланади.

В.Г.Онушкин „жамиyat ҳаётида таълимнинг фаолияти оша борган сари унинг тадқиқот муаммолари мазмуни кўп қиррали бўлиб боради. Бу, табиий равишда, тадқиқотлар илмий йўналишлари доирасининг кенгайишига олиб келади“ — деб таъкидлаган эди.

Тадқиқотчи олдида турган мақсадларга ва у вакили бўлган фаннинг билиш имкониятларига боғлиқ бўлган ҳолда таълим уч нисбий мустақил доирада : ҳ о д и с а сифатида, ж а р а ё н сифатида ва и ж т и м о и й и н с т и т у т сифатида ўрганилиши мумкин.

Агар таълимга ҳодиса сифатида қараладиган бўлса, у ҳолда одамнинг шахс сифатлари тўплами, унинг мавжуд

билимлари, қобилиятлари, кўникмалари, фуқаролик, интеллектуал, бадий эстетик етуклик даражаси, яъни бундан аввалги ўқиш ва тарбия натижаси назарда тутилди. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, бу — аниқ ўлчов ва сифат ҳолида баҳо бериш мумкин бўлган ҳодиса (таълим) эканлигини ҳисобга олиб, биз ўқитувчи таълимига ҳодиса сифатида ёндашдик.

Мазкур китобда мактаб ўқитувчисининг шахсий мотивацион сифатлари, унинг касбий тайёргарлик даражаси, педагогика олий ўқув юртида ўқиб тарбияланиш жараёнида унинг ривожланиши ва шаклланишининг ҳамда асосий касбий фаолиятининг натижаси сифатида қаралди.

Агар таълим жараён деб қараладиган бўлса, у одамга ўтказилган мақсадли таъсирларнинг тизимли комплекси деб баҳоланади, таъсирларнинг маъноси, мазмуни ва вазифалари жамиятнинг объектив эҳтиёжлари билан белгиланади, бу эҳтиёжлар таълим муассасалари фаолиятининг мақсадларидан келиб чиқади.

Агарда таълимга ижтимоий институт сифатида қараладиган бўлса, у ҳолда таълим тизимининг асосий вазифалари меҳнатнинг ижтимоий тақсимоли тизимида ўзига хос унсур сифатида тавсифланади. Ўқитувчилар малакасини узлуксиз оширишни такомиллаштириш бўйича биз ўтказган тадқиқотлар ушбу ҳолатга ҳам дахлдордир.

Таълимдаги долзарб муаммолардан бири функциялар ҳақидаги масаладир. Улар тўғрисида турлича мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу кўп жиҳатдан „таълим“ тушунчаси мазмуни ва таълим тизимининг ижтимоий тузилишини англашнинг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Баъзи муаллифлар таълим тизимини хизмат кўрсатиш доирасига киритадилар; бошқалар эса — ноишлаб чиқариш доирасига, учинчилар — ижтимоий инфраструктурага киритадилар.

В.Г.Онушкин, Е.И.Огарев, А.Л.Загорский, Т.В.Меркулова, Е.П.Дубровина, Т.А.Кузнецова, В.Н.Турченковларнинг бу масаладаги қарашлари қуйидагичадир:

„Таълим тизими — бу ижтимоий институт, унинг ривожланиши жамият базаси ва устқурмаси ўртасидаги му-

вофиқлик қонунияти билан аниқланади. Жамиятда таълим тизими икки асосий вазифани бажаради:

1. Иқтисодий вазифа: жамият аъзоларининг касбий имкониятини шакллантириш йўли билан ишчи кучини қайта ишлаб чиқишга жалб этиш;

2. Ижтимоий вазифа: ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш. Комил инсон талабларига мувофиқ шахсни тарбиялаш таълим фаолиятининг бош мақсадини ташкил этадики, бошқа барча масалалар бунинг ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади.

2. Бизнинг таълим тизимимизда қуйидаги нуқталарни назар ўтказилади:

1. Таълим — бу маънавий юксалиш, ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш тизимидир.

2. Ўқитувчи — бу энг мураккаб ишлаб чиқариш ходими, комил инсондир. Етук шахсни камолга етказиш эса пировард оқибатда инсон маданиятини тубдан ўзгартириб, янги сифатга ўтказилади.

Бу икки нуқталар назар таълимнинг ижтимоий моҳиятига бизнинг муносабатимизни ифода қилади. Иқтисодий моҳият бўйича фикримиз қуйидагича баён қилинди.

1. Таълим — бу танланган соҳада юқори меҳнат унвондорлигини таъминлаш мақсадида одамларни касбга тайёрлаш тизимидир (функционал саводхонлик, ишбилармонлик, ижод, касб маданияти, этика ва ш.к.);

2. Инсон фаолияти самарадорлигини ошириш таълимнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Педагогик таълим соҳасида унинг ижобий ҳал этилиши жамият тараққиёти ишига қўшилган бениҳоя катта ҳиссадир (маданият, ишлаб чиқариш, фан ва ш.к.).

Шунинг учун ҳам жамиятнинг ижтимоий буюртмасига, маълум одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўз вақтида аниқ жавоб бериш, таълим иқтисодий функциясининг муҳим таркибий қисмидир.

Биз ўқитувчи таълимига муносабат билдирганимизда ижтимоий ва иқтисодий ишларни кескин чегаралаб қўймаймиз. Ҳақиқатдан ҳам, бу ягона жараёндир, ўқитувчи таълим олиш натижасида ўзини бутунлай таълим ва

тарбияга бағишловчи, касбий виждон ва маҳоратнинг юқори чўққиларини эгаллаган шахс бўлиб шаклланади.

Тадқиқот жараёнида биз педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини тўлдириш, мослаштириш ва ривожлантириш истиқболларини аниқ кўрдик. Балки, бу минтақа тизимининг хусусиятлари бўлиши мумкин.

Тўлдириш функцияси — ёши катталарнинг турли сабабларга кўра болаликда ололмай қолган таълимни олиш ёхуд етказиб олиш имкониятини беради.

Мослаштириш функцияси — шахснинг доимий ўзгарувчи оламга мослашиб бориши;

Ривожлантириш функцияси — шахснинг ижодий имкониятини узлуксиз бойитиб боришидир.

Узлуксиз таълимнинг бўғини ҳисобланмиш малакани оширишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган функциялари шахсни такомиллаштиришга йўналтирилган, технологик ва иқтисодий томонларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши ва шахснинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак. Узлуксиз таълимнинг энг муҳим вазифаси шахсни ҳар томонлама камол топтириш, маданиятини оширишдан иборатдир.

Қайд этиш керакки, таълимнинг амалий эҳтиёжларини қондириш йўналишида туб бурилиш яшаш, унинг мазмунига янги амалий билимлар қўшилишини тақозо қилади.

Кейинги ўн йилликларда тор касбий амалиётнинг таълимга, олий мактабнинг эса, умумтаълим мактабларидаги таълим мазмунига тўла маънодаги „тажовуз“ („экспансия“) ила кириб келаётгани аниқ кузатилди. Олий мактаб ихтисослашган ва унга кирувчиларни маълум даражада тайёрлаш тақозо этилади. Табиийки, бу иш фақат мактабнинг ички имкониятлари ҳисобибагина бўлиши мумкин. Методист олимлар мактаб ўқув фанлари мазмунини таҳлил қилар эканлар, кўпинча ўз нуқтаи назарларида унча муҳим ҳисобланмаган қисмларни ўқув дастуридан чиқариб ташлайдилар, олий мактаб буюртмасига кўра бўшаб қолган соатлар ўрнига янги ўқув фанлари қўшилади. Шу боисдан, ҳозирги вақтда умумтаълим мактабларининг ўқув дастурларида дастлабки тайёрлов курслар-

нинг камайишига мойиллик кузатилмоқда. Бинобарин, дастурлардан тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим қисмлар чиқариб ташланяпти.

Ўқув фанлари ва курсларининг аҳамияти, мазмуни ва йўналтирилганлиги бугунги кунда — атрофлича илмий таҳлил қилиб берилган эмас. Шунинг учун ҳам „сиқиб чиқариш“дан иборат доимий жараён содир бўлмоқда, бу билан аксарият ҳолларда асосий курслар маъно ва мазмундан маҳрум этилмоқда. Улар ўзларининг қисмларидан маҳрум этилгач, умумий билимлар йиғиндисига, мазмунини йўқотган қуруқ фикр — догмаларга айланиб қолмоқдалар. Биз бунга муҳим методологик муаммоларни асос ва касбий таълимнинг алоқаси ҳамда муаммоси етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигида намоён бўлиши, аниқроғи, узлуксиз таълим тизимининг турли бўғинларида содир бўлаётган жараёнларни боғлай олмаслик оқибати деб қараймиз. Оқибат натижада, маданий-тарихий плюрализмнинг ижобий ғояси ўзининг аксига (монизм) айланиб қолади. Шу боисдан узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинини мазмунан чуқур ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлади. Уларнинг ҳар бири бўйича шундай такомиллашув даражасига эришмоқ керакки, токи улар биргаликда узлуксиз таълимнинг ягона тизимини яратиш имкониятини таъминлаб берсинлар.

Фақат шундагина узлуксиз таълим ғояси таълим сиёсатининг етакчи асоси сифатида эътироф этилади. Бунга 1972 йилдаёқ таълим тараққиёти бўйича ЮНЕСКО Халқаро комиссиясининг маърузасида диққат-эътибор қаратилган эди: „узлуксиз таълим бу қандайдир алоҳида таълим тизими бўлмасдан, балки бутун таълим тизими таянадиган тамойиллардир ва улар ўзаро мос равишда, таълим тизимининг ҳамма таркибий қисмлари тараққиётини олдиндан белгилайдилар“.

Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғинлари кўпчилик мамлакатларда қуйидагича белгиланган: мактабгача тарбия, умумий ва ўрта таълим, мактабдан ташқари тарбия, касб-техника таълими, ўрта махсус таълим, олий таълим. Шарқий Европанинг қатор мамлакатларида, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)

мамлакатларида ушбу тизимга малака ошириш факультетлари ва институтлари (МОФ ва МОИ), ҳар хил такомиллаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш курслари ҳам киритилган.

Муаллиф таълим тизимининг фақатгина ташқи жиҳати, яъни жамият эҳтиёжларига қаратилган томони (гарчанд у зарур бўлсада) етарли эмас, деб ҳисоблайди. Ҳозирги замон шароитлари, айтилиши мумкин, тизимнинг ички жиҳатлари, яъни шахс эҳтиёжларига йўналтирилган томонлари ҳисобга олиниши лозимлигини ҳам тақозо этади. Бундай мўлжал — узлуксиз таълимнинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиб кўрсатиш имкониятини беради: инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш, табақалаштириш, демократлаштириш, ўқув фанларини интеграциялаштириш.

Узлуксиз таълим тизимининг бўғинлари собиқ „социалистик лагер“ мамлакатларида жуда кўп умумийликларга эга эди. Шунинг учун узлуксиз таълим ғоясига назарий-методологик ёндашишда концептуал яқинлик ҳам мавжуд эди. Бу энг аввало, узлуксиз таълим тизимининг бирлиги тўғрисидаги талқинда (бу ҳолат мазкур мамлакатларнинг кўпчилигида қонунчилик йўли билан мустақамланган) ушбу тизим таркибий қисмларининг ўзаро таъсирини аниқлашда, шунингдек, объектив омилларни белгилашда, тизимга хос бирлаштирувчи жиҳатларни белгилашда намоён бўлади.

Собиқ Иттифоқ тарқалгандан сўнг республикаларнинг таълим тизимларида туб ўзгаришлар содир бўлди. Шу билан биргаликда, қайд этиш керакки, МДҲ мамлакатлари халқ таълими вазирликлари ўртасида алоқа мавжуд. Албатта, бозор иқтисодиётига ўтиш, мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият ҳар бир мустақил давлатдан ўзининг миллий-минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатда ҳаёт ва фаолиятнинг ҳамма томонларини қайта қуришни тақозо қилади. Бироқ „янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма“ иборасини унутмаслик керак.

Фикримизча, узлуксиз таълимнинг ягона тизимини янада такомиллаштириш учун бизда етарли даражада мустақам пойдевор бор. Шубҳасиз, жамиятда ижтимоий-иқти-

содий, сиёсий ҳаёт тарзининг ўзгариши муносабати билан узлуксиз таълим тизимида жиддий ислоҳотлар ўтказиш зарурати туғилади. Лекин ислоҳотлар жиддий илмий асосларда амалга оширилиши зарур.

Ушбу тадқиқот муаллифининг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида 1993 йилда „Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим концепцияси“ ишлаб чиқилди. (I-чизма).

Ушбу чизмадан кўринадики, инсон ҳаёт йўлининг биринчи босқичига узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим бўғини мос келади. Бу ерда шахс ривожланишининг пойдевори ўрнатилади: шахсий мойилликлар шаклланади; табиат ато этган куртаклар, ҳиссиёт маданияти, болаларнинг қобилиятлари ривожланади; уларга хос бўлган қизиқувчанлик, ташаббускорлик ва мустақиллик рағбатлантирилади; илк ижтимоий-маданий қондалар ва ахлоқий меъёрларнинг ўзлаштирилиши таъминланади; болаларни тизимли таълимга тайёрлаш амалга оширилади.

Мактабгача таълимни амалга оширишда оила етакчи бўлади; мактабгача муассасалар бу борада оилага ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга даъват этилади. Таълимнинг ушбу бўғини учун асосий деб ҳисобланадиган муассасалар қаторига яслилар, болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари, болалар интернатлари ва ижтимоий ёки бошқа сабабларга кўра оилавий таълимнинг имкони бўлмаганлиги ёки унинг камчиликларини йўқотишга даъват этилган мактабгача тарбия муассасаларининг бошқа турлари киради.

Мактабгача таълимнинг қўшимча кўринишлари болаларнинг таълимга оид шахсий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади (тил, спорт, гуруҳлари ва ҳоказо).

Мактабгача таълим ташкилий тизимининг хилма-хиллиги ва ихчамлиги болалар ривожланишининг хусусиятларини ҳисобга олиш (ривожланишда орқада қолганлардан тортиб, истеъдоддиларгача) имконини беради.

Ота-оналарнинг психологик-педагогик саводхонлигини таъминлашга умумпедагогик ўқув воситалари орқали эришилади, бу иш оммавий ахборот воситалари,

таълимнинг расмий ва норасмий тузилмалари, шахсининг мустақил таълим олиши орқали амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларга илмий билимлар, ишбилармонлик асослари, меҳнат ва илк қасб кўникмаларини сингдириш, шунингдек, уларнинг шахсий ижодий қобилиятлари ва ахлоқий фазилатларини таъминлашга эътибор қаратилади.

Унинг биринчи босқичида — дастлабки поғонада умумтаълим мактабида ёш бола шахсининг шакллана бориши, қобилиятлари, мулоқот ва ҳамкорлик тажрибасининг ривожлана бориши, кўникма ва ўқиш хоҳишининг шаклланиши таъминланади. Бошланғич мактабда ўқувчилар ўқув фаолияти кўникмаларини эгаллайдилар, ўқиш ва ёзишга, ҳисобга ўрганадилар; тафаккур, шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи асосларини эгаллайдилар. Болаларда табиат, жамият, инсон ва унинг фаолияти ҳақида дастлабки тасаввурлар шакллана бошлайди.

Иккинчи босқичда, яъни мактабда (V-IX синфлар) умумий таълим бўйича тайёргарликнинг пойдевори қурилади. Бу эса битирувчиларга таълимни давом эттириш ва ҳозирги замон жамияти ҳаётига тўлақонли киришиб кетиш учун зарурдир.

Ўқувчи шахсининг, унинг мойилликларининг ҳар томонлама ривожланиши, ўзини ўзи англаш қобилияти, илмий билимлар асосларини, дунёни тушунишни, ахлоқ ва маънавиятнинг умуминсоний ва миллий меъёрларини ўзлаштиришини таъминлайди.

Умумий ўрта мактабда ўқувчиларнинг сўровлари ва мойилликларига мувофиқ тарзда табақалаштирилган ўқитиш жараёни жорий этилади:

Бу ўқув фанларини танлаб ўрганиш, факультатив курсларни ўзлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Жамиятдаги янги ижтимоий-иқтисодий вазият реалликлари мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбиясига мос келмоғи даркор. Агар илгари меҳнатга тайёрлашнинг ижтимоий вазифаси ёшларни ишлаб чиқариш усулининг барқарор унсурларга мослаштиришдан ва халқ хўжалигини ижрочи ходимлар билан таъминлашдан иборат бўлган

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими

	Таълим тизими	Таълим босқичлари	Ўқиш муддатлари	Ўқишгу-гайдиган ёши	Олган маълумоти бўйича олинмаган хужжат
О И Л	Мактабгача тарбия	Илк билим олиш, мактабга тайёрлаш	6	7	Берилмайди
А Д А	Умумий таълим	Бошланғич (I—IV) Ўрта (V—IX)	4 5	11 15—16	Берилмайди Шаҳодатнома
Т А Ъ	Ўрта махсус, касб-хунар таълими	Қўшимча маълумот олиш	1—3	6—18	Гувоҳнома берилиши мумкин
Л И М	Ўрта махсус, касб-хунар таълими	Академик лицей, касб-хунар коллежлари	3	18—19	Танланган касби ёки йўналтирилиши бўйича диплом
	Олий таълим	Бакалаврият (универ., инст.)	4	21—22	Бакалаврият (ихтисоси бўйича диплом)
		Магистратура (универ., инст.)	2	23—24	Магистратура (ихтисоси бўйича диплом)
	Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш	Аспирантура (I Олий босқич)	3	26—27	Фан номзоди (ихтисоси бўйича диплом)
		Докторантура (II Олий босқич)	2	28—29	Фан доктори (ихтисоси бўйича диплом)
	Кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш	4—10 ой	60 ёшгача	Гувоҳнома ёки диплом
	Мустақил таълим	Мустақил равишда билим олиш	доимий	Нафақа ёшгача	Берилмайди

бўлса, энди у ўқувчиларда махсус ва умумий қобилиятларни аниқлаш ва имкон қадар ривожлантиришни, физиологик тизимларнинг функционал яшашини такомиллаштириш, саломатликни мустаҳкамлаш, яратувчилик фаолияти жараёнида ўқувчиларни реал меҳнат муносабатларига жалб этиш, уларда мустақиллик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, политехник қарашлар, ҳозирги замон иқтисодий, ҳуқуқий тафаккурини тарбиялаш, меҳнатга ижтимоий зарурат сифатида муносабатда бўлишни шакллантиришни ўз ичига олади.

Ўрта таълимнинг учинчи босқичида ўқувчиларни умумтаълим доирасида фанларни чуқурлаштириб ва табақалаштириб ўқитиш, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури қабул қилиниши муносабати билан қисман ўзгартирилди. Бу ўзгариш болаларнинг мустақил ҳаётга фаол кириб боришларини таъминлашга қаратилади. Мазкур босқичда ўқувчиларни унча мураккаб бўлмаган ишчи касбларига ўқитишни ҳам ташкил этиш мумкин.

Таълим олиш ва уни чуқурлаштириш имкониятларини мактаблар (математика, тиллар, мусиқа, бадийий, спорт ва б.), шунингдек, мактаб-интернатлар, носоғлом болалар учун даволовчи мактаблар, махсус тартиб мактаблари ва шу каби тармоқлар ривожлантирилади.

Сиртдан ўқишни ташкил этиш учун умумий таълим олишнинг шаклларида бири сифатида махсус шароитлар яратилмоқда. Мактабдан ташқари таълим умумий таълимнинг қўшимча тузилмаси бўлиб хизмат қилади. Болалар ва ўсмирларнинг шахсий эҳтиёжларини янада тўла-роқ қондириш мақсадида давлат идоралари, мулкчиликнинг турли шаклларига эга бўлган корхоналар, жамоатчилик бирлашмалари ва фуқаролар маданий-эстетик, табиий-илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларга эга бўлган мактабдан ташқари муассасаларни ташкил этишлари мумкин.

Касб-ҳунар таълими ва шунга яқин турадиган бошқа ўқув муассасалари таълимнинг навбатдаги поғонасидир. Касб-ҳунар таълимининг узлуксиз таълим муҳим поғонаси сифатидаги бош вазифаси малакали ишчи кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Касб-хунар таълими асосан касб-хунар коллежларида амалга оширилади, уларда турли касблар ва касб гуруҳлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Мазкур ўқув муассасаларини битирган ўқувчиларга халқ хўжалигининг турли соҳаларида эгаллаган касби бўйича ишлаш ёки олий ўқув юртларида ўқиб, касб маҳоратини янада ошириш имконияти берилади.

Ўрта махсус таълим узлуксиз таълимнинг ва кадрлар тайёрлашнинг маълум поғонаси ҳисобланади. Фаолият турларининг, халқ хўжалиги тармоқларининг ўрта босқич мутахассисларига бўлган эҳтиёжнинг ҳар хиллиги турли ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар, иқтисодий, тиббиёт, педагогика, бадиий ва бошқа касб коллежлари ташкил этиш лозимлигини тақозо қилади.

Моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришдаги ўзаро муносабатларининг объектив жараёнлари, барча даража ва табақа ходимлар меҳнатининг юксак ақлий босқичга кўтарилиши, янги турдаги ўқув юртлари, коллежларни олий ўқув юртлари негизида ташкил этишни тақозо қилади. Бу ерда билимлар кенг кўламда қўлланиладиган ишлаб чиқариш корхоналари учун ишчилар тайёрлашдан тортиб, кичик инженер, фельдшер, санъат ходими, ўқитувчиларгача тайёрланади. Бундай ўқув юртлари олий даражадаги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш ва шу тоифадаги ходимлар таълимининг асосий шакли бўлиб хизмат қилади.

Янги турдаги ўқув юртлари шахсий қобилият ва мойилликларни ҳисобга олган ҳолда, юқори даражада тайёргарлиги бўлган ўқувчиларга келажакда олий ўқув юртларида таълим олишни давом эттириш имкониятини, бошқаларга эса, ўрта босқич мутахассиси малакасини берган ҳолда; ҳар бир ўқувчининг ижтимоий ҳаёти учун зарур билим ва касб-кор эгаллашларини таъминлайди.

Бевосита ишлаб чиқаришда ишчи кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини оширишга мувофиқ тузилмалар ёнма-ён тарзда фаолият кўрсатадилар. Умумий ва касб таълимининг жамоатчилик, норасмий ва ташаббускорлик асосидаги таркибий тузилмалари ҳам бу борада тўлдирувчи таълим вазифасини бажаради.

Олий таълим узлуксиз таълимнинг поғонаси сифатида ўз олдига юқори малакали мутахассислар тайёрлашни мақсад қилиб олади, бу ўқув масканлари талабалари чуқур умумилмий билимларга ва фаолиятнинг танлаб олинган соҳасида зарур касбий кўникмаларга эга бўладилар, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳам ушбу таълим поғонаси доирасига киради. Олий ўқув юрти мутахассисларнинг асос таълими сифатида ҳам намоён бўлади, чунки уни битириб чиқувчи ўзининг касбий ўсишида ҳам, умумтаълим йўналишида ҳам тўхтаб қолмайди. Билиш ва воқеликни қайта ўзгартиришнинг қудратли воситаларини олган ҳолда ихтисослашган фанлар асосларининг мустаҳкам (фундаментал) билимларидан фойдаланибгина қолмасдан, айтилиш вақтда шу асосларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқаришни яхшилаб яратиш, ижтимоий амалиётни ривожлантириш, том маънода моддий ва маънавий маданиятни ўз ижодий маҳсулотлари билан бойитиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида ўқитиш икки поғонали асосда олиб борилади; битирувчиларга „бакалавр“ ва „магистр“ даражалари берилади. Талабага бўлажак касб фаолиятининг соҳаси ва методологик билимларни бериш, фикр алмашишни тарбиялаш ва шу йўсинда воқеликка нисбатан фаол қайта ўзгартириш муносабатини шакллантириш олий ўқув юртининг муҳим вазифалари қаторига киради. Шу билан бирга, олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг касбий фаолияти сифатига талабчанлик янада оширилади.

Олий мактаб имкониятидан малакани ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, мамлакатда маданий-маърифий фаолият учун янада тўлиқроқ фойдаланиш керак. Шу муносабат билан олий ўқув юртлари, биринчи навбатда, университетларнинг узлуксиз таълим фаол марказлари сифатида, барча табақаларнинг маънавий-касбий эҳтиёжларини қондиришда беқиёс ўрни борлигини таъкидлаш лозим.

Олий таълим тизимларида уларнинг кундузги бўлимлари муҳим роль ўйнайди. Олий таълимнинг кечки, сиртқи, тўлиқ бўлмаган, тезлаштирилган шакллари, „очиқ уни-

верситетлар“, екстернат ва бошқалар ёндош тузилмалар бўлиб хизмат қилади, қўшимча бўғинлар: тайёрлов бўлимлари ва курслари, шунингдек норасмий таълимнинг турли тузилмалари, студентларнинг илмий жамиятлари ва ҳоказолардан иборатдир.

Узлуксиз таълимнинг тўла ҳуқуқли бўғинлари сифатида олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларидаги аспирантура, илмий изланувчилар, докторантуралар фаолият кўрсатади, бу поғонада илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади. Докторантура ва аспирантура жиддий танлов асосида ривожланиши керак.

Докторантуранинг асосий — вазифаси олий малакали мутахассислар, илмий мактаблар ва йўналишларнинг раҳбарларини, фан ва техниканинг муҳим соҳалари учун тадқиқотчилар тайёрлаб беришдан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларига фаол таъсир ўтказиш имкониятига эгадирлар.

Узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бу ишчилар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш тармоқларидир. Ўқув жараёни бу ерда фаол ўқитиш тамойиллари асосида ташкил этилади; рағбатлантириш кучайтирилади ва ходимларнинг мустақил таълим олишида кенг қўламдаги воситалар қўлланилади; бунинг натижасида узлуксиз таълим тизимидаги узилиш йўқолади. Шундай қилиб, таълим тизимида изчиллик ҳосил бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёт жадаллашган сари фан, техника ва технология тараққиётининг янги ва энг янги йўналишлари бўйича кадрларни қайта тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади; малакани ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида асосий ташкилий шакллар қуйидагилардан иборат бўлиб қолади: олий ўқув юртлари, олий касб ўқув юртлари, малака ошириш институтлари ва факультетлари, узлуксиз таълим марказлари, норасмий таълим ва бошқалар.

Узлуксиз таълим тизимининг ажралмас таркибий қисми сифатида аҳолининг турли маданий-таълимий эҳтиёжлари ва талабларини қондириш учун мазмунан мувофиқлаштирилган норасмий таълим бўғинлари хизмат қила-

ди. Аёллар, аҳолининг нафақа ёшига етаётган ва нафақахўр шахслар ҳамда ишламаётганлар учун таълим борасида кенг имкониятлар яратиб бериш олижаноблик бўлибгина қолмай, балки меҳнаткашларнинг фаол ҳаётини узайтириш омили ҳамдир.

Жамиятдаги энг қобилиятли, ҳар томонлама етук, илмини такомиллаштириш устида фаол ишлайдиган ходимларнинг интилишларини ҳар жиҳатдан рағбатлантириш зарур.

Ногиронлар, суст интеллектуал имкониятли, ақлий ва жисмоний томондан етишмовчилиги бўлган шахслар жамиятнинг алоҳида диққат - эътиборига муҳтождирлар. Улар учун махсус таълим тизимларини яратиш чораларини такомиллаштириш керак.

Ёшларни, умуман, аҳолини имкониятларига қараб касбга йўналтириш тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, кадрларни ҳар томонлама ташкилий, методик, ҳуқуқий, илмий ахборотлар билан таъминлаш узлуксиз таълим тизимидаги самарадорликнинг зарурий шартларидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён узлуксиз таълим тизими асосларини ишлаб чиқиш бўйича муайян илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мазкур китоб умумжаҳон муаммосининг унча катта бўлмаган бир қисми узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий-методологик асосларини ўрганишга бағишланган.

Бирор илмий муаммонинг назарий асосини тўғри белгилаш учун мазкур масаланинг дунё миқёсидаги ҳақиқий ҳолати билан атрофлича таниш бўлиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам биз жаҳонда узлуксиз таълим тизимига концептуал ёндашувлардаги асосий йўналишлар устида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб билдик. ЮНЕСКОнинг „умр бўйи таълим“ концепциясидаги „таълим“ тушунчасига инсон шахси шаклланишининг барча (фақат махсус ташкил этилган жараёнгина эмас) жараёнларини киритишга интилиш характерлидир. Бунда жараён натижа устидан устуворликка эга бўлади. Мазкур концепция учун таълим олиш усули эмас, балки таълим-

нинг натижаси муҳим ҳисобланади. Бунда эса, ўз навбатида таълим одатдаги талқинлар доирасидан четга чиқади. Ўғтибор ўқитишга эмас, балки ўқишга берилади. Бунинг оқибатида таълим муассасалари, ижтимоий институтлар ва таълим дастурлари мажмуи (номенклатураси), ўз навбатида, салмоқли даражада кенгайди. Узлуксиз таълим ғоясини амалга ошириш жараёни ижтимоий ва ишлаб чиқариш муҳити, оммавий коммуникация муддатлари ва шахслараро мулоқот доирасини ҳам қамраб олади. Шундай қилиб, ушбу концепция „таълим“ни кенг маънода тушунишга асосланади.

„Таълим“нинг бундан ҳам умумийроқ талқинига бутун жамиятни „таълим макроорганизми“га айлантириб юборишга қаратилган, „ўргатувчи таълим“ концепциясида дуч келиш мумкин, унинг мақсади барча тарбиявий таъсирларнинг ижобийларини бирлаштиришдан, салбийларини чеклашдан иборатдир. Бу ерда таълим ва уни ижтимоийлаштириш, ўқитиш билан ўқиш ўртасидаги чегарани олиб ташлашга интилиш кўзга ташланади. Ҳамма нарсани ўз ичига оладиган ҳеч нарсани истисно қилмайдиган концепция кам маҳсулдор бўлади, бунинг устига шу мазмундаги концепциялар ҳозирги замонда ижтимоий ҳаёлий турлар бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ОЭСР томонидан ишлаб чиқилган „янгиланувчи таълим“ концепцияси кўпроқ ҳаётий ва маҳсулдордир.

Ушбу концепциянинг мақсадлари:

1. “Катта ёшлилар таълими” учун мавжуд ўқув юртларининг имкониятларидан фойдаланиш;
2. Махсус (ташқил этилган) таълимий дастурлар тузиш ва уларни ўқув юртлари доирасида, ҳам уларнинг ташқарисида мувофиқлаштириш;
3. Ҳар бир фуқаро учун унинг бутун ҳаёти мобайнида меҳнат қилиш ва таълим олишни даврий алмаштириб туриш учун, шу жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, ҳуқуқий, сиёсий ва моддий шароитлар яратиб беришдан фойдаланишдир.

ЮНЕСКО экспертлари томонидан ривожланган мамлакатларда таълимнинг ҳозирги замон тизими барча бос-

қичлари учун узлуксиз таълим тамойиллари ишлаб чиқилди. Булар қаторига қуйидагилар киради:

- узлуксиз таълимнинг умумий характерга эга эканлиги;

- таълимнинг турли босқичлари, шахс шаклланиши йўналишлари ўртасидаги ворислик;

- таълимга таъсир этишнинг барча воситалари ва омилларининг уйғунлаштирилиши (ўқув юртлари, ижтимоий муҳит, ишлаб чиқариш, ахборот воситалари, маданият муассасалари);

- умумий ва касбий таълимнинг ўзаро алоқадорлиги;

- политехник ва ишлаб чиқариш таълими;

- таълим тизимининг очиқлиги ва ихчамлиги.

- ўқитиш соҳасини танлаш эркинлиги ва хоҳлаган ёшда таълим тизими хизматидан фойдаланиш имконияти. Ўқитишнинг воситалари, усуллари ва шакллари (кундузги, кечки, сиртқи, турли ахборот манбаларига таянган ҳолда) ўзи танлаш эркинлиги. Аввал олинган расмий ҳужжатлар (гувоҳномалар, дипломлар) ёки аввалги амалиётга кўра эмас, балки шахсий қобилият ва мойилликлар асосида исталган кўринишдаги таълимдан фойдаланиш имконияти.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра дунёдаги деярли барча мамлакатлар узлуксиз таълимида умумий ўрта таълим „асос“ деб ҳисобланади. У барча учун мажбурий таълим бўлиб, шахс тараққиёти даражасини таъминлаши, ҳар бир шахсга таълим борасида жамият яратиб берган барча имкониятлардан фойдалана олиш имконини яратиши керак. Ўрта махсус касб-ҳунар мактаби эса унинг битирувчиларига мустақил меҳнат фаолияти кўрсата олиш имкониятини таъминлаши керак. Ҳамма хорижий концепцияларда мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари биргаликда узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим таркибий қисми деб қаралади.

Мисол тариқасида Япония, Англия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатлар таълим тизимларининг ўзига хос хусусиятларини мутлақо камситмаган ҳолда тарихий тараққиёт жараёнида жаҳоннинг энг намунали тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган АҚШ нинг таълим тизимини қисқача кўриб чиқамиз.

АҚШ таълим тизими бошқа мамлакатлар учун „намуна“ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу мамлакатда узлуксиз таълимнинг ягона тизимининг қўйилиши шубҳасиз кўпчиликда қизиқиш уйғотади.

АҚШ да таълим учта асосий босқичдан (бошланғич, ўрта ва юқори) иборат. Шунингдек, касб таълими, катта ёшдагилар учун таълим, махсус даражадаги болалар учун мактаблар ёки синфлар, болалар боғчалари ҳам кўпчилик штатларда таълим дастурининг таркибий қисми эканлигини кўрамиз.

Ота-оналар ўз болаларини ўқитиш учун бепул жамоат мактабини ёки пуллик хусусий мактабни танлашлари мумкин. Хусусий мактаб ва коллежларда ўқишнинг ташкил этилиши, дастур, ўқув режаси ва мазмунига кўра жамоат мактабларидан асос-эътибори билан фарқ қилмайди, бироқ бошқариш борасида фарқланади, бу ўқувчиларни мактабдан мактабга кўчириш, турли хилдаги мактаблар ўртасидаги алоқаларни енгиллаштиради, таълим босқичларида ворисликни таъминлайди.

Бошланғич ва ўрта даражадаги таълимни кўпчилик ўқувчилар жамоат мактабларида оладилар. Хусусий мактабларда ўқийдиган кўпчилик болалар черков мактабига ҳам қатнайдилар.

Мактабда ўқув йили одатда сентябрдан келаси йилнинг июнь ўрталаригача бўлган 9 ойни ўз ичига олади. Таълимнинг ташкилий тузилишининг умумий модели 6-3-3 схемасидан иборат бўлиб, у ўз таркибига 1—6-синфлардан иборат бошланғич мактабни, 7—9-синфлардан иборат ўрта мактабни ва 10—12-синфлардан иборат юқори мактабни қамраб олади.

Шунингдек, 1—8-синфли ўрта ва 9—12-синфли юқори мактаблар таълим тизими тармоқлари ҳам кўпчилик жойларда сақланиб келинмоқда; АҚШда 1—6-синфлардан иборат бошланғич, 7—12-синфлардан иборат ўрта мактаблар ҳам мавжуддир. Ҳозирги кунда бир хиллаштирилган таълим тизимида ҳар икки кўринишдаги бошланғич ва ўрта таълим даражалари билан иш кўраётган мактабларни ҳам учратиш мумкин; штатларнинг кўпчилигида 6-3-3 ёки 6-2-4 схемалари қўлланилмоқда.

Мактабгача таълим. Одатда бола таълими боғча синфларида бошланади ва аксарият ҳолларда жамоат мактабларида шаклланади. Кўп штатларда яслилар ҳам мактабларни ўқувчилар билан таъминлайдилар. Бундай гуруҳлар 4—5 ёшли болалардан иборат бўлади. Мактабгача таълим дастурлари уй, ота-оналар билан яқиндан алоқада бўлишни назарда тутати. Ушбу дастурларнинг асосий мақсади болаларга фойдали ҳаёт тажрибаси бериш ва ана шу йўсинда уларни бошланғич мактабга тайёрлашдан иборат. Дастурлар ихчам, айна вақтда болаларга ўз қобилиятларини очишга, бошқалар билан мулоқот қила олишга ёрдам берадиган тарзда тузилган.

Бошланғич таълим. Асосий мақсад 6—7 ёшдан 10—11 ёшгача бўлган болаларни умумий интеллектуал ва ижтимоий ривожлантиришга қаратилган. Дастур хусусий ва жамоат мактабларининг ташкилий ва таълимий мақсадлари доирасида бўлиб, унда анъанавий дастурда белгилаб қўйилган ўқув фанларини ўрганишдан иборатдир. Синфдан синфга кўчириш ўқувчининг ўқиш, ёзиш, имло, ҳисниҳат, математика, тарих, география, мусиқа ва санъатда махсус билим-кўникмалар борасида эришган ютуқларига асосланади.

Умумий ўрта таълим мактаби. Ўқувчиларнинг кўпчилиги тиллар, фан асослари, ижтимоий билимлар, математика ва жисмоний тарбияни ўз ичига олган ўқув курсини эгаллайдилар. Ўқув фанлари чет тиллар, нодир санъат турлари ва касб таълими доирасида танланиши мумкин. Ўқувчилар мактаб дастурининг ярмига яқинини 5—7-синфларда ўрганадилар.

7—8—9-синфлардаёқ ўқувчилар катталар билан биргаликда ўзларининг келажак истиқболларини режалаштириш ва бўлажак ишларида зарур бўладиган ўқув фанларини танлаб олиш бўйича катта ҳажмли иш бажарадилар. Мазкур юқори босқич мактабларда коллежлардаги уч йиллик ўқишнинг дастлабки икки ўқув йилида ўргатиладиган билимлар берилади.

Асосий ўқув фанлари 10—11—12-синфларда ўрганилади, лекин баъзи бир юқори ўрта мактабларда ўқувчилар ўз истакларига мувофиқ тарзда, танланадиган ўқув фанла-

рининг сонини оширишлари мумкин. Асос ўқув фанлари-га (тиллар, фан асослари, математика, ижтимоий билимлар ва жисмоний тарбия) қўшимча тарзда қўпчилик мактаб тизимлари уч ва ундан ортиқ (академик, касб ва умумий) таълимга мўлжалланган машғулоти курсларини танлаб олишни ўқувчиларга таклиф қилишлари мумкин. Қўшимча ўқув фанлари орасида устуворлик олий математика, фанлар асослари бўйича курслар ва чет тилларга берилади.

Касб дастури. Тайёрлов асосан тўрт йўналиш бўйича олиб борилади:

Қишлоқ хўжалик таълими. Бунда ўқувчилар фермерликка ва қишлоқ менежменти касбига тайёрланадилар; ишбилармонлик (бизнес) таълими - бунда ўқувчиларга тижорат билимлари берилади, ички ёки уй иқтисоди, ички менежмент, болалар ва беморлар ҳақида ғамхўрлик; савдо ва саноат таълими, бунда ўқувчилар механизмларда товарлар ишлаб чиқариш, қурилишда ва бошқа тармоқларда ишлаш учун тайёрланадилар. Ушбу дастурлар мактаб ўқувчиларини ишга ёки ўқишни давом эттиришга тайёрлайди.

Бошқа дастур — умумий ёки умумтаълим дастури академик ва касбий билимлар тизимини таъминлашга қаратилган бўлиб, турли касбларни ва саноат ютуқларини баҳоловчи курсларни ўз ичига олади; ўқитиш кўпроқ ахборотлар характерида бўлади, ишлаб чиқариш амалиёти жуда оз ёхуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўша заҳотиёқ коллежга кириш ёки маълум вазифани бажаришга бориш имкониятига эга бўлмаган, лекин мактаб таълимини давом эттириш ва олий ўрта мактаб дипломини олишни хоҳловчи ўқувчилар кўп ҳолларда умумий курсга мурожаат қиладилар.

Олий ва ўрта мактабда ўқитиш курсининг дастури ўз ичига қуйидагиларни олади: 4 йил — тиллар, 3 йил — математика, 3 йил — фан асослари, 3 йил — ижтимоий билимлар ва 6 ой — компьютер техникаси.

Ёш америкаликларнинг қўпчилиги махсус курсларни қониқарли тугатганликларини тасдиқловчи олий (ўрта) мактаб дипломларини оладилар. Мактаб ўқувчилари одат-

да, йил давомида бир неча бор тест синовларидан ўтадилар, шунингдек, синфда мунозараларга қатнашганлари, ёзма ва оғзаки топшириқларни бажарганликлари учун „С“ дан „А“ гача синов баҳолари оладилар. Кўп мактабларда йил охирида битирувчи ўқувчилар тест имтиҳонларидан ўтадилар.

Баъзи бир штатларда, жумладан, Нью-Йорк штатида, таълим департаменти томонидан тайёрланган саволлар бўйича давлат имтиҳонлари ўтказилади. Мактаб ўқувчилари йилига 2 марта, айрим округлар мактабларида эса, 6 мартагача, ўрганилган ҳар бир ўқув фани бўйича олган баҳоларини кўрсатувчи ўзлаштириш табелини оладилар. Олий мактабларда мактаб аттестатлари олиниб, улар ҳар бир мактаб ўқувчиси учун ўрганилган курслар ва синфларни жамлайди. Аттестатдан кўчирилган нусха одатда коллежга кириш учун тақдим этилади.

Коллеж билан боғланган ўқувчилар одатда олий ўрта мактабнинг сўнгги икки йили давомида „коллеж“ туридаги кириш тестларидан ўтадилар. Тестлар билан боғлиқ ишларни мустақил таълим хизмати (ЕТ 6) ва Америка коллежларини тестлаштириш дастури (АСТ) бошқаради. Тестлар кўп вариантлидир. Асосан, улар ўқувчиларнинг мойилликларини, тил ва математика юзасидан билимлари ва кўникмалари, шунингдек, мустақил билимларини аниқлашга қаратилган бўлади. Тестлаштиришда олинган баллар одатда мактаб аттестатлари балларига ва ўқитувчиларнинг тавсифномаларига қўшилади.

Одатда, мактабдаги дастлабки олти йил давомида ўқувчиларни барча асосий ўқув фанларидан бир ўқитувчи ўқитади. Кейинги йилларда эса, ўқувчилар ҳар бир ўқув фани бўйича алоҳида-алоҳида ўқитувчидан таълим оладилар. Баъзи бир мактабларда ўқувчилар учун ҳар бир ўқув фани бўйича ютуқларга эришишлари учун ўқитишнинг энг янги воситалари ва дастурлаштирилган ўқитиш материалларидан фойдаланиш орқали катта имкониятлар яратиб берилган. Мактабларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва ўқув жиҳозлари саволларга жавоб берадиган ва ўқувчиларни тўғри ёзиш ва ҳуснихатга ўргатадиган электрон ёзув аппаратларини, таълим телевидениясини,

электрон ва портатив лабораторияларини, слайдларни, видео ва компьютерларни ўз ичига олади.

АҚШда таълим тараққиёти даражаси етарлича юқоридир. Бошланғич таълим билан болаларнинг 99,9 фоизи, ўрта таълим билан эса 94,5 фоизи қамраб олинган. Шундай қилиб, мамлакатда ялпи умумўрта таълимга эришилган. Ўрта мактабни битирганларнинг 46,0 фоизи ўқишни олий таълим тизимида; икки-тўрт йиллик коллежларда ва университетларда давом эттирадилар.

Олий таълим. - Олий таълим тизимида кадр тайёрлашнинг тўрт даражаси аниқ белгилаб қўйилган: кичик мутахассис, бакалавр, магистр ва доктор.

Биринчи даража икки йиллик коллежларда мустақил ёки университетлар ва тўрт йиллик коллежлар таркибид а амалга оширилади. Икки йиллик коллежларда ўқитиш дастур ва ўқув режалари икки турда ташкил этилган: **ёпиқ (берк)** ўқишни тугатиб, кичик мутахассис гувоҳномасини бериш ва **ўтувчан** (тўрт йиллик коллежнинг ёки университетнинг III курсида ўқишни давом эттириш имконияти). Икки йиллик коллежлардаги талабаларнинг 2/3 қисми ўтувчан дастурлар бўйича ўқитилмоқда.

Японияда эса АҚШдаги икки йиллик коллежлар бажарадиган вазифаларни бажарувчи „техника коллежлари“, „тренинг коллежлари“, „кичик коллежлар“ ташкил этилган. Франция таълим тизимида шунга ўхшаш касб-техника ўқув юртлари ва олий ўқув юртларида тайёрлов синфлари мавжуддир. Скандинавия ва „роман тиллик“ мамлакатларда ҳам ана шундай ҳунар-техника ва академик ўқув юртлари мавжудки, улар АҚШдаги каби ё „ёпиқ“, ё „ўтувчан“ мақсадлар билан ишлайди.

Ривожланган мамлакатларнинг деярли ҳаммасида катта ёшлилар учун асосий мақсади касб таълимидан иборат бўлган таълим дастурлари ишлаб чиқилган. Шу билан биргаликда, катта ёшлиларнинг узлуксиз таълими тўғрисида жиддий гапиришга ҳали вақт эрта. Бироқ ишлаб чиқариш томонидан ходимларнинг таълим даражасига қўйилаётган талабларнинг ошиб бориши туфайли катта ёшли аҳоли таълими масаласини қайта қуриш руҳи сезилмоқда.

„Кичик коллежлар“ (2—3 йиллик) мактабдан кейинги (асос таълимдан кейинги) ўқитишни ташкил этишда муҳим рол ўйнайди. Ҳозирдаёқ АҚШдаги икки йиллик коллежлар талабалари сонининг ўсиш суръатлари тўрт йиллик коллежлар ва университетлар сонининг ўсиш суръатларидан сезиларли даражада ортиб кетган.

Олий таълим тизимида ўқитишнинг иккинчи даражали тўрт йиллик коллежлар ва университетлар, технология институтлари ва тўрт йил муддатли ўқув юртларининг бошқа турларидан иборатдир. Мазкур даражадаги ўқув юртларининг битирувчиларига биринчи академик бакалавр даражаси берилади. Улар, муайян ишлаб чиқариш тажрибасидан кейин ишлаб чиқариш фаолиятига қўшилишлари ёки аспирантураларда магистр ёхуд доктор даражасини (олий таълим тизимида учинчи ва тўртинчи ўқитиш даражалари) олиш мақсадида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Магистрлик дастури бўйича ўқиш муддати 1—2 йил, докторлик бўйича эса 3—4 йилдир.

Узлуксиз таълим. Мактаб ва олий таълим тизимлари кадрларнинг, моддий ва методик имкониятларининг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ташкил этилган, бу эса мазкур тизимларни янада ойдинлаштиради.

АҚШда узлуксиз таълим ягона тизимини яратишнинг базис асослари мана шундан иборатдир. Юқорида баён этилган расмий тузилишга вақт ўтган сари кўплаб норасмий тузилишлар ҳам қўшилиб бормоқда, улар турли кўринишларга эга (касблар ва махсус марказлар, мактаблар, ноанъанавий ўқув юртлари, телеколлежлар, очиқ университетлар ва б.).

Бизнинг фикримизча, ғарб мамлакатларида (шу жумладан, АҚШда ҳам) узлуксиз таълим ғояси кўпроқ катта ёшлилар учун таълим олиш имкониятлари яратилиши масаласига тақалади. Узлуксиз таълимдаги бундай тизимнинг асоси аҳолининг турли ёшдаги гуруҳларига хизмат қилиш фаолиятига эга бўлган, ўқитишнинг ўзаро боғланган шаклларининг ихчам тармоғини яратишдан иборат. У ёки бу шаклларни танлаш, уларнинг устуворлиги, касбий самарадорлиги, мақсадга мувофиқлиги, инсон ва жамият эҳтиёжлари ҳамда имкониятлари билан белгиланади.

Фарб мамлакатларида яратилаётган узлуксиз таълимнинг ягона тизими аҳоли таълимининг мажбурий даражаларига асосланади. Кўпчилик мамлакатларда — бу биринчи бўғин мактабидир (8—9- синфлар). Мажбурий таълимни олиш учун муайян шароитлар яратилади (кундузги-сиртқи, сиртқи ўқиш, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ва ҳоказо). Шартли равишда буни биринчи босқич узлуксиз таълим ғоясининг амалга оширилиши, деб аташ мумкин.

Кейинги йилларда ўрта мактабнинг юқори (иккинчи) босқичида ўқиётган катта ёшлиларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Бунинг учун ўрта маълумот берадиган кечки, „якшанба“, кечки ёки сиртқи техника, касб-кор берувчи бошқа мактаблар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, катта ёшлилар одатдаги мактабларда ўқишлари, турли курсларга қатнашишлари мумкин.

Шундай қилиб, таълим олишнинг расмий ва норасмий йўлларининг кенгайиши ва яқинлашуви пировард оқибатда таълимнинг узлуксиз ягона тизимга бирлашишига (интеграция) олиб келади. Бунга катта ёшлилар таълимининг биринчи босқичи, ҳар бир кишининг бутун ҳаёти давомида таълим ва қайта ўқишнинг биринчи босқичи сифатида, барча ўқишни хоҳловчилар ва шу даражада ўқишга эҳтиёж сезганларнинг таълими тарзида қаралади.

Олий мактабда таълимни ташкил этиш „зинапоя“ли шаклга кириб бормоқда (уч босқичли англия-америка модели).

Биринчи босқич — кенг соҳали махсус таълим;

иккинчи босқич — аниқ ихтисосликлар бўйича чуқурлаштирилган, ниҳоясига етказилган таълим;

учинчи босқич — илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, ўқитувчилик фаолиятига ва энг юқори малакали фаолиятнинг бошқа турларига тайёрлаш.

Масаланинг диққатга сазовор томони шундаки, олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашнинг янги соҳалари ва даражаларининг тузилиши, ўз мазмунига кўра мутахассислиги бўйича ишлаб тажриба орттирган кишиларга мўлжалланган. Бу, бизнинг назаримизда, собиқ Иттифоқ таркибига кирган мамлакатлардаги „қайта тайёрлаш“ деб номланган ўқув турининг деярли ўзгинасидир.

Олий таълим тузилишининг ўзгартирилиши ва функцияларининг кенгайтирилиши ўқитишнинг ноанъанавий шакллари ва усулларининг ривожланиши учун зарур шароитлар яратиб беради (кечки ва сиртқи ўқув, оммавий алоқа робита воситаларини ва компьютер тармоқларини қўллаш ва б.). Фан-техника тараққиёти яратиб берган бу қулайлик, турли масофаларда туриб ўқишни амалга оширувчи Европа университетлари ассоциациясини ташкил этишга имкон берди.

Қўшимча касб таълимини олишда, олий даражали мутахассисларнинг малакасини оширишда, бир қатор қисқа муддатли курсларнинг мажмуини ўзида мужассамлаштирган блоклардан иборат бир ўқув фанли курслар ва улар ёрдамида қисқа муддатли дастурларни жорий этишга эришилди.

Узлуксиз таълимнинг ягона тизимини назарий-методологик ва ташкилий-педагогик таъминлаш муаммосига қараб чиқилар экан, мактабгача, мактаб, олий таълимни такомиллаштириш билан бир қаторда, катта ёшлиларни таълим билан қамраб олишга эътибор берилаётганини таъкидламаслик мумкин эмас. Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида (собик Иттифоқ ҳудудидаги мустақил мамлакатлардан фарқлироқ) малака ошириш, кадрларни қайта тайёрлашнинг аниқ шаклланган тизими ҳозирча йўқ (маълумки, бу ерда асосий контингент катта ёшдаги кишилардир). Шу билан бир қаторда, катта ёшлиларнинг узлуксиз таълими ва улар малакасини ошириш бўйича мунтазам иш олиб бориш зарурияти объектив реалликдир. Катта ёшлилар таълим доирасининг кўп хиллиги ва нисбатан тартибга солинмаганлиги, бу бошқа масаладир.

Бир қатор мамлакатларда миллий ва минтақавий идораларнинг узлуксиз таълим масалалари бўйича жамоат кенгашлари бор. Агар биз таълимнинг эҳтиёж даражасини кўриб чиқмасак, чет элда узлуксиз таълимнинг аҳволига оид қисқача кузатишларимиз тушунарли бўлмас эди.

АҚШ ва бир қатор бошқа ривожланган мамлакатларда (Япония, Англия, Франция ва б.) ўқиш эҳтиёжлари муаммосига икки хил технократик ва гуманистик ёндашиш

мавжуддир. Биринчи ёндашиш узлуксиз таълим муаммосининг иқтисодий талқини билан боғлиқ. Фан - техника тараққиёти, бозор, фойда кетидан қувиш, юқори малакали ходимлар олдига катта талаблар қўяди ва бунда уларнинг моддий аҳволи таълим ва малака даражасига боғлиқ бўлиб қолади. Табиийки, бу ўз навбатида одамни ўзининг меҳнат вазифаларини сифатли бажариш учун зарур бўлган билимларни ва кўникмаларни олишга рағбатлантиради. Ходимларга юкланган вазифаларнинг узлуксиз мураккаблашиб бориши, рақобат улар томонидан юқори умумтаълим даражали касбга сифатли тайёрланишни, касбдаги янгиликларни қисқа муддатда осон ўзлаштиришни, ишлаб чиқаришнинг тез ўзгарувчан шароитларига мослаша олишини, юқори умумий маданиятни еталлашни тақозо этади. Моддий манфаатларнинг кафолатланганлиги инсоннинг ўз малака имкониятларини доимо янгилаб туришга интилишини бутун ҳаёти мобайнида доимий жараёнга айлантиради.

Иккинчи ёндашув кўпроқ маърифатга эга бўлишлик ва малака ошириш фаолиятининг шахсга боғлиқ қирраларини ўрганишга эътибор қаратади. Шунингдек, ҳар бир киши ўз таълим даражасининг самарадор йўллариини излаши, рағбатлантириши ва доим бойитиб боришини тақозо этади.

Шу билан биргаликда, Ғарб мамлакатларида технократик ёндашиш устуворликка эгадир. Бунда инсон шахсий манфаатдан эмас, балки касбий тайёрланишдан манфаатдордир. Бунинг асосий сабаблари: иш ва унинг аниқлиги; касбий билимларнинг тўлдирилишидир.

Собиқ Иттифоқ мактабида „кераксиз таълим“ феноменининг шаклланганлиги сир эмас. Ер куррасининг бу улкан ҳудуди иқтисод, фан ва таълим қонунларига номувофиқ тарзда яшаб келган эди. Жамият ҳаётининг барча соҳалари, шу жумладан таълимда ҳам сиёсат устуворлиги ҳукмрон эди. Натижада ўқишга эҳтиёжлар сусайди. Лекин асос таълимнинг (ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари) маълум даражада заифлашгани ҳисобига асос таълимдан кейинги таълим тизими ривожланди (малакани ошириш тизими). Унда ўқишнинг бош ҳаракатлантирувчи омили таълимда инсонга гуманистик ёндашув бўлиб қолди.

Жаҳон амалиётида узлуксиз таълим тизимининг қиёсий-педагогик таҳлили, узлуксиз таълимда ягона тизимни такомиллаштириш истиқболларини тушуниш ва белгилашга асосий назарий-методологик ёндашишлар қуйидаги дастлабки хулосаларни чиқариш имкониятини беради.

Агар авваллари малака ошириш, кадрларни қайта тайёрлаш, катта ёшлилар таълими „йўл қўйиб бўлмайдиган ҳашамат“ деб ҳисобланган бўлса, ҳозирда буларнинг ҳаммасига фан-техника тараққиёти қонуниятлари, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш эҳтиёжлари вужудга келтирган ҳаётий зарурият сифатида қаралмоқда.

3. Олий ва ундан кейинги таълимнинг узлуксизлиги

Малака ошириш, яъни ўқитувчиларнинг олий ўқув юртларини битирганларидан кейинги даврдаги таълими турлича аталади: қўшимча таълим, иккиламчи таълим, тўлдирувчи таълим, асосий таълимдан кейинги таълим ва ҳоказо.

В.Г.Онушкин бундай табақалашнинг сифат ва мазмун жиҳатдан бир турли эмаслигини кўрсатиб, мавжуд атамаларни тартибга солишни таклиф этади. Муаллифнинг фикрига кўра, „иккиламчи таълим“ атамасини тур сифатида, одамни меҳнат ва жамоат фаолиятига тайёрлашда иккинчи (катта ёшли) босқични белгиловчи янада кенг тушунча сифатида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Икки бошқа атама: „тўлдирувчи ва қўшимча таълим“ ҳамда „асосий таълимдан кейинги таълим“ атамаларидан иккиламчи таълимнинг асосий хилларини белгилаш учун фойдаланиш ва уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, ўқув юртларини мувофиқ туркумларга ажратиш мумкин. Бу эса ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқ катта ёшлилар таълими шакллари (ажратиш), улар орасидан янада такомиллашган ва ривожланганларини аниқлаш, шундай йўл билан узлуксиз таълим тизимида катта ёшлилар таълимининг сифат хусусиятларини очиб бериш имкониятини беради.

Функционал муносабатда „иккиламчи таълим“ — бу бир томондан, мослаштирувчи таълим бўлиб, унинг асосий вазифаси шахснинг динамик тарзда ўзгарувчи дунёга мослаша билиш имкониятини яратиб беришдан иборатдир.

Иккинчи томондан, инсоннинг ижодий имкониятини бойитувчи, ривожлантирувчи таълим бўлиб, бу унга ижтимоий ҳаётдаги ижобий ўзгаришларнинг фаол ва билангон иштирокчиси бўлиш имкониятини беради. Ушбу вазифаларнинг биринчиси катта ёшлилар таълимини мослаштириш, иккинчиси эса, ривожлантириш вазифасини ифодалайди.

Шу билан биргаликда, тўлдирувчи таълим асосан тор касб доирасини ўз ичига олиб, ходимнинг касбий фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш ёхуд қайта ўқитишни мақсад қилиб қўяди. Унинг мазмунни ишлаб чиқариш техника эҳтиёжларига кўра белгилади ва у биринчи навбатда, ўз эътиборини одамни ишчи кучи сифатида такомиллаштиришга қаратади; инсон шахси ўзининг барча қирраларини ҳар томонлама тараққиётини таъминлашга қодир эмас.

Асос таълимдан кейинги ўқиш катта ёшлилар таълимининг энг такомиллашган босқичи бўлиб, шахснинг шаклланиш босқичлари ўртасида ворислик, давомийликни таъминлайди. Унинг белгилари:

- 1) мазмуннинг ўтган давр учун ворислиги;
- 2) билим, кўникма ва малакаларга бўлган талабнинг мунтазам ошиб бориши;
- 3) инсон ўқув, ижтимоий-амалий фаолияти ва шахс сифатидаги тараққиётининг, унинг камолаоти билан боғлиқ ягона жараёнга уйғунлашуви (интеграция).

В.Г.Онушкин таъкидлаганидек, „бугунги кунда асосий таълимдан кейинги таълим, идеаллаштирилган кўринишда ҳам, фақат энг мураккаб меҳнат ходимларини: ўқитувчилар, врачлар, бошқарма ходимлари, халқ хўжалиги турли тармоқлари мутахассисларини „диплом олгандан кейин тайёрлаш шаклидагина мавжуддир“.

Амалда меҳнатнинг мураккаб турлари ходимларининг малакасини ошириш қонуний назарда тутилган ва ол-

диндан режालаштирилган характерда бўлади. Ушбу категориядаги ходимларнинг „асосий ва асосий таълимдан кейинги таълими“ амалда яхлит жараёнга қўшилиб кетади.

Малакани оширишда шаклланган тизимнинг ва умуман, педагог ходимларнинг узлуксиз таълимнинг асосий вазифаси педагогика олий ўқув юртларида олинган „расмий ялпи билим“ларни „енгиш“ дан, яъни уларни тўлақонли қилишдан иборатдир.

Малака ошириш тизимига биз педагогик тизим сифатида, структурали ва функционал унсурларнинг ўсиб келаётган авлод ва катта ёшли кишиларнинг тарбияси, таълими ва ўқитилиши мақсадига бўйсундирилган мажмуи сифатида қараймиз.

Функционал унсурлар бу асосий таркибий қисмларнинг барқарор боғланишлари бўлиб, улар раҳбарлар, педагоглар, ўқувчиларнинг фаолияти жараёнида пайдо бўлади, шу йўсинда педагогика тизимларининг ҳаракати, тараққиёти, такомиллашувини таъминлайди ва бунинг оқибатида уларнинг барқарорлиги, ҳаётийлиги таъминланади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, таълим-тарбия кадрларининг малакасини ошириш тизими-ни идоралар (муассасалар) ва ташкилотларнинг (ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари; халқ таълими ташкилотчиларининг малакасини ошириш факультетлари; туман (шаҳар) методика хоналари; туман, мактабларро ва мактаблар метод бирлашмалари ва ҳоказо) тартибга солинган мажмуи сифатида таърифлаш мумкин; мазкур муассасалар ва ташкилотларнинг мақсади ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, халқ таълими идоралари ходимларининг гоъвий - назарий тайёргарликларини, касб маҳоратларини, маданий савияларини узлуксиз такомиллаштиришдан, педагогика фани ютуқларини, илғор тажрибаларни, мактаб олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалиётда қўллашдан иборатдир.

Илмий адабиётларда узлуксиз таълимнинг асосий томони инсон тарбияси ва унинг ўқиш давомида шакллантирилган фаол қобилиятларини амалиётда қўллай

олиш даражасини ташкил этиши таъкидланади. Узлуксиз таълимнинг асосий вазифаси сифатида шахснинг ривожланиши ва шаклланиши жараёни белгиланган ҳолларда ҳам назарий фикрлар инсон тараққиётининг турли босқичларида унинг интеллектуал ҳазинасини бойитиш билан боғлиқ психологик-педагогик муаммолар эканлигига қаратилади. Узлуксиз таълимнинг асосий қийинчилиги шундаки, у икки асосий босқич: ўқитиш ва тарбиялашни шахс тараққиётининг яхлит жараёни деб ҳисоблаши зарур. Бизнинг фикримизча, билимларнинг ўзлаштирилиши ортида шахснинг шаклланиш ва тараққиётини таъминлашдек бош омилни диққат-этибордан четда қолдирмаслик жуда муҳимдир. Узлуксиз таълимни ўз-ўзича, шахс тараққиётида илгарилама ҳаракат ва яхлитликка эришишмоғини кўзда тутган ҳолда такомиллаштиришга интилиш таълимнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш ишида муваффақиятли бўлиши амри маҳолдир.

Малакани ошириш ва узлуксиз таълим муаммосини бутун тизим тараққиёти муаммоси билан яқиндан боғлайдилар; бу эса, педагог кадрларнинг доимий ўсиши ва такомиллашиб боришини таъминлайди. Педагог кадрларнинг узлуксиз таълими ва малакасини ошириш назариясини ишлаб чиқиш учун илмий дунёқараш методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Малака ошириш тизимининг педагог кадрлар узлуксиз таълими бўғини сифатида мавжуд бўлиши мактаб олдига ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларни қўйишдан бошланади; бу мақсадлар ўз навбатида педагог кадрлар малака даражасини ошириш борасида янги талабларни келтириб чиқаради.

Педагог кадрлар олдига янги талаблар қўйиш малака ошириш тизимининг аниқ мақсадларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади, малака оширишнинг йўналтирилганлиги, мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари, дарс берувчилар таркиби ва ўқув базасига бўлган талабларини белгилайди.

Ўқитувчилар ва халқ таълимининг бошқа ходимлари ўз навбатида, юқорида баён қилинган малакани ошириш тизими шакллари томонидан „нишонга олинувчи“-

ларга айланиб қолмайдилар. Аксинча, уларнинг фаоллиги, тайёрланганлик даражаси малака оширишнинг мазмуни, шакллари, усуллари, маърузачилар таркибига қўйиладиган талаблар ва ҳоказоларга ғоят муҳим таъсир кўрсатади. Фақат юқорида баён қилинган барча таркибий қисмларнинг ўзаро таъсир йўли билан педагог кадрлар малакасини янада юқори даражага кўтаришни таъминлаш мумкин.

Узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича кейинги йилларда муайян тарзда бўғинлар шаклланди: биринчи бўғин — курсларда ўқитиш. Бу бўғиннинг вазифаси ўқитувчиларнинг назарий билимларини, амалий кўникмаларини мунтазам янгилаб туришдан, уларни кейинги мустақил таълимга тайёрлашдан иборат;

иккинчи бўғин — бу туман (шаҳар), мактаблар даражасидаги методик ишлардан иборатдир. Бунда фаолият асосан ўқитувчиларнинг курсларда ўқиш вақтида олинган билимлари негизига қурилади. Бу бўғиннинг вазифаси эгалланган билимларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва уларни маълум амалий муаммо атрофида бирлаштиришдан, педагогларга методик ёрдам кўрсатишдан иборатдир;

учинчи бўғин — мустақил таълим олишдир. Бунда ўқитувчи малакасини оширишнинг жамоа шаклларида (1—2 - бўғинлар) қатнашиш жараёнида ўзлаштириб олинган умумий қоидалар аниқлаштирилиб, шу асосда ўз фаолиятини қайта қуришдан, такомиллаштиришдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда малака ошириш тизимида ўқитувчиларни ўқитиш кўп ҳолларда ўқув ахборотини ўзлаштиришга ва хотирада тиклашга йўналтирилган бўлиб, тингловчиларнинг фаоллик кўрсатишига қаратилган бўлмасдан, уларнинг касбий такомиллашувларига ички эҳтиёжларини шакллантиришга йўналтирилган. Малакани ошириш мазмунида ўқитишнинг назарий шакллари ва усуллари устуворлигида методик тайёрлаш етакчи ўрин эгаллайди. Машғулотларнинг номаърузавий шакллари асосан „Ўқув фанининг илмий-назарий ва методик масалалари“ турку-

мигагина оиддир. Шу ва шунга ўхшаш яна бир қатор бошқа сабаблар амалдаги тизим ўқитувчиларнинг мустақил ишлаши тараққиётига ёрдам бермайди.

Ўқитувчиларнинг ўзига ўзи таълим беришини шакллантириш муҳим муаммодир. Ўқитувчилар малақасини ошириш институтларининг ушбу муаммони ечишдаги вазифаси қуйидагилардан иборат бўлади:

— ўқитувчиларда тафаккурни такомиллаштириш мақсади ила ўрганиладиган фанлар тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаш асосида ўқитиш мазмунининг методик даражасини ошириш ва муаммовий-назарий томонини кучайтириш;

— ўқитиш жараёнининг амалий йўналтирилганлигини кучайтириш, ўқитувчиларда эмпирик тажрибага бўлган танқидий тафаккурни шакллантириш; уларни педагогика назарияси нуқтаи назаридан англаш.

Фикримизча, Республика ўқитувчилар малақасини ошириш институтлари олдида замон талаблари нуқтаи назаридан қуйидаги муаммолар бор:

1) халқ таълими ходимларини психологик - педагогик тайёрлашни сезиларли даражада кучайтириш;

2) ўқитувчилар, мактаб ва таълимни бошқарув идораларининг мутахассисларини психологик-педагогик тайёрлашни такомиллаштириш жараёни секин бораётганлигини ҳисобга олиб, педагог кадрлар малақасини оширишнинг барча шаклларида инсоннинг психологик-педагогик муносабатлар тизими сифатида ўрганишга кўп диққат-эътибор бериш зарур;

3) ўқитувчиларнинг тарбиячи сифатидаги маҳоратини такомиллаштириш. Ҳозирги замон шароитида умумтаълим мактаблари тарбиячисининг аҳамияти сезиларли даражада ошди, мактаб ва у ердаги кадрларнинг жамият олдидаги масъулияти ҳам кескин ўсди. Тарбия соҳасидаги асосий камчиликлар расмийлаштирилган бўлиб, бу ҳодисанинг турли қиёфаси бор. У билан курашиш, уни йўқотиш мактабга ва унинг кадрларга нисбатан қўйиладиган юқори талабидир.

Ҳозирги вақтда педагог — тарбиячи — бу тарбия фанини чуқур эгаллаган, халқ билан ҳамнафас, унинг ҳаёти

билан, манфаат ва сўровлари — эҳтиёжлари билан яқиндан таниш, албатта, ҳозирги замон ёшларининг маънавий дунёсини яхши биладиган, унинг ривожланиш йўналишларини пайқай оладиган янги тарбиячидир;

4) ўқитувчиларни мактаб ўқувчиларида мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришга тайёрлаш. Ўқувчиларда мустақил тафаккурини тарбиялаш ва ривожлантириш, ҳаётий яъни янги масалаларга илмий дунёқараш асосида мустақил баҳо бера оладиган, турли ҳаётий вазиятларда ўз хатти-ҳаракатларини ахлоқнинг умумий тамойиллари ва меъёрларига мослай оладиган ўқувчини шакллантириш, ҳар бир ўқитувчига қўйиладиган энг муҳим талабдир. Таъкидлаш лозимки, мустақил тафаккурни тарбиялаш фаол ҳаётий йўналиш яратишнинг энг муҳим шартидир;

5) малака ошириш тизимининг мазмуни, шакллари ва усулларини педагог кадрлар узлуксиз таълимининг кичик бўғини сифатида такомиллаштириш.

Шу муносабат билан педагогик фаолиятда касбга муносиб бўлиш алоҳида долзарб хусусиятга эга бўлади. „Касбга муносиб бўлиш бир томондан бу интеграл сифатдир, шахс хусусиятидир ва исталган бошқа сифат каби, у фаолиятда шаклланади. Бошқа томондан, бу фаолият натижасидир. Педагог касби — бу унинг шахсий фаолиятининг моҳиятидир; бу моҳият унинг фуқаролик фаолиятининг етуклиги ва касбий бурчининг амалга ошириш меъёри билан белгиланади“.

Педагог кадрларнинг ҳозирги замон касб даражаси жамиятни қаноатлантирмайди. Педагог кадрларнинг касбий маҳорати юқори даражада бўлишига жамиятнинг ижтимоий буюртмасини тўлиқ қондириш учун психология ва педагогика фанлари турли касб ўқув юртлари, жумладан, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-техника коллежлари раҳбарлари ва ўқитувчиларидан тортиб мактабнинг барча ўқув фанлари ўқитувчилари ва болалар боғчалари тарбиячиларига касбий маҳорат даражасини ва фаолият маҳсулдорлигини оширишнинг аниқ тадбирларини жамиятга таклиф қилмоқлари керак.

Бугунги кунда педагоглар тайёрлайдиган ўқув муассасаларининг фаолияти, ўқитувчилар малакасини ошириш

институтлари фаолияти билан ўзаро узвий боғлиқдир. Педагогика ва педколлежлар педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимлари учун тингловчилар етказиб берадилар. Малакани ошириш тизимининг асосий вазифаси педагогика ўқув юртларида кадрлар тайёрлашнинг сифатини, уларнинг сўровлари ва эҳтиёжларини, шунингдек, минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларнинг касб даражасининг узлуксиз ўсишини таъминлаб беришдан иборатдир.

Қиёсий-педагогик таҳлил тариқасида чет элда ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш муаммосининг қандай ечилаётганини кўрсатиб ўтамиз. Намуна сифатида, яна АҚШга мурожаат қиламиз. У ерда ушбу муаммо ўқитувчиларга яхши таълим бериш ва аттестация ҳисобига ечилади.

Ҳамма штатларда жамоат томонидан бошланғич ва ўрта мактабларда ўқитиш ҳуқуқи учун лицензия ёки гувоҳнома талаб этилади. Маъмурият ўқитувчилик касбини эгаллаганларга талаблар белгилар экан, деярли ҳамма вақт штат таълим департаменти ёки таълим бошқармасида мавжуд қонунчиликка мувофиқ тарзда ҳаракат қилади. Ҳамма штатларда, Колумбия ва Пуэрто-Рико округларида бошланғич синфларда дарс бериш учун ўқитувчида бакалавр даражаси талаб этилади; Бу 47 штат ва Пуэрто-Рикога ҳам тегишлидир. Учта штатда ва Колумбия округида эса, бунинг учун беш йиллик иш тажрибаси ёки магистр даражаси лозим бўлади.

Кўпчилик маҳаллий мактаб тизимлари андозаларини штатнинг энг паст талабларидан юқори даражада белгиланади. Баъзи бир жойларда ўқитувчининг бир неча йилдан сўнг қайта ўқиш курсларида қатнашишлари талаб этилади. Айрим мактаб бошқарув идоралари ўқитувчиларнинг қўшимча бажарган „академик ишлари“ учун уларга ҳақ тўлайдилар.

Кўпчилик жамоат ва хусусий коллежлар ва университетлар ўқитувчилик таълими учун тасдиқланган ва аккредитация қилинган. Аккредитация штатлар маъмуриятлари минтақавий ассоциациялар ёки ўқитувчилик таълимини аккредитация қилувчи алоҳида Миллий Кенгашлар томонидан ўтказилади.

Ўқитувчилик таълимининг типик дастури, ўқиш муддати 4—5 йилга мўлжалланган бўлади; дастур анъанавий академик предметларни ва касб курсларини (ўқитиш усуллари, таълим психологияси каби курсларни) ўз ичига олади. Дарс бериш амалиёти 4—6 ой ёки мактабда-коллеж лабораториясида ёки жамоат мактабларининг бирида бўлади. Эркин санъат бўйича коллежни битирувчилар ўқитувчилик таълими дастури бўйича ўқитилмайди, шунинг учун улар ўқишнинг бешинчи йилида магистр даражаси дастури бўйича ўқишлари керак бўлади.

Таъкидлаш лозимки, малака ошириш ва ўқитувчилар аттестацияси натижалари қўпчилик ривожланган мамлакатларда уларни моддий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир штат ўқитувчиларга тўланадиган энг кам иш ҳақини тасдиқлайди. Лекин касб маҳоратининг натижасида ўсиши ўқитувчи (аттестация яқунларига кўра) университет профессори даражасида иш ҳақи олиши мумкин. Шундай қилиб, малакани оширишда ва ўқитувчининг узлуксиз таълимида эҳтиёжни аниқ амалий фаолият ёки ижтимоий тараққиётнинг объектив ва субъектив омиллари туғдиради. Тўғридан-тўғри рақобатнинг кучайишини (ўқитувчилар сонини чеклаб қўйиш; энг қобилиятли ва юқори самарадорлик билан ишловчи ўқитувчиларга тенглашиш) алоҳида қайд этиш зарур. Малакани узлуксиз тарзда ошириш имкониятига эга бўлиш ва шунга мувофиқ аттестация мезонлари „борган сари кам даражада ёшга боғлиқ бўлади ва асосан функционал белги бўйича аниқланади“.

Айтилганларни умумлаштириб, ривожланган мамлакатларда таълим олиш йўлларининг турли-туманлигини, ўқитишнинг ҳамма эркин турлари очиқлигининг ўсишини қайд этиш мумкин.

Жаҳон тажрибасида узлуксиз таълим тизимининг (жумладан, педагог кадрлар таълими) таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келади: мактаб синфхонасидан бошлабоқ ўқувчилик тажрибасини педагогика ва психология асосларини ўрганиш билан қўшиб олиб бориш зарур; педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг назарий ўқувини реал педагогик амалиёт билан ҳамда педагогик

фаолиятни ўқитувчи методологик тайёрлаш билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб боришлари муҳимдир.

Агар мактаб босқичини олсак, у ҳолда МДХ мамлакатларида ҳозирданоқ „Педагогика ва психология асослари“ курсини мактаб ўқувчилари томонидан факультатив тарзда ўрганиш, мактабларда эса „педагогик синфлари“ ташкил этилиши тажрибаси мавжудлигини қайд этамиз. Ушбу тажриба, шубҳасиз, ўрганилиши ва умумлаштирилиши керак, чунки унинг бўлажак касбни танлашга ижобий таъсири яққол кўриниб турибди. Педагогик йўналишга эга бўлган мактаблар ўқувчилари олий ўқув юртига кириш учун зарурий пойдеворга эга бўладилар. Шу асосда мактаб ва олий ўқув юрти таълими ўртасида ҳамкорлик таъминланади.

Албатта, ўқитувчининг касб талаблари даражасида бўлиши олий ўқув юртида касбга тайёрлаш жараёнида шаклланади. Лекин, афсуски педагогика олий ўқув юртлари ҳозирча бўлажак педагогларга етарли даражада фундаментал илмий-методологик асослар берилаётгани йўқ. Бўлажак педагогни ўқитиш ва тарбиялаш бир-биридан узилиб қолган. „Ўқитиш учун ўқитиш“, деган мақсад ҳукмрон бўлиб, таълим касбга тайёрлаш воситасига айланган эмас; бу эса касб билимлари ва касб этикасининг бир-биридан узилиб қолишига олиб келади. Жуда кам битирувчилар таълимни давом эттиришга, ўз-ўзига касбий таълим беришга йўналтирилганлар. Педагогика олий ўқув юртларида ўқитиш мазмунининг ўзи етарли эмас; ўқув-тарбия вазифалари ўқитувчининг реал фаолиятини асослаб бера олмайди ва касбга тайёрлашга асос бўлолмайди. У ўқитувчиларни (шахсий хусусиятларни ҳисобга олмаган ҳолда) „ёппасига“ тайёрлашга йўналтирилган; у билимларни эгаллашга эмас, фақат текширишга қаратилганки, бу ўқитувчини чалғитади.

Ушбу тадқиқот вазифасига ўқитувчиларнинг асос (олий ўқув юрти) таълимини ўрганиш муаммолари кирмайди. Аммо асос (педагогик) таълим тизимида „носоғлом нуқталар“ саналган ҳолатлар кейинчалик малака ошириш тизимида ёрқин кўринади. Ҳолбуки, бугун педагогика фанида мустақил тармоқлар мавжуддир; улар назарий-мето-

дологик ишланмалар бериш, ташкилий-педагогик шароитлар яратиши шу асосда умумтаълим мактаблари фаолиятини функционал-методик жиҳатдан таъминлашга даъват этиладилар.

„Мақтабгача таълим педагогикаси“ ҳам яқингача мустақил бўлмаганлигини эслатиб ўтиш ортиқча бўлмайди. „Малака ошириш педагогикаси“ ҳам расман эътироф этилиш ҳуқуқига эгадир.

Таниқли педагог олим А.Ю.Панасюк ёзади: „Ўқитиш жараёнига хос бўлган мустақил ва чуқур назарий тадқиқотларнинг йўқлиги малака оширишда ҳолатни шунга олиб келдики, кадрлар тайёрлашда, раҳбарлар ва мутахассислар малакасини ошириш ўқитишнинг барча жараёни кўп даражада олий ўқув юртида мутахассисларни тайёрлашдаги ўқитишнинг тамойиллари, шакллари ва усуллари нусхаси бўлиб қолди...“

Оқибатда малакани ошириш институтларида тингловчиларни ўқитиш жараёнининг ҳозирги аҳволи ё эмпирик ёндашишга, ё талабаларни ўқитишнинг шакл ва усулларида нусха кўчиришга асосланади.

Малака ошириш тизими уни педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида эътироф этишга барча асослар бор; унинг ўзига хос мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, шакллари, усуллари ва мазмуни бор.

Малакани ошириш тизими учун бугунги кунда ўзига хос бўлган чуқур назарий умумлашмалар ва методик ишланмалар зарур. Уларни тайёрлаш ва бирлаштириш махсус илмий йўналишни - м а л а к а н и о ш и р и ш п е д а г о г и к а с и н и яратган бўлур эди.

Айтилганларга яқун ясай туриб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Жаҳон таълим тизимларининг, айниқса, МДХнинг мустақил давлатларида узлуксиз таълим тизимларининг таҳлили, шунингдек, педагог кадрлар узлуксиз таълимнинг амалга оширилиши уларнинг маълум даражада нисбий характердалигини ўқитиш имкониятини беради. Бу эса ўз навбатида педагогик касбини англашни, „мағзини чақиш“ни қийинлаштиради, бинобарин, умумтаълим мактабларини битириб чиқувчилар учун педаго-

гика ўқув юртлари ва ўқитувчилик касбини танлаш ёки рад этиш етарли даражада масаланинг моҳиятини англаб етмаган ҳолда амалга оширилади.

2. Ҳозирги вақтда педагогик касби бўйича тайёргарлик берувчи ўрта махсус ёки олий ўқув юртлари ва малака оширишни ўз ичига оловчи педагог кадрларнинг узлуксиз таълим тизими амалда эканлигини айтиш мумкин. Бироқ педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими педагог кадрларнинг узлуксиз таълимнинг кичик тизимлари бўлгани ҳолда ўзаро ворисликни етарлича таъминламайдилар; бу эса улар фаолиятини тубдан қайта қуришни тақозо этади.

3. Малака ошириш тизими ўзининг алоҳида хусусиятларига эга:

- ўқитиш мақсадлари ва вазифалари; бу мутахассисларнинг ўзгарувчан ижтимоий буюртмага, шаклланган касб қоидалари тизимининг ўзгаришига мослашувини таъминлайди;

- педагогик фаолият объекти — Малакани ошириш тизимидаги ўқувчилар олий ўқув юртидаги ўқувчилардан биологик ёшлари, (ёш қанча катта бўлса, янги билимларни ўзлаштиришга бўлган зарурият ва интилиш шунча заиф бўлади) ҳаёт ва касб тажрибаси билан фарқ қилади;

- фаолият предмети (касбга тайёргарликнинг мавжуд даражаси ва ўқитувчиларнинг касбий йўл-йўриқлар олганликлари);

- ўқитишнинг шакллари, усуллари ва мазмуни ва ҳоказо.

4. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизими анъанага кўра қуйидагиларни ўз ичига олади: ўзига ўзи таълим методлари, метод бирлашмалар, ҳайъатлар, туман, (шаҳар) метод хоналари; педагог кадрлар малакасини ошириш институтлари ёки вилоятларда ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти, халқ таълими вазирлигининг малакани ошириш бўлими. Бундан ташқари, малакани ошириш тизимида янада фаол даражада турли норасмий, жамоат ташкилотлари ва марказлари (халқ

университетлари, муаммолар бўйича кенгашлар, муаллифлик мактаблари ва б.) киритилмоқда.

5. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг мавжуд тизими ўзининг методологик ва назарий асосларини ишлаб чиқишни талаб қилади; бу эса педагогика фанида мустақил йўналиш, яъни малака ошириш педагогикасини яратиш имконини беради.

4. Айрим хулосалар

1. Узлуксиз таълим ғояси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёти янги босқичининг оқибати сифатида юзага келди. Узлуксиз таълимнинг ягона тизимини яратиш ва такомиллаштириш комплекс муаммо бўлиб, бутун ҳаёт мобайнида ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялашнинг барча қирраларини қамраб олган узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш унинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоқда. Ҳаёт фаолиятининг ҳамма босқичларида шахснинг олдинга қараб ривожланиши ҳақидаги қоида узлуксиз таълим ғояси учун бош қоидадир.

2. Жаҳон тажрибасида узлуксиз таълимнинг турли концепциялари амалга оширилмоқда. Бироқ уларнинг ҳар бири муайян кемтикликларга эга бўлиб, шахснинг касб ва умуммаданий ривожланишининг ўсишини аниқ белгилаб қўйилган босқичларини ўзида акс эттирмайди. Шахс ва давлат манфаатларида, таълимнинг миқдори ва сифат кўрсаткичларида номувофиқлик кузатилади.

Узлуксиз таълимнинг кўпчилик концепциялари фан-техника тараққиёти ва иқтисодий ислохотлар талабларини қониқтирадиган даражада барча кадрларни тезкорлик ила тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминловчи ихчам тизимни яратишга кўпроқ урғу беради.

Жамиятнинг касб, таълим имкониятлари қанчалик муҳим бўлмасин, барибир инсоний сифатлар, инсоннинг умуммаданий ва ахлоқий даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолади.

3. Узлуксиз таълимнинг ягона тизими таълим ва тарбиянинг барча бўғинларини мактабгача ва мактабдан ташқа-

ри муассасаларни, умумтаълим ва касб-техника мактабларини, ўрта махсус ва олий ўқув юр்தларини, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини қамраб олади. Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғинининг ўз мақсади, мазмуни, ҳажми, шакллари ва усуллари бор.

Умумий касб таълими “асос,” таълим сифатида этироф этилади, малакани ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимидаги таълимга эса, кўпроқ, “асос,” таълимдан кейинги таълим сифатида қаралади. Ворисийлик узлуксиз таълим ғоясини амалга оширишда асосий тамойилдир. Ҳамма бўғинларнинг ўзаро таъсири, алоқадорлиги ҳаракати узлуксиз таълим тизими тараққиёти учун асосдир.

4. Узлуксиз таълимнинг исталган босқичида педагогик жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

— ўқувчининг узлуксиз таълим борасида янги шароитга мослашуви;

— шахс маънавиятида ўқитишнинг янги шароитларида муваффақиятли ўқиш ва ўз-ўзини тарбиялаш учун зарурий сифатларни ривожлантириш;

— шахс фаолиятининг янги турларига жалб этиш, касбий йўналтириш, касбий ўз-ўзига ишонч уйғотиш, касбга доир билим, кўникма ва малакаларни ошириш;

— узлуксиз таълимнинг объектларини ўзгартириб туриш (ўқувчи-абитуриент, талаба-мутахассис, мутахассис-малакани ошириш, касб маҳоратининг янги даражаси).

5. Узлуксиз таълим тизими барча бўғинларининг самарадорлиги педагог кадрларнинг шахс-касб даражасига боғлиқдир. Инсоният маданияти тараққиётининг ҳозирги босқичида педагогларнинг узлуксиз таълими самарадорлиги ҳал этувчи аҳамиятга эгадир.

Педагог кадрларнинг „асос“ таълимини қайта қуриш, уларнинг узлуксиз таълимида энг муҳим — ҳал этувчи бўғиндир. Аммо таълимнинг „асос“ кичик тизимининг ижтимоий самараси амалда маълум вақт ўтгандан кейингина сезилади.

„Асос таълимдан кейинги“ таълим тизими ўз самарасини анча тезроқ бериши мумкин. Шунинг учун ҳам жами-

ятнинг таълимга бўлган ижтимоий буюртмасини „узатиш“ вазифаси, биринчи навбатда, педагог кадрлар малакасини ошириш кичик тизими зиммасига юклатилади.

6. Ўқитувчига бевосита мурожаат — бу бутун жамиятдаги ижобий жараёнларга, шу жумладан, узлуксиз таълим бўйича ягона тизимининг тараққиётига ва такомиллаштиришга фаол таъсир этишда самарали воситалардан биридир.

7. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан мақсад ўқитувчининг ижодий имкониятларини ривожлантириш, унинг шахсий сифатларини, касб билимлари ва умумий савиясини такомиллаштириш, пировард мақсад эса, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини кескин оширишдан иборатдир.

8. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизими қуйидаги шартлар бажарилгандагина такомиллашиши мумкин:

- малака ошириш тизимининг халқчиллигини таъминлаш, инсонпарварлаштириш;

- асос ва қўшимча таълим ўртасида ўзаро ворисликни, уларнинг тафовут ва хусусиятларини ҳисобга олиш;

- уюштирилган ва мустақил таълим ўзаро боғланишининг узвийлиги;

- педагогларнинг реал эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни оқилона қондириш; ўқитувчи малакасини узлуксиз оширишнинг ижтимоий асосланганлиги ва унинг субъектив имкониятларини ўзаро боғлашга эришиш;

- касб фаолиятининг турли босқичларида ўқитувчилар малакасини оширишни табақалаштириш ва шахсийлаштириш, ўқитиш мазмунининг, ўқитувчиларнинг кенг кўламдаги имкониятларидан мустақил танлаб олишда вариативликни (мазмун, шакллар, усуллар, муддатлар, малакани ошириш суръатлари) таъминлаш;

- малака ва аттестацияни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқлиги;

- малака оширишни ташкил этишнинг давлат ва жамият шакллари бирга қўшиб олиб бориш;

- малака оширишда босқичма-босқичлик тамойилига амал қилиш.

Шуни назарда тутмоқ зарурки, агар минтақавий-миллий хусусиятлар, тарихий, маданий ва этник анъаналар ҳисобга олинса, ҳар қандай таълимнинг, шу жумладан, малака оширишнинг самарадорлиги анча юқори бўлади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1. Ўзбекистон Республикасида педагог кадрлар малакасини оширишнинг ижтимоий-маданий ва этнопсихологик омиллари

Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини биринчи навбатда жамиятдаги ижтимоий-маданий муаммолар нуқтаи назаридан қараб чиқмоқ зарур. Ижтимоий-маданий муаммолар доирасидан ташқарида ҳеч қандай педагогика йўқ.

Педагогика гуманитар билим амалиёти сифатида мавжуддир. Шунинг учун ҳам агар ижтимоий-маданий билим бўлмаса, у ҳолда педагогиканинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Муҳокаманинг педагогика тармоғидагина „ўралашиб қолиши“ методологик хатодир.

Инсон шахс ва индивид сифатида узлуксиз таълим тизимининг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб қолади. Масалага бундай ёндашилганда инсон омили реал ижтимоий ва ишлаб чиқариш кучига айланади.

Педагог олим И. Н. Назимовнинг фикрича, „Узлуксиз таълим ва касбга йўналтирилганлик тизимининг шаклланиши ва ривожланишида қуйидаги икки омил марказий мавқега эгадир:

— меҳнатга лаёқатли аҳолининг барча гуруҳларида таълимнинг барча шаклларида, жумладан, „ўзига ўзи таълим“дан кенг фойдаланиш орқали билимларни ўзлаштириш ва қўллаш эҳтиёжининг шаклланиши;

— бу жараёнда ижтимоий-демографик ва миллий хусусиятларни ҳисобга олишдек мураккаб масалага ёндашувда мавжуд қолиплардан воз кечиш.

Профессор В.Г.Онушкин, мазкур омилларни кўрсатиш билан бир қаторда алоҳида уқтиради: „Таълимнинг самарадорлигига шахснинг ирсий йўл билан қабул қилиб олган психофизиологик хусусиятларидан тортиб, то унинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти кечадиган ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзига хослигига қадар“ турли - турман характердаги ҳолатларнинг бениҳоя кенг спектри таъсир кўрсатади.

Узлуксиз таълимнинг худди мана шу томони олим Б.С.Гершунскийнинг ҳам диққатини тортади; у таъкидлайдики, мамлакатда жамият тараққиёти, иқтисоднинг мустаҳкамланиши, маданиятнинг гуллаб-яшнашига, умуман олиб қараганда, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда, таълим-тарбия тизимларини қолипга солиш йўли билан эришилмайди, балки бунга фақат бир давлатда, ҳар бир минтақада ўқув-тарбия фаолиятининг ўзига хос мақсадлари ва масалаларини тўла амалга ошириш асосидагина эришилади.

Демократиялаш ва ошкоралик шароитларида умумтаълим мактаблари учун бир вақтлар яратилган бир хилдаги ўқув режалари, дастурлари, дарслик ва методик қўлланмалар билан турли минтақаларда ишлаётган миллий мактабларнинг мавжуд шароитлари ўртасидаги зиддиятлар алоҳида кескинлик билан намоён бўлмоқда. Миллий манфаатлар, миллий онгнинг уйғониши ва миллий гуруҳ ҳисобга олинмасдан яратилган воситалар яроқсиз бўлиб қолди. Бунинг ҳаммаси, жумладан, ўқитувчи узлуксиз таълими тизимида ҳам ўз аксини топади. Ҳар қандай илмий билиш инсоннинг аниқ кундалик ҳаёт тарзидан бошланади ва шу билан тугалланиши керак.

Шу муносабат билан ҳар бир минтақада ўқитувчи узлуксиз таълим тизимининг тузилишлари ва функционал компонентлари мутлақо ўзига хос талқинда бўлиши керак. Улар муайян этник муҳитнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий омилларини ҳисобга олган ҳолда кўрилмоғи зарур. Таассуфки, анъанавий педагогика ва психология таълимининг айниқса, ўқитувчи узлуксиз таълимининг, ижтимоий-маданий омилларига етарлича эътибор берилма-япти.

Маълумки, инсоннинг этник ўзига хослиги унинг реал хусусиятларида, шахснинг ўз онгида ифодаланиши мумкин. Этник онг белгилари орасида даътабки асос тушунчалар сифатида қадрият ва унинг йўналтирилганлиги тушунчалари саналади. Ушбу тушунчалар маданиятнинг ажралмас хусусияти ва белгилари бўлиб, бу маданиятнинг этник ўзига хослигини акс эттиради. Чунки айнан шулар маданиятнинг тарихий йўлини ифодалайди.

Этник онгнинг назарий ва мафкуравий даражасини тадқиқ қилиш билан бир қаторда кундалик этник онг хусусиятларини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга, чунки у салмоқли даражада кенг аҳоли оммасининг хулқини белгилайди. Гарчанд этно-ижтимоий муҳитда қадриятлар объективлаштирилган бўлса-да, лекин қадриятнинг йўналтирилганлиги шахс такомиллашувининг ажралмас бўлаги ва онгининг таркибий қисмидир.

Амалда ҳақиқий миллий психология - ҳам жамоат, ҳам якка одам хулқи ва психик инъикоси сифатидаги алоҳида босқич бўлиб, у ҳозирча ноаниқ, мураккаб ва қатъий шаклга кирмаган, унинг кўп қисми ҳиссий ва кам англанивчи реакциялардан, йўл-йўриқлардан, тимсоллардан, гоёлардан, кўникмалар ва одатий фикр шаклларида иборат бўлади. Ушбу қатлам инсон томонидан уни ижтимоийлаштириш жараёнининг асосий институтларида (оила, мактаб ва ҳоказо) ўзлаштирилган сифатлардан иборат ва улар инсоннинг ижтимоий реал асосини ташкил этади.

Педагогика ва психология тарихида, бошқа фанлар (фалсафа, география, социология ва б.) тарихида бўлганидек, шарқ халқлари, жумладан, ўзбеклар психологиясининг миллий хусусиятларини тасвирлаб беришга қаратилган кўп сонли уринишларни кузатиш мумкин. Муаллифларнинг тадқиқот методологиясидаги тафовутларга қарамасдан, ўзбек халқининг „портретини“ умумий кўринишда этнос ва ўзига хос маданий муҳит жиҳатидан шакллантирилган қуйидаги хусусиятлар орқали тасвирлаб бериш мумкин:

— ўз авлодини, кекса ва ёши катта қариндошларини чуқур ҳурматлаш ва эъозлаш, шу қаторда умумий атрофдаги барча катта ёшлиларга ҳурмат ила муносабатда бўлиш;

— меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳмондўстлик, турар жой, шу жумладан, хонадон ва хонани озода тутишга, унинг саранжом-саришталигига юксак эътибор бериш;

— ота-оналарни ва зиё аҳлини эъзозлаш, кексалар, ногирон ва беморларни ҳурмат қилиш;

— камгаплик ва кичик ёшдагиларнинг катта ёшлиларга қулоқ солиши;

— жиддий ўйлаб қабул қилинган қарорлар ва хатти-ҳаракатлар;

— ўзбек оилаларининг болаларга бўлган анъанавий меҳр-муҳаббати самараси, унинг кўп болалилиги;

— сабр-қаноатлилик, ўзини тута билишлик, ҳаётга оқилона қараш (реалист бўлиш);

— маънавий қадриятларга ва умуман, миллий тарихи ва маданиятига муҳаббат, уларни эъзозлаш ва авайлаш;

— инсоний ғурурни чуқур ҳис этиш ва б.

Жамоат тартиби, барқарорлик, кишилар ҳаётининг бир маромда кечишига, асосан, ўзбек халқининг миллий хислатлари ва анъаналарига риоя қилиши туфайли эришилади. Болалар тарбиясига биринчи даражали аҳамият берилади. Муболагасиз қайд этиш мумкинки, ўзбеклар хайрихоҳлик, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, катталарга чуқур ҳурмат, сабр-қаноатлилик, руҳий барқарорлик сабоқларини ҳаётларининг биринчи йиллариданоқ ола бошлайдилар, кейинчалик эса, бу доимо оилада ҳам, ҳар қандай ижтимоий шароитларда (маҳаллада) ҳам давом эттирилади, сақлаб турилади. Анъанавий халқ педагогикаси руҳида тарбияланган ёшлар ҳамма вақт катталарнинг, ҳатто улар бегона бўлсалар ҳам, фикр-мулоҳазаларига қулоқ соладилар. Ўзбек маҳаллалари (дахалари) учун хос бўлган ҳолатлардан бири: шўхлик ва тартибсизлик қилаётган нотаниш ёш болаларга кекса одам танбеҳ бериши, панд-насиҳат қилиши мумкин, улар эса ўз навбатида мўйсафид одамнинг гапларини бўлмаган ҳолда (гап қайтариш ёхуд назар-писанд қилмаслик у ёқда турсин) диққат-эътибор билан эшитадилар ва амал қиладилар. Кўп болали ўзбек оилаларида, тарихан шундай ҳаёт шаклланганки, одатда ҳар бир болага анчагина тарбиячилар топи-

лади. Шунинг учун ҳам ўзбекларнинг қуйидаги мақоли бежиз айтилмаган: „Бир болага етти қўшни (маҳалла) ота-оналик қилади“.

Ўзбеклар бир-бирлари билан, ҳурмат юзасидан „Сиз“ лаб гаплашадилар. Борди-ю, қўққисдан бировнинг оғзидан „Сен“ чиқиб қолса, бу одобсизлик саналади, кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлади.

Аксарият ота-оналар, катталарнигина эмас, ҳаттоки болаларини ҳам „Сиз“лайдилар.

Шарқда муаллим, устоз (домла) алоҳида юксак эъзозланган. Ўқитувчилик касбининг ижтимоий ва инсоний аҳамияти шундаки, бу касб миллий маданият анъаналарини авлоддан-авлодга етказиш йўли билан авлодлар ўртасидаги алоқани таъминлайди. Яна шуни қайд этиш керакки, шарқда ўқитувчи бўлиш деярли эркаклар имтиёзи бўлган. Умуман, шарқда эркакларни ҳурматлаш миллий анъаналарнинг биридир. Аммо ҳозирги даврда минтақа мактабларида ўқитувчилик, асосан, аёллар касби бўлиб қолди, эркак ўқитувчилар сони кескин камайиб кетди: бу баъзи омиллар қаторида „феминизация“, яъни жамиятда, жамият ёки шахс ҳаётининг баъзи бир соҳаларида аёллар роли ва таъсирининг ошиши ҳодисаси оқибати бўлса, ажаб эмас. Шу билан бир қаторда, шу нарса аниқ кўринадики, ўзбек халқининг руҳий фазилатлари ҳамма ўқув юртларида ўқув-тарбия жараёнига таъсир этувчи омиллардан биридир.

Шундай қилиб:

1. Этно-маданий ва психологик омиллар кишиларнинг ҳаёт фаолиятларига таъсир ўтказди.

2. Инсон ўз ҳаётида тарихий тажрибадан ўзини шакллантириш учун фойдаланади, лекин ҳар ким бу ишни ўзига хослик ила қилади.

Юқорида Ўзбекистонда педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида бевосита акс этувчи этно-муҳитнинг ижтимоий-маданий ва руҳий хусусиятлари қисқача баён қилиб берилди. Улар ўқитувчилар малакасини оширишда қўлланиладиган шакллар, усуллар, мазмун ва концепцияда ҳисобга олиниши керак.

Педагог кадрлар малакасини ошириш миллий кон-

цепциясини ишлаб чиқишда энг муҳим томонлардан бири ўзбек халқ педагогикасининг, айниқса, касбга ўқитиш ва тарбиялашнинг тарихий-маданий илдизларини тадқиқ қилишдан иборатдир.

2. Ўзбекистонда касбга ўқитиш ва тарбиялашнинг қисқача тарихий таҳлили

Марказий Осиёда таълимга нисбатан фалсафий, педагогик ва психологик қарашларнинг шаклланишида Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Тусий, Амир Темур, Улугбек, Навоий, Бобур ва бошқа алломаларнинг асарлари ва фаолиятларининг роли бениҳоя каттадир. Уларнинг бой меросини ўрганиш ҳозирги замон таълими ва касбга ўқитишнинг баъзи бир муҳим томонларини ойдинлаштириш имкониятини беради.

Аммо бу масала ҳақида тўхташдан аввал, Ўрта асрлар ва кейинги тарихий даврларда касбга ўқитиш дейилганда ҳунарга ўргатиш тушунилганини қайд этамиз, чунки бу даврларда бошқа касблар ҳали ажралиб чиқмаган эди.

Қомусий олимлар нуқтаи назаридан, касбга ўқитишга ёндашишнинг ўзига хос хусусияти сифатида ахлоқий тарбияга мазкур ўқитишнинг маълум бир кўринишига – алоҳида диққат-эътибор берилганини қайд этмоқ зарур, чунончи: Форобийнинг ёзишича, инсон ҳунарни эгаллаш учун амалий кўникмаларни ҳам, ахлоқий мезонларни ҳам ўзлаштириб олиши даркор. Насриддин Тусий „Таълим йўлидаги талабаларга насиҳатлар“ида камол топган одам тарбиясига ёрдам берадиган ўн тўртта ахлоқий меъёрни: сабрқаноат, аста-секинлик, ёрдам ва дўстона яқинлик, одамийлик, сахийлик, юмшоқлик, художўйлик ва бошқаларни кўрсатиб ўтган.

Касб таълими нуқтаи назаридан энг қизиқ ва қимматли асарлар Х асрнинг иккинчи ярмида „Тозалик биродарлари“ диний фалсафий мактаб тузган бир гуруҳ файласуфларга мансубдир. Мазкур мактаб араб халифалигида аҳолининг кенг доиралари орасида илмий билимларнинг тарқалишига салмоқли таъсир кўрсатган.

Меҳнат фаолияти, ҳунарларнинг кадр-қиммати, ақлнинг иши ҳақидаги масалалар ушбу гуруҳ аъзоларининг „Рисола“ларида кўрсатилган.

Рисолаларни ўзига хос ягона ҳунарга ўқитиш дастурлари сифатида қараш мумкин. Ҳозирда деярли унутилган ушбу йўл-йўриқлар узоқ асрлар давомида ҳунармандларнинг меҳнат ва ўқишларини ўзаро мувофиқлаштириб келган, худди ана шулар ҳунармандчилик анъаналарининг сақланиб қолишида ҳал этувчи роль ўйнайдилар. XX аср бошидаги тадқиқотчилар (П. Камаров, Н. Ликошин) „Рисола“ сўзини „Мактаб, ўқитиш, панд-насиҳат“ сифатида мазмунан таржима қилишни таклиф этадилар.

Бундай таржима „Рисола“нинг мазмунини, унинг чуқур маъносини аниқроқ ифодалайди.

Мазкур рисолаларнинг дастлабки матни асрлар оша ўзгаришсиз келди. Ҳар бир ҳунарга, (кенг маънода) ҳар бир касбга ўзининг рисоласи мос келар эди. Уларнинг кўпчилиги жорий асрнинг 30-йилларидан кейин ўрганилмади. Ҳолбуки, юз йилликнинг бошида ҳунармандлар ўзларининг рисолаларини ёддан билардилар. Рисолаларнинг энг биринчи таржимонлари ва тадқиқотчиларидан бири П. Камаровнинг гувоҳлик беришича, уларни жуда авайлаганлар.

Ҳамма рисолалар бир хил схемага кўра тузилган бўлиб, улар қуйидаги унсурлардан иборат эди: мазкур ҳунарнинг пайдо бўлиши тарихи (тарихда албатта бирон ислом дини арбоби ёки ўзининг художўйлиги билан машҳур бўлган шахс қатнашади), ушбу ҳунар билан қандай шуғулланиш кераклиги ҳақидаги кўрсатмалар, шогирднинг мустақил ишга тайёр эканлигини синаб кўриш учун бериладиган зарур саволлар ва жавоблар кўрсатилган.

Бундан ташқари, рисола, ҳозирги замон тили билан айтганда, маълум ҳунар билан шуғулланиш учун зарур бўлган касбга алоқадор сифатларни қайд этади, бундан кейин эса, „ўз қўл юмушларида Оллоҳ марҳаматидан баҳра олиш учун“ ҳунармандлар ўзларида қандай ахлоқий фазилатларни мужассамлаштиришлари зарур эканлиги санаб берилади.

Ҳунарнинг пайдо бўлиши, ахлоқий мезонларнинг (этик

қоидалар) киритилиши шуни кўрсатадики, Н.Ликошиннинг таъбири билан айтганда, „рисолаларда оддий касб бўйича йўл-йўриқлар“ бўлган эмас. Улар Оллоҳнинг „танланганлари қаторига қўшиб қўярди, Оллоҳ ўзининг воситчилари орқали унинг ҳунарини маъқуллаганлигини билдирарди, моҳир қўлларга эга бўлишга қарамасдан, ҳар кимга ҳам ҳақиқий гўзал нарсаларни яратиш насиб этавермаслигини англатарди „.

Рисола муаллифларининг ҳунарманд ахлоқий тарбиясига катта эътибор берганликлари ўрта аср шарқ педагогикасига хос анъанадир.

„Нима учун ахлоқий тарбияга шунчалар кўп аҳамият берилган?“ деган саволга, бизнинг фикримизча, „Тоза биродарлар ва самимий содиқ дўстларнинг тариқати“ китобидан келтирилган қуйидаги парчадан жавоб топиш мумкин: „Билгин, одамга хос фаолият икки кўринишда зоҳир бўлади: билиш ва меҳнат. Биз таъкидлаймизки, меҳнат фаолияти — бу билагон одамнинг фикридан шаклни ажратиб олишдир ва унинг амалиётда қўлланилишидир. Шаклни туғдирувчи фикр эса, тоза ва олижаноб бўлиши керак. Фақат шундагина фикр гўзал шаклни туғдиради, моҳир қўллар эса, уни бажарилган ишда мужассамлаштиради“. Мана шунинг учун ҳам рисола ўқувчида энг яхши руҳий фазилатларни шакллантиради, қудратли маънавий манба ҳисобланади.

Агар рисолалар тадқиқи, бизга ўтмиш касб таълимининг дидактик томонини, гарчанд оз даражада бўлсада, тиклашга ёрдам берса, ўқитиш жараёнини ташкил этиш, унинг шакллари ва усулларини ўрганиш янада кўп, мураккаб иш бўлиб туюлади. Чунки ҳунармандчилик маҳсулотлари қандай қилиб яратилганлиги, уста ўз билимларини шогирдларига қандай ўргатганлиги ҳақидаги маълумотлар мутлақо жамлангани йўқдир. Бу аввало, тадқиқотчилар учун асосий ахборот манбаи сифатида ер қатламлари остидан топилган нарса-буюмлар (ҳунармандчилик маҳсулотлари ва асбоблари) хизмат қилиши билан изоҳланади. Бундайларнинг ёшини аниқлаш мумкин, қиёсий усул воситасида уларнинг у ёки бу услубга, мактабга мансублигини аниқлаш мумкин, энг характерли аломатларига

кўра, уларнинг ишланган жойини аниқлаш ҳам мумкин бўлади, лекин уста ўз шогирдларига бундай маҳсулотларни тайёрлашни қандай қилиб ўргатганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш жуда мушкулдир. Нарса-буюмнинг ўзига хос шаклида, турли безакларнинг сирли белгиларида, шаклларда ва зийнат жимжималаридаги кўпроқ ва озроқ даражадаги туб ўзгаришларда ифодаланган бевосита маълумотларгина олимларга ижодда ворисийлик, тақлидчилик тўғрисида баъзи фаразлар қилиш имкониятини беради.

Лекин XIX—XX асрлар чегарасида бадий ҳунармандчиликнинг ҳолатини синчковлик билан ўрганиш узоқ ўтмиш даврларга нисбатан ҳам қийинлаш имкониятини беради. Шунинг эътиборига олиш лозимки, ҳунармандчилик оилавий мерос характерида бўлган, ишлаб чиқаришнинг ўзида ҳам, ўқитишда ҳам жуда барқарор анъаналар мавжуд бўлган. Шу сабабларга кўра ташқаридан бўлган таъсирга деярли эътибор берилмаган.

Аввало, ҳунармандчиликдаги ишлаб чиқаришнинг характерли белгиларига тўхталиб ўтамиз. Масалан, баъзи манбаларда ҳунармандчилик маҳсулотларини артель усулида ишлаб чиқаришга нисбатан устуворликка эга бўлган мерос—оила шакли тўғрисида гап кетади. Ва ҳаттоки ҳунармандчилик уюшмалари — „касаба“, моҳият эътибори билан оилавий бирлашмалардан иборат эди. Шунингдек, устахоналарда ҳунармандчиликнинг оилавий кўриниши қайд этилади. Бу ерда фақат шогирдлар эмас, балки усталарнинг ўғил-қизлари, аёллари ҳам ишлаганлар.

Ҳамма манбаларда ҳунармандчиликнинг икки шакли (шаҳар ва қишлоқ) кўрсатилади. Бундай бўлиниш ҳудудий характерга эга эмаслигини таъкидлаш зарур. Деярли ҳамма нашрларда, бу шакллар ўртасида иқтисодий жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ мавжудлиги қайд этилади. Шаҳар ҳунармандчилиги бозор учун ишлаган; қишлоқ ҳунармандчилиги эса асосан натурал характерга эга бўлган ҳолда (унинг маҳсулотлари ўз хўжалиги эҳтиёжларини қондиришга қаратилган), маҳсулотларнинг фақат айримларигина сотувга чиқарилган.

Шаҳарлик ҳунарманд бозор эҳтиёжларидан келиб чи-

қиб, қишлоқдаги ҳунарманд эса ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб маҳсулотини сотган ё алмаштирган.

Форобий фан ва ҳунармандчилик билан шуғулланишга тайёрланишда лозим бўлган ижобий фазилатларни шакллантиришда, аниқ шароитлар ва ўқувчининг характериға боғлиқ тарзда икки педагогик усулни қўллаш зарурлигини уқтиради. Агар ўқувчиларнинг ўзлари фан ва ҳунарни ўрганишға хоҳиш билдирсалар, у ҳолда улардаги қизиқишларни кучайтиришға қаратилган „юмшоқ усул“ни қўллаш керак бўлади, акс ҳолда, „қаттиқ усул“ни қўллаш кераклиги тавсия этилади.

Аслида Форобийнинг ўзи ҳам иккинчи усулни қўлашда суиистеъмолға йўл қўйилса, келиб чиқадиган салбий оқибатларни тушунади, бинобарин, ўқитишда фақат биринчи усулни қўллайдиган устознинг ахлоқий афзаллигини таъкидлайди.

Биз маскур мулоҳазаларда, биринчи навбатда, ўқувчининг шахсий сифатларини эмас, балки буюк файласуф олим назарда тутган ўқитишнинг „аниқ шароит“ларини таъкидламоқчимиз. Айниқса, қишлоқ жойлардаги ҳунарманд уста таълим беришда зарур ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий шароитлар унга шогирдидан бўлажак устани авайлаб шакллантириш имкониятини беради. Унинг устахонасидаги мавжуд муҳитнинг ўзи шогирдининг билим ва ҳунарни пухта ўзлаштириб олишиға ёрдамлашади. Форобий комил ишонч билан уқтирган ахлоқий хислатлар ва кадр-қимматлар, шунингдек, ҳунармандчилик, санъат ва бошқаларға оид илмий билимлар, кўникмалар инсон томонидан атроф-муҳитнинг таъсири остида ўзлаштирилади.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида касб таълими тараққиётига хос қисқача тарихий умумлашма фикрни тугата туриб, биз қуйидаги хулосаларға келамиз.

1. „Рисола“лар дидактик характерға эға бўлган ягона ёзма манба бўлиб, уларни ажратиб турувчи фойдали хусусият ҳунармандлардаги меҳнат ва ўқиш жараёнининг юқори савиясини таъминлаш ва сақлашдан иборатдир. Шу билан биргаликда, устанинг ижодий мустақиллиқни маълум даражада чеклаб қўйиши алоҳида талант соҳиби бўлган кишилар учун ўзига хос „тўсиқ“дир.

2. Улардаги мазмунни танлаш тамойили тор касб тавсия-номалари билан бир қаторда ахлоқий, маънавий йўл-йўриқларни ўз ичига олган бўлиб, ундан ҳозирги замон касб-ҳунар педагогикасида муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

3. Фикр, унинг шакли ва образи ижтимоий қурилишнинг ва инсон фаолиятининг асосини ташкил этади. Маданият ва таълим, тафаккур ва фаолиятнинг намуналарини узатишни таъминлайдилар.

4. Шарқ қомусий олимларининг умумпедагогик ва дидактик ғоялари энг аввало шундаки, бунда олдинги маррага таълимнинг усули эмас, балки мавжуд намуна бўйича янги таълим беришнинг маънавий жараёни чиқади.

Таълимнинг этно-маданий ва руҳий омиллари ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида касбга ўқитиш ва тарбиялашнинг қисқача маданий-тарихий таҳлили ҳозирги замон таълимида қандайдир даражада ҳисобга олиниши керак. Биз „ўтган — эскини“ тиклаш, таълим тизимини мавжуд жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш тарафдоримиз. Бизнинг чуқур ишончимизга кўра, „даврлар алоқаси“ни фақат илгарилаб ҳаракат қилиш йўли билан тиклаш мумкин. Тараққиёт янгиликни қуриш сифатида зарур, янгилик таркибига эса эскилик табиий қисм сифатида киради.

Шунинг учун таълим тизимининг назарий-методологик ва тарихий-маданий-мантиқий таҳлили ва унинг хулосалари бизни таълимнинг ҳозирги шакллари, усуллари ва мазмунини қўллаш заруратига олиб келади.

3. Ўзбекистонда таълим ва педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг ривожланиши

Ўзбекистон халқ таълими, ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай бошқа томони каби ўлка тарихи, унда яшовчи халқларнинг ўтмиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбеклар туркий тилларда сўзлашувчи халқларга мансуб бўлиб, уларнинг Марказий Осиёдаги қўшнилари — қozoқлар, қорақалпоқлар, қирғизлар, туркманлардир. Улар эрамиздан аввалги V асрдаёқ ёзувдан фойдаланганлар. Мазкур ёзув-битиклар бизнинг кунларгача сақланиб қолган.

Манбалардан маълумки, Самарқандда (шаҳарнинг ёши 2500 йилдан ортиқ), ўғил болаларни 5 ёшдан бошлаб ёзув ва ҳисобга ўргатганлар, ўсмирлик ёшида эса савдо ишига ўргатиш мақсадида уларни карвонлар билан сафарларга жўнатганлар.

Сўғдиёна ва Хоразмда суғориш, саёҳат, қурилиш ва савдонинг амалий эҳтиёжлари негизида математика анъаналари улуғланган.

VIII асрда Марказий Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши ва ислом дини жорий этилгандан кейин қадимги туркий халқлар яшайдиган ерларда араб ёзуви тарқалди. Ўлкада биринчи ислом мактабларининг ташкил этилиши ҳам худди мана шу даврга тўғри келади („мактаб“ атамаси у вақтда ёзувчи - хаттотларни тайёрлайдиган жойни англатарди.). Мактабларда дин ва эътиқод асослари ўқитиларди. Кейинроқ, X аср бошларида мадрасалар — ўрта ва олий мусулмон ўқув юртлари очила бошлади. Олимларнинг кўрсатмаларига кўра, мадраса таълими Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё, Миср, хуллас бутун мусулмон оламига тарқалди.

IX, X ва XI асрнинг ўрталарига келиб, Марказий Осиёдан бутун жаҳонга машҳур бўлган қомусий алломалар етишиб чиқди. Номи „алгебра“ ва „алгоритм“ тушунчаларида муҳрланган математик Муҳаммад ал-Хоразмий (780—850 й.й.), астроном Аҳмад ал-Фарғоний (861 йилда вафот этган), машҳур файласуф, Шарқ Арастуси Абу Наср Форобий (873—950 й.й.), қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973—1048 й.й.), „Тиббий қонунлар“и Европада бир неча аср мобайнида шифокорлар учун ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилган Абу Али ибн Сино (980—1037 й.й.) шулар жумласига киради.

Иқтисод ва маданиятни инқирозга олиб келган мўғуллар босқинидан кейин, ўлкада XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ижтимоий-маданий ҳаётда янги кўтарилиш, уйғониш — ренессанс даври бошланади. Бу давр тараққиёти буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур (1336—1405 й.й.) номи билан чамбарчас боғлиқдир. Тиббиётшунослик фанлари, математика ва астрономия илмларининг бу даврдаги тараққиётини буюк олим ва давлат

арбоби Мирзо Улуғбекнинг (1394—1449 й.й.) номисиз, унинг мактаби, академиясисиз тасаввур этиш қийин. Улуғбек ўзининг шогирдлари билан биргаликда астрономик жадваллар ва юлдузлар каталогини тузди.

Улуғбек мактаби ўрта аср астрономиясида телескоплар ихтиро этилгунга қадар бўлган даврдаги ютуқларнинг чўққиси эди.

XIX асрнинг ўрталаригача бўлган кейинги юз йилликларда ўлкада олимлар илмий тадқиқотларининг асоси фалсафа ва тарих соҳаси бўлиб қолди.

Ижтимоий ҳаётда, жумладан, Ўзбекистон Халқ таълими тараққиётида ҳозирги асрнинг кейинги 20-йилларидан муҳим ўзгаришлар рўй берди. Республикада мактаб ва мактабгача тарбия муассасалар тармоқлари ривожланди, ўқитувчи ва илмий-педагогик кадрларни давлат ҳисобидан тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўқитувчи кадрлар, шўро даврининг дастлабки йилларида, асосан, маҳаллий ёшларни қисқа муддатли ўқитувчилар курсларида ўқитиш йўли билан тайёрланган эди. 1919 йилда республиканинг қатор шаҳарларида муддати 3 ойдан 6 ойгача бўлган курслар ташкил қилинди. Бундай курсларни ташкил этишнинг маркази Тошкент шаҳри эди. 1916 йилда семинария қошида ўқитувчилар институти очилди.

Ўзбекистонда янгидан ташкил этилаётган малака ошириш тизими бир вақтнинг ўзида ва ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш билан шуғуллана бошлади. 1925 йилда Тошкент шаҳри ёнидаги Карл Либкнехт номли тажриба иш мактаби ҳузурида бошланғич мактаблар методистларининг биринчи Республика курслари ташкил этилди; шунга ўхшаш курслар вилоят халқ таълими бўлимлари ҳузурида ҳам ишлай бошлади. Асосий йўналиш сифатида саводсизликни тугатиш ва халқ таълимининг янги тизимини тузиш, меҳнат мактабини шакллантириш ва ривожлантириш белгиланган эди. Бу йўналиш малакани ошириш ҳамда 20-йиллардаги педагог кадрларни тайёрлаш тизими томонидан ҳал этиларди.

Малака ошириш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, умуман, Ўзбекистон халқ таълимида бўлгани син-

гари Мунавварқори Абдурашидхон, В.Ф.Лубенцов, Н.П.Архангельский, Абдурауф Фитрат, Шокиржон Раҳимий ва бошқаларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқдир.

1929-30 ўқув йилидан республикада умумий мажбурий тўрт йиллик таълимни жорий қилиш бошланди.

Шу муносабат билан педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурияти туғилди. Бундан кузатилган мақсад ўқитувчиларни янги, кучайтирилган талаблар бўйича ишлашга тайёрлаш эди. Бошланғич мактаблар ўқитувчилари малакасини ошириш Республика институти ташкил этилди. У жадаллик билан ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш бўйича катта ишларни амалга ошира бошлади.

1933 йилда бу институт халқ таълими кадрлари малакасини ошириш институтига айлантирилди. Институт ўқув режалари, дастурлари, ўқув материаллари, шунингдек, мактаблар, сиртқи педагогика муассасалари, қисқа муддатли курслар учун ўқув қўлланмалари тайёрлаб, нашр этди.

Институт томонидан малакани ошириш масалалари бўйича материаллар тайёрлана бошланди; ўқитувчиларнинг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришга киришилди, курслар, методик йиғинлар ташкил этилди. Институт ўзининг бўлимлари ва алоҳида муассасаларига муваффақият билан раҳбарлик қилди. 1927-28 ўқув йилидан мактаб қурилишини давом эттириш ва муаллимларнинг педагогик маҳоратини янги сифат даражасига ўтказишнинг энг муҳим шарти — араб алифбосидан лотин алифбосига ўтиш, ўзбек тилида дарсликлар, ўқув ва методик адабиётлар яратишдан иборат эди.

1929 йилда Самарқандда ўзбек педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ташкил этилди. Республика олимлари тадқиқотларининг асосий йўналишлари педагогика тарихи, тарбия назарияси ва дидактика муаммолари бўлиб қолди. К.Е.Бендриков, Н.И.Умняков, Н.П.Архангельский, И.Хусанхўжаев, Ж.Ўринбоев, Н.М.Таканаев ва б.).

40-йилларнинг бошларида Ўзбекистон ёппасига савод-

хон республикага айланди, болаларни мактаб таълими билан қамраб олиш бўйича собиқ Иттифоқнинг марказий қисми билан тенглашди. Бундай натижаларга эришишда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг хизматлари катта бўлди. Ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари нафақат тингловчиларни курслар орқали тайёрлашни такомиллаштирдилар, айти вақтда улар муаллимларнинг мустақил тайёрланишига салмоқли таъсир кўрсатдилар.

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайтадан тайёрлашни такомиллаштириш мақсадларида ўқитувчиларнинг тайёрланганлиги даражасини ўрганиш, ўқитувчиларнинг турли гуруҳларига дифференциал ёндашув, энг яхши ўқитувчиларнинг тажрибаларини оммалаштириш, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, туман, мактаблараро метод бирлашмаларининг ишида ворисийликни сақлашга эътибор берилди.

Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайтадан тайёрлашда энг муҳим минтақавий муаммолар қаторига ўша даврда ўқитувчиларнинг умумтаълимий, ғоявий-сиёсий ва умумий маданий даражасини ошириш (баъзида эса, ўқитиш), ўқув фанлари методик савиясини ошириш ва бошқалар кирар эди.

Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини оширишнинг барча бўғинларига мувофиқлаштириш ва илмий-методик раҳбарликни ҳозирги Абдулла Авланий номидаги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти амалга оширдилар.

Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945) мактаблар ва халқ таълими муассасалари олдиға янги вазифалар қўйди ва ҳамма иш жараёнини қайта қуришни талаб қилди.

Уруш келтириб чиқарган катта қийинчиликларға қарамасдан ўқитувчилар умумтаълимни таъминлаш, ўқув-тарбия сифатини яхшилаш юзасидан ҳам иш олиб бордилар.

Республика халқ таълими ходимларининг кўп қисми фронтға кетдилар, юқори синф ўқувчилари ишлаб чиқариш корхоналарида ишладилар. Мактаб биноларининг бир

қисми ҳарбий шифохоналарга ва ҳарбий ўқув юртларига айлантирилди, мактабларда эса ўқув машғулоти уч сменада ўтказилди.

Ўзбекистонда 1942—1943 йилларда мактабларнинг умумий сони 1940/41 ўқув йилидагига нисбатан 4795 дан 4374 гача камайди. Ўқитувчиларнинг маълум қисми умумий ўрта, тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлиб, педагогик тажрибалари йўқ эди. Бу ўз навбатида методик ёрдам уюштиришни, ўқитувчиларни сифатли тайёрлашни ва қайта тайёрлашни талаб этарди. Иш асосан қисқа муддатли курслар шаклида олиб борилар эди, анъанавий январь ва август кенгашларининг аҳамияти салмоқли даражада ошди; улар илғор педагогик тажрибалар минбарига айланиб қолдилар.

Урушнинг тугалланиши билан Республика ўқитувчилари малакасини ошириш институтининг иши оғирлашиб кетди. Мактаблар ва халқ таълими ташкилотларига фронтдан уруш йилларида педагогика фанидан ва амалиётидан орқада қолиб кетган мингларча ўқитувчилар қайтиб келдилар.

1945/46 ўқув йилида республикадаги 25 мингга яқин ўқитувчи шундай мушкул аҳволда қолди, лекин улардан 6 минг киши биринчи тинч ўқув йили тугагач, ёзги курсларда қайта тайёрлашдан ўтдилар, 1945 йилда Самарқанд вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти очилди, кейинги йилларда эса, бундай институтлар республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этилди.

Ўқитувчилар малакасини оширишни яхшилаш мақсадида республика Маориф вазирлиги 1948 йилда малака оширишнинг ягона тизими тўғрисидаги Низом ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Бу Республика педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг таркибий қисмларини мустақамлашга ва такомиллаштиришга хизмат қилди.

Урушдан кейинги йилларда вилоят малака ошириш институтлари ишини мазмунан ва шаклан янада такомиллаштириш, туман ва шаҳар метод кабинетларининг фаолиятини яхшилаш, курс ва семинарларнинг самарадорлигини ошириш, педагогика, психология, мактаблар иши таҳлили, ўқитувчиларнинг энг кўп долзарб масалала-

ри бўйича методик хатлар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш бўйича салмоқли чора-тадбирлар ўтказилди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари курсларида ишга олий ўқув юртлари педагоглари билан бир қаторда ўз ишларининг устаси бўлган энг яхши ўқитувчилар жалб қилиндилар.

Д.Ушинский номидаги институтга маъруза ўқиш ва ўзбек тилида машғулотлар ўтказиш учун академиклар Т.Н.Қори Ниёзий, Ф.Х.Тўрақулов, С.Х.Сирожиддинов, В.П.Шеглов, А.Г.Тўлаганов; фан докторлари С.И.Лиходзиевский, В.Л.Струнников, Х.Р.Раҳимов, Н.П.Архангельский, Ю.К.Узоқов, Ф.К.Каримов, А.Ғуломов, С.Р.Ражабов ва бошқалар таклиф этилдилар.

Олимларнинг педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида жалб этилиши республика ўқитувчиларини илмий-методик жиҳатдан тайёрлаш даражасини кўтарди.

70-йилларда ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида кафедралар ташкил этилиши муносабати билан, уларнинг илмий мавқеи салмоқли даражада ошди. Бу эса ўз навбатида Абдулла Авлоний номидаги институтни педагог кадрлар малакасини оширишнинг илмий-методик марказига айланиб қолиш имкониятини берди. Бунга республикада ўқитувчилик муаммоларига бағишланган илмий ишлар миқдорининг ошганлиги гувоҳлик беради. (Э.Қ.Қодиров, 1974; Н.Раҳимов, 1976, С.Р.Ражабов, 1976; М.Н.Нишонов, 1979 ва б.).

Ўзбекистонда Россия ва бошқа республикаларда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида тўпланган тажрибадан кенг фойдаланилди.

Шу билан биргаликда, турли республикаларда малака оширишнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари сунъий яқинлашувига олиб келинди. Маҳаллий шароитлар ва миллий ўзига хосликлар ҳисобга олинмади.

Маориф вазирлиги педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини ва унинг алоҳида қисмларини янада ривожлантиришни режалаштиришда ҳамма вақт ҳам республиканинг ўзига хослигини, миллий хусусиятларини ҳисобга олмади. Масалан, оз комплектли бошланғич мактаблар

тўлиқ қамраб олинмади, айрим мактабларнинг маданий марказлардан узоқда эканлиги эътибордан четда қолди, ўзига ўзи таълим зарурий илмий-методик адабиётни олиш билан боғлиқ қийинчиликлар; ўқитувчилар малакасининг пастлиги, туб миллат ўқитувчиларининг кўп болалилиги ва бошқа ўзига хос ижтимоий-маиший шароитлар назардан четда қолди.

Ушбу муаммоларни ечишга олимлар чинакамига жалб этилмаган эдилар. 70-йилларда малакани ошириш муаммоларига бағишланган ишлардан қуйидаги муаллифлар тадқиқотларини алоҳида қайд этиш мумкин; Н.Р.Раҳмонов (1973,1976) ва М.Н.Нишонов (1979). Бу ишларда ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари шаклланиши ва ривожланишининг баъзи бир муаммоларини очиб беради; М.Н.Нишонов эса, Ўзбекистонда педагог кадрларнинг малакасини ошириш муаммоларини мактаб таълими мазмунининг янгиланиши билан боғлиқ тарзда ўрганди.

Лекин Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг таркибий қисмларини, ўзига хос белгиларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларга (тизимга бир бутун қаралган ҳолда) бағишланган илмий-тадқиқотлар етарли эмас эди. Шунинг учун ҳам тизимни ташкилий мустақамлаш, унинг мавжудлигини мукамаллаштириш, умуман, собиқ Иттифоқ бўйича тўпланган тажриба йўли бўйича бориш; бунда малака оширишнинг миқдорий томонлари бўйича маълум ижобий натижаларга эришилган, аммо ривожланишининг сифат кўрсаткичлари бўйича орқада қолинган эди.

1983 йилга келиб, республикада қуйидагилар мавжуд эди: Республика малака ошириш марказий институти; 60 мингдан ортиқ ўқитувчилар малакасини ошириш имкониятига эга бўлган 13 видоят институтлари; 214 туман ва шаҳар педагогика (методика) хоналари; 8 минг мактаб метод бирлашмалари методик ишлар ва малака оширишни доимий тарзда амалга оширадилар (мактабларда 3 миллиондан ортиқ ўқувчилар ўқиган); 357 мактабдан ташқари 7 мингдан ортиқ мактабгача тарбия муассасалари ишлаган.

Мактабни ислоҳ қилиш муносабати билан (1984) педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида ижобий ўзгаришлар вужудга келди: вилоят ЎМОИ-ларининг малакани ошириш шакллари ва усулларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятлари кучайди; ўқув-мавзувий режалар ва дастурлар ҳамда педагог кадрларга кўрсатилаётган методик ёрдамнинг мазмуни ўзгарди.

Халқ таълими ходимларининг собиқ Бутуниттифоқ қурултойи (1988) мамлакатнинг халқ таълими тизимига янги тузатишлар киритди; педагог кадрлар малакасини ошириш тизимига уларнинг узлуксиз таълими кичик тизими сифатида тубдан янгича ёндашишларни тақозо этди.

Ҳозирги замон босқичида педагог кадрларнинг касбга мослик даражаси муаммоси долзарб бўлиб қолди; ушбу муаммо малакани ошириш тизими, педагогик таълим тизими ҳамда республика илмий муассасалари томонидан биргаликда ечилиши керак.

80-йилларда ўзбек олимларининг малака ошириш тизими муаммоларига бўлган қизиқиши бирмунча ортди.

Ўқитувчи касб маҳоратининг шаклланиши масалаларига Б.И.Кононенко (1981й.), С.Ш.Шермухамедов (1983 й.), О.С.Аббосова (А.П.Владиславлев билан биргаликда) (1983 й.) ва б. ишлари бағишланган.

М.Н.Нишонов (1983 й.), Э.А.Мазитова (1989 й.) ва бошқаларнинг тадқиқотлари педагог кадрлар малакасини ошириш муаммоларининг айрим томонларини очиб берди.

А.С.Ефимов, С.Р.Ражабов, М.М.Хайруллаев ва бошқалар педагогика фанига ва республикада муаллимликнинг шаклланишига катта ҳисса қўшдилар.

Қайд қилиш керакки, республикада 1989 йилда Фарғона педагогика институти асосида педагог кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш бўйича тажриба тариқасида ўқув, илмий-методик марказ ташкил этилиб, у ўзига Фарғона ПИ, Фарғона педагогика билим юрти, Фарғона вилояти ЎМОИ, бир қанча касб-техника ўқув юртлари, мактаблар ва мактабгача муассасаларни бирлаштирди. Шу билан биргаликда, РСФСР вилоятларига тақлидан тузил-

ган ушбу марказ шундай бир тажрибанинг зарурлиги тўғрисида илмий асосланган маълумотлар билан таъминланмаган эди. 1991 йилда ушбу иш натижасиз тугалланди.

Ўзбекистонда малака ошириш тизими тараққиёти таърихнинг юқорида келтирилган таҳлили педагогика таълими муассасалари, университетлар, ИТИлар, МОИларнинг* вужудга келиши ва ривожланиш тарихининг баъзи бир масалаларига тааллуқлидир. Мавжуд педагогик таълим тизимининг (битириб чиқувчиларни тайёрлаш сифати) ва малака ошириш тизимининг айрим бўғинларининг (МОИ, шаҳар (туман) метод хоналари, мактаб услуб бирлашмалари, ўзига ўзи таълим) минтақавий хусусиятлари ҳали махсус тадқиқ қилинганича йўқ.

Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизими тараққиёти ва шаклланиши масалалари юзасидан куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Ўзбекистонда ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда муайян натижаларга эришилган. Республикада малака оширишнинг ягона ва минтақавий изчил шакланган: МОИ, МОФ, шаҳар (туман) педагогика (методика) хоналари, мактаблараро, (мактаб) метод бирлашмалари, ўз-ўзига таълим шохобчалари шаклланди.

Жамиятнинг юқори малакали педагогларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришда малака ошириш ва педагогик таълим тизими ўзаро яқиндан ҳамкорлик қилганлар.

2. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизими тараққиётига уни ташкилий мустаҳкамлаш, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишга ёрдам берган. Шу билан биргаликда, агар таълимнинг минтақавий хусусиятларини, ўзига хос ижтимоий-сиёсий, руҳий-маиший ва бошқа шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш юритилганда малака ошириш тизимининг самарадорлиги янада юқори бўлар эди. Бунга эса, маълум даражада илмий-педагогик тадқиқотлар, педагог кадрлар малакасини оширишнинг турли шакл ва усуллари қўллаш туфайли эришиш мумкин.

3. Малакани ошириш тизимининг назарий-методик асослари муаммоси ҳали Ўзбекистонда махсус тадқиқот предмети бўлганича йўқ. Мактабнинг ва педагог кадрлар узлуксиз таълимининг янги концепцияларидан келиб чиқ-

қан ҳолда малака оширишни қайта қуришга етарлича эътибор берилётгани йўқ. Фақат педагогларнинг педагогик касбга дастлабки даражаларининг диагностик асосда малакани ошириш жараёнини МОИ лардаги курсларда, шаҳар (туман) педагогика (методика) хоналарида ва ўз-ўзига таълим асосига қуришга бўлган айрим уринишларгина бор, холос.

Ушбу сабабларга кўра республикада ижтимоий-маданий ва этнопсихологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда педагог кадрлар малакасини оширишни такомиллаштириш бўйича асосланган тавсиялар яратиш талаб қилинади.

4. Педагог кадрлар малакасини ошириш шакллари ва мазмуни

Узлуксиз таълим тизимида ҳозирги замон тадқиқотларининг методологиясидаги ўзига хос хусусият шуки, турли хилдаги ўқув юртларига танловда, мутахассисни тайёрлаш мазмунини аниқлашда, шунингдек, малакани ошириш тизимида доимий таълимдан кейинги ўқитишда нафақат унинг касб сифатида фаолиятининг асосий йўналишларидан, балки айни вақтда шахснинг ўзини ижодий рўёбга чиқаришни таъминлаб берувчи маънавий имконияти, шахсий сифатларидан ҳам фойдаланилади. Фақат мана шундай методологик ёндашув асосида узлуксиз таълим тизимининг турли босқичлари ва бўғинларининг ворислигини таъминлаб бериш мумкин. Оиладан, мактабгача болалар муассасаларидан бошлаб турли ижтимоий институтлар: мактаб ва ўрта махсус ўқув юртлари — олий ўқув юртлари — МПК (курслар) — доирасида давом эттирилади. Бу узлуксиз таълимга етакчи ижтимоий-педагогик тамойил сифатида қараш имкониятини беради, таълим тузилишининг ҳозирги замон йўналишларини акс эттиради; бу ерда таълим бутун тизим сифатида қаралиб, у шахс тараққиётига йўналтирилган ҳисобланади, шахс эса, ижтимоий тараққиётнинг фаол субъекти сифатида тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги

Қонуни таълимга шундай муносабатни белгилаб берадики, таълим шахснинг ижодий имконияти тараққиёти учун мавжуд экан, ўз ичига алоҳида кичик тизимларни қамраб, сингдириб олиши мумкин. (Бу ерда кичик тизимларнинг вазибалари узлуксиз таълимнинг умумий тизимидаги ўринлари нуқтаи назаридан белгиланади.) Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий тараққиётининг умумий тизимида мавжуд бўлади.

Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида шу кунгача энг кўп даражада илмий ишланган масала, бу — ўқитишнинг турли шакллари. Ҳозирги вақтдаёқ ўқитувчилар ва таълим ташкилотларининг бир қисми ўз малакаларини „қундузги-сиртқи“, „шахсий график“, „стажировка“, „экстернат“ каби шакллар бўйича ошироқдалар. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг ҳамма мавжуд шакллари узлуксиз таълим концепциясида, шунингдек, П.А.Худоминский, Б.С.Гершунский, В.Г.Онушкин, Ж.Ф.Йўлдошев, Р.З.Гайнутдинов ва бошқаларнинг ишларида етарли ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида педагог кадрлар малакасини ошириш шакллари муаммоси хусусида гап кетар экан, унинг юқорида баён этилган миллий-минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Фикримизча, Ўзбекистон шароитида малакани ошириш шакллари бўйича тадқиқот ишларини давом эттириш керак. Педагог кадрларни ўқитишнинг ишлаб чиқаришдан ва одат тусига кириб қолган кундалик ҳаёт шароитларидан ажратмайдиган шакллари истиқболли бўлса, ажаб эмас. Биз шундай ўйлаймизки, бундай шакллар қаторига мунтазам ўқиладиган маърузалар, назарий-методик анжуманлар, кўчма, қисқа муддатли курсларни киритиш мумкин. Бу ўзбек халқининг ўзига хос ҳаёт тарзига ҳар жиҳатдан жуда мос келган бўлур эди.

Бундан ташқари, малака оширишнинг метод бирлашмалари ишида, таълим муассасаларининг педагогика кенгашлари фаолиятида ўқитувчилар иштирокини фаоллаштириш йўли билан ҳам рўёбга чиқариш мумкин. Илмий-амалий кенгашлар, педагогик билимлар университетла-

ри, илғор тажриба мактаблари, шунингдек, халқ таълимининг таянч муассасалари янада самаралироқ ишлашлари зарур.

К.З.Зарипов, Р.З.Гайнутдинов ва б. МОИ (ПКМОИ) шароитларида ўқитувчиларни айнан курсларда тайёрлаш уларнинг малакасини оширишнинг энг самарали шакли эканлигини исботлаб берадилар. Биз ҳам бундай фикрга тестлар асосида ўтказилган синовлар натижаларига кўра қўшиламыз.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, ўқитувчилар малакасини оширишга ёндашишнинг жиддий ўзгарганини қайд этиш лозим. Айниқса, бу фикр МОИ - ИУУ (ПК МОИ)даги ўқув жараёни мазмунига тегишлидир.

Биз МОИ ва (ПКМОИ) курсларида ҳар бир ўқитувчи-тингловчининг шахсий ва касбий тайёргарлиги қанчалик эканлигини аниқлаш муаммосини муҳим деб ҳисоблаймиз. Бу ўқитувчини диагностлаштиришни (тестлаштиришни) билдиради. Кейинги йилларда бу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг барча МОИ (ПКМОИ)ларида иш олиб борилмоқда.

Диагностик иш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасалари педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низомни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Тингловчи-ўқитувчиларнинг диагностикаси асосида уларни махсус курсларда ўқитишнинг ихчам ва турлитуман ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўқитувчилар малакасини оширишнинг шакллари ва мазмуни бўйича малака ошириш институтлари, махсус курслар муайян иш олиб бораётганларига қарамасдан, ўқув жараёнида ҳамон анъанавий таълим усуллари ҳукм сураётганлиги тўғрисида педагогларни ўқитиш самарадорлиги ҳануз пастлигича қолмоқда. МОИда ўқув жараёнини фаол таълим тамойиллари ва компьютерлаш асосида қайта қуриш, рағбатлантиришни кучайтириш ва ўқитувчиларнинг ўзига ўзи таълими учун кенг қўламда воситалар ишлаб чиқиш каби масалалар ўз ечимини кутмоқда.

МОИларнинг махсус курсларида ўқитиш асосига ўқитувчиларда мустақил билим олиш, уни тўлдириб

бориш ва амалиётда қўллаш, илму ирфонни зийраклик ила ўзлаштиришни ўрганиш каби талаблар қўйилмоғи керак. МОИларда ўқитиш келажакка, муаммоли вазиятларга қаратилиши лозим. Маълумки, муаммоли вазиятларни ҳал этиш илмий билимдан амалий фаолиятда фойдаланишни тақозо этади.

Бошқача қилиб айтганда, ягона дидактик тизимнинг ривожланиши ташқи таъсирларни қайта ўзгартириш механизмини қуришга боғлиқ бўлиб қолади. Шахснинг ривожланишида „ички ва ташқи“ ўзаро алоқанинг ана шундай умумий асоси, бу — фаолиятдир.

Педагогика назарияси ва амалиёти ўқув жараёнини фаоллаштиришга, билиш мустақиллиги ва диалектик тафаккурнинг шаклланишига имконият яратиб берувчи оқилона шароит сифатида муаммоли таълимни йўлга қўйишни алоҳида таъкидлайди.

МОИ шароитларида „муаммоли таълим“ни қўллаш самаралидир, чунки фикр мустақиллигини шакллантириш фақат сифат билан эмас, балки тафаккур тажрибаси миқдори билан ҳам (ўқитувчилар бундай имкониятга етарлича эгадирлар) алоқадордир. Шахс қанчалик катта тажрибага эга бўлса, унинг тасаввур этиш қобилияти ҳам шунчалик салмоқли ва маҳсулдордир; ҳар хил ҳаракатни қанчалик кўпроқ эгаллаган бўлса, унинг мустақил тажрибаси шунчалик эркин ва самарали, ўқув мотивлари мазмундор ва қизиқарли бўлади.

Бизнинг маълумотларга қараганда, МОИ - (ПК МОИ) тингловчиларининг 58,3 фоизи курсларда ўқитишнинг фаол усуллари йўқлигини қайд этадилар; 36,7 фоизи МОИ иш малакасини оширишга ёрдам бермаётганини, 26,2 фоизи эса, бу тўлиқ ҳолда эмаслигини кўрсатадилар. Шундай қилиб, МОИ тингловчиларининг 62,9 фоизи курслардан қониқмаганлар.

Юқорида қайд этилганидек, МОИлар барибир республика ўқитувчилари учун илмий-методик ва ўқув марказлари бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда, ўқитувчиларни курсда тайёрлашнинг мазмуни ва усуллари такомиллаштириш ҳисобига ўқув жараёнини фаоллаштириш зарур. Бу жараён жойларда ҳам, инсти-

тутларда ҳам диагностик иш асосида бўлмоғи керак. МОИ фаолиятини такомиллаштиришнинг истиқболли йўллари-дан бири ўқув жараёнида ўқитишнинг фаол усулларини жорий қилишдан иборатдир.

Малака ошириш курсларида ўқитишнинг фаол усуллари-дан фойдаланишда шубҳасиз бир афзаллик борки, у педагог шахсининг такомиллашишига ёрдам беради. Кейинчалик, агар педагог ўқитишнинг фаол усулларидан ўзининг кундалик иш фаолиятида фойдаланадиган бўлса, унда ўқувчи шахсини ҳам камолотга етиштира олади.

Бу қуйидагича бўлади: ўқитувчи мақсадга мувофиқ йўналишдаги ҳаракатлар ҳисобига ўқувчи учун интеллектуал, амалий шароит доирасини шакллантирадики, бунга жавобан ўқувчи ўз дунёсини ярата бошлайди, ўзининг таъсир ва мулк доирасини кенгайтиради, ўзи танлаб олган соҳага нисбатан масъулият сеза бошлайди. Албатта, буларнинг ҳаммаси ҳам ўқитувчининг, ҳам ўқувчининг қандайдир махсус интилишлари, онги, нуқтаи назари ҳисобига амалга оширилади.

Шундай қилиб, ўқувчи, синовлар орқали ўтиб, ниманидир ўзлаштиргани, эгаллагани ва ўзиники қилиб олганини исботлаб, шахс бўла бошлайди, қабул қиладиган қарорлари учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Юқорида фақат педагог кадрларнинг малакасини оширишнинг шакллари, усуллари ва мазмунидаги мавжуд муаммоларга диққат-эътибор қаратилди, холос.

Шундай қилиб:

1. Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида турли шакллар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда: кундузги, кундузги-сиртқи, қисқа муддатли курслар, шахсий график, стажировка, экстернат, муаммоли курслар ва ҳ.к. Уларнинг ҳаммасидан муайян тарзда фойдаланилмоқда. Шу билан биргаликда малакани оширишнинг ўқитувчиларни оиласидан, ҳаётий ҳолатлардан ажратиб қўймайдиган шакллари кўллаш тақозо этилади; бу ўзбек халқининг ўзига хослиги ва минтақавий – миллий хислатларига кўп жиҳатдан мос келади.

2. МОИларда ўқув жараёнини фаоллаштириш, ўқитувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни бажариш зарур:

— курсларнинг ҳар бир тингловчисига унинг тестлаштириш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, шахсий касбий ўсишини (йўлини) белгилаш;

— ўқитиш бўйича ўқув-мавзу режалар ва дастурлар тингловчиларнинг эҳтиёжлари ва сўровларидан келиб чиққан ва ижтимоий буюртма-талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилмоғи керак;

— ўқитишнинг энг самарали йўллари ва усулларини қўллаш; улар асосида „иш машқлари“ ва фаол ўқитишнинг бошқа усулларига эътибор бериш талаб қилинади.

5. Айрим хулосалар:

Жамият ҳаётида таълимнинг аҳамияти оша борган сари унинг тадқиқот муаммолари янада кўп қиррали бўла боради. Бу тадқиқотлар қамровининг кенгайишига олиб келади. Шу билан бирга тадқиқотчи вакил бўлган фаннинг билиш имкониятлари ва унинг олдида турган мақсадларга боғлиқ тарзда таълим уч хил кўринишда — **ҳодиса сифатида, жараён сифатида ва ижтимоий институт сифатида** зоҳир бўлади.

Қуйидагилар узлуксиз таълимнинг асосий вазифалари бўлиб қолади:

1. Компенсаторлик (функцияси) — катта ёшлилар таълими шахсга қандайдир сабабларга кўра болалик ва ёшлик даврида фойдаланилмаган имкониятни қайтариб бериш;

2. Мослаштириш (функцияси) — ўзгариб турувчи оламга шахсни доимо мослаштириш;

3. Ривожлантириш (функцияси) — шахс ижодий салоҳиятининг узлуксизлигини таъминлаш.

Юқорида баён қилинган таълим тизимига назарий-методологик ёндашишларни асос қилиб олган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида илмий тадқиқотлар, биринчи навбатда унинг (tizimning) ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини яхшилашга қаратилади. Бунда таълим қуйидаги сифатларда намоён бўлади:

— ҳодиса (сифатида), яъни инсоннинг шахс сифатлари мажмуасидан иборат таълим ва тарбия натижаси сифатида (унинг мавжуд билимлари, кўникмалари, фуқаролик, интеллектуал, бадий - эстетик етуклиги назарда тутилади).

Таълим — бу ўзгариши ва сифат жиҳатидан баҳоланиши мумкин бўлган ҳодисадир.

— жараён сифатида, яъни таълим инсонга йўналтирилган даврий, мақсадга мувофиқ таъсирлар йиғиндиси, мажмуаси сифатида қаралади; уларнинг маъноси, мазмуни ва вазифалари жамиятнинг объектив эҳтиёжлари билан белгиланади ва унинг таълим муассасалари фаолияти мақсадларидан келиб чиқади.

Жамиятнинг ижтимоий буюртмасига мувофиқ, ўқитувчи таълими педагогларни амалий масалаларни ечиш методологияси билан қуроллантириш, мақсадни қўзлаш жараёнларини ривожлантириш, оқилона ечимларни топа билиш, фаолият жараёнини ва ўз имкониятларини танқидий баҳолашга ўргатиш йўли сифатида қаралади.

— ижтимоий институт сифатида, яъни таълим тизимининг асосий функциялари ижтимоий (меҳнат) тақсимооти тизимида ўзига хос унсур сифатида белгиланади. Таълим тараққиёти жамият устқурмасининг иқтисодий базисига мувофиқлиги объектив қонуннинг ҳаракати билан белгиланади. Таълимга хос иқтисодий ва ижтимоий функцияларнинг диалектик бирлиги унинг бош мақсадини ташкил этадики, уни ҳисобга олган ҳолда бошқа барча масалалар ечилади.

2. Инсоний маданиятни қайта тиклаш. Таълимни бундай тушунишда муаллимнинг шахс ва фуқарони шакллантирадиган энг қийин жараён мутахассиси эканлиги назарда тутилади. Этнопсихологик, культурологик ва миллий-минтақавий омилларни ўрганиш тадқиқотларда муносиб ўринни эгаллаши керак.

3. Муҳокама этилаётган тизим, оқибат-натижада бирор танланган соҳа бўйича унумдор меҳнатга лаёқатли кишиларни касбга тайёрлаш имконини беради (ўз соҳасига лойиқлик, ижод, касб маданияти, фанга ихлос ва б.).

Илмий тадқиқотларнинг бундай асоси, бизнинг фик-

римизча, Ўзбекистон Республикасида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги муаммосини ечиш имкониятини яратди.

Ҳаётий шароитдан келиб чиқиб, республикада малака ошириш моделларининг илмий тадқиқотларини аниқ мактаб ва ҳар бир ўқитувчи эҳтиёжларига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳаётий фаолиятда бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчилар малакасини ошириш концепцияларининг қуйидаги моделларини рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Бу моделлар амалда турли кўринишларда учрайди:

1. Ташкилан йўналтирилган моделлар. Бундай моделларда ташаббусни ўқув-тарбия юртлири ёки турли босқичларда халқ таълими бошқаруви ўз зиммасига олади. Шу йўл билан ўқитувчилар имкониятларининг ҳам маънавий, ҳам иқтисодий омиллар орқали самарали ўсишини рағбатлантириш механизмлари яратилади.

2. Ўқитувчилар эҳтиёжларидан ва уларнинг ташаббусидан (ўз-ўзига таълим) келиб чиқувчи моделлар. Бу моделлар ўқув-тарбия юртлири ёки мос даражада халқ таълимини бошқариш муассасалари ўқитувчининг ўз-ўзига таълими учун шароитларни таъминлайди, деган мақсадни назарда тутди. Бунда ўқитувчилар мавжуд шароитлардан самарали фойдаланадилар.

3. Узлуксиз таълим тизимининг минтақавий муаммоларини ечиш бу тизимга хос анъанавий функцияларнинг илмий натижалари билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур функцияларнинг энг муҳимлари:

1. Адаптация, яъни мослаштириш (функциялари) — ўқув-тарбия жараёни давомида вужудга келадиган аниқ вазиятларни ечиш.

2. Малака оширишнинг инновацион ва ривожлантириш функциялари.

3. Реквалификациявий — дастлабки малакалар билан ва янги талаблар ўртасидаги бўшлиқни бартараф этиш.

4. Кенгайтирувчи, кенгайтириш: бошқа ўқув фани бўйича малака олиш.

5. Ихтисослаштирувчи — қўшимча малака олиш; маса-

лан, психолог, директор, таълимда техник восита мутахассиси, ЭҲМ ва б.

4. Малакани ошириш ва узлуксиз таълимнинг барча моделлари, шунингдек, уларнинг функциялари шахсни такомиллаштиришнинг қадрият-йўналтирилганлик, мотивациявий, технологик ва иқтисодий томонларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилиши ва амалиётга жорий қилиниши керак, буларнинг ҳаммаси шахс ижодий қувватини ўстиришга қаратилган.

5. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг мазмуни ва усулларини уларнинг шахсий — касбга яроқлилиқнинг реал даражасини, миллий-минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, диагностлаштириш ва тестлаштириш асосида танлаб олиш зарур. Курслар тингловчилари фаолиятининг ҳиссий қадриятлар жиҳатини — амалий ижрочилик томони билан биргаликда шакллантириш керак.

6. Агар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида касб таълими тарихидан, Шарқ олимларининг умумпедагогик ва дидактик ғояларидан келиб чиқилса, у ҳолда маънавиятни қайта тиклаш, биринчи навбатда, педагог кадрларни тайёрлашни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

III БОБ. ЎҚИТУВЧИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМИ ВА КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ АҲВОЛИ

Инсон фаолиятининг ҳар қандай бошқа соҳасида бўлгани каби, педагогика соҳасида ҳам инсон омилини бош вазифа этиб олиш, ҳар бир кишининг ўз ўрнида виждонан ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ишлашга эришиш таълим-тарбиянинг асосий тамойили саналади. Педагогик фаолиятда муаллимнинг ижодий меҳнати ривожлантирилмасдан бунга эришиш мумкин эмас. Шу муносабат билан педагогнинг жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини тушуниши, ўзи қилаётган ишнинг аҳамиятини билиши жуда муҳимдир.

Ҳозирги замон ўқитувчиси билимларнинг кенг қўламдаги заҳирасига, педагоглик маҳоратига ва обрўга эга бўли-

ши керак. Педагог кадрларни тайёрлаш билан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари шуғулланиши маълум. Ҳамма жойда таълимнинг барча бўғинлари учун фақат олий маълумотли ўқитувчилар ва тарбиячилар тайёрлашга ўтишга шароитлар яратилмоқда. Уларни тайёрлаш сезиларли равишда яхшиланмоқда. Педагогика олий ўқув юртлари ўзларининг ўқув режалари ва дастурларини қайта кўриб чиқмоқдалар, бўлажак ўқитувчиларнинг энг замонавий билимлар ва яхши амалий тайёргарликка эга бўлишига интилмоқдалар. Шу билан биргаликда, олдимизда педагогика олий ўқув юртлари олдида мутахассисларнинг маънавий ва касбга тайёрлаш даражасини ҳар томонлама ошириш бўйича кўп ишлар қилиш вазифаси турибди.

Лекин, эътироф этиш керак: ўқитувчи олий ўқув юртида қанчалик етук таълим олган бўлмасин, барибир у доимо малакасини оширишга муҳтож бўлади.

Мамлакатда таълимни қайта қуриш ва унинг узлуксизлигини таъминлаш заруриятидан келиб чиққанда, педагогнинг ўз фаолиятини ҳар қандай шароитда ҳам ҳаётий жараённинг асосий шаклларида бири сифатида англаши муҳим омилдир. Бундай тушунча унинг шахслик сифатлари ва касб маҳорати ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Ушбу бобда педагог кадрларнинг малака оширишга ва узлуксиз таълимга тайёргарлиги ҳамда МОИ курслари фаолиятининг аҳволи ва Ўзбекистон ўқитувчиларининг махсус курсларда малака ошириш олдида дастлабки даражаларининг диагностик натижалари баён қилинади.

1. Ўқитувчи фаолиятининг сифати ва таркибий қисми

Ўзбек мактабларида ўқитувчилар касб маҳоратининг ривожланиш муаммоларини аниқлаш мақсадида 10000дан кўпроқ ўқитувчи диагностлаштиришдан ўтказилди.

Ўқитувчининг ўзига хос касб хусусиятларини аниқлангандан кейингина малака оширишнинг мазмуни, шакллари ва усулларини унга мос тарзда ташкил этиш мумкин.

Саволномадан фойдаланиб ва уни суҳбат, сўров, қузатиш маълумотлари билан тўлдириб, ўқитувчиларнинг

малакаларини ошириш саҳифасидаги даражаси натижаларини олдик.

Кўп сонли саволномаларни таҳлил этиш натижасида Ўзбекистон шароитида ўқитувчилар педагогик фаолиятининг сифати ва таркибий қисмларини аниқлаш учун махсус саволномалар минтақа хусусиятларини акс эттира оладиган тарзда бўлиши лозимлиги тўғрисидаги хулосага келдик ва махсус саволнома ишлаб чиқилди.

Қуйида 1-саволнома бўйича баҳолаш мезонлари акс эттирилган.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркибий қисмлари ва сифатини баҳолаш

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркибий қисмлари ва сифатини амалга ошириш даражасининг тавсифи	Баллар	Даража
1	2	3
Амалга оширилмайди.	0-2	I
Паст самарадорлик билан қисман амалга оширилади	3-4	II
Етарли даражада маҳорат билан амалга оширилади	5-6	III
Илғор тажрибани ва фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ижодий, юқори даражадаги самарадорлик билан амалга оширилади	7-8	IV

Ўқитувчига қўйиладиган энг асосий талаблардан бири унинг материални нутқ маданияти меъёрларига риоя қилиб, ёқимли товуш билан мантиқий тушунарли баён қилиб беришидир. Бироқ республикада ўқитувчиларнинг 15,9 фоизи бу талабга ўз фаолиятида амал қилмайди, 50,9 фоизи қисман, паст самара билан амал қилади. Айниқса, бу ҳол республиканинг Қашқадарё, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида кучлидир.

Бизнинг фикримизча, ўқитувчиларда ахборотни таъсирли етказиш воситаси сифатида оғзаки нутқ маҳорати пе-

дагогика олий ўқув юртларида шакллантирилиши керак. Абитуриентларнинг бундай қобилияти институтга кириш вақтидаёқ ҳисобга олиниши зарур.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, (1-жавдалга қаранг) ўқитувчиларнинг 25,8 фоизи оғзаки нутқдан етарли даражада усталик билан фойдаланадилар; 7,4 фоизи — илғор тажриба ва фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда олий даражада самарадорлик билан фойдаланадилар. Малака ошириш муассасаларининг вазифаси ўқитувчиларда ушбу сифатни такомиллаштиришдан иборат.

Шу билан биргаликда, ўқитувчиларнинг 15,9 фоизи ахборотни таъсирли етказиш воситаси сифатида оғзаки нутқни эгаллаш бўйича дастлабки тайёрловга муҳтождирлар.

„Ўқув материални чуқур эгаллаш ва бемалол қўллай олиш“, шубҳасиз, ўқитувчининг кейинги такомиллашувига асос бўлиб хизмат қиладиган талабдир. Аммо республика ўқитувчиларининг 52,8 фоизи ушбу касб таркибий қисмларини паст самарадорлик билан амалга оширадилар; 12,7 фоизи умуман амалга ошира олмайди; бинобарин, уларга МОИ ва ПКМОИларда ўқув фанининг назарияси ва методикаси бўйича дастлабки тайёргарликни қайта бериш талаб этилади.

Бошқа ўқитувчилар эса, мавжуд билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга муҳтождирлар.

МОИлар ўқитувчилари курсда тайёрлаш мазмунини аниқлашда қийин аҳволдалар, чунки айнан бир хил гуруҳларга тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган ўқитувчилар юборилмоқда.

МОИ, ПКМОИ, ШТМХ ва мактаблар методика бирлашмаларида ўқитувчиларнинг касб тайёргарликлари даражасини аниқлаш мақсадида диагностик ишни кенгайтириш зарур.

Бизнинг текширув натижаларимиз шуни (1-жадвал) кўрсатадики, Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида МОИ ва ПКМОИлари ҳузурида фанлар бўйича ўқув материалларини эгаллашда етишмовчиликларни йўқотиш бўйича гуруҳлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

**Ўзбекистон Республикаси ўқитувчилари маҳорат даражаларининг
таркибий қисмлари ва сифатлари (фондларда) 1-жадвал**

№	Маҳорат сифатлари ва таркибий қисмлари	Дара- жаси	Қора- қал. Рес-си.	Анди- жон вил-ти	Бухоро вил-ти.	Қашқад. вил-ти.	Навоий вил-ти.	Самар. вил-ти.	Сирд. вил-ти.	Сурх. вил-ти.	Фарғона вил-ти.
1.	Отакаки нутқни ҳиссий ахборот беришнинг воситаси сифатида еталлаш.	I II III IV	9,8 59,4 24,2 6,6	6 42 42 10	6,2 37,2 54,8 1,8	28,8 43,2 21,6 6,4	19,8 66,0 8,2 6,0	12,0 44,0 36,4 7,6	36,0 32 24 8	19,6 55,8 12,0 12,6	13,5 64,8 12,6 9,1
2.	Ўқув материални чуқур еталлаш на ундан бемалол фойдаланиш.	I II III IV	12,3 58,2 20,3 9,2	— 38,5 43,5 18,0	8 28 36 28	26,4 50,6 13,2 9,8	10,0 74 10 6	13,4 38,4 40,0 8,2	22,0 48 20 10	17,2 59,4 19,8 3,6	5 74 16 5
3.	ТТВни қўллаш	I II III IV	26,4 54,4 17,6 1,6	38,0 52,1 7,5 3,0	40,0 40,0 13,0 7,0	42,0 35,2 16,8 6,0	28,5 62,7 8,8 —	42,6 43,0 10,0 5,0	49,5 40,6 7,0 3	50,0 38 10,2 1	30,0 61,0 8,0 1,0
4.	Ахборотларнинг зарур манба-ларини билиш ва улардан фойда-лана олиш.	I II III IV	20,0 56 18 6	12,0 48,0 34,0 6,0	36,0 45,0 10,0 9,0	31,5 47,5 17,0 4,0	27,2 42,5 27,0 3,3	16,4 56,8 16,8 10,0	25,0 55,0 15,0 15,0	61,6 28,0 5,6 4,8	27,5 57,5 7,5 7,5
5.	Ўқитиш жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорлик қила олиш.	I II III IV	33,8 56,1 8,2 1,9	7,8 53,3 23,4 15,5	21,0 55,0 15,5 8,5	37,5 28,7 22,5 1,3	34,3 52,9 8,8 4,0	32,8 62,9 11,2 3,2	26,4 62,7 6,6 4,3	22,8 53,7 15,2 7,3	7,5 73,7 12,1 6,7
6.	Ўқувчиларда таълимнинг ижти-мой аҳамиятли омили ва машғулотларга қизиқишни шакллантириш.	I II III IV	17,6 50,6 26,4 5,4	— 51,3 37,8 10,4	— 33,2 49,8 17,0	35,0 50,0 5,0 10,0	23,8 56,1 15,3 4,8	23,6 46,4 32,8 7,2	25,0 60,0 12,5 2,5	19,2 65,0 17,6 7,2	24,0 65,0 10,0 1,0

Ўзбекистон ўқитувчиларининг ташкилотчилик- уштирувчилик сифатлари

N	Сифат ва кўрсаткичлари	Дара- жаси	Қора- қал- погис- тон Рес-си.	Андижон вил-ти.	Бухоро вил-ти.
1	2	3	4	5	6
1.	Талабаларнинг жамoa, гуруҳ ва индивидуал ишини аниқ ташкил этиш, ушбу иш шакллариини уйғунлаштира олиш.	I	4,2	4,8	39,6
		II	50,4	37,8	60,4
		III	33,6	35,0	—
		IV	11,8	22,4	—
2.	Машгулотларда жорий ўзлашти-риш устидан назоратни ташкил этиш.	I	—	5,6	30
		II	45,6	23,8	70
		III	39,9	40,6	—
		IV	14,5	30,0	—
3.	Ўз-ўзини бошқарувни ташкил этиш.	I	5,7	1,5	—
		II	55,1	34,5	88,8
		III	32,3	39,0	11,2
		IV	6,9	25,0	—
4.	Ривожлантириш ва шаклланти-ришни назарда тутувчи билим-ларни берадиган ўқув материа-лини танлаш	I	11,4	2,8	20,0
		II	46,1	29,4	70,0
		III	36,1	50,4	10,0
		IV	6,4	17,4	—
5.	Синф хусусиятлари ўқитиш ва тарбия мақсадига боғлиқ тарзда ўқитишнинг тахминий шакл ва усуллариини олдиндан айтиб бе-риш.	I	20,4	2,8	30,0
		II	46	39,2	60,0
		III	30	40,6	10,6
		IV	4	17,4	—
6.	Таълим-тарбиянинг самарадор-лигини олдиндан айтиб бериш, ўқув-тарбия ишида туғиладиган қийинчиликларни аввалдан кўра билиш.	I	10,8	—	45,0
		II	57,6	18,9	45,0
		III	27,0	42,2	10,0
		IV	4,6	37,9	—

2-жадвал

Қашқа- дарё вил-ти.	Навоий вил-ти.	Самар- қанд вил-ти.	Сирд. вил-ти.	Сурх. вил-ти.	Фар- ғона вил-ти.	Хоразм вил-ти.	Ўз- бекис Рес-си буйича
7	8	9	10	11	12	13	14
36,8	8,0	15,2	6,6	14,7	1,8	14,3	14,4
43,7	76,0	27,3	59,9	27,3	66,6	48,1	51,7
11,5	10,0	33,6	26,4	37,8	20,7	27,3	23,6
8,0	6,0	4,8	7,1	20,2	10,9	10,3	11,3
41,4	26,6	14,4	11,0	12,6	2,4	7,2	15,1
36,8	46,4	48,0	66,0	16,2	75,4	37,4	46,9
2,3	17,1	31,2	22,0	55,1	19,3	44,0	27,2
19,5	6,9	6,4	1,0	16,1	3,3	10,3	10,8
43,7	18,0	28,8	33,0	9,1	3,6	10,6	15,4
32,2	48,0	42,4	44,0	73,8	73,8	37,2	47,1
18,4	26,0	25,6	16,5	57,3	13,5	40,8	28,1
5,3	8,0	3,2	6,5	19,7	9,1	11,2	9,4
25,0	10,0	32,8	20,4	7,2	5,0	12,0	15,0
45,0	66,0	43,4	61,2	19,8	76,5	40,6	49,8
17,5	16,0	18,9	10,2	54,0	17,3	42,0	27,1
12,5	8,0	4,9	8,2	19,0	1,1	6,2	8,1
55,2	20,9	27,3	14,8	17,1	2,0	17,2	20,7
16,1	58,9	41,3	74,0	22,8	82,0	53,5	49,4
13,6	20,2	18,2	11,2	43,7	15,0	23,1	19,1
14,9	—	13,2		16,4	1,0	6,1	10,8
42,5	24,8	29,0	22,2	13,6	7,0	11,0	19,5
27,5	67,1	47,0	55,5	34,0	79,0	45,1	47,6
22,5	10,5	23,0	18,5	32,7	9,0	26,4	22,2
7,5	7,6	1,0	3,8	20,1	5,0	17,4	10,7

1-жадвалда (1 даража) кўринадик, ўқитувчиларнинг 35,5 фоизи „ТТВни қўллаш“ни амалга оширмайдилар, 48,8 фоизи эса, бунини фақат қисман амалга оширади. Республика бўйича ўқитувчиларнинг 35,5 фоизи таълимнинг техник воситаларини қўллаш бўйича дастлабки таълимга муҳтождилар. Табиийки, бундай ўқитувчилар „оптималлаштириш“, „жадаллаштириш“ тушунчаларини ўқув жараёнига нисбатан қўллашдан узоқдилар; ўқитишнинг фаол усуллари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ўқитувчиларнинг 28,7 фоизи „Зарур ахборот манбаларини билиш ва улардан фойдалана олиш“ сифат кўрсаткичи бўйича малака беришни талаб қилади; 25,3 фоизининг эса, „таълим жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорлик қила олиш“ юзасидан услубий эҳтиёжлари бор.

Ўқитувчиларнинг 17,3 фоизи „Ўқувчиларда таълимнинг ижтимоий аҳамиятли омилларини ва машғулотларга қизиқишни шакллантириш“ бўйича дастлабки таълим эҳтиёжини сезади.

2-жадвалда республика ўқитувчиларининг ташкилотчилик -уюштирувчилик сифатларини ривожлантириш даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари кўрсатилган. „Талабаларнинг жамоа, гуруҳ ва якка тартибдаги ишини аниқ ташкил этиш, ушбу иш шакллари уйғунлаштириш олиш“ бўйича Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоят ўқитувчилари энг паст даражада тайёрланганлар. Афтидан, мазкур вилоятлар МОИ ва ПКМОИлари ўзларининг ўқув мавзу режаларида қайд этилган компонентни шакллантиришга алоҳида диққат қаратишлари зарурга ўхшайди. Умуман, республика бўйича ўқитувчиларнинг 14,4 фоизи ушбу касб-аҳамиятини компонент бўйича дастлабки ўқитишга муҳтож, ўқитувчиларнинг қолган қисми уни такомиллаштиришга муҳтождилар. „Машғулотларда жорий ўзлаштириш устидан назоратни ташкил этиш“ сифат кўрсаткичига республика ўқитувчиларининг 15,1 фоизи эга эмас, яъни улар бунга ўқитилмаган; бу соҳада Қашқадарё вилояти ўқитувчилари сезиларли даражада орқада қолганлар.

„Ўз-ўзини бошқарувни ташкил этиш“ ва „Ривожлантиришни ва шакллантиришни назарда тутувчи билимлар-

ни бера оладиган ўқув материалини танлаш“. Педагогик фаолиятнинг бу икки сифати ривожланиш даражаси бўйича тахминан бир хилдир. Ўқитувчиларнинг 15 фоизига яқини ушбу сифатларга эга бўлиши учун ўқитишга муҳтождирлар.

„Синф хусусиятлари, ўқитиш ва тарбия мақсадларига боғлиқ тарзда ўқитишнинг тахминий бўлган шакл ва усуллари олдиндан айтиб бериш“ бўйича ўқитувчиларнинг 20,7 фоизи МОИларда махсус гуруҳлар ташкил этилишини тақозо этади. Бизнинг тадқиқот маълумотларига қараганда, бундай ишни дастлаб Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари малака ошириш институтларида амалга оширмоқ зарур.

„Таълим-тарбия самарадорлигини олдиндан айтиб бериш, ўқув-тарбия ишида туғиладиган қийинчиликларни олдиндан кўра билиш“ ўқитувчи фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи сифатдир; ўқитувчиларнинг 19,5 фоизи ушбу сифатга эриша олмайдилар, 47,6 фоизи эса, паст самарадорлик билан қисман етишадилар. Мазкур ўқитувчилар педагогикнинг ушбу сифатига қайтадан ўргатилишлари керак. Умуман, жадвалларда қайд этилган тадқиқот натижаларини таҳлил этарканмиз, қизиқ вазиятга дуч келамиз; тадқиқот этилаётган педагогик маҳорати сифатларидан самарадорлик ва ижодий фойдаланиш (ўқитувчиларнинг 30—35 фоизи) билан бир қаторда 65—70 фоиз ўқитувчилар бу сифатларга эга эмасликларининг гувоҳи бўламиз.

Натижада малака ошириш институтлари, курслар сессиялари даражада оғир аҳволга тушиб қоладилар; аслини олганда уларга олий ўқув юртлари йўл қўйган камчиликларни тузатиш билан шуғулланишга тўғри келади. Гуруҳларни тузиш, курсда тайёрлаш дастурини аниқлаш алоҳида қийинчилик туғдиради.

Малакани ошириш жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчилар ўртасида ўз вақтида ўтказилган диагностик ишга боғлиқ бўлади. УМОИ ва ПК МОИлари ўқитувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини яхши билишлари жуда муҳимдир. Акс ҳолда, тингловчиларнинг малака ошириш дастури мавзуларидан қониқмасликларига олиб келади.

Ўзбекистон ўқитувчилари педагогик фаолиятининг тадқиқот жиҳатлари ва сифатлари (фоизларда)

N	Ахборот сифати ва компонентлар	Дара- жаси	Қорақал- поғистон Рес-си.	Андижон вил-ти.	Бухоро вил-ти.
1	2	3	4	5	6
1.	Ўқитишнинг умум дидактик усул, шакл ва воситаларини ўрганиш.	I	13,6	3,2	40,0
		II	43,1	48,0	50,0
		III	35,2	48,0	10,0
		IV	8,1	0,8	—
2.	Ўзининг педагогик-психологик савиясини кўтаришни режалаш- тириш.	I	14,0	11,2	22,2
		II	30,0	36,8	55,5
		III	46,0	40,0	11,2
		IV	10,0	12,0	11,11
3.	Синф ва ҳар бир ўқувчининг машғулотларга тайёрлиги бош- ланғич даражасини ўрганиш (билим, малака, кўникмалар)	I	3,9	8,0	22,2
		II	52,9	36,5	66,1
		III	35,3	43,5	11,7
		IV	7,9	12,0	—
4.	Илғор педагогик тажрибадан ўр- ганиш ва ишда қўллаш	I	14,0	1,6	22,2
		II	34,0	28,8	55,5
		III	42,0	48,0	22,3
		IV	10,0	21,6	—
5.	Ўз педагогик ва усулий ишини баҳолаш, таҳлил этиш ва олдин- дан айтиб бериш, уларни тако- миллаштириш.	I	18,0	—	50,0
		II	46,0	31,8	40,0
		III	24,0	57,2	—
		IV	12,0	11,0	10,0

3-жадвал

Қаш- қадарё вил-ти.	Навоий вил-ти.	Самар- қанд вил-ти.	Сирд. вил-ти.	Сурх. вил-ти.	Фар- гона вил-ти.	Хоразм вил-ти.	Ўзбекис. Рес-си бўйича
7	8	9	10	11	12	13	14
42,0	15,2	20,8	45,5	7,2	3,2	9,1	19,9
21,0	66,5	47,2	38,5	21,5	85,8	49,1	47,1
27,0	9,5	21,6	16,0	52,2	7,5	23,4	25,5
10,0	8,8	10,4	—	19,0	3,5	18,1	8,0
27,0	26,1	26,4	35,0	8,5	15,3	13,7	19,9
36,0	51,3	42,3	56,0	54,4	74,5	43,2	48,0
18,0	13,3	24,5	9,0	28,9	3,2	26,4	22,5
19,0	8,8	6,8	—	8,2	2,0	17,2	9,6
45,9	11,0	33,3	21,2	10,0	3,2	3,6	16,2
21,6	72,6	32,4	32,4	50,0	77,8	50,4	49,3
16,2	15,4	27,0	39,6	32,0	16,2	28,8	26,6
16,3	1,0	7,3	6,8	8,0	2,8	17,2	7,9
39,2	3,9	12,0	20,0	16,2	7,2	13,0	15,2
28,0	72,5	46,4	20,0	39,6	70,8	32,2	43,4
11,2	13,7	28,0	44,0	30,6	20,4	41,6	30,2
21,6	9,9	13,6	16,0	13,6	1,6	14,2	11,4
16,4	32,3	4,0	12,0	4,0	16,0	2,8	12,0
41,0	45,6	53,6	44,0	44,0	70,0	46,2	46,2
24,6	17,1	26,4	40,0	42,0	10,0	23,8	26,5
18,0	5,0	6,4	4,0	10,0	4,0	27,2	15,3

**Ўзбекистон ўқитувчилари педагогик фаолиятининг
йўналтирувчи, ривожлантирувчи сифатлари
(фоизларда)**

№	Ахборот сифати ва компонентлари	Дара- жаси	Қорақал- поғистон Рес-си.	Андижон вил-ти.	Бухоро вил-ти.
1	2	3	4	5	6
1.	Ватанпарварлик, шахсий масъу- лият, ижтимоий бурчни тарбия- лаш	I	8,0	—	49,8
		II	34,0	34,0	50,2
		III	38,0	33,0	—
		IV	20,0	33,0	—
2.	Ўқитиш назарияси ва амалиётда ўқув фанлариаро алоқалардан фойдаланиш.	I	10,0	7,8	20,0
		II	42,0	31,2	60,0
		III	32,0	41,0	20,0
		IV	16,0	19,4	—
3.	Ўқувчиларнинг билиш ва ижодий фаоллигини ривожлантириш.	I	5,7	2,8	20,0
		II	58,9	33,6	70,0
		III	35,3	53,2	10,0
		IV	—	10,4	—

4-жадвал

Қаш- қадарё вил-ти.	Навой вил-ти.	Самар- қанд вил-ти.	Сирд. вил-ти.	Сурх. вил-ти.	Фар- гона вил-ти.	Хоразм вил-ти.	Ўзбекис. Рсс-си бўйича
7	8	9	10	11	12	13	14
50,6	6,4	33,6	20,0	11,6	2,1	7,2	19,0
20,8	54,0	32,9	35,0	42,5	64,6	36,6	40,6
11,0	28,8	30,1	30,0	36,6	25,4	37,2	26,4
17,6	10,8	3,4	15,0	15,3	7,9	19,6	14,0
22,5	16,2	29,6	26,0	8,0	5,4	34,8	18,0
42,5	61,2	28,8	52,0	52,8	71,1	49,4	49,1
20,0	14,4	36,0	15,6	25,0	13,5	9,8	22,8
15,0	8,2	5,6	6,4	13,6	10,0	6,0	10,1
38,7	8,8	14,4	37,6	13,6	22,4	4,8	16,8
25,0	66,0	32,9	52,7	70,4	57,6	60,0	52,8
21,3	25,2	23,2	23,5	25,5	3,2	24,6	24,5
15,0	—	2,4	6,0	8,2	4,0	13,0	5,9

Биз ушбу масала бўйича суҳбат ва тестлаштириш натижасида ғоят турли-туман фикрларни, ҳаттоки бир-бирини инкор қилувчи фикрларни олдик. Бизнинг фикримизча, малака ошириш гуруҳларини ташкил этишга дифференциаллашган ҳолда ёндашмоқ зарур, бунда муҳим мезонлардан бири сифатида педагогик фаолиятига тайёрланганлик даражаси бўлмоғи керак. Шу билан биргаликда, ўқитувчилар малакасини ошириш дастури мазмунини таҳлил этар эканмиз, биз „Фан назарияси ва методикаси“ бўлимини ўрганишга ажратилган вақт миқдорининг етарли эмаслигини кузатдик. Бундай йўналиш, олимлар Ю.К. Гуськов, Я.С.Турбовский, Л.М.Хебнева, Г.Г.Маизубрелар ҳам қайд этганларидек давом этади, ўқитувчиларни тайёрлаш лозим бўладиган муаммолар сони тинимсиз ошиб боради: экология, иқтисод, педагогика, психология ва бошқалар.

3-жадвалда Ўзбекистон ўқитувчилари педагогик фаолиятининг тадқиқотчилик жиҳатлари ва сифатларини ўрганиш натижалари акс эттирилган.

„Ўқитишнинг умумдидактик усул, шакл ва воситаларини ўрганиш“ (4-жадвал) (ўқитувчиларнинг 19,9 фоизи ушбу кўрсаткичларни қўлламайдилар, 47 фоизи эса қисман бажарадилар).

Маълумки, таълимни қайта қуриш, таълим методикасини янгилашни тақозо этади. Ҳозирги вақтда айнан методика ўқитувчилик касбининг муваффақиятини белгилайди. Ўқитишнинг янги усуллари ва методларига интилмаган ўқитувчининг савиясини тасаввур этиш мумкин. Афсуски, бундайлар сони республикада 67 фоизга яқиндир. Кўриниб турибдики, бундай ўқитувчилар учун махсус курслар (ЎМОИ ва ПКМОИлари) уларда ўқитишнинг умумдидактик усуллари, шакллари ва воситаларини ўрганишга қизиқишни рағбатлантирувчи марказларга айланмоғи керак.

Ўзининг психологик-педагогик савиясини кўтаришни режалаштириш — ўқитувчи педагогик фаолиятининг энг асосий компонентларидан биридир. Республика ўқитувчиларининг 19,9 фоизи буни амалга оширмайдилар, 48,0 фоизи эса, қисман ёки умуман бунга риоя қилмайдилар.

3-жадвал ўқитувчиларнинг 67,0 фоизига яқини амалда ўзи мустақил таълим олмасликлари ёхуд қисман олишларини ҳисобга олган ҳолда биз педагогика олий ўқув юр்தларига МОИ, ПКМОИларга ва мактаб методика бирлашмаларига ўқитувчининг ўз-ўзига доимий таълимини рағбатлантириш, кўникмалар ва ўқувни назарда тутувчи ўқитиш йўлини режалаштиришни ўйлаб кўришни тавсия этамиз. Бизнинг фикримизча, курсда тайёрлаш жараёнида ўқитишнинг фаол усуллари: „иш машқлари“, аниқ вазиятларни таҳлил, мунозаралар, давра суҳбатлари қилиш ва бошқалар киритилса, юқоридаги вазифани бажаришга ёрдам берган бўлур эди. Албатта, ўқитувчилар малакасини оширишни ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантирилса, самара яхши бўлур эди.

Синф ва ҳар бир ўқувчининг машғулотларга тайёргарлигининг бошланғич даражасини (билим, кўникма ва малакалар) ўрганиш компоненти шуни кўрсатадики, республикада ўқитувчиларнинг 65,5 фоизи (I ва II даражалар) бошланғич қайта таълим ва махсус гуруҳларни тузишни тақозо этади.

„Ишда илғор педагогик тажрибани ўрганиш ва қўллаш“ бўйича олинган сўров натижалари шуни кўрсатадики, ўқитувчиларнинг 41,6 фоизи илғор педагогик тажрибага таянадилар. Аммо республиканинг қолган ўқитувчилари ё ундан фойдаланмайдилар ё паст савияда фойдаланадилар.

„Ўз педагогик - психологик савиясини кўтаришни режалаштириш“ — ушбу сифатга республика ўқитувчиларининг 58,2 фоизини ўқитиш лозим.

Ушбу нуқсонларни ўқитувчи-методистлар ёрдами билан баратараф қилиш мумкин. Бундай ўқитувчилар педагогика фани ва амалиёти ўртасидаги ўзига хос воситачидирлар. Педагогик тажрибани англаш, уни педагогик назария билан қиёслаш ва аксинча, педагогика назариясини педагогик амалиёт орқали „синаш“, шунингдек, „ўзи“-нинг ва „бегоналар“нинг тажрибасини солиштириш малакаси уларнинг касб вазифаларига киради.

Методист - ўқитувчиларни шакллантиришда катта қийинчиликлар мавжуд. Бундай фаолларни чуқур назарий ва

методик билим ва юқори касб маҳоратга эга бўлган тажрибали ўқитувчилар ташкил этишлари керак.

Бундай шахсларни МОИларида махсус курсларда тайёрлаш лозим.

4-жадвалда ўқитувчилар педагогик фаолиятининг йўналтирувчи-ривожлантирувчи сифатлари акс эттирилган.

„Ватанпарварлик, шахсий масъулият, ижтимоий бурчни тарбиялаш“ - педагогик фаолиятнинг ушбу сифати жамиятимиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларида ўта долзарб бўлиб турибди. Шахсни жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш, мураббий-устозликни тарбияланувчиларнинг ташаббуси ва мустақиллиги билан қўшиб олиб бориш, ҳаёт билан ҳамнафас фаолият кўрсатиш, тарбияга комплекс ёндашиш ўқитувчи амал қилиши лозим бўлган асосий тамойиллардир. Аммо, таҳлиллар натижасига кўра ўқитувчиларнинг 19 фоизи ўз ишида ушбу тамойилларга амал қилмайди, 40,6 фоизи эса паст савияда риоя қилади. Айниқса, бу Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё вилоятларида катта муаммо бўлиб қолмоқда; мазкур ҳудудларда малака ошириш курсларига ШТМХлари ва мактаб методика бирлашмалари билан биргаликда тарбиянинг асосий тамойилларини амалга оширишда ўқитувчиларнинг касбий номуносиблигини йўқотиш бўйича катта ишлар олиб бориш зарур.

„Ўқитиш назариясида, амалиётида ўқув фанлариаро алоқалардан фойдаланиш“ — педагогик фаолиятнинг ушбу таркибий қисми, биринчи навбатда, ўқувчиларнинг концептуал тафаккурини, оламни бир бутун қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган. Бизнинг маълумотларга кўра, республика ўқитувчиларининг 18 фоизи уни ўз ишида амалга оширмайди, 49,1 фоизи эса, қисман, паст даражада бажаради. Шубҳасиз, МОИ ва ПК МОИларда соатларнинг маълум миқдорини республика ўқитувчилари касбий камчиликларини йўқотишга ажратмоқ зарур; ўқитувчиларнинг 22,8 фоизи ушбу компонентни усталик билан амалга оширадилар, 10,1 фоизи — олий даражада самарадорлик билан бажарадилар.

„Ўқитувчиларнинг билиш ва ижодий фаоллигини ривожлантириш“ сифати, умуман, ўқитувчи фаолиятида

дидактиканинг асосий тамойиллари: ўқув жараёнида ўқувчиларнинг онглилигига, фаоллиги, мустақиллиги, ҳаракатчанлиги кабиларга қанчалик эришилганлигини кўрсатади. 5-жадвалдан кўринадики, республика ўқитувчиларининг 69,6 фоизи таълим тамойилларини иккинчи марта ўқитишни тақозо этадилар. Умуман олганда, республика ўқитувчилари ўзларининг билимлари, кўникмалари ва малакаларини мазкур компонент бўйича такомиллаштиришга эҳтиёж сезадилар, чунки ўқитиш тамойиллари ижтимоий тараққиётини ва фаннинг ривожланишини белгилайди. Янги қонуниятларнинг аниқлана бориши ва ўқитиш тажрибасининг тўплана боргани сари ўқитиш тамойиллари ривожланади, аниқлашади, такомиллашади.

Педагогика ва психология уқтирадики, қаерда ўқитувчи динамизми (ўқитишда турли усулларни қўллаш, машғулотларда пайдо бўладиган мушкул вазиятларда тезкорлик билан мўлжални тўғри ола билиш, ўқувчилар билан уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро муносабат ўрната олиш қобилияти, ҳиссий барқарорлик, ўзининг ҳис-туйғулари, руҳий ҳолатини назорат қила билиш), ўзини ўқувчи ўрнига қўя билиш ва унинг ҳолати, фикрлари, ҳис-туйғуларини тушуниш қобилияти ва ўзини ўзи таҳлил эта билиш қобилиятини намоён қила билса, ўша ерда у фаол тафаккурни рағбатлантиради, ўқишга ижобий муносабат пайдо бўлади, ўқувчиларни тарбиялаш жараёни самаралироқ боради, унинг билимга қизиқиши кучаяди. Буларнинг ҳаммаси республика ўқитувчилари педагогик фаолиятининг коммуникатив сифатлари ва компонентларини тадқиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳамкорлик педагогикаси — ҳозирги замон педагогика фанида фаол ривожланаётган йўналиш - ўқувчи-ўқитувчи мулоқоти ривожланишининг маълум даражасини, ўқитувчи шахсининг таълим жараёнидаги фаоллигидан фойдаланишни, уларнинг диалогик мулоқотни амалга ошира билиш қобилиятини назарда тутати.

Мулоқот турлари ва усуллари ижтимоий тараққиёт таъсири остида ўзгаради, бинобарин, улар билан биргаликда ўқитувчидаги педагогик фаолиятининг коммуни-

катив сифатлари ва компонентларининг психологик мазмуни ҳам ўзгаради. Ўқитувчи - ахборот ташувчи сифатида ўтмишга кетади. Педагог етук ижодкор шахс, одам ва унинг тараққиёт қонуниятлари ҳақидаги фанлар ютуқларини, янги педагогик технологияларни, компьютер ўқуви санъатини чуқур эгаллаган одам бўлиши керак. Педагогик фаолияти инсон руҳини англаб етиш ва инсоншунослик соҳаси, инсон шахси тараққиётининг етакчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу эса ўқитувчиларнинг педагогика ва психология масалаларини доимо ўрганишларини назарда тутати, чунки уларни билиш ўқитувчиларга ўқувчилар билан ўқув-тарбия ишларини янада юқори даражада олиб боришда ёрдам беради. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси шароитларида миллий анъаналарни ва урф-одатларни доим ҳисобга олиш зарур. Масалан, катталарни анъанавий эъозлаш ўқитувчининг ўқувчи билан муносабатлари муаммосини бирмунча енгиллаштиради. Лекин ўқитувчининг „профессионализи“га талаблар ортади, бу эса педагог коммуникативлиги ривожланган ҳолдагина амалга ошиши мумкин. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг коммуникатив сифатлари ва компонентлари унга таълимни жонли, ўқитувчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини, уларнинг саводхонлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишга ёрдам бермоғи даркор.

„Ўқитувчиларнинг қобилиятларини ҳисобга олиш“ бўйича ушбу компонентни ўқитувчиларнинг 18,3 фоизи амалга оширмайдилар; 45,7 фоизи эса, уни қисман паст самарадорлик билан қўллайдилар. Бунда ўқитувчиларнинг 25,6 фоизи ушбу компонентни етарли даражада моҳирона, самарадорлик билан, онгли амалга оширадилар, 10,4 фоизи эса, илғор тажриба ва фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда юқори самарадорлик билан қўллайдилар. Гарчанд кейинги вақтда мулоқотнинг педагогик ва психологик асосларини очиб берувчи адабиётларни нашр этиш ошган бўлсада, барибир уларнинг миқдори, айниқса, ўзбек тилида, етарли эмас. Шунинг учун, психологик-педагогик ва курсда тайёрлаш дастурида Ўзбекистон ўқитувчиларининг коммуникатив компонентлари ва сифатларининг психо-

логик-педагогик асосларини очиб беришга ажратилган ўқув соатлари миқдорини камайтириш керак эмас.

Айни бир вақтда тингловчиларда „ўз-ўзига таълим“ни амалга ошириш хоҳиши ва шарт-шароитини яратмоқ зарур.

„Ўқитишда турли усулларни қўллаш“ — ўқитувчиларнинг 23,8 фоизи буни амалга оширмайдилар, 48,7 фоизи ушбу сифатни қисман кам самарадорлик билан бажарадилар. Балки бундай ўқитувчилар учун ушбу сифатни ўзлаштирадиган бошланғич таълимни ташкил этиш зарурдир.

„Машгулотларда вужудга келадиган вазиятларда тез ва тўғри қарорга келиш“ педагогик фаолиятнинг ушбу сифати, афсуски, ўқитувчиларнинг 27 фоизи томонидан бажарилмайди, ўқитувчиларнинг 49,6 фоизи томонидан қисман ва паст даражада амалга оширилади. Оқибатда ўқитувчиларнинг 76,6 фоизи, бизнинг фикримизча, етарли динамизмга эга эмасларки, бу ҳол уларнинг ишларида катта қийинчиликлар туғдиради. Кейинги вақтларда турли психологик - педагогик „тренинглар“ борган сари оммавийлашиб бормоқда; улар ҳаммага, айниқса, педагогик фаолиятнинг коммуникатив компонентлари етарли ривожланмаган педагогларга фойдалидир.

Жадвалда келтирилган натижалар малака ошириш курслари, мактаблари зиммасига ушбу масалага жиддий диққат-эътибор бериш вазифасини юклайди. Масалан, ўқитувчиларнинг 24,9 фоизи етарли эмпатияга эга эмаслар.

Рефлексия — 16,6 фоиз, ҳиссий барқарорликка — 22,2 фоиз ўқитувчи эга эмас.

Ўқитувчиларнинг 15 фоизи ўқувчилар билан ўзаро яқин муносабат ўрнатишни билмайдилар. ЎМОИ, ПКМОИ ва „методик хизматлар“ олдида ушбу камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва мазкур ўқитувчиларни ўқитишнинг шакл ва усулларини аниқлаш бўйича катта вазифа туради. Агар ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги оддий муомала маданияти бўлмаса, мураббийлик, умуман, таълим-тарбия ишининг сифати ҳақида гапириш амри маҳолдир.

Малака ошириш мактаб ва курсларида ўқитувчиларни тайёрлаш ўқув-мавзу режалари ва дастурларида, ўқитув-

чининг умумий маданияти ва касбий маҳоратини кўтаришда психология, педагогика ҳам муносиб ўринни эгаллаши керак.

Республика педагогика олий ўқув юртларида, малака ошириш курсларида, мактабларда уларни ўқитишни янада юқори даражага кўтармоқ зарур.

Айтилганлардан **чиқариладиган хулосалар** қуйидагича:

1. Педагогика олий ўқув юртларида таълим бериш янги авлодни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаларини ижодий ҳал эта оладиган ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилган бўлиши керак.


Малака оширувчи (ЎМОИ ва МОИ) курс ва мактаблар ўз мақсад, вазифаларига эгадирлар ва улар зўр бериб педагогика олий ўқув юртлари битирувчиларининг „компенсаторлик таълим“и билан шуғулланмасликлари керак.

6- жадвал

Ўзбекистон ўқитувчилари педагогик фаолиятининг сифат ва компонентлари ривожланиши даражасининг ўртача кўрсаткичлари (фоизларда)

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг сифати ва компонентлари		Д а р а ж а л а р			
		I	II	III	IV
1. Ахборот		22,4	50,8	19,1	7,7
1	2	3	4	5	6
2. Ташкилотчилик-конструктивлик		16,4	48,7	24,5	10,4
3. Тадқиқотчилик		16,6	46,8	26,1	10,5
4. Йўналтирувчи-ривожлантирувчи		18,0	47,5	24,6	9,9
5. Коммуникатив		21,1	46,7	21,4	10,4
Барча сифатлар ва компонентлар бўйича ўрта (кўрсаткич)		18,8	48,1	23,1	10,0

**Ўзбекистон ўқитувчилари педагогик фаолияти
сифат ва компонентлари даражаларининг
ривожлантириш диаграммаси**



2.МОИ, ПКМОКларга ГРМКлар, мактаб метод бирлашмалари билан биргаликда ўқитувчиларнинг малакасини оширишга тайёргарликларининг дастлабки даражасини аниқлаш бўйича доимий диагностик иш олиб боришлари зарур. Диагностик маълумотлар ва махсус саволномалар асосида гуруҳлар тузиш (шакллантириш), тингловчиларни курсларда тайёрлашнинг шакллари, усуллари ва мазмунини инсонийлаштириш ва демократиялаштириш керак. Ҳар бир ўқитувчилар гуруҳи учун ўқитиш мазмунини белгилаш тингловчилар билимларини дастлабки даражасига ва амалий малакаларига, мавжуд талаб ва эҳтиёжларга боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда ЎМОИ ва ПКМОКлар амалиёт, экстернат, стажировка, шахсий режа бўйича малака ошириш ва янги-янги шаклларини амалиётга киритиш зарур. Бу янги шакллар, бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини энг мақбул меъёрларга келтиришга ёрдам беради.

2. Шахсининг касб учун аҳамиятли хусусиятлари ва ўқитувчилар фаолиятининг мотивацион асослари

Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари ривожининг даражалари, айтилиши вақтда уларнинг ижтимоийлашиши мураккаб жараёнининг кўрсаткичлари бўлиб ҳам хизмат қилади, бу уларга инсон маънавиятини ривожлантириш имкониятини беради.

Педагог яхлит бир шахс сифатида намоён бўлади, аммо педагоглик фаолиятининг ўзи унга қатор махсус талаблар қўядики, бу уни маълум салмоққа эга бўлган муайян шахслик сифатларини ривожлантиришга мажбур қилади. Бундай касбий-шахслик сифатларининг доираси анча кенгдир.

Ушбу тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, биз ўқитувчининг шундай шахсий сифатлари ҳамда хусусиятларининг намоён бўлиш даражасини ўрганиш ва таҳлил этиш билан чекланамизки, токи улар табиатан ижтимоий характерга эга бўлган ҳолда, бизнинг фикримизча, энг кўп даражада унинг касбий фаолияти билан тадқиқотчи чамбарчас боғлангандир.

Р. Б. Кеттелнинг шахсликни аниқлаш бўйича 16 омилли тест ёрдамида ўқитувчиларни ўрганиш натижасида касбга моҳият эътибори билан муҳим таъсир ўтказувчи 10 омилнинг талқини аниқланди.

1. Киришимлилиқ. („А“ омили) ижобий маънода самимийлик, салбий маънода бегонасираш сифатида баҳоланади.

Психологик маънода ушбу қутблар бир хил қимматлидир, чунки кўп муҳим инсоний сифатлар бегонасираш орқали ҳам, самимийлик орқали ҳам намоён бўлади.

Фақат аниқ фаолиятга нисбатан ижобий ёки салбий хулоса чиқариш мумкин. Чунки киришимлилиқ ўқитувчини самарасиз кечинмаларга тушириб қўймайди, хулқни бошқаришга, кайфиятнинг барқарорлигига, ҳиссий кечинмаларнинг самимийлигига ёрдам беради. Ўқитувчилар ўз ҳаракатларида етарли даражада эҳтиёткорлик кўрсатадилар, ўқувчиларга диққат-эътибор ила муносабатда бўладилар, улар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар, уларга

нисбатан хушфеъллик, айна вақтда талабчанлик қиладилар.

Бизнинг ихтиёримиздаги маълумотларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, киришимлиликнинг бундай даражаси минтақага хос хулқнинг ижтимоий ва ахлоқий андозаларидан ташкил топади: ўзбеклар кишиларга диққат-эътиборли, одамшаванда халқ, лекин у ҳеч қачон ўзининг фазилатларини ўзгаларга ошкора қилишга уринмайди.

Қишлоқ ва шаҳар ўқитувчилари ўртасида киришимлилик кўрсаткичларида аниқ тафовутлар маълум бўлиб қолмоқда. Шаҳар ўқитувчиларида киришимлилик қишлоқ ўқитувчиларига нисбатан бироз юқорироқдир. Бу, эҳтимол, таъсирчанликнинг кенг кўламда намоён бўлиши билан тушунтирилади. Таъсирчанлик ўқувчилар билан мулоқот оқибатида вужудга келади: шаҳар ўқувчилари ўзларининг ҳис-туйғуларини қишлоқ ўқувчиларига нисбатан эркинроқ намоён қиладилар.

Ўқитувчиларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, уларнинг 5,8 фоизи киришимлилик бўйича паст кўрсаткичларга эга. Бу уларнинг мулоҳим эмасликлари, совуққонликлари, беқарорликлари, ётсирашлари, мураса-ю мадорадан узоқда туришларини билдиради, айрим ҳолларда уларда кескин танқидий муносабат, қайсарлик, нохайрихоҳлик намоён бўлиши мумкин. Бундай ўқитувчилар авторитар услубда иш кўрадилар. Ўқитувчиларнинг ярмидан кўпроғи (55,2 фоизи) ўз сифатларига кўра ўқувчилар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар. Муомалада улар меъёрига қараб, ўқувчиларга хайрихоҳлик, диққат-эътибор кўрсатадилар, улар билан эркин муносабатда бўладилар. Ўқитувчиларнинг 29 фоизи муомалада юқори кўрсаткичга эгадирлар. Уларга ёрқин, тўлқинлантирувчи ҳис-туйғулар хосдир. Одатда, улар тезда бир қарорга кела қоладилар, кайфиятлари кун бўйича кескин ўзгариб туради. Бундай ўқитувчиларнинг самарали кечинмаларга мойилликларини ҳисобга олиб, уларнинг интилишлари ва муддаолари ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашувидан эҳтиёт қилмоқ („Мен“ - Концепциянинг ижобий даражасини сақлаган ҳолда) ва уларнинг ютуққа эришиш омилларини

қувватламоқ зарур. Бунда улар жамоада яхши ўрнашиб оладилар, фаоллик кўрсатадилар, мулойим бўладилар ва жамоатчилик тадбирларида „доим тайёр“ руҳида иштирок этадилар.

8-жадвал

Ўзбекистон ўқитувчилари шахсининг касб учун аҳамиятли хусусиятлари Р.Б.Кеттел тести бўйича тадқиқ қилиш натижалари

N	Шахс хусусиятлари	Барча текширилган ўқитувчилар бўйича ўртача (кўрсаткич) = 880	Иш жойига боғлиқ тарзда кўрсаткичлар	
			Қишлоқ = 440	Шаҳар = 440
1.	Киришимлилиқ (А)	5,37	5,27**	5,54
2.	Ҳиссий барқарорлик (S)	5,9	5,93	5,84
3.	Етакчилиқ (Е)	4,91	5,09***	4,61
4.	Ижтимоий етуқлик (St)	5,85	5,89*	5,77
5.	Ишонувчанлик (L)	6,28	6,51***	5,89
6.	Ижтимоий жасорат (Н)	6,3	6,91**	6,49
7.	Дадиллик (Q)	4,83	4,97***	4,59
8.	Мустақиллик (Q)	5,67	5,48***	5,97
9.	Ўз-ўзини назорат қилиш (Q)	6,4	6,41	6,39
10.	Кўзгалувчанлик, тараңглиқ (Q)	7,08	7,15***	6,96

* $p < 0,10$

** $p < 0,05$

*** $p < 0,025$

2. **Ҳиссий барқарорлик.** („S“ омили). Ўқитувчиларнинг кўрсаткичлари (5,9) Р.Б.Кеттел тести бўйича қабул этилган ўртача баҳоларга мос келади. Бу умуман уларнинг ўз ҳиссиёт ва кайфиятларини бошқаришга қодир эканликларини кўрсатади. Агар ҳиссий барқарорлик „S“ омилининг ижобий кутбиди (S) бўлса, бу айтилиш вақтда „Мен“ кучининг ҳам кўрсаткичидир, салбий кутбда эса, „Мен“ заифлигининг белгисидир, у ҳолда ўқитувчилар кўрсаткичларда „Мен“ ижобий кучи томонидан афзалликка эга бўладилар.

Бироқ самарали педагогик фаолият учун ҳиссий барқарорликнинг ва бинобарин, „Мен“ кучининг янада юқори даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўқитувчиларининг ҳиссий барқарорлиги кўрсаткичлари ўзаро сезиларли фарқ қилмайди.

Тадқиқ қилинган ўқитувчиларнинг 30,6 фоизи ҳиссий барқарорлик омили бўйича юқори кўрсаткичларга эга. Бу — невротик аломатларидан халослик, манфаатлар доимийлигига эгалик, осойишталик, ҳаётга нисбатан реалистик ёндашув, интилувчанлик, матонатлилик, ўзини тута билишлик, босиқлик демакдир. Бундай ўқитувчилар, салбий психоген омиллар бўлишига қарамасдан, ўз ҳолатларини тартибга солишлари ва ишни муваффақиятли давом эттиришлари мумкин. Худди мана шундай кучли „Мен“ ва ижобий „Мен“ — концепцияли ўқитувчилар ўқувчилар ўртасида обрўга эгадирлар, юқори талабчанлик, инсонийлик уларга хосдир ва уларда ирода сифатлари ривожланган бўлади.

Ўқитувчиларнинг кўпчилиги эса (52,5 фоиз) ўртача (ҳиссий) барқарорлик баҳоларига эгадир.

9-жадвал

Р.Б.Каттел тести бўйича ўқитувчиларда шахс хусусиятлари намоён бўлиши чекка ва ўрта даражаларининг нисбати (фоизларда)

N	Шахс хусусиятлари	Куйи кўрсаткичлар	Ўртача кўрсаткичлар	Юқори кўрсаткичлар
1.	Киришимлилиқ (А)	15,8	55,2	29
2.	Ҳиссий барқарорлик (S)	16,9	52,2	30,6
3.	Етақчилиқ (Е)	31,6	52,6	15,8
4.	Ижтимоий етуклик (St)	10,7	56,3	33,0
5.	Ижтимоий жасорат (Н)	8,2	47,9	43,9
6.	Ишонувчанлик (L)	7,1	43,7	49,2
7.	Далиллик (Q)	32,7	54,8	12,5
8.	Мустақиллик (Q)	20,2	59,1	20,7
9.	Ўз-ўзини назорат қилиш (Q)	7,1	57,9	35,0
10.	Кўзгалувчанлик, таранглиқ (Q)	7,1	30,6	62,3

Агар „миллий характер“ тушунчасидан келиб чиқилса, у ҳолда Марказий Осиё халқларига, умуман, саводлилик, ўзини тута билишлик ва ювошлик каби хислатларга хос эканлигини кўрамиз, бу уларнинг соцотипик хулқида кўринади. Ўқитувчиларда аниқланган ҳиссий барқарорлик даражалари эса, кўпроқ, касб фаолиятидаги мосланиш хулқининг оқибатидир.

3. **Етакчилик** („Е“ омили). Ўқитувчиларнинг ушбу омил бўйича кўрсаткичи (4,91) уларнинг келишувчиликка интилишларини акс эттиради. Умуман олганда, ўқитувчилар муҳит ва атрофдаги одамларнинг, айниқса, ўқувчиларнинг таъйиқларига тўла ён берадилар деб, ҳисоблашга асослар йўқ. Ўқитувчиларнинг аксарияти, ўз касбларига кўра мустақилликларини ўрнатиш ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жонбозлик қилмайдилар, айни вақтда, мансабдор шахсларга қул ҳам бўлмайдилар. Ўқитувчиларнинг бундай „ўртача позицияси“, бизнинг фикримизча, ижтимоий омиллар таъсирининг оқибатидир; бундай омиллар „келушувчи-ўқитувчи“нинг шаклланишига ёрдам беради. Масалан, жамиятда „турғунлик мероси намоён, сўзда „эркинлик“ декларацияси мавжуд, лекин бу қадимги тақиқларнинг кўпчилигидан амалда қутулинди дегани эмас.

Ўқитувчилар келишувчилигининг намоён бўлиши сабабларидан бири — бу „тобеликни излаш“ феноменидир. Зеро, ўқитувчилар ўзларининг фаолиятига услубдаги раҳбарликка ўрганиб қолганликлари туфайли, мустақил қарор қабул қилиш жараёнида хатоликларга йўл қўйишлари мумкинлигидан хавотирланиб, доим юқоридан кўрсатмалар кутиб турадилар. Дастур ва ўқув режалари, ўқитишнинг шакл ва усуллари ва ҳаттоки, ҳар бир дарс бўйича режа ва дарс ишланмалари юқоридан туширилишига ўқитувчиларнинг ўргатиб қўйилгани сир эмас, албатта. Шундай қилиб, янги педагогик тафаккурнинг қарор топиши шароитларида фақат, „Мен“ кучининг мавжудлигини ўқитувчиларни тўла конформизмдан асрайди ва шу йўсинда ўртача, бизнинг фикримизча, педагоглик фаолиятида ва атрофдагилар билан мулоқотда мақбул йўлни танлашга ёрдам беради.

Етакчилик бўйича тадқиқотнинг натижаларида қиш-

лоқ ва шаҳар мактаблари ўқитувчилари ўртасида аниқ тафовут ($P = 0,025$) кўрсатилган; бу кўрсаткич қишлоқ мактаблари ўқитувчиларига (4,61) нисбатан юқори. Шаҳар ўқитувчиларининг кучли ижтимоий омилларга эгаллиги уларда тескари боғланишни шакллантиришга ёрдам беради; бу уларга мослашиш кўникмасидир. Баён қилинганлар шаҳар ўқитувчиларида келишувчанликнинг катталигини кўрсатади.

Шу билан биргаликда, ўрганилган ўқитувчиларнинг 31,6 фоизи етакчилик омили (С) бўйича паст кўрсаткичларга эга. Бу ҳол улардаги итоатгўйликни, келишувчанликни, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилмасликни, ён беришга мойилликни, ўзига ва қобилиятларига ишончнинг етарли эмаслигини ва ҳоказоларни кўрсатади.

Бундай бепарволик кўп сонли асабий ҳолатларнинг бир қисмидир. Етакчиликнинг пастлигини ҳамма ёш гуруҳларида муваффақиятли қайта таълим билан бартараф этса бўлади. Ўқитувчилар миллий маданият вакиллари бўлган ҳолда ўзбек халқининг кексаларни ва айниқса, илм аҳли, билимдон кишиларни эъзозлаш каби анъаналарни ўз фаолиятларида ҳисобга олмасликлари мумкин эмас.

Ўқитувчиларнинг 15,8 фоизи етакчилик омили бўйича юқори кўрсаткичга эга; бу уларнинг ҳукмдорлик майли, мустақилликка интилиши, ижтимоий чегараларни тан олмасликларини кўрсатади. Бундан ўқитувчилар жасорат, ғайрат, шижоат ва фаоллик билан ҳаракат қиладилар.

Улар ўз қонунлари ва тушунчаларига мувофиқ яшайдилар, мустақилликка бўлган ўз ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қиладилар ва ўз навбатида, атрофдагилардан ҳам мустақилликни намоён қилишни талаб этадилар. Лекин уларнинг ҳужумкор руҳи, баъзида эса, ҳаддан ташқари қаҳри қаттиқлик ва амалпарастлик қилишлари педагогик фаолиятида ҳамма вақт ҳам оқламайди. Булар бошқа ўқитувчиларга қараганда тез-тез руҳий таранглик ҳолатларини туғдирадиган жанжалларга аралашиб қоладиларки, бу ўз навбатида уларнинг саломатлигида ҳам из қолдиради.

Ўқитувчиларнинг 52,6 фоизи етакчилик омили бўйича ўртача баҳоларга эга; бу „ижобий кутбда“ „Мен“ концеп-

циясининг шаклланишига мақбул тарзда ёрдам беради, бинобарин, улар атрофдагилар билан „муросаю-мадора“ да яшаш имкониятига эга бўладилар.

4. „Ижтимоий етуклик“ („S“ омили). Ушбу омилни жуда кўп ҳолларда онглилик, виждонлилик деб ҳам атайдилар. Қандай деб, аталмасин, ҳамма ҳолларда у инсоннинг ахлоқий-ижтимоий меъёрларга мансублигини билдиради. Биз ижтимоий етуклик деб, аталувчи омил устида кўпроқ ўқитувчининг виждонлилигини тушунамиз.

Ўқитувчиларнинг (S) омил бўйича ўртача кўрсаткичлари (6,3) уларнинг юқори ахлоқий қийматларига эгаллигини кўрсатади. Бу уларнинг тартиблилигини, ҳалоллигини, ахлоқий тамойилларининг қатъийлиги мустаҳкамлигини, масъулиятни, ўз-ўзини етарли назорат этилишини, умуминсоний қадриятларни ўрнатишга интилишини ва ҳоказоларни билдиради. Бироқ умуман олганда, ўқитувчилар онглиликнинг юқори даражасига тўлиқ эришмайдилар, буни 9-жадвалда келтирилган маълумотлар тасдиқлайди.

Масалан, ўқитувчиларнинг 10,7 фоизи „S“ омили бўйича паст баҳоларга эга бўлганлари ҳолда беқарорликка мойилдирлар, бошланган ишларни осонлик билан ташлаб юборадилар. Бироз дангасадирлар, худбиндирлар, жамоат талабларини бажаришга интилмайдилар, ўз фойдаси йўлида виждонсизликдан ҳам қайтмайдиган шахслар ҳам йўқ эмас. Албатта, буни фақат ҳуқуқбузарлик ёки бошқа умумий меъёрлар доирасидан кескин четга чиқишлар билан боғлаш мумкин эмас. Шу билан биргаликда, „S“ омилнинг паст қийматларига эга бўлган ўқитувчилар ишда ва хулқ-атворда, умумжамият меъёрини бажаришда ўзларини ҳаддан ташқари „эркин“ ҳис этадилар; уларда, одатда, мажбуриятлар кам, аммо ҳуқуқлар кўп бўлади ва бу кайфият уларни ҳеч қачон тарк этмайди. Қоидалар, меъёрлар ва талаблар таъсиридан бундай „озодлик“ уларни жамоага қарши туришга олиб келади, кўп ҳолларда келишмовчиликлар, жанжаллар манбаи бўлиб қолади, аммо баъзи ҳолатларда улар фаолиятини самарадор ҳам қилади.

Ўқитувчиларнинг 33 фоизи „S“ омилнинг юқори кўрсаткичларига эга, бу уларнинг ўз ишларига пухта экан-

ликларини кўрсатади; бундайлар ҳамма нарсада тартибни яхши кўрадилар, қоида бузмайдилар, қонун-қоидани, ҳатто қуруқ расмий тарзда бўлса-да, айнан бажаришга тай-ёрдирлар. Бундай ўқитувчилар виждонлидирлар, сўзларининг устидан чиқадиладар, ўзларига талабчандирлар, бурчга содиқлик ҳиссиётига амал қиладилар, қатъиятлидирлар, вақтларини бекорга кетказмайдилар. Буларнинг ҳаммаси „ўзини ўзи назорат“ қилиш билан қўшиб олиб борилади. Ўқувчилар аввалига бундай ўқитувчиларга эҳтиёткорона муносабатда бўлсаларда, кейинчалик уларнинг касб ва шахс сифатларига юқори баҳо берадилар. Бундай муаллимларга таяниб иш кўриш мумкин. Бундай ўқитувчиларнинг машҳурлиги, ўз навбатида, уларнинг ижтимоий бурчни янада юқори англашларига олиб келади.

Ўқитувчиларнинг 56,3 фоизи „S“ омилининг ўртача кўрсаткичларига эга. Бу шу тоифа ўқитувчиларнинг шахсий ҳаётда ва ишда бесаранжомликдан, масъулиятсизликдан, енгилтакликдан тўла озод эмасликларини билдиради.

Қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўқитувчиларини ўрганиш натижалари ижтимоий етуқликда қишлоқ ўқитувчилари юқори эканлигини тасдиқлади. Бизнинг фикримизча, бу қишлоқ ўқитувчилари иши камроқ назорат қилиниб, уларга кўпроқ эрк берилганлиги, шунингдек, қишлоқ шароитида уларнинг доимо эл-юрт „кўз ўнгида“ бўлиш-лигининг натижасидир.

5. Ижтимоий жасорат („Н“ омили). Ижобий қутбда ушбу омил жасорат, салбий қутбда эса, ҳадиксираш, иккиланиш, қатъиятсизлик сифатида намоён бўлади. „Н“ омили бўйича, ўқитувчиларнинг аниқланган ўртача кўрсаткичи уларнинг баҳолари ўртача қийматдан (6,3) бирмунча юқори эканлигидан гувоҳлик беради; бу уларнинг жасоратини, мулоқотга эркин кириб кетишларини, мулоқот жараёнида қийинчиликларни енгиб ўта билишларини, муваффақиятсизликларни эсдан чиқара олишларини, кутилмаган ҳолатларга дуч келганда саросимага тушмасликларини билдиради. „Н“ омилининг аниқланган даражаси, бизнинг фикримизча, ўқитувчилар учун энг мақбул; ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятида кўпинча қарши курашиш ва

руҳий зўриқишларга бардош бера олишини тақозо этади; бу уларнинг руҳий фаолликлари билан боғлиқдир.

Шаҳар ўқитувчиларида (6,49) ушбу омил қишлоқ ўқитувчиларига (6,19) нисбатан салмоқли даражада ($P = 0,05$) ривожланган; буни ижтимоий-маданий муҳит ва ўқувчилар таркибини ҳисобга олган ҳолда қўйилган мақсадга эришиш учун кўпроқ қатъият кўрсатиб ҳаракат қилиш зарурияти билан изоҳлаш мумкин (8-жадвал).

Шу билан биргаликда, юқорида кўрсатилганидек, ижтимоий жасоратнинг ўртача ва ундан бирмунча юқорроқ баҳолари муваффақиятли педагогик фаолият учун айтиш мумкиндир. Мамлакат ўқитувчиларининг 47,9 фоизи бундай кўрсаткичларга эга.

6. Ишонувчанлик („L“ омили). Ўқитувчиларнинг кўрсаткичлари ишонувчанликнинг „оқилона“ даражаси мавжудлигидан гувоҳлик беради. (6, 28, қаранг: 8-жадвал.) Шаҳар мактаб ўқитувчилари қишлоқдаги ҳамкасбларига (5,89 ва 6,51) нисбатан кўпроқ ишонувчандирлар. Қишлоқ жойларида рақобатнинг йўқлиги қишлоқ ўқитувчиларини гўёки „дахлсиз“ қилиб қўяди; улар бошқа кишиларнинг таъсирига осонлик билан тушмайдилар. Касб фаолиятида қишлоқ ўқитувчилари ўзларининг шубҳаланишга бўлган мойилликларидан кўп ҳолларда ўз шахсини ҳимоя қилиш механизми сифатида фойдаланадилар. Бу айтиш вақтда, уларнинг шаҳар ўқитувчиларига нисбатан касбга доир ахборотлардан беҳабарлигини яшириш механизми ҳам бўлиши мумкин. Негаки, ҳанузгача қишлоқ ўқитувчиларида шаҳарли ҳамкасбларига нисбатан муайян ахборот бўшлиғи мавжуд. Умуман, қишлоқ ўқитувчиларига нисбатан аниқланган ишонувчанлик даражаси уларнинг самарли педагогик фаолиятига ёрдам беради деб айтиш мумкин; худди шунинг каби шаҳар ўқитувчилари, ишонувчанлиги даражасининг мақсадга мувофиқлигини ҳам қайд этиш мумкин: гап фақат иш жойи ва ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқ ҳолда ўқитувчиларнинг ишга мосланганликлари устида боради.

Педагогик фаолиятдаги ишонувчанлик ижобий маънода юқори даражада намоён бўлганлигига қарамасдан (9-жадвалда 43,7 фоиз ўқитувчиларда бу фикр ўз исботини

топган, бироқ уларнинг 7,1 фоизиди L омилида баҳолар қайд этилган) бу ўқитувчилар ортиқ даражада ишонувчандирлар ва бундан атрофдагилар, айниқса, ўқувчилар кўп ҳолларда фойдаланадилар. Бироқ уларнинг ҳамкасбларига бу ёқади: улардаги одамшавандалик, қувноқлик, беғаразлик биринчи навбатда туради ва энг муҳими, уларни ишда ва ҳаётда „рақиблар“ деб ҳисобламайдилар.

Тадқиқ этилган ўқитувчиларнинг 49,2 фоизи „L“ омили бўйича баҳоларга эгадирлар (қаранг 9-жадвал); бундай шахслар, одатда, ўз фикрига эга, алдовларга „илинмайди-ган“ бўладилар.

Улар одатда шубҳаланувчан бўладилар, кўп ҳолларда ўзларининг „Мен“и билан овора, қайсар, руҳий ҳолатларнинг турли жиҳатларига қизиқадилар, эҳтиёткорлик билан иш кўрадилар, бошқалар ҳақида кўп қайеурадилар, бошқаларнинг ютуқларига ҳасад қиладилар, ўзларини етарли қадрланмаган ҳисоблайдилар, яъни бундай ўқитувчилар ўз „Мен“ини очиқ ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган шахслар тоифасига киради. Аслида буни ўқитувчилик касбининг жамиятдаги „обрўси“ ва „мартабаси“ даражаси билан тушунтириш мумкин.

Ўқитувчиларнинг компетентлиги ва обрўси қанчалик баланд бўлса, улар шунчалик кам гумонсировчи ва ғаразғўй бўладилар ва шунчалик ишонувчанликни „оқилона“ ҳамкорлик чегараларида сақлаган ҳолда атрофдагиларга ва ўқувчиларга яқин бўлиб қоладилар.

7. **Дадиллик** („Q“ омили). Ушбу омилнинг ўртача кўрсаткичлари 4,83 балл даражасида бўлиб (8-жадвал), Р.П.Кеттел тести бўйича қабул этилган ўртача кўрсаткичлардан биров пастроқдир. Бу эса, умуман ўқитувчилар кўп ҳолларда ўз муваффақиятсизликларини бошқаришлари, содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолашлари ва уларга муносиб жавоб қайтаришлари мумкинлиги ўз имкониятлари ва муваффақиятларига ишонч билан қарашлари, депрессив ҳолатлардан озод эканликлари, ўзларини „пастга уришга“ мойил эмасликларидан далолат беради. Гарчанд ўқитувчиларда меъёридан ортиқ даражадаги ўзига оладиганликни ва таъсирчанликни таъкидлаш мумкин бўлса-да, лекин улар, умуман, керагидан ортиқ ўзларига

ўзлари „танбеҳ бермайдилар“, ўз билимлари ва қобилиятларини пасайтириб кўрсатмайдилар.

Бизнинг тадқиқотларимиздан қишлоқ мактаблари ўқитувчилари шаҳарлик ҳамкасбларига қараганда дадилроқ эканликлари равшан бўлди. Шаҳарликларнинг дадиллик кўрсаткичи (4,59) кескинликка, танқидий мулоҳазаларни „оғир“ қабул этишга, умуман, ўзларининг қишлоқлик ҳамкасбларига (4,97) нисбатан катта таъсирчанликка ва хавотирланишга мойиллик каби ҳолатларни билдиради.

Ўқитувчиларнинг 32,7 фоизи дадиллик омили бўйича паст кўрсаткичларга эга (9-жадвал); бу уларнинг ўз имкониятларига қатъий ишонишлари ва уларни безовта этиш қийин эканлигидан гувоҳлик беради. Бундай ўқитувчиларда, одатда, осойишталик, ўз қобилиятларига комил ишонч кўпроқ намоён бўлади. Лекин бундай ўқитувчилар ўз ҳамкасбларига нисбатан бефарқ муносабатда бўлган ҳолда, жамоат фикридан ўзгача қарашга эга бўлган ҳолатларда ўзларига нисбатан ғайирлик ва ишончсизлик туғдиришлари мумкин. Умуман педагоглик фаолиятида ўқитувчиларнинг ҳаддан ташқари ўзларига ишонишлари ва осойишта бўлишлари мақсадга мувофиқ эмас.

Ўрганилган ўқитувчиларнинг 12,5 фоизи ўзларида ҳаддан ташқари безовталик намоён этадилар, тез-тез руҳий тушкунлик ҳолатига тушадилар. Бундай ўқитувчилар деярли ҳамма вақт нимадандир хавотирда, кайфиятлари паст бўлади, носоғлом ҳиссиётларга бериладилар, ўз имкониятларини паст баҳолайдилар. Жамиятда улар ўзларини дадил ва яхши ҳис этмайдилар, ҳаддан ташқари хокисор тутадилар, ичимдагини топ қабилда бўладилар ва якка-ёлғиз ажралиб турадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тахмин этиш мумкин: Q омили бўйича баҳоларнинг ўртача қийматлари муваффақиятли педагоглик фаолиятига ёрдам беради; бизнинг тадқиқот натижаларимизга кўра ўқитувчиларнинг 54,8 фоизи баҳоларнинг бундай қийматларига эгадирлар.

8. Мустақиллик („Q „ омили). Ўқитувчиларнинг ўртача баҳолари (5,67) айна вақтда ушбу омил баҳоларнинг ўртача даражасини кўрсатади (8-жадвал); бу эса ўз нав-

батида бундай ўқитувчиларнинг ҳамма нарсани ўзлари бажаришга, айни вақтда атрофдагиларнинг таклиф ва тавсияларини ҳам қабул қилишга, умуман, масъулиятни ўзларига олишга тайёр эканликларидан далолат беради. Ўқитувчиликнинг касби, мустақилликни ҳам, бошқалар томонидан маъқулланиш ва қувватланишни ҳам талаб этади. Ўқитувчилар мустақиллигининг аниқланган даражаси айнан амалда қарор топган касб белгисига мувофиқ келади.

Иш жойлари ва қанча ишлаганликларидан қатъи назар, ҳамма ўқитувчиларда мустақиллик ўртача даражада намоён бўлади. Айни вақтда, шаҳар мактаблари ўқитувчилари қишлоқдаги ҳамкасбларига нисбатан мустақилроқдирлар (Р 0,025).

Ўқитувчиларнинг 20,2 фоизи (9-жадвал) Қ омили бўйича паст баҳоларга эга; бу эса уларнинг ўта ижтимоийлигини ва атрофдагиларга боғлиқлигини кўрсатади. Улар мустақил эмас, доимо таянчга, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлашларига муҳтождирлар: одатда, ўз нуқтаи назарларини (хулқ-атвор йўлини) танлаб олишда ташаббускорлик ва жасорат етишмайди, яъни улар ҳаддан ташқари келишувчандирлар.

Ўқитувчиларнинг 20,7 фоизи ўзига ишонган, ўзидан қониқиш ҳосил қилган ҳамма нарсани ўзлари бажаришни афзал кўрадилар, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмасликка мойилдирлар ва мустақилликларини сақлаб қолиш учун ҳар қандай ишдан воз кечишга тайёрдирлар. Улар ишбилармонлик ва мустақиллик туфайли, баъзида яхши муваффақиятга эришишлари мумкин, лекин бошқалар фикрига нописанд муносабатда бўлганликлари учун жамоа ўртасида ҳамийша ҳам обрў ва ҳурматга эга бўла олмайдилар. Ўқитувчиларнинг 59,1 фоизи мустақиллик омили бўйича ўртача баҳоларга эгадирлар. Бу гуруҳга мансуб кишиларнинг юқорида баён этилган хулқ-атворлари ушбу кўрсаткич ўқитувчиларнинг самарали педагоглик фаолиятига эга бўлган мустақиллиги даражасини ҳаққонийроқ, деб ҳисоблашга асос бўлади ва бу уларга ўз ижтимоий мақомини сақлаб қолиш имкониятини беради.

9. Ўз-ўзини назорат қилиш („Қ омили). 8-жадвалга қараб ўқитувчилар баҳоларининг (6,4) ўсиши тенденцияси мав-

жудлиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин, яъни улар, умуман, ижтимоий ва ахлоқий меъёрларга нисбатан қатъий муносабатда бўладилар, ўз хулқ-атворларини уларга мослаштирадилар ёхуд солиштирадилар. Ўқитувчилар кўп ҳолларда режали ва тартибли ҳаракат қиладилар, лекин ҳамма вақт ҳам бошлаган ишларини охирига етказмайдилар, мавжуд тўсиқларни қатъият билан енга олмайдилар.

Биз тадқиқотларимизда ушбу омил бўйича шаҳар ва қишлоқ ўқитувчилари кўрсаткичларида сезиларли тафовутга дуч келмадик. Ўқитувчиларнинг 57,9 фоизи (9-жадвал) „ўз-ўзини назорат“ этиш бўйича ўртача баҳоларга эга. Шу билан биргаликда, ўқитувчиларнинг 7,1 фоизи мазкур омил бўйича паст баҳоларга эгадирлар, бу улардаги заиф иродани „ўз-ўзини назорат“нинг (айниқса, ўз истак-мойиллиги устидан) ёмонлигини кўрсатади. Бундай ўқитувчиларга ўз фаолиятини йўлга қўйишда аниқ тартиб ва кетма-кетлик бўлмайди. Улар кўп ҳолларда ўзларини йўқотадилар, ноаниқ ҳаракат қиладилар, ўз вақтларини тўғри сарфлай олмайдилар, ишларини мақсадга мувофиқ ташкил этишни билмайдилар. Кўп ҳолларда интизомсизлик қиладилар, фақат ўз кечинмалари билан ҳисоблашадилар, холос. „Ўз-ўзини назорат“ этиш бўйича паст баҳоли ўқитувчилар кўп ҳолларда муҳитга етарли даражада мослаша олмайдилар. Очiq-ойдин кўриниб турибдики, ўз ҳиссиётларини ва умуман хулқ-атворларини назорат қила олмайдилар, бундай ўқитувчилар педагоглик касбига муносиб эмаслар.

Ўқитувчиларнинг 35 фоизи ушбу омил бўйича юқори баҳоларга эгадирлар (айниқса, истак-мойиллиги ва хулқ-атвори устидан назорат бўйича); бу уларнинг ўз фаолиятларини тўғри ташкил қила билишлари, ўз ишига эътиборлиликларидан гувоҳлик беради. Бундай ўқитувчилар ўз фаолиятлари самарасини тўғри белгилайдилар, ўз қадрқимматларини ерга урмайдилар уларга кўрсатилаётган ижтимоий ҳимояга ҳурмат билан қарайдилар. Улар ўзларига жуда талабчан бўлишлари билан бирга баъзида қайсарликка мойиллик билдирадилар. Бизнинг фикримизча, бундай йўл тутиш ҳамма ўқитувчилар учун ҳам мақсадга мувофиқдир.

10. Қўзғалувчанлик, таранглик („Q „, омили). Ўқитувчиларнинг ушбу омили бўйича ўртача кўрсаткичи кўп жиҳатдан Р.Б.Кеттел тести бўйича қабул қилинган юқори қийматларга яқинлашиб келади.

Бу баъзи бир тарангликни, эҳтиёжларнинг кўплиги, лекин уларнинг қондирилмаётганлигини, бесаранжом характерни, шунингдек, асаб таранглигини кўрсатади. Афтидан, бундай таранглик ҳолларига биринчи навбатда, касб фаолияти ва маълум даражада шахсий хусусиятлар таъсир кўрсатади; бундай хусусиятлари ишнинг яккама-якка услубини белгилайди ва моҳият эътибори билан шахснинг намоён бўлишига катта таъсир ўтказиши мумкин.

Асабийлик ва таранглик даражаси баҳолари қишлоқ ўқитувчиларида (7,15) шаҳардаги ҳамкасбларига (6,9) нисбатан юқори, яъни ($P 0,025$). Бу, эҳтимолки, ўқитувчи эҳтиёжининг тезда қондирилмаслиги, ишда рағбатнинг йўқлиги ва, умуман, муаллим кадр-қимматининг тўғри баҳоланмаганлиги оқибатида бўлиши мумкин.

Ўқитувчиларнинг 7,1 фоизи (9-жадвал) руҳан бўшашган, талабчанликнинг пастлиги туфайли ишидан ўта қониқиш ҳиссиётига эга. Мақсадларнинг кичиклиги хатоларнинг камлигига олиб келади, интилиш ва истакларни йўқотиб юборади. Бундай ўқитувчилар, одатда муваффақият ва муваффақиятсизликларга бефарқ қарайдилар, ишнинг ҳар қандай даражаси билан ҳам қониқа берадилар, хотиржам бўладилар. Ютуқлар ва ўзгаришларга интилиш бўлмагач, уларнинг педагоглик фаолиятни самарали амалга оширишлари даргумондир.

Ўқитувчиларнинг 16,9 фоизи ҳаддан ташқари безовта, асаби таранглашган, ўта бесабрдирлар; улар учун ҳиссий беқарорлик ва таъсирчанлик хосдир. Бундай ўқитувчилар ўзларини чарчаган ҳис қилишади, бироқ улар, ҳаттоки, дам олиш шароитида ҳам ишсиз тура олмасликлари мумкин бўлган шароитда ҳам осойишталикни изламайдиган чарчоқдирлар. Лекин бундай ўқитувчилар жамоада етакчилик, ягоналик даражасини нотўғри баҳолайдилар, субординацияни бузадилар, кўп ҳолларда ўзларини жамоага қарама-қарши қўядилар.

**Ўқитувчиларнинг шахслик хусусиятлари ва педагогик
фаолият унсурларининг ўзаро боғланишлари**

N Шахслик хусусиятлари	Педагогик фаолият унсурлари				
	1	2	3	4	5
1. Киришимлилиқ	0,34*	0,17***	0,9	0,21*	0,63*
2. Ҳиссий барқарорлик	0,27*	0,19**	0,37*	0,17***	0,45*
3. Етакчилиқ	0,15***	0,01	0,11	0,09	0,19**
4. Ижтимоий етуклик	0,17***	0,15***	0,19**	0,21*	0,15***
5. Ижтимоий жасорат	0,22*	0,14	0,01	0,12	0,21*
6. Ишонувчанлик	0,05	0,09	0,15***	0,11	0,07
7. Дадилик	0,01	0,17***	0,09	0,01	0,19**
8. Мустақиллик	0,11	0,09	0,23*	0,01	0,12
9. Қўзғалувчанлик, та- ранглик.	0,23*	0,09	0,39*	0,01	0,17***

Шундай қилиб, ўқитувчиларнинг юқорида санаб кўрсатилган ва талқин этилган шахсий хусусиятларини, шубҳасиз, педагогик фаолияти учун касб жиҳатидан муҳим ҳисобланган хусусиятлар қаторига киритилиши мумкин. Ўқитувчи шахсининг ижобийлиги ҳар бир хусусиятнинг муайян ривожланиши натижасидагина шаклланиши мумкин: ўқитувчилар шахсининг киришимлилиқ, ўз-ўзини назорат эта билиш, ижтимоий жасорат, мустақиллик каби хусусиятлари уларнинг ҳулқий сифатларини белгилайди, бошқалари (етакчилиқ, ишонувчанлик, дадилик) „Мен“ини, қўйишини; учинчилари ҳиссий барқарорлик, ижтимоий етуклик, қўзғалувчанлик, таранглик ўқитувчи „мени“нинг ҳиссий - иродавий жиҳатларини ифодалайди.

10-жадвалда шахслик хусусиятлари ва педагогик фаолият унсурлари кўрсаткичларининг ўзаро боғланишлари келтирилган. Педагогик фаолият унсурлари қуйидаги тартибда баён қилинган: 1—ахборотчилиқ; 2—ташкilotчилик - самарадорлик; 3—тадқиқот; 4—йўналтирувчи - ривожлантирувчилик; 5—алоқалик.

Ўқитувчилар фаолияти омилини тушунмасдан туриб,

умуман, улар шахси ҳақида, бинобарин, уларнинг фаолиятида эришиладиган натижалар тўғрисида асосланган тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу оддий ҳақиқатдир.

II-жадвалда ўқитувчиларни муваффақиятга интилиш ва муваффақиятсизликдан четланиш омиллари бўйича ўрганиш натижалари келтирилган.

Омилларнинг умумлаштирувчи тенденциясини ўлчаш учун биз фойдаланган савол-жавоб Ж.Аткинсоннинг омилий назарияси асосида тузилган ва у шахснинг икки умумлаштирилган ва барқарор омилларини диагностлаштириш имкониятини беради; ютуққа интилиш сабаби (М) ва муваффақиятсизликлардан четланиш боиси (Ма). Баллар йиғиндисини ҳисоблаш асосида қандай омилий йўналиш устувор экани аниқланади: (Ms-Maf)

Ўқитувчининг педагогик фаолиятида М ва Ма муҳим ҳисобланади ва омилий жараён бошланади.

II-жадвалда, шунингдек, Ю.М.Орловнинг тест-сўрови бўйича ютуққа интилишнинг пинҳоний натижалари ҳам келтирилган.

II-жадвал

Ўқитувчилар фаолиятларининг омилларини тадқиқот этиш натижалари

N	Омиллар (мотивация)	Барча текширилган ўқитувчилар бўйича ўртача кўрсаткич	Иш жойига боғлиқ кўрсаткичлар	
			қишлоқ	шаҳар
1	2	3	4	5
1.	Ютуққа интилиш (Ms).	73,45 - 0,99	74,07*	72,42
2.	Муваффақиятсизликлардан четланишга интилиш (Maf).	60,47 - 1,34	60,05	60,42
3.	Ютуққа эришиш эҳтиёжи	11,87 - 0,19	11,88	11,84

* $p < 0,10$

Тест-сўровга кўра, ютуққа эришиш эҳтиёжининг уч даражаси ажратиб кўрсатилади: „паст“ — 0 дан 9 баллгача; „ўртача“ — 10 дан 13 баллгача ва „юқори“ — 14 балл ва ундан юқори (юқори баллар — 18-23).

11-жадвалдан кўринадики, ўқитувчиларда Ms кўрсаткичлари Maф кўрсаткичларидан юқоридир (мувофиқ равишда 73,45 ва 60,47); бу ютуққа интилиш омилининг муваффақиятсизликларидан четланиш омилига нисбатан устуворлигини кўрсатади.

Чамаси, ўқитувчиларнинг „Мен“ларига маълум бир ижобий муносабатлари — ютуққа интилиш, ютуққа эришиш эҳтиёжини ҳам ҳосил қилади. Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда хулоса чиқариш мумкин; ўқитувчилар Ms омилига эга бўлган кишилардир ва уларга қуйидаги хусусиятлар хосдир: уларни ютуққа эришиш ўзига жалб этади; ижобий натижага ишонадилар; уларга ўз ютуқлари ҳақида фикр юритиш учун ахборот қидириш, масъулиятни ўз зиммаларига олишга тайёр туриш, қалтис вазиятларда қатъият кўрсатиш, мақсадга интилишда собитлик хосдир; улар қизиқ масалаларни ечишдан беҳад қониқиш оладилар, етарлича мураккаб, лекин удраласа бўладиган ишни бажаришни истайдилар; ўта мураккаб ёки жуда оддий масалалар уларда қизиқиш уйғотмайди; мусобақа ёки қобилиятларни синаш вазиятларида улар ўзларини йўқотмайдилар; оқилона таваккалга интилиш уларга хосдир; даъволарининг ўртача аниқ даражада бўлишини хоҳлайдилар; тўсиқларга дуч келганда катта шижоат кўрсатадилар; ютуқдан кейин ўзларига ишончлари баландлашса, муваффақиятсизликдан кейин пасаяди — ўқитувчилар шахси омиллари тавсифи мана шулардан иборат. Бу тавсиф Msга мансуб кишилар тўғрисида қабул этилган умумий қарашларга ҳам мос келади.

Шу билан биргаликда, ўқитувчиларнинг кўрсаткичларидаги унча катта бўлмаган фарқдан (Ms - Maф) келиб чиқиб, тахмин қилиш мумкин: ўқитувчиларга ютуққа интилиш вазиятида муваффақиятсизлик бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ахборотни қидириш ҳам хосдир, яъни уларда муваффақиятсизликдан четланишга эҳтиёж пайдо бўлади, лекин устуворлик қилмайди. Бу, биринчи қарашда гўё ёмон эмасдек бўлиб туюлади. Лекин аини вақтда, бу кўпчилик ўқитувчиларнинг ўз ишларини виждонан бажарганлари ҳолда, унга ўта эҳтиёткорлик билан ёндашишларига, таваккал қилмасликка, тажрибалар ўтказмасликка уринишларига сабабдир, бу эса уларнинг ишида ҳақиқий

ижоднинг йўқлигини билдиради. Ютуққа эҳтиёжнинг ўртача кўрсаткичлари ҳам бунга далолатдирки, бу ҳам умуман муваффақиятнинг қимматини пасайтиради.

Шу муносабат билан, педагогик таълим ва, умуман, ўқитувчи касбида ютуққа эришиш эҳтиёжини ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш, ўқитувчининг касб маҳоратини такомиллаштириш ва обрўсининг ортиши учун шароитлар яратиш, эришилган ютуқларни маънавий ва моддий рағбатлантириш ва унга эришиш вазиятида эҳтимол тутилган муваффақиятсизликлардан хавотирланишдан, кўрқувни олиб ташлашга ёрдам бериш мақсадга мувофиқдир. Бу фикр, айниқса, шаҳар мактаблари ўқитувчиларига тегишлидир; уларда ютуққа интилиш омили кўрсаткичлари (72, 42) қишлоқдаги ҳамкасбларига (74, 07) нисбатан анчагина (0,01) пастдир.

Тадқиқот натижалари сабабларини таҳлилдан ўтказиш, қизиқарли ҳулосалар чиқариш имконини беради. Турли илмий тадқиқотларда кўп қўлланиладиган сабабий таҳлил усулидан икки мақсадда фойдаланилди:

1. Ўқитувчи касби ва шахсияти ўртасидаги кўзга кўринмас боғланишлар, қонуниятларни аниқлаш;

2. Ўқитувчининг шахс сифатида касбий ўсишини олдиндан айтиб бериш.

Шу муносабат билан ушбу тадқиқотнинг асосий фаразларини текшириш имконияти туғилади, чунки биз қўллаган таҳлил фақат статистик усул эмас, балки илмий концепцияни талқин қилиш кўроли ҳамдир. Айнан сабабий таҳлил кенг қўламдаги миқдорий материални бир неча мустақил факторларга, сабабларга ажратиш имкониятини беради.

Сабабий таҳлилни қўллар эканмиз, биз одам хулқ-атворини ўрганиш билан шуғулланувчи педагогика, психология, ижтимоий ҳамда қисман тиббиёт ва илмдаги бошқа тармоқларнинг кўп қўшни соҳаларида сабаб ва оқибат ўртасида аниқ функционал тафовут йўқлиги, биргина тажриба бу боғлиқликни ҳал этиб беролмаслигидан келиб чиқдик. Уларга хос қонуниятларни фақат бир қатор тажрибаларнинг натижаларини статистик текшириш йўли билан аниқлаш мумкин; бунда муайян фаразларни қабул қилиш ёки рад этиш мумкин.

Бундан ташқари, психология-педагогика тадқиқотлари соҳасида сабабий таҳлил шахснинг энг муҳим сифатларини диагностикаси ва олдиндан айтиб бериш учун тестлар ва методлар танлашнинг самарали воситаси ҳисобланади ҳамда инсон фаолиятининг у ёки бу соҳаси самарадорлигини аниқлаб берувчи асосий омилларни ажратиб кўрса-тиш имкониятини беради.

12-жадвалда ўқитувчилар шахслик хусусиятлари ва педагогик унсурларининг сабабий боғлиқлиги таҳлили натижалари акс эттирилган.

Бунда биринчи ўринни ўқитувчининг касб маҳорати эгаллайди. Ушбу бош сабаб таркибига ташкилотчилик-тузувчилик, коммуникативлик ва ахборотчилик (ўқув материални чуқур ва ҳар томонлама эгаллай билиш; ахборотнинг зарур манбаларини билиш ва улардан фойдалана олиш; ўқитиш жараёнида ҳамкасблар билан ҳамкорликни таъминлаш; ўқув материални билимларни шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутган ҳолда танлаш; синф хусусиятлари таълим ва тарбия натижаларини ўқитиш ва тарбия мақсадлари ҳамда ўқитиш шакллари ва усуллари-га таянган ҳолда олдиндан айтиб бериш; машғулотларда жорий ўзлаштириш. Ўқитувчиларнинг жамоа, гуруҳ ва шахсий иши устидан аниқ назоратни ташкил этиш; ўқитишда турли методларни қўллай билиш; ўқувчилар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўя билиш ва б.), сингари педагогик фаолиятнинг сифат ва унсурлари киради. Шахслик хусусиятлари орасида киришимлилиқ ва онгли-ликка алоҳида ўрин ажратилди.

Салбий сабабий боғланишлар сирасига қизиққонлик, асабийлик, ишончсизлик, гумонсираш каби муваффақиятсизликлардан ўзини тортиш четланиш омилига боғлиқ шахслик хусусиятлари киради.

Иккинчи ўрин ўқитувчининг ўз ижодий имкониятларидан фойдаланиш сабабий боғланишларига ажратилади; унинг таркибий қисмига ўқитувчининг педагогик фаолиятининг ютуққа эришиш эҳтиёжи — киришимлилиқ, ҳиссий барқарорлик, дадиллик, онглилик тадқиқотчилик ва ахборотчилик кабилар киради. Қизиққонлик, асабий ҳолат, ортиқча гумонсираш, муваффақиятсизликларни четлаб ўтиш ушбу боғланишлар таркибига салбий омиллар сифатида киради.

**Ўқитувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва педагогик
фаолиятлари унсурларининг сабабий таҳлили**

N	Ўқитувчилар шахсий хусусиятлари ва пед. фаолияти унсурлари	Сабаблар					
		1	2	3	4	5	6
1.	Киришимчилик	459	662	303	400	355	-
2.	Ҳиссий барқарорлик	279	550	747	229	-	477
3.	Етакчилик	309	-	373	421	244	377
4.	Ижтимоий етуклик	402	519	-	195	-	357
5.	Ижтимоий жасорат	376	471	-	-	192	416
6.	Ишонувчанлик	178	327	273	-	176	222
7.	Дадиллик	279	573	411	178	-	253
8.	Ўз-ўзини назорат	335	367	439	-	-	522
9.	Мустақиллик	219	-	558	-	-	373
10.	Қўзғалувчанлик, та- ранглик	616	301	782	363	199	-
11.	Ютуққа эришиш эҳтиёжи	214	474	-	-	408	348
12.	Ютуққа интилиш	-	-	-	-	322	-
13.	Муваффақиясизлик- лардан четлаш	196	169	321	379	-	214
14.	Ахборотлардан воқифлик	533	-	-	-	-	183
15.	Ташкилотчилик-тузув- чилик	561	296	384	-	334	361
16.	Тадқиқотчилик	213	490	445	272	-	-
17.	Йўналтирувчи-ривож- лантирувчилик	305	-	-	387	-	-
18.	Коммуникативлик	470	294	370	-	615	-
19.	Иш стаж	187	392	482	318	227	213

Тест натижаларининг миқдори тебранишида сабабнинг ўрни	22,3	17,5	15,6	12,9	9,9	8,6
--	------	------	------	------	-----	-----

Сабабий боғланишлар- нинг тўлиқлиги	85,0 %
--	--------

Учинчи ўринни маърифат савиясини ошириш сабабий боғланишлари эгаллайди. Ҳиссий барқарорлик, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, дадиллик, тадқиқотчилик, ташкилотчилик-тузувчилик ва коммуникативлик сифатлари ушбу факторнинг асосий ташкил этувчиларидир. Тез таъсирланиш, асабийлик ва катта иш стажи ушбу боғланишларнинг намоён бўлишига салбий таъсир ўтказади.

Тўртинчи ўринни ўқитувчининг динамизми ва ҳиссий барқарорлиги эгаллайди. Унинг таркибида: етакчилик, киришимлилик, йўналтирувчилик-ривожлантирувчилик, тадқиқотчилик каби ўқитувчининг педагогик фаолияти унсурлари, шахсий сифатлари, иш стажи ва ютуққа интилишлари бор. Ушбу боғланишларнинг намоён бўлишига муваффақиятсизликлардан четланиш, ҳиссиётлилик ва асабийлик салбий таъсир кўрсатади.

Бешинчи ўрин ўқитувчи фаолиятининг самарадорлиги факторига ажратилади. Ушбу сабабий боғланишлар педагогик фаолиятнинг коммуникативлик, ташкилотчилик, самарадорлик сифатларини, ютуққа эришиш эҳтиёжи, етакчилик, иш стажи кабиларни ўз ичига олади. Қўзғалувчанлик ва таранглик ушбу омилда ҳам салбий ҳиссага эга (қаранг: 12-жадвал).

Олтинчи ўринни ўқитувчининг рефлексивлиги ва онглилиги эгаллайди. Ўз-ўзини назорат, ҳиссий барқарорлик, мустақиллик, ташкилотчилик сингари конструктив сифатлар ва компонентлар, онглилик, ютуққа эришиш эҳтиёжи, муваффақиятсизликлардан четланиш омили (салбий ҳисса) — ушбу омилнинг асосий компонентларидир.

Ўқитувчилар нуқтаи назаридан, аҳамиятли шахсий хусусиятлар ва педагогик фаолиятнинг омиллий асослари юзасидан қуйидаги ҳулосаларни чиқариш мумкин.

1. Педагогик фаолиятда аҳамиятга эга бўлган шахсий хусусиятлар: киришимлилик („А“ фактори); ҳиссий барқарорлик („S“ фактори); ижтимоий жасорат („А“ фактори); ижтимоий етуклик („St“ фактори); меъёрдаги ишонувчанлик („L“ фактори); ўз-ўзини назорат қилиш („Q“ фактори), маълум даражадаги қўзғалувчанлик ва таранглик („Q“ фактори).

Шу билан биргаликда, ўқитувчилар учун дадиллик („Q“ омили), етакчилик („E“ омили), мустақиллик („Q“ омили) сингари сифатларга эга бўлиш ҳам мақсадга мувофиқ; ўқитувчилар шахсиятининг аҳамиятини кўтарувчи бу хусусиятлар педагогик фаолият самарадорлигини оширади.

2. Қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўқитувчиларининг касб фаолиятида ўрганилаётган шахс хусусиятларининг ўрни баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда, асосан, ўзаро мосдир. Бу истиснолар амалий фаолиятга тегишли бўлиб, қишлоқ ўқитувчилари учун етакчилик, ижтимоий етуклик, таранглик омиллари бўйича; шаҳар ўқитувчилари учун эса, киришимлилик, ижтимоий жасорат, ишонувчанлик, дадиллик ва мустақиллик омиллари бўйича намоён бўлади.

3. Текширилган ўқитувчиларда ютуққа эришиш эҳтиёжи омили улар шахсиятининг қуйидаги хусусиятларига асосланади: етакчиликка интилиш, тиниб-тинчимаслик, ишонч, ҳиссий барқарорлик, дадиллик, киришимлилик, ижтимоий етуклик (онглилик). Ўқитувчилар шахсининг юқорида айтилган хусусиятлари уларнинг ютуқларга эришиш эҳтиёжини фаоллаштиради.

4. Ахборотчилик, ташкилотчилик-тузувчилик, тадқиқотчилик-ривожлантирувчилик, коммуникативлик педагогик фаолиятнинг асосий компонентлари сифатида муаллим шахсининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир ўтказadi.

Ўзбек миллий мактаби ўқитувчиларининг шахслик хусусиятлари, шунингдек, касбга тайёргарликларининг аниқланган даражаси улардан малака ошириш тизими ишини режалаштириш жараёнида фойдаланиш имкониятини берди.

5. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи олти омил аниқланди; бу омиллар: шахслик—касбий етуклик ёки маҳорат (22,3); ўқитувчининг ўз ижодий имкониятларини рўёбга чиқариши (17,5); ўз ўзига таълим (15,6); динамизм (бошқаларга таъсир ўтказиш қобилияти) (—12,9); самарадорлик (9,9) ва ўқитувчининг рефлексивлиги (8,6).

3. Педагог кадрлар малакасини ошириш ҳозирги тизимининг аҳволи

Ўқитувчининг касбий малака даражаси ва шахсий хусусиятлари, аввал кўрсатилганидек, ўзаро боғлиқдир. Бу методологик позиция ўқитувчи малакасини узлуксиз ошириш муаммоларини тадқиқ қилишга яхлит ёндашиш заруратини таъкидлайди.

Ўзбекистонда педагогик малака ошириш тизимининг ўқитувчи ижодий салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлари ва имкониятлари қандай? Педагогика олий ўқув юртида ўқитиш жараёнини ташкил қилишга умумий ёндашишлар қандай бўлиши керак? Улар ижодий ташаббусларни мустаҳкамлайдими, анъанавий, лекин ўз умрини яшаб бўлган тасаввурлар доирасидан чиқа олиш ҳаракатини қўллаб-қувватлайдими? Бўлажак ўқитувчиларда касб маҳоратини доимий янгилаб бориш ва ўстириш эҳтиёжини шакллантира оладими?

Олий ўқув юртида мутахассис тайёрлашнинг мавжуд аҳволини янада батафсилроқ таҳлил этиш мақсадида А.Авлоний номидаги РХТХ МОМИ тингловчилари билан махсус саволнома асосида савол-жавоб ўтказдик. Биз тингловчилар ҳам олий ўқув юртида мутахассис тайёрлашга ҳам бу мутахассисларни шаҳар (туман) методик хоналари курсларида ўқитишга муносабатларини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик.

Ушбу текширишга А.Авлоний номидаги институтнинг 208 тингловчиси жалб этилган эди, улардан 33,1 фоизи 5 йилдан 10 йилгача педагогик иш стажига эга; 22,4 фоизи — 11 йилдан 16 йилгача; 44,5 фоизи — 16 йилдан ортиқ иш стажига эга. Булардан: 44,3 фоизи ўқитувчилар малакасини ошириш вилоят институти курсларида биринчи марта; 33,7 фоизи — иккинчи марта; 22,3 фоизи — учинчи ва ундан ортиқ марта ўқиганлар.

Текширилган педагогларнинг 51,3 фоизи олий ўқув юртлари ўша замоноқ касб фаолиятига киришиб кетишга етарли бўлган илмий-методик ва амалий тайёргарлик беради деб ҳисоблайдилар. Бироқ педагогларнинг 48,7 фои-

зи олий ўқув юртидаги ўқитиш натижаларидан қониқиш ҳосил қилмаганликларини билдирадилар ва айниқса институтдан олинган методик тайёргарликни мактабда ишлаш учун етарли эмас, деб ҳисоблайдилар.

Шунга ўхшаш натижалар Андижон вилояти ЎМОИнинг 180 тингловчисини ўрганишда ҳам қайд этилди.

Агар олий ўқув юртида ўқиш даврида билим бўлажак педагогнинг касбий шаклланишида энг муҳим омил бўлган бўлса, мустақил меҳнат фаолиятининг биринчи қадамлариданоқ у гуё иккинчи ўринга тушиб қолади. Худди ана шу ерда таълим узлуксизлигининг бузилиши хавфи сақланади. Юқорида келтирилган текширув натижалари шунни кўрсатадики, ўқитувчиларнинг деярли ярми (48,7 фоизи) олий ўқув юртида ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилишидан норозидир. Яққол кўринадики, олий ўқув юртларида айниқса, педагогика институтларида ўқув режалари ва дастурларини қайтадан тузиш керак; бўлажак муаллимга ишлаш учун зарур бўлган билимлар, кўникма ва малакаларни бермоқ даркор. Бу ерда, бир томондан, ўқитувчиларни ўқитиш мазмунини белгилаб олиш муаммоси бўлса, иккинчи томондан, ўқув фанларини ўқитиш шакллари ва методлари муаммосидир. Умумий ўрта мактабда ва олий ўқув юртида бўлажак ўқитувчига қандай „пойдевор“ қўйилган бўлса, унинг кейинги тақдири ҳам шундай кечади.

Юқорида кўрсатилганидек, ўқитувчиларнинг 44,3 фоизи 5 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ҳолда ЎМОИда биринчи марта ўқимоқдалар. Бу мазкур ўқитувчилар учун билим ҳақиқатан ҳам иккинчи ўринда эканлигини яққол исботлайди.

Бунда фақат ўқитувчиларнинг ўзларигина айбдор бўлмасалар керак. Малака оширишнинг „юқоридан пастга“ режалаштириш тизими айбдордир; ваҳоланки, „пастдан юқорига“ буюртма тизими бўйича режалаштириш тақозо этилади.

Россия Педагогика фанлари академиясининг катта ёшдагилар умумий таълими илмий тадқиқот институти маълумотларига кўра, ўқитувчиларнинг 90 фоизи мустақил касб фаолиятининг биринчи қадамлариданоқ таълимни давом эттириш заруриятини англайдилар, олий ўқув

юртидан кейинги таълимнинг, аниқроғи, узлуксиз таълимнинг муҳимлигини етарлича баҳоламаслик, маълум вақт ўтгач, ўқитувчини келажак авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг ҳозирги замон масалаларини ечишда касбий малака жиҳатидан орқада қолишига олиб келиши мумкин.

Педагог кадрларнинг узлуксиз таълимида „ўз-ўзига таълим“нинг ўрни мунтазам ошиб боради. Республика ўқитувчиларининг „ўз-ўзига таълими“нинг аҳволи қандай?

Педагоглик касбининг хусусияти ўқитувчилар ўз билимлари, салоҳияти ва кўникмаларини узлуксиз тўлдириб боришни тақозо этади. Бизнинг фикримизча, текширилган Ўзбекистон педагогларининг 66,7 фоизи зарур ахборотларни қидириб топиш ва уни мустақил ўзлаштириш қобилиятига эга. Бу ишда уларга оммавий ахборот воситалари (газета-журналлар, радио ва телевидение) ёрдам беради. Ҳар учинчи педагог (33,3 фоиз) „ўз-ўзига таълим“нинг қўйилиш даражасидан қониқмайди. Кўринадики, бу ерда педагогнинг ўз фаолиятига нисбатан муайян позицияси, ўзини-ўзи эгаллаб турган мавқеига солиштириш хислати мавжуддир.

13-жадвалда ўзбек тилида (67,0) етишмаслигига оид маълумотлар акс эттирилган.

Ўқитувчининг „ўз-ўзига таълим“ жараёни унинг ўз малакасини оширишга бўлган шахслик муносабатига чамбарчас боғлиқ.

„Ўз-ўзига таълим“ бериш педагогларнинг ҳақиқий эҳтиёжига айланиши учун, бизнинг фикримизча, камида тўртга муаммони ечиш, ҳал қилиш зарур. Биринчиси – йўналтирувчи қадриятларга эғалик муаммосидир. Ҳар бир ўқитувчида касбий идеални шакллантириш зарурдир; яъни педагоглик фаолияти учун қандай билимлар, малака, кўникмалар, шахс сифатлари ва хусусиятлари зарур ҳамда касб нуқтаи назаридан аҳамиятли эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Ўқитувчилар ўзларида нималар бўлиши шартлиги ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим. Бу муаммони биргаликда педагогика олий ўқув юртлари, малака ошириш институтлари ва ҳамма даражалардаги метод бирлашмалар ечишлари мумкин.

**Педагог кадрларнинг ўз-ўзига таълими ва уни
Ўзбекистонда амалга оширишдаги қийинчиликлар
бўйича Ў (ПК) МОИ тингловчиларни анкеталаштириш
натижалари**

N	Тингловчилар томонидан ўз-ўзига таълимнинг баҳоланиши ва ундаги асосий қийинчиликлар	Тингловчилар фоизи (9156)
1	2	3
1.	Ўз-ўзига таълимнинг сифати:	
	1 - 1 Қониқарли	66,7
	1 - 2 Қониқарсиз	33,3
2.	Ўз-ўзига таълимни амалга оширишдаги асосий қийинчиликларнинг турлари:	
	2 - 1 Ўқув-методик адабиёт етишмайди	33,0
	2 - 2 Ўзбек тилидаги ўқув-методик ва илмий-оммабоп адабиёт етишмайди.	67,0

Иккинчи муаммо — омилга эгалик муаммосидир. Ўқитувчи ўз касбига — идеалига номувофиқлигини англагани ҳолда унга лойиқ бўлишга интилоғи зарур. Бу фалсафада талаб билан амал ўртасидаги узилиш демакдир. Ушбу муаммони муайян даражада мактаб, туман (шаҳар) метод бирлашмалари, халқ таълими бўлимлари, Ў(ПК) МОИлари, шунингдек, ижодий ишлайдиган ўқитувчиларнинг ўзлари ечишлари мумкин.

Учинчи муаммо — технологик муаммо. Қандай воситалар ва йўллар орқали ўқитувчи ўзини шакллантириши ва ривожлантириши мумкин? Бу соҳа ўқитувчини ҳар хил методик материаллар, китоблар, журналлар билан таъминлашдан тортиб, барча мавжуд имкониятлардан фойдаланишга одатлантириш муҳимдир.

Тўртинчи муаммо — иқтисодий рағбатлантириш. Бундай малака ошириш ўқитувчи иши сифатини кафолатлайди ва шунга мутаносиб тарзда унинг меҳнатига янада юқори ҳақ тўлаш ва аксинча, иш сифати паст бўлган тақдирда — оз меҳнат ҳақи тўлаш кўзда тутилади.

Юқорида қайд этилганидек, узлуксиз таълимнинг уч бўғинида салмоқли ўрни ва Ў (ПК) МОИ ларига тегишлидир. Ҳозирги босқичда малака оширишда уларнинг роли қандай? Улар ўқитувчининг узлуксиз малака оширишга тайёрлигини шакллантирадими? Бу саволга жавоб бериш учун 14-жадвални келтирамиз; унда тингловчиларни текшириш натижалари педагог кадрларнинг малакасини ошириш шаҳар (туман) методика хоналарининг ва Ў(ПК) МОИларининг баҳолари акс этирилган.

14-жадвал

Ўзбекистон педагог кадрлари малакасини оширишда шаҳар (туман) методик хоналари ва малака ошириш институтларининг ўрни

N	Малакани оширишда шаҳар (туман) метод хоналари ва МОИ ларининг баҳоланиши	Тингловчилар фоизи 9156
1	2	3
1. Педагог кадрлар малакасини оширишда шаҳар ва туман метод хоналарининг ўрни:		
1 - 1 Катта		39,8
1 - 2 Ҳал қилувчи		16,8
1 - 3 Бироз		14,6
1 - 4 Заиф		5,5
1 - 5 Ўрни йўқ		23,3
2. ЎМОИ ва ПКМОИ да илмий-методик тайёрлаш:		
1 - 1 Қониқарли		61,1
1 - 2 Қониқарсиз		38,9

Мазкур муассасалар кўпчилик ўқитувчилар томонидан (97,5 фоиз) педагог кадрлар узлуксиз таълимининг муҳим кичик тизимлари сифатида қаралади. Бироқ, агар 14-жадвалда келтирилган натижалар таҳлил қилинса, у ҳолда республикадаги ўрганилган педагогларнинг 43,4 фоизи ШТМХлари ишидан қониқмаганликларини кўриш мумкин („бироз“, „заиф“, „паст“), баҳолар йиғиндисининг 38,9 фоизини эса, малака оширишда Ў (ПК) МОИлар тутган мавқеи қониқтирмайди; педагогларнинг 56,6 фои-

зини ШТМХнинг тутган ўрни қониқтиради; 61,1 фоизини эса малака оширишда малака ошириш курси ва инсти-тутларнинг мавқеи қониқтиради.

Ўқитувчининг ўз меҳнатига ижодий муносабати кўрсаткичларидан бири, унинг ўз ишида илмий-педагогик ишланмалардан фойдаланишидир. 15-жадвалда ушбу масала бўйича мавжуд аҳвол ифодаланган.

Текшириш натижалари қуйидагиларни кўрсатади: биринчидан, республикада ўқитувчиларнинг 81,7 фоизи энг янги илмий-педагогик ва илмий-методик тадқиқотлар ва тавсияномалардан фойдаланмайдилар, бу эса, биринчидан, ўқитувчи ишида илмий изланишлардан фойдаланишга қизиқишнинг йўқлигидан, иккинчидан, ўқитувчи самарали фаолиятининг зарур шarti ҳисобланган ижоднинг йўқлиги; учинчидан, ўқитувчиларнинг 81,7 фоизининг ўз педагогик фаолиятида фан ютуқлари ва илмий-методик ишланмалардан фойдаланмаслиги, уларнинг узлуксиз малака оширишга қай даражада тайёр эканликлари ҳақида ҳукм чиқаришга асос бўлади.

Биз олиб борган тадқиқотларнинг 13,15, жадвалларда акс эттирилган натижалари, агар республиканинг айрим ҳудудларида ҳанузгача ўқитувчи ва ўқувчиларни турли қишлоқ хўжалик ишларига узоқ муддатга жалб қилиниши билан ҳам изоҳланади.

Ўқитувчиларни олий ўқув юртида тайёрлашнинг мавжуд ҳолатида уларни, албатта, 3—5 йилда бир марта МОИ курсларида, бир йилда 2—3 марта шаҳар, туман метод хоналарида ўқитишни такомиллаштириш тадбирларида иштирок этишлари зарур.

Шу билан биргаликда, илмий базаси, профессор - ўқитувчилар билан тўлиқ таъминланмаганлигидан вилоят УМОИ ҳамма ўқитувчиларни ўз вақтида курсларда қайта тайёрлаш имкониятига эга эмас.

Юқорида қайд этилган, ўқитувчиларнинг илмий психологик-педагогик ва методик адабиётлар билан етарли таъминланмаганлигини ҳам қўшиш керак; бу эса ўқитувчининг малака оширишга „тайёргарлик“ даражасини пайсайтеиради.

Ўқитувчининг ўз ишида илмий педагогик ва илмий методик ишланмалардан фойдаланиш кўрсаткичлари

N	Вилоятлар	Сиз ўз ишингизда илмий педагогик ва илмий методик ишланмалардан фойдаланасизми?	
		„ха“	„йўқ“
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	33,3	66,7
2.	Андижон вилояти	21,3	78,7
3.	Бухоро вилояти	12,0	88,0
4.	Самарқанд вилояти	12,5	87,5
5.	Навоий вилояти	28,5	71,5
6.	Сурхондарё вилояти	19,0	81,0
7.	Сирдарё вилояти	14,5	85,5
8.	Қашқадарё вилояти	20,5	80,0
9.	Фарғона вилояти	8,0	92,0
10.	Хоразм вилояти	14,0	86,0
Республика бўйича:		18,3	81,7

Бизнинг кузатиш, саволномалар, интервью ва суҳбатлар малака ошириш курслари тингловчиларининг ўқитувчилар таълимидаги, касбий ва педагогик тайёрлашдаги тафовутлардан келиб чиққан турли сўров ва эҳтиёжларни белгилайди. Маълумки, объектив мавжуд педагогик сўров ва эҳтиёжларни курсда тайёрлаш жараёнида қондириш ўқитувчиларнинг мақсад ва вазифаларига жавоб беради. Аммо ўқитишнинг ягона мазмуни курслардаги ҳамма тингловчиларнинг педагогик сўров ва эҳтиёжларини тўлиқ даражада қондириши мумкин эмас.

Бу ерда педагог кадрлар малакасини оширишнинг мазмуни, шакллари ва усулларини такомиллаштириш, хусусий ҳолда эса ўқитувчилар малакасини оширишга табақалаштирилган ёндашиш муаммоси кўтарилади.

Малака ошириш институтларида тайёрлашни ташкил этиш ва ўтказишга табақалаштирилган тарзда ёндашиш тингловчилар гуруҳларини педагогик тайёрланганликнинг аниқланган даражаси, педагогик сўров ва эҳтиёжларни

ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш ўқитишнинг шунга мос келадиган мазмунини белгилаш, ўқитиш шакллари, усуллари ва воситаларининг мақбул мажмуини танлаш асосида тузиш тақозо этилади.

Ҳозиргача малака ошириш курсларида гуруҳларни шакллантиришнинг илмий асосланган мезонлари йўқ. Ўқитувчилар уларнинг психологик-педагогик тайёрланганлиги ва иш тажрибаси ҳисобга олинмаган ҳолда курсларга ёзиладилар. Бу ҳақда МОИ ва ПКМОИларида тайёрлаш аҳволини ўрганишнинг 16-жадвалда ифодаланган натижалари гувоҳлик беради.

Тадқиқот натижалари кўрсатадики, текширилган тингловчиларнинг 58,3 фоизи курсларда ўқитишнинг самарали усуллари йўқлигини қайд этадилар; педагогларнинг 36,7 фоизи малака ошириш институтлари уларнинг иш малакасини оширишга ёрдам бермайди деб ҳисоблайдилар; 26,2 фоизи эса, бу ёрдам тўлиқ эмаслигини қайд этади.

Шундай қилиб, тингловчиларнинг 62,9 фоизи курслардан қониқмайдилар, бунинг устига, 32,6 фоиз ўқитувчилар курсларга яна келиш истаги йўқлигини билдирадилар. Буларнинг ҳаммаси курсларда қайта тайёрлаш, муайян даражада тингловчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжлардан ажралиб қолганлигини кўрсатади; ўқув-мавзувий режалар ихчамлиги, кўп вариантлилиги билан ажралиб турмайди ва таълимнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Бу тўғрида тингловчиларнинг истаклари ҳам гувоҳлик беради. Масалан, уларнинг 84 фоизи курсларнинг амалий йўналишининг оширилишини хоҳлайдилар, 16 фоизи эса, курсларда машғулотларнинг сифат ва илмий-методик йўналишининг кўтарилишини истайдилар.

Ўқитувчиларни янги дастурлар бўйича дарс беришга жадал тайёрлаш, дарс беришнинг янги усулларига ўз вақтида ўқитиш, уларнинг маданий савиясининг ўсишига, шахс-лик ва касбий сифатларининг такомиллашишига ёрдам бериш каби вазифалар республика вилоятларида малака ошириш институтларининг, туман, шаҳар метод хоналарини, мактабларда метод бирлашмаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ижтимоий илмий-методик зарурият эканлигини кўрсатиб турибди.

Малака ошириш институтларининг курсларида қайта тайёрлашга тингловчилар муносабатларини текшириш натижалари (фоизларда)

№	Тингловчиларнинг малака ошириш институтларининг курсларида қайта тайёрлашга баҳолари, муносабатлари ва истаклари	Тингловчилар фоизи
1	2	3
1.	Тингловчиларнинг амалий ишига бевосита тааллуқли бўлган машғулотлар фоизи	65,0
2.	МОИ курсларида ўқитишнинг самарали усуллари қўлланиладими? 2—1 Қўлланилади. 2—2 Қўлланилмайди.	41,7 58,3
3.	МОИ курслари малака оширишга ёрдам берадими? 3—1 Ҳа 3—2 Йўқ 3—3 Тўлиқ эмас	37,1 36,7 26,2
4.	Тингловчилар яна МОИга ўқишга келишни истайдиларми? 4—1 Ҳа 4—2 Йўқ	67,4 32,6
5.	Тингловчиларнинг истаклари (таклифлари) 5—1 Машғулотларнинг а маъий йўналтирилганлигини ошириш керак 5—2 МОИда машғулотларнинг сифати ва илмий методик йўналишини ошириш керак	84,0 16,0

Ўзбекистон шароитида ўқитувчилик касбини сақлаш ва юксалтиришда малака ошириш институтлари ва курсларининг алоҳида аҳамияти бор. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизими ҳозирги вақтда мамлакат педагог кадрлар узлуксиз таълими соҳасида марказий ўрин эгаллайди. Маълумки, тизимларнинг умумий назариясига кўра, марказий унсур деб аталиш ҳуқуқига тизимнинг шундай таркибий қисми борки, у ундаги бошқа кичик тизимларнинг ўзаро боғланишлари орқали бўлади. Айни шу „малака ошириш тизими“ унсурида халқ таълимининг „мактабгача таълим, умумий таълим, бошланғич касбий таълим, ҳунар-техника таълими ва педагогика ўқув юртлари, касбий таълим (олий ўқув юртлари) ва ўз-ўзига таълим“ каби бўғинлари кесишади.

Агар педагогика олий ўқув юрти ўз талаблари орқали ўрта умумтаълим мактабида таълим-тарбия борасида камчиликларни аниқлашнинг бевосита имкониятига эга бўлса, малака ошириш институтлари ва қайта тайёрлаш курсларида олий ўқув юртида ишнинг қандай йўлга қўйилганлигини билиш мумкин; фақат бугина эмас, мактабгача, умумўрта ва бошланғич касбий таълим ҳақида маълумотлар олиш имконияти ҳам бўлади. Ў(ПК) МОИларида яхши йўлга қўйилган иш таълимнинг ҳар қандай даража-сидаги камчиликларни тузатиш имкониятини беради. Жумладан, „ўз-ўзига таълим“ соҳасида ҳам ва айни вақтда илмий муассасаларга буюртмачи бўлиш имконияти ҳам туғилади.

Ўқитувчилар ва бошқа педагог ходимлар ЎМОИдаги курсларда профессор-ўқитувчилар таркибига жуда талабчандирлар. Шу билан биргаликда, юқори малакали барча мутахассислар ҳам тингловчиларнинг талабларини ҳамма вақт ҳам қондира олмайдилар. Бунда ЎМОИ ва ПКМОИ кафедраларида ҳар томонлама малакали, тажрибали, ижодкор олимлардан, ижодий ишловчи ташаббускор ўқитувчилардан фойдаланиш зарурати туғилади.

Мавжуд ЎМОИлари, ПКМОИлари на кўлами бўйича, на сифати бўйича ҳали республикада педагог кадрлар узлуксиз таълими эҳтиёжларини қондира олмаяпти. Педагоглар узлуксиз таълими ташкилий тузилишида туман

ва мактаб бўғини фаол бўлмаган йўналишда турибди. Айнан мактабда, унинг тури, ихтисосланиши, анъаналари, ўқувчилар таркибини ва туман, минтақа аҳолисининг турмуш тарзи ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчилар малакасини алоҳида-алоҳида ошириш мазмунини режалаштириш керак — узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш концепциясида қайд этилиб, унинг кетма-кетлиги, усуллари, босқичлари кўрсатилиши керак. Ўқитувчи муваффақиятининг ижодий юксалиш суръати, қобилиятларининг, мойилликлари ва эҳтиёжларининг диагностикаси асосида, шунингдек, малака оширишнинг ҳар бир босқичида ўқув-тарбия жараёни талаб этадиган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг ўз педагогика кенгаши, метод бирлашмаси бўйича ҳамкасбларининг тавсиясига кўра касбий таълим ва ўз-ўзига таълимнинг шаклини эркин танлаб олишни амалга оширади“.

Ўқитувчилар малакасини ошириш шакллари, усуллари ва мазмуни масалаларига мактаб кенгаши, шахсан директор бош буюртмачи бўлиши керак:

Ҳозирги вақтда ҳар бир мактабда 8 — 10 нафар ўқув фанлари бўйича метод бирлашмалар ташкил этилмоқда. Шундай бўлиши шартми? Бизнингча, мактабларда метод бирлашмаларни йириклаштириш, бирлаштириш ўз-ўзидан метод бирлашмалар миқдорининг камайишига олиб келади. Агар масалага ҳолисона ёндашилса, мактабда назарий-илмий ва амалий ишлари бошқаларга намуна бўла оладиган ўқитувчилар метод бирлашмаларга раҳбарлик қилиши керак. Метод бирлашмалар бир мактабда 3 — 5 тадан тузилса, ҳақиқатдан ҳам таълимда ўз-ўзига ва малака оширишда ўқитувчиларга самарали методик ёрдам беришлари мумкин.

Биз 2000 дан ортиқ ўқитувчидан малака оширишнинг мақбул шаклларини аниқлаш бўйича сўраганимизда қизиқarli натижалар олинди.

17-жадвалда кўрсатилган натижаларга кўра, республика ўқитувчилари малакаларини кундузги-сиртқи шаклда ва пешқадамларга бириктириб қўйиш орқали ижодий меҳнат асосида оширишни афзал кўрадилар.

Афзаллиги жиҳатидан учинчи ўринда „экстернат“ туради (3,9), тўртинчи ўринда — „ўз-ўзига таълим“ (4,1), бешинчи — шахсий режа бўйича малака ошириш (4,5), еттинчи — ЎМОИдаги курслар ва саккизинчи ўрин — мактаб МЕТОД бирлашмалари орқали малакани оширишга мансубдир.

Умуман, 17-жадвалда қайд этилган натижаларни таҳлил этар эканмиз, шуни аниқ кўрамизки, ўқитувчилар томонидан малака ошириш шаклини танлаб олишда минтақавий хусусиятлар, миллий анъаналар ва урф - одатлар таъсир кўрсатадилар.

17- жадвал

Ўқитувчиларга маъқул бўлган малака ошириш шакллари аниқлаш ж а д в а л и

Малака ошириш шакллари ва уларнинг аҳамиятига кўра ўрни								
N	Вилоятлар	Ўз- ўзи- га таъ- лим	мак- таб м/бир лашма лари	туман (шаҳ) метод хона- лари	пешқа дам- лар- га бирк. қўйиш	экс- тер- нат	шах- сий мала- ка оши- риш	қун- дуз- ги- сирт лар даги курс лар
1.	Қорақалпоғ. Рес.	III	V	VII	I	II	VI	VIII
2.	Андижон вил.	VII	VIII	VI	IV	III	V	I
3.	Самарқанд вил.	II	VIII	VI	IV	III	V	I
4.	Бухоро вил.	VI	VII	III	V	I	IV	II
5.	Навоий вил.	VI	VIII	IV	III	II	V	I
6.	Сурхондарё вил.	II	III	VI	IV	VII	V	VIII
7.	Сирдарё вил.	I	V	IV	III	VIII	VI	VII
8.	Қашқадарё вил.	VIII	VI	I	V	IV	II	III
9.	Фарғона вил.	V	VII	IV	VI	I	II	III
10.	Хоразм вил.	I	VI	II	III	VIII	V	VII
Республика бўйича: 4,1 6,3 4,3 3,8 3,9 4,5 3,8 5,3								

Оилада болаларнинг кўплиги, ўқитувчилар саломатлигининг заифлиги (айниқса, аёл ўқитувчиларнинг) ёрдамчи хўжалиқдаги юмушлар ва бошқа омиллар малака

оширишнинг ишлаб чиқаришдан, жумладан, оиладан ажрамаган шакллариининг афзалигини кўрсатади, (кундузги-сиртқи курслар, пешқадамларга бириктириб қўйиш, экстернат, шаҳар (туман) метод хоналари ҳузуридаги курслар).

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва узлуксиз таълим мақсадларига эришиш, албатта, ворисликни ва ҳар бир ўқитувчи шахсий фаолияти эҳтиёжлари талабларига мувофиқ тарзда унинг шакллари, усуллари ва мазмунининг ҳар хил бўлишини талаб этади.

Бироқ, тадқиқот натижасида, малака ошириш ўқитувчиларнинг афзал кўрган шакллари ва уларнинг педагогик тайёрликлари ўртасида мувофиқликнинг маълум ўрни бўлади. Масалан, курсда тайёрланиш еттинчи ўринда бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон ўқитувчилари педагогик фаолияти сифатлари ва таркибий қисмлари диагностикаси бўйича тадқиқот, кузатиш ҳамда ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари орасида ўтказилган савол-жавоблар кўрсатадики, айнан МОИ курсларида тайёрлаш ўқитувчилар касбидаги камчиликларни бартараф қилишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ўқитувчиларини курсларда тайёрлаш ҳолатини ўрганиш натижалари бизга қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини берди:

1. Малака оширишнинг турли шаклларида фойдаланиш зарур, (кундузги ўқув шакли билан бир қаторда) — экстернатлар, кундузги-сиртқи курслар, шахсий режа асосида ўқитиш, педагог-ижодкорлар ҳузурида стажировкада бўлиш, тингловчиларнинг тажриба-методик ишини уюштириш, турли мавзу ва муаммо бўйича семинарлар уюштириш ва ҳоказо.

2. Ў(ПК) МОИлари ўқув-тарбия жараёнини сифат жиҳатидан қайта қуриш керак; амалий машғулот ҳиссаси маърузалар ҳиссасини камайтириш ҳисобига оширилдиган, ўзгарувчан, ихчам ўқув-мавзу режалари ва дастурларини амалда қўлламоқ зарур. Шу муносабат билан республика МОИларига маърузачиларни тўғри танлашга эришмоқ зарур, мактабларда уюштирилдиган амалий машғулотларга ажратилдиган соатлар миқдорини кўпай-

тириш керак. Ижодий ишлайдиган педагоглар билан учрашувлар, рефератлар ҳимояси ва тингловчиларнинг тажриба алмашувини ташкил этиш зарур. Машғулотларда таълимнинг фаол усуллари устуворлик қилиши керак: ташкилий-амалий ва иш ўйинлари, педагогик вазиятларни таҳлил этиш, мунозаралар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ва бошқалар.

Ўқитувчининг умуммаданий савиясини ошириш юзасидан ишларни фаоллаштириш зарур, бунинг учун эса қуйидагиларни ташкил этмоқ керак:

— дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифлари ва ёзувчилар билан учрашувлар;

— ўлкани ўрганиш учун бўш вақтларда саёҳатлар, музей, кино, театрларга боришдан кенг фойдаланиш.

3. Минтақавий хусусиятлар, миллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда, доимий семинар-практикумлар, ижодкор ўқитувчилар фаолияти юзасидан у ёки бу муаммога бағишланган йиғинлар ташкил этиш йўли билан педагоглар малакасини оширишда туман бўғинининг аҳамиятини оширмоқ даркор. МОИ ва ПК МОИларига ўқитувчиларни йўллашнинг диагностик асосларини такомиллаштириш зарур.

4. МОИ ва шаҳар (туман) метод хоналари курсларида олинган билим ва кўникмаларнинг муваффақиятли ва амалий самарадорлигини назорат этадиган тизим ишлаб чиқиш керак.

Республика педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида юқорида кўрсатилган йўналишларни амалга ошириш МОИ, шаҳар (туман) методика хоналари ва мактаб метод бирлашмалари раҳбарларига, уларнинг ўқитувчилар узлуксиз таълими жараёнига қўшган шахсий ҳиссасига боғлиқдир. Педагоглар шахсиятини доимо бойитиб бориш, уларнинг ўз малакаларини ошириш, узлуксиз ўз-ўзига таълим жараёнида иштирок этишига эришиш — ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини қайта қуришнинг ҳал қилувчи шартидир. Айтилганларга таяниб III боб юзасидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

а) Республика педагогика олий ўқув юртларидаги таълим янги авлодни ўқитиш ва тарбиялашга қодир бўлган

бўлажак ўқитувчиларни ҳар томонлама касбий ривожлантиришга қаратилмоғи керак.

Юқорида келтирилган натижалар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда республика педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг малакасини доимо ошириб бориш ва узлуксиз таълимга тайёр бўлишларини шакллантиришда имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришилгани, уларга „ўз-ўзига таълим“ кўникмалари сингдирилганича йўқ. Республика педагогика олий ўқув юртлари ўқув-тарбия жараёнида сифат силжишига эришишни тақозо этади.

Асос таълим билан тўлдирувчи (қўшимча) таълим ўртасида ворислик таъминланиши керак. Ў (ПК) МОИлари ўз мақсад ва вазифаларига эга, шунинг учун ҳам улар бундан буён педагогика олий ўқув юртларини битириб чиқувчилар учун „компенсаторлик таълими“ билан шуғулланмаслиги керак.

б) Республикадаги шаҳар (туман) метод хоналари мактаблар метод бирлашмалари билан биргаликда ўқитувчиларнинг малака оширишга тайёргарликларининг дастлабки даражасини аниқлаш бўйича доимий диагностик иш олиб бормоқлари зарур.

Минтақавий хусусиятлар, диагностик маълумотлар ва махсус анкеталаштириш асосида гуруҳлар тузиш, тингловчиларни курсда тайёрлашнинг шакллари, усуллари ва мазмунини танлаб олиш, ўқитувчиларнинг узлуксиз таълимини инсонпарварлик руҳида қуриш ва демократлаштириш керак. Ўқитувчиларнинг ҳар бир гуруҳи учун ўқитишнинг мазмунини белгилаш тингловчиларнинг билимлари ва амалий кўникмаларининг бошланғич даражасига, объектив мавжуд сўровлари ва эҳтиёжларига боғлиқ бўлишига эришиш лозим.

Ҳозирги вақтда республика Ў (ПК) МОИлари иш амалиётига ўқитувчиларнинг экстернат, стажировка, шахсий режалар бўйича малака ошириш каби янги шакллари киритиш тақозо қилинади. Бу янги шакллар Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини сифат жиҳатдан оширишга ёрдам беради.

в) Ўқитувчиларнинг дадиллик, етакчилик, ижтимоий жасорат бўйича ғоят ўртача баҳолари, юқори асабийлик,

шунингдек, етарли бўлмаган барқарорлик билан бир қаторда „стандарт“ — ўрта - миёна ўқитувчилар турини яра-тади.

Ўқитувчининг касбий мувофиқлик даражаси ва шахс-лик иффатлари ўзаро боғлиқдир. Улар ўқитувчи ҳаётининг бутун „йўналиши“ (мактаб — олий ўқув юрти — мактаб — МОИ, МОФ) давомида ижтимоий муҳит ва маданий ша-роит таъсири остида шаклланади.

г) Ўқитувчини атрофлича ўрганиш унинг фаолияти са-марадорлигини белгиловчи олти омилни аниқлаш имко-ниятини беради:

1. Касбий маҳорат омили. Ушбу омил устивор бўлган-да ўқитувчининг типик ижтимоий - психологик портрети: чуқур гуруҳ туйғуси; онглилик; ўз ишига садоқат; ўзини юқори даражада назорат қила билиш, изчиллик, йиғин-чоқлик; мустақиллик, жасурлик, ўзига ишонч, етакчилик, киришимлилик сингари педагогик фаолиятда муваффақи-ятни таъминловчи ташкилотчилик-конструктивлик, ах-боротчилик, коммуникативлик, йўналтирувчилик - ривож-лантирувчилик, тадқиқотчилик сифатларидан иборат.

Ўқитувчи фаолиятида ушбу омилнинг намоён бўлиши-га қуйидагилар салбий таъсир кўрсатади: ҳаддан зиёд ҳаяжон ва кескинлик; қатъиятсизлик; ортиқча ишонувчан-лик.

2. Ўқитувчининг ўз ижодий имкониятларини юзага чиқариш омили қуйидагиларга асосланади: ўз салоҳияти-ни ишга солиш; киришимлилик; дадиллик, ижтимоий етук-лик; ютуққа эришиш эҳтиёжи; иш тажрибаси; педагогик фаолиятнинг ахборотчилик, ташкилотчилик-тузувчилик сифатлари ушбу омилнинг намоён бўлишига бетарафлик, эҳтиётсизлик, руҳий беқарорлик, кескинлик, ҳалақит бе-рувчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

3. Ўз-ўзига таълим омили. Ушбу омилга асосланадиган фаолият соҳиби—ўқитувчининг ижтимоий-психологик портрети қуйидаги хусусиятлар ва сифатлар билан белги-ланади: ҳиссий барқарорлик; мустақиллик; дадиллик, ўз-ўзини назорат; етакчилик; киришимлилик; муваффақи-ятсизликлардан четланиш; ишонувчанлик, ўзига ишониш; педагогик фаолиятининг тадқиқотчилик, ташкилотчи-лик-тузувчилик, робиталик сифатлари.

Бундай ўқитувчининг самарали ишига бетарафлик ва руҳий чарчаш (у мактабдаги иш стажига тўғри пропорционалдир) салбий таъсир кўрсатади.

4. Ўқитувчининг динамизми ва ҳиссий барқарорлик омили қуйидагилардан ташкил топади: киришимлилиқ; етакчилиқ, ютуққа интилиш; ҳиссий барқарорлик; ижтимоий етуклик; педагогик фаолиятининг йўналтирувчилик-ривожлантирувчилик, тадқиқотчилик тизимига кирганлиги муҳим белгилловчи аҳамият касб этади.

5. Ўқитувчининг самарадорлик омили. Бу омилга асосланган ўқитувчининг умумий ижтимоий-руҳий қиёфасини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: ютуққа эришиш эҳтиёжи, етакчиликка интилиш, педагогик фаолиятда, асосан, ташкилотчилик-тузувчилик жиҳатига эътибор бериш.

Мазкур омил ижтимоий жасорат, ишонувчанлик, ахборотчилик сингари сифатларга таянмасликни маъқул кўради.

6. Ўқитувчининг онглилик фактори. Бу турдаги ўқитувчи юксак туйғули бўлади, масъулиятни бўйнига олишга қодир, ўз кечинма ва хулқ-атворини назорат қила оладиган, онгли, ишонувчан, ўзига ишонган, ютуққа интиладиган, ташкилотчилик, тузувчилик сифатларига эга бўлади. Бундай ўқитувчи фаолиятига муваффақиятсизликдан ортиқча чўчиш, эҳтиётсизлик сифатлари ҳалақит беради.

7. Ўзбек мактаблари ўқитувчиларининг касбий етуклик ва шахсий сифатларининг шаклланишида мавжуд ижтимоий шароит ҳам миллий қадриятлар ўтказган жиддий таъсирнинг маҳсулидир. Бу сифатларнинг ривожланиш ва такомиллашувида малака ошириш тизими муҳим ўрин тутади.

Педагогик таълимнинг ҳар бир босқичининг ўқитувчини шакллантиришда ўз ўрни бор. Бироқ, бизнинг ўқитувчи шахси ва касбий етуклиги даражасини ўрганиш бўйича тадқиқотимиз натижаларини ҳисобга олган ҳолда, малака ошириш тизимини педагог кадрлар узлуксиз таълимининг кичик тизими сифатида такомиллаштиришни энг долзарб масала деб қараш мумкин.

IV БОБ. ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аввалги бобларда педагог кадрлар малакасини оширишнинг мақсадини аниқлашда ўзимизнинг асосий методологик йўналишларимизда баён қилганимиздек, педагог шахсини ижобий йўналишда ўзгартирмоқ даркор. Педагогик фаолиятнинг таркибий қисмларини ва сифатларини таҳлил этиш ўқитувчиларнинг муваффақиятли ишлашлари учун зарур бўлган асосий омилларни аниқлаб берди. Бу ҳол малака оширишни рағбатлантиришнинг мавжуд шакллари ва усулларига танқидий ёндашишга ва мазкур усуллар бўйича тажрибалар ўтказишга даъват этади.

Агар педагог кадрлар малакасини оширишнинг мотивацион томони тўғрисида гапириладиган бўлса, Ўзбекистон Республикасида бу тўғрида халқ таълими вазирлигининг педагог ходимлар малакасига оид талаблар бўйича тавсиялари, педагог кадрларни аттестациялаш ва ягона тариф жадвали ҳақидаги Низом муайян рағбатлантирувчи омиллар бўлиб хизмат қилади. Педагог кадрлар ишини шартнома асосида уюштириш тизими ҳам малака оширишга рағбатлантирувчи омил бўлади.

Шу билан бир қаторда, педагог кадрлар узлуксиз таълимнинг кичик тизими сифатида малака ошириш тизимининг давлат стандартини ва янги разряд сеткаларини ишлаб чиқиш зарурияти туғилади. Шунингдек, педагог кадрлар малакасини оширишнинг махсус концепциясини яратиш ҳам кун тартибида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

1. Педагог кадрлар узлуксиз таълимнинг шохобчаси сифатида малака оширишнинг самарадорлиги

1988 — 1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси А. Авлоний номидаги ХТХМОИда, Андижон, Бухоро, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон ПК МОИда, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари МОИда, шунинг-

дек, Тошкент шаҳар МОИда ўтказилган (13 мингга яқин педагог кадрлар иштирокида) тажрибанинг мақсади малака ошириш фаолиятидаги асосий бўғинни аниқлашдан иборат эди. Самарадорликни оширишнинг берилган шартларига кўра бу ҳар қандай масала ечимининг энг мақбул турини танлаш демакдир. Педагогик жараён самарадорлигини ошириш берилган шартларга кўра таълим ва тарбиялаш мазмуни, шакллари ва усуллариининг муайян мезонлар нуқтаи назаридан илмий асосланган энг яхши турини танлашдир.

Биз ўтказган тадқиқотнинг илмий фаразлари қуйидагилардан иборат:

1. Агар педагогларнинг шахслик ҳамда мувофиқлик даражаси, шунингдек, уларнинг ҳаёт фаолиятлари, минтақавий хусусиятлари ҳисобга олинса, у ҳолда малака оширишнинг самарадорлиги ортади.

2. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг шакллари, усуллари ва мазмуни уларга катта ўзгартирувчи таъсир ўтказиши, таълим ва тарбия ривожининг истиқболини аниқ кўришга ёрдам беради, улардаги ижодий имкониятлар очилишига ва ўз шахсликлариининг такомиллаштиришига ёрдам бериши керак.

3. ЎМОИ ва ПК МОИларда педагог кадрларни ўқитишнинг фаол усулларидадан фойдаланиш ўқитувчиларда ижобий омилнинг шаклланишига ёрдам беради ва узлуксиз таълимга тингловчиларнинг эҳтиёжини шакллантиради.

Малака ошириш институтлари ва ПК МОИларида иш турлари.

Ўзбекистон Республикасида педагог кадрлар малакасини оширишнинг қуйидаги шакллари қўлланилмоқда:

1. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ойлик курслар.
2. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда йиллик курслар.
3. Кундузги, сиртқи курслар.

4. Қисқа муддатли курслар.

5. Экстернат.

6. Шахсий режа асосида малака ошириш.

7. Муаммовий (мақсадли) курслар.

8. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда шахсий режа асосида курс машғулотларига қатнаш йўли билан малакани ошириш (ижодий ишлайдиган педагоглар учун).

9. Ижодкор педагог (ёки ижодий ишловчи илғор ўқитувчи) иш фаолияти асосида ўқитувчилар стажировкаси.

Йиллик, ойлик ва кундузги сиртқи курслар.

Малака оширишдаги ушбу шаклларнинг асосий мазмуни ҳамкорлик педагогикасининг ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда дарс методикаси ва технологиясини; синф раҳбарининг ўқувчилар, ота-оналар, синфдан ташқари ишларни уюштириш методикасини эгаллаш; методика ва техникани, психология, педагогика фанлари соҳасидаги энг янги ихтиро-кашфиётларни ўзлаштириш; педагогик меҳнатнинг самарадорлигини аниқлаш усулларини эгаллаш; ижодкорлар педагогик меҳнатини (дарсни, дарсдан ташқари тадбирларни, ўқитувчининг кўп қиррали фаолиятининг бошқа турларини, педагогика таҳлили усулларини такомиллаштиришни) ўрганиш; ўз-ўзига таълим ишининг технологиясини эгаллаш.

Биз ўтказган тажрибалар давомида йиллик, ойлик ва кундузги, сиртқи курсларнинг ўқув-мавзу режалари ихчамлаштирилди. Тингловчилар билан суҳбатлашиш якунларига, уларнинг иш стажларига, тайёрланганлик даражасига ва тингловчиларнинг сўровларига, уларнинг шахслик сифатлари, касбни ўзига хос жиҳатларига мос ҳолда ўзгартирилди.

А. Авлоний номидаги РХТХМОМИ ва тажриба ўтказилган вилоят МОИ ва ПКМОИлари курси ўқув-мавзу режаларининг таҳлили ўқув соатларининг умумий ҳажмида амалий машғулотлар салмоғининг (60 гача) тенденци-

ясини кўрсатди. Уларнинг кўпчилигини 144 соатга (аввалги 156 соат ўрнига) мўлжалланганлиги диққатга сазовордир; бу ўқитувчиларни қизиқтирувчи муаммолар бўйича махсус курслар ва семинарларга қўшимча 12 соатни бевожута ажратиш имкониятини яратади. Бу махсус курс ва семинарлар хилма-хилдир. Масалан, физика хонаси махсус курслар ва семинарларнинг 12 вариантыни, математика хонаси 7 варинатини, ўзбек мактабида рус тили ва адабиёти хонаси 12 вариантыни ишлаб чиққан. А. Авлоний номидаги РХТХ МОМИда 12 умуминститут махсус курслари ва семинарларининг ўқув-мавзу режалари ишланган.

Курсларда ишни якунлашнинг асосий шакли реферат ёки курс ишини ҳимоя қилиш ва ўқув-мавзу режасига мувофиқ туркумлар бўйича синовлар топширишдан иборатдир. 1989 йилдан бошлаб ҳамма фанлар бўйича комплекс синовлар жорий қилинди.

Умуман курсларда бўлиш самарадорлиги компьютерли тест синовлари йўли билан аниқланади; унинг натижаларини тингловчиларга якунловчи суҳбатда билдирилади ва улар кейинги курслар ишини демократлаш ва қайта қуриш учун объектив маълумотлар сифатида қўлланилади.

Қисқа муддатли курслар халқ таълими вазирлигига ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, РХТХМОМИ ва вилоятлар МОИ ва ПК МОИ даги қарорига кўра ўқитувчилар учун қуйидаги мақсадларда ўтказилади: ўқув фанини ўқитиш соҳасидаги энг янги ютуқларни эгаллаш (математика, ЭҲМ, этика ва оила ҳаёти психологияси ўқитувчилари, янги ўқув дастурлари бўйича); педагогик меҳнатини ижодкорларининг илғор тажрибасини ёки педагогик тажрибасини ўрганиш; тингловчиларнинг хоҳишига кўра экспериментал иш методикаси билан таништириш; ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга янгича ёндашувни эгаллаш; педагогик эксперимент асосида ўқитиш; ўз тизимини маромига етказиш.

Бундай курслар, қоидага биноан, ижодий ишлайдиган ўқитувчилар учун ўтказилади ва 12—18 иш кунига (72 дан 100 соатгача ҳажмда) мўлжалланади.

Ушбу курсларда амалий машғулотлар салмоғи 20,0-25,0 фоиз атрофида бўлади. Қисқа муддатли курсларнинг ўқув-мавзу режаси, шунингдек, ўқитувчиларнинг диагностик саволномалари, маълумотлари асосида ишлаб чиқилади ва институт директори томонидан тасдиқланади.

Қисқа муддатли курсларнинг иши ўқув-мавзу режасининг асосий масалалари бўйича синов топшириш билан ажунланади.

Юқорида баён этилган шакллар амалиётга жорий этилган, ўтказилган тажрибалар ўқитиш мазмуни ва усуллари ўзгартирган, холос.

Экстернат малакани оширишнинг янги шакллари билан бири бўлиб, ижодий ишлайдиган ўқитувчиларга, илғор тажрибали педагогларга, ижодкорларга, катта ўқитувчиларга, ўқитувчи-методистларга мўлжалланган.

Ушбу шаклда ўқитувчи ўқув-методика хонасида ёки махсус кафедрадан мустақил ишлаш дастурини (ўқув-мавзу режасини), фан назарияси бўйича синовларга тайёрланиш учун саволлар рўйхатини, ўқув йилига мўлжалланган таълим методлари бўйича амалий топшириқни, шунингдек, маслаҳатлар жадвалини олади.

Синов қабул қилиш учун Ў (ПК) МОИ директори (ректор) буйруғи билан ҳайъат тузилади.

Ўқув фани методикаси бўйича синов, одатда, ўқув фани бўйича амалий машғулот шаклида, иш жойи бўйича синфдан ташқари тадбир шаклида шаҳар (туман) МХ ва МОИ методистлари иштирокида ўтказилади.

Шахсий режа бўйича малака ошириш. Малака оширишнинг ушбу шакли ўқитувчилар учун жуда қулайдир; чунки кўпчилик ўқитувчилар турли сабабларга кўра МОИ, ПК МОИлари курсларида ўқиш имкониятига эга эмаслар.

Ҳар бир ўқитувчи ўқув-методика хонаси ёки кафедра билан биргаликда ўқув-мавзу режасини тузади, у МОИ, ПК МОИ директори (ректори) томонидан тасдиқланади. Иш бажарилгач, ўқитувчи синов топширади ва курс иши ёки реферат ҳимоя қилади.

Муаммоли курслар. Кейинги вақтларда янги дастурлар, синов дарсликлари мактаблар ҳаётига киритилмоқда, ўқитувчиларга ёрдам сифатида янги методик қўлланмалар чиқарилмоқда. Бундай шароитларда ўқитувчиларни қайта тайёрлашнинг тезкор шакли зарур. Муаммоли курслар малака оширишнинг худди ана шундай талабларига жавоб берадиган малака ошириш туридир. Курснинг мазкур турини педагоглик фаолиятида жиддий нуқсонлари бўлган ўқитувчилар учун ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ушбу курсларнинг ўқув режаси 36-72 соатларга мўлжалланади. Одатда, улар алоҳида мавзулар бўйича машғулотларнинг методик ишланмаларини топшириш, суҳбатлашиш ёки умумлаштирувчи семинар машғулотларини ўтказиш билан яқунланади.

Ижодкор педагог ҳузурида стажировка. Стажировка тажриба-синов иши олиб бораётган ижодий ишловчи ўқитувчилар учун малакани ошириш шаклидир, у ташаббускор - педагог ёки илғор иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчиларга таянган ҳолда ўтказилади.

Ўқитувчи-стажёр малакасини ошириш масаласини вилоятлар МОИ, ПК МОИлар ўқув-методика хоналари (кафедралар) билан келишилган ҳолда ҳал этади, алоҳида дастур тузилади ва у вилоят МОИ (ПК МОИ) директори (ректори) томонидан тасдиқланади.

Натижалар ўқув-методика хоналари ёки институт кафедраси кенгашида табақалаштирилган баҳо қўйиш билан яқунланади.

Экстернаг, стажировка, шахсий режа, муаммоли курслар шакллари бўйича ўқитиш гуруҳларини тузишда ўқитув-

чи педагогик фаолиятининг сифат ва компонентлари тараққиёт даражасига оид бошланғич маълумотлар ҳисобга олинади. Одатда бундай ўқитувчилар III ва IV даражали тайёргарликка эга бўлади.

Айтилган усуллар асосида кутилган самараларга эришиш учун, аввал, қуйидагилар бажарилади:

1. Курсларга маърузачилар ва машғулот раҳбарлари сифатида катта ўқитувчилар, ўқитувчи-методистлар, халқ таълими аълочилари, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлаша оладиган тажрибали педагоглар таклиф қилинади.

2. Курслар давомида вилоят ўқитувчилари энг яхши мактабларга, мактабгача ва мактабдан ташқари ташкилотларга борадилар; энг яхши ўқитувчиларнинг дарсларига кириш, кузатиш ва таҳлил этиш, ўқитувчи ҳужжатлари билан танишиш, унга ҳар қандай қизиқтирувчи савол бериш, хона жиҳози билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

3. Ўқиш вақтида конференцияларда, ўқув фанлари бўйича вилоят семинарлари ўтказиш вақтида тингловчилар бу тадбирларда фаол иштирок этадилар. Бирор-бир тадбир илғор педагогик тажрибасиз ўтмайди.

4. Курслар давомида тингловчиларнинг тажрибали педагоглар билан махсус ташкил этилган учрашувлари уюштирилади. Ў (ПК) МОИларида синов-текширувга оид ишлар ижодий ишловчи ўқитувчилар билан ўтказилади.

5. Ҳамма курслар тажриба алмашуви бўйича йиғинлар билан якунланади.

6. Тингловчилар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш истаklarини билдирган ҳолларда машғулотларга мос шароит вужудга келтирилди. Масалан, методика иши, мактаб методика бирлашмалари иши ҳақида гап кетганда, тингловчилар катта қониқиш билан бундай иш уларнинг мактабларида қандай олиб борилиши, қандай қилиб улар

ҳозирги замон талабларига мувофиқ методик ишни қайта қураётганликларини ҳимоя қилиб фикрлар билдирадилар.

7. Кейинги вақтларда тингловчилар ўз дарсларини, ўз хоналарини тез-тез кўрсатадиган, ўз дарсларига бутун гуруҳни тез-тез таклиф қиладиган бўлдилар.

Ўқув жараёнига (малакани оширишнинг ҳамма шаклларида) ўқитишнинг фаол усуллари қўллашга алоҳида диққат-эътибор берилди; бундай усуллар қаторига, жумладан, қуйидагилар киради:

1. **Педагогик масалаларни (вазиятларни) ечиш.** Бу усул 1983 йилдан бошлаб қўлланилмоқда. Кўп педагогик вазиятлар газета-журнал материалларидан, тингловчиларнинг семинар ва йиғинларда билдирган фикр-мулоҳазаларидан олинганлиги диққатга сазовордир.

2. **Иш ўйинлари.** Ўйин иштирокчиларига ёрдам сифатида А.Авлоний номидаги РХТХ МОМИда ишлаб чиқилган „Иш ўйинларини тайёрлаш ва ўтказиш усули“ хатида, шунингдек, „Вилоят МОИлари курсларида иш ўйинлари“, „Ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида ўқитишнинг фаол усуллари“ каби мавзулардаги тавсияномалар ҳавола этилади.

Курс машғулотларида қуйидаги мавзулар бўйича иш ўйинлари ўтказилди: „Мавзувий режалаштириш“, „Дарс таҳлили“, „Методик ишнинг йиллик режасини тузиш“, „Илғор педагогик тажрибани ўрганиш“, „Тажриба“, „Илғор педагогик тажрибани амалиётга татбиқ этиш“ ва ҳ.к.

3. **Мунозара.** Масалан, „Ўқитувчининг шахси, унинг обрўси ва маданияти“ мавзuidaги маъруза тингланган. „Ҳозирги замон мактаб ўқитувчиси қандай бўлиши керак“ мавзусидаги мунозара ўтказилади.

4. **Курс иши** (реферат) ҳимояси шахсий ўз-ўзига таълим натижаси сифатида бир вақтда рефератларни ўзаро оғзаки тақриз қилиш ва тажриба алмашуви бирга олиб борилади.

5. **Таъриба алмашув бўйича** кичик-семинар (математика хоналари ва кафедралар).

6. Дарсдан ташқари машғулоти тарзида **синов** (музыка, тарбиявий иш хонаси).

Тингловчилар билан ишлашда махсус семинарлардан, йигинлардан, давра суҳбатларидан, кўргазмалардан ва методик адабиётлар янгиликлари шарҳидан, тингловчилар тайёрлаган кўрсатма қўлланмалар, ўқитувчи-ижодкорлар билан учрашувлардан кенг қўламда фойдаланилди.

Ўқитувчининг ўз-ўзига таълим ишини фаоллаштиришда, умуман курсда ва курслар орасида тайёрлаш сифатларини оширишда методик хатлар ва тавсияларни ёзиш алоҳида аҳамият касб этади. 1988—1995 йиллар давомида малака ошириш институтлари ўқитувчиларга, синф раҳбарларига, мактаб директорларига, уларнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарларига ёрдам тариқасида 180 дан ортиқ методик хатлар ёздилар, тавсиялар ишлаб чиқилди ва жойларга жўнатилди. Уларнинг мавзулари психология-педагогика туркумининг асосий муаммоларини ишлаб чиқишни, мактаб директорлари, ўқув фанлари бўйича ўқитувчилар, мактаб метод бирлашмалари, ўқув фанлари шўъбалари ишларини ташкил этишни режалаштириш ва бошқаларни ўз ичига олди. Ҳар бир хона август кенгашларини ўтказишга тавсиялар тайёрлайди. Чунончи, „Ҳозирги замон дарсига бўлган талаблар ва унинг долзарб муаммолари“, „Ўзбек мактабларида она тили ва чет тилидан дарс-маъруза, дарс-суҳбат, дарс-мунозара, дарс-семинарларни ташкил этиш“, „Кечки мактаб синф раҳбари ишини режалаштириш“, „Синф мажлисларига ҳозирлик кўриш тўғрисида“, „Куни узайтирилган гуруҳларда ва мактаб-интернатларда кун тартиби“, „Ўқув куни узайтирилган гуруҳларда ва мактаб - интернатларда спорт-соғломлаштириш тадбирлари“, „Мактаб директори ишини режалаштириш“, „Мактаб директорининг ўқув-тарбия иши

бўйича ўринбосари ишини режалаштириш“; „Биология дарсларида тарбия иши“; „Муסיқа дарсларида баҳолаш“ ва ҳоказо.

Ҳар ойда малака оширган гуруҳларни чиқариш меъёрига қараб махсус тайёрланган саволнома ёрдамида А. Авлоний номидаги РХТХ МОМИ, Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ПК МОИларининг 2110 тингловчиси текширувдан ўтказилди.

Натижалар қуйидагича: текширилган 2110 тингловчидан 200 киши ўз вақтида (яъни 4—5 йилда бир марта) малакани оширган эмас, бу текширилган педагог кадрлар сонининг 9 фоизини ташкил этади.

Албатта, бунда мактаб директорларининг, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирларининг маълум даражада айби бор.

Шу билан биргаликда, МОИларининг методик хизмат раҳбарлари ўқитувчиларни курсларда тайёрлаш даврийлигини янада жиддийроқ назорат қилишлари зарур.

Курс тингловчиларининг 60,0 фоизга яқини олий ўқув юртларида касбий таълим педагоглик фаолиятга бемалол киришиб кетиш имкониятини бермаганлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан мактаблар метод бирлашмалари фаолиятини яхшилаш масаласи яна ўртага қўйилди. Ў (ПК) МОИлари мактаблар МЕТОД бирлашмалари ва шаҳар (туман) методика хоналари ишини алоҳида назорат остига олмақлари зарур, шунингдек, педагогика олий ўқув юртларида ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича ишни қайта кўришга, жумладан, талабаларни методик тайёрлаш ишини таклифлар асосида кўриб чиқишга тўғри келади.

Кўриниб турибдики, ушбу омил билан қуйидаги ҳол боғлиқдир: тингловчиларнинг 80,0 фоизигина ўз саволномаларидан Ў (ПК) МОИлари машғулотларининг амалий ишига 100 фоиз бевосита тааллуқли эканини қайд этганлар; 20,0 фоиз тингловчилар эса вилоят Ў (ПК)

МОИлари машғулотларининг бевосита ишларига 67,0 фоиз ҳажмида алоқадор ҳисоблайдилар.

80,0 фоиз тингловчилар вилоят курсларидаги машғулотлар уларнинг иш малакаларини ошишига чиндан ҳам ёрдам беришини кўрсатадилар, текширилганда 14,0 фоизи мазкур машғулотлар, уларнинг иш малакасини ошишига тўлиқ бўлмаган даражада ёрдам беришини таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, МОИ ходимларининг курсларда ўқитишнинг янги усуллари қўллашлари, махсус топшириқларни тайёрлашлари аҳволнинг муайян даражада яхшиланишига ёрдам беради ва тингловчиларнинг машғулотларга фаол муносабатини белгилайди.

Х у л о с а л а р :

1. Фақат Ў (ПК) МОИ тизимидаги курсларда тайёрлаш йўли билангина (4-5 йилда 1 марта) ўқитувчининг доимо ўз билимларини тўлдириш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш, эҳтиёжни қондириш, шу билан биргаликда, шахс-касбий ўсишини таъминлаш мумкин эмас. Бу борада туман (шаҳар) методика хоналари, ўқитувчиларнинг ўқув фанлари метод бирлашмалари ўз ишини салмоқли даражада фаоллаштириши керак. Ўқитувчига доимий ўз-ўзига таълим олиши ва касбий маҳоратини такомиллаштириши учун барча зарур шароитлар яратиб берилиши керак, унинг методик, илмий адабиётлар билан таъминланиши яхшиланиши лозим.

2. Тажриба-синов ЎМОИ ва ПК МОИлари томонидан ўқув жараёнида қўлланилган таълим шакллари, усуллари ва мазмуни тингловчиларнинг эҳтиёж ва сўровларини асосан қондиради. Бу эса жойларда ЎМОИ ва ПК МОИларида ўқитувчиларни диагностик саволномалар асосида малака оширишларини режалаштириш имкониятини бе-

ради, ҳар бир ўқитувчига унинг яқин келажакдаги ривожланиш даражасини белгилаб боради.

3. Ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида ўқитиш мазмуни, усуллари ва шакллари уларнинг педагогик фаолиятига яқин бўлмоғини, уни моделлаштиришни тақозо этади. Ўқув педагоглар учун ўз касб муаммоларини ечишга ёрдам берадиган даражада бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Ў (ПК) МОИларида ўқув жараёнининг асосий вазифаси ҳар бир тингловчини фаол, ижодий тарзда ўқишга жалб қилишдан иборат бўлиши зарур.

4. Таълимнинг анъанавий усуллари (маърузалар, семинарлар, амалий, кўчма машғулотлар ва б.) билан бир қаторда ўқув жараёнига ўқитишнинг фаол усуллари (иш машқлари, аниқ вазиятлар таҳлили, мунозаралар ва б.) киритиш зарур. Педагогларни ўқитиш мазмуни шундай муаммоли вазиятларга қаратилмоғи керакки, токи уларни ҳал этиш илмий билимлардан амалий масалаларнинг ечими сифатида фойдаланишни тақозо этсин, шунингдек, педагогика фанининг устувор йўналишларини акс эттирсин ва касбий фаолиятда қийинчиликларни енгишда ёрдам берсин.

5. Ў (ПК) МОИлари курсларида ўқитишни доимо ошиб борувчи ижтимоий буюртмани бажаришга йўналтирилган ва илмий асосланган мазмунга мувофиқ амалга оширилувчи фаолият деб қарамоқ зарур.

Маъруза машғулотлари жараёнида муаммоли вазиятларни келтириб чиқариш зарур, тингловчиларнинг аниқ вазиятларини таҳлил этишга ва уларнинг касбий фаолиятига хос педагогик масалаларни ечишга, ижодий мунозараларга жалб қилмоқ керак.

Шундай усуллари билан маърузалар самарадорлигини салмоқли даражада оширишга ва тингловчиларнинг тафаккур фаолиятини кучайтиришга ёрдам бериш мумкин.

6. Педагогларни ўқитиш мазмунини қуйидаги тамойиллар асосида танламоқ зарур:

— ўқитувчиларни амалий фаолиятга кўпроқ даражада самарали тайёрлашга ёрдам берадиган таълимнинг ижтимоий асосланганлигини;

— ўқитиш мазмунининг ўқитувчилар функционал фаолияти мазмунига мувофиқлиги;

— малака оширишда педагогларнинг касбий эҳтиёж ва сўровларини ҳисобга олиш ва ривожлантириш; бу мавжуд эҳтиёжларни қондирибгина қолмай, балки мақсадга мувофиқ йўналишда янгиларини шакллантириш имконини беради;

— курсларда ўқитиш ва ўз-ўзига таълим бериш фаолиятининг ўзаро алоқадорлиги; бу ўқитиш мазмунининг ўзаро ворислигини таъминлашга ёрдам беради;

— катта ёшларни ўқитишнинг қабул этилган дидактик тамойилларини ҳисобга олиш (илмийлик, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги, пухталилик, изчиллик, табақалашиш ва б.).

7. Таълимда ўлчамларни, айниқса, ўқитувчилар малакасини ошириш ўлчамларини ишлаб чиқишни тезлатмоқ зарур. Педагог кадрларнинг шахслик-мотивацион жиҳатларига таъсир кўрсатувчи янги ижтимоий-иқтисодий рағбатлантириш омилларига ўтиш юзасидан ҳам иш олиб бориш керак.

2. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида давлат стандартларига ўтишни илмий-методик ва ижтимоий-иқтисодий таъминлаш

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва иқтисодни ислоҳ қилиш билан бир қаторда таълимнинг ягона узлуксиз миллий тизимини шакллантириш юзасидан ҳам фаол иш олиб бориляпти. Бундай тизимни яратишнинг ҳаётий зарурли-

ги Президент И.А.Каримовнинг асарларида ҳар томонлама чуқур асосланди ва „Таълим тўғрисида“ ги қонунда аниқ ифодаланган.

Маълумки, янги яратилаётган таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш кичик тизимига алоҳида аҳамият берилади; бу кичик тизим педагог кадрлар малакаси ва касб маҳоратини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришни таъминлашга даъват қилади. Узлуксиз педагогика таълими республикада йирик масштабли таълим комплексининг ҳамма босқичларига ёйилиши ва унинг ҳар бир ходимини қамраб олиши керак.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичи аниқ вазиятларда кадрлар малакасини узлуксиз оширишга ўтиш бир қатор мураккаб муаммоларни ечиш билан боғлиқдир. Улар қисман амалий, қисман эса илмий-назарий характердадир. Бир томондан, узлуксиз педагогика таълими, масалан, ижтимоий-иқтисодий, моддий-техникавий, ташкилий-бошқарув жиҳатдан таъминлаш масалаларини, иккинчи томондан, унинг илмий-методик муаммоларини аниқ ажратиб олиш имкониятини беради. Кейинги муаммоларни олиб қарайдиган бўлсак, улар ниҳоятда ҳар хил ва кўп қирралидир. Аммо шу билан биргаликда, унинг ҳаммасини битта умумий мақсад бирлаштиради; у ҳам бўлса, педагог кадрлар узлуксиз таълимининг энг самарали технологиясини белгилаш, ишлаб чиқиш ва қўллашда намоён бўлади. Албатта, ушбу соҳада ишлаётган олимларнинг диққат-эътибори худди мана шундай технологиялар атрофида жамланганлиги, илмий-тадқиқот фаолиятининг эса, шундай технологияларни яратиш ва такомиллаштиришга қаратилганлиги тасодикий эмас; бунда узлуксиз педагогик таълимдаги энг муқобил йўللарни, асосий тамойилларни ва ташкилий шаклларни, аниқ усуллар ҳамда воситаларни аниқлашнинг алоҳида аҳамияти бор.

Янги технологияларни ўзлаштириш ҳақидаги масалада

педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш, яъни уларга бериладиган таълим стандартларини ишлаб чиқиш муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яқин келажакда ягона давлат стандартлари узлуксиз таълимнинг муҳим асосларидан бирига айланади, чунки худди шулар ушбу жараённинг йўналиши ва мазмунини белгилайдиган бўладилар, ўқитиш шакллари ва усулларини танлашни, назарий характери ва турларини аниқлайдилар ва ҳоказо. Шу туфайли стандартлар муаммоси алоҳида диққат-эътиборни тақозо этади. Шубҳасиз, у педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг ҳамма бўғинлари фаолиятига бевожута алоқадордир. Шунинг учун ҳам ушбу муаммонинг баъзи бир муҳим томонларига батафсил тўхталамиз.

Энг аввало, қандай ёндашув асосида ва қандай „калит“ билан ушбу муаммони ечишга киришиш масаласини аниқлаб олмоқ зарур.

Маълумки, тор, ички идора манфаатларидан келиб чиққан ҳолда масалага ёндашиш буткул ўринсиздир. Мазкур муаммога кенг қўламда қарамоқ даркор ва уни умумдавлат манфаатлари нуқтаи назаридан ечмоқ лозим; бунда жамият тараққиётининг стратегик устуворликлари позицияси ҳисобга олиниши керак. Шу муносабат билан бундай мақсадларга эришиш учун узлуксиз таълимнинг ягона тизими яратилаётганлигини энг бошдан тўғри тушунмоқ ва буни доимо эсда тутмоқ зарур. Бу ерда гап бир-бири билан узвий боғланган икки муҳим томон устида кетаётир.

Биринчидан, узлуксиз педагогик таълим тизими мутахассислар тайёрлашни умумий ва касбий таълимнинг стандартлари даражасида таъминлашга даъват этилади. Иккинчидан, у ҳар бир ходимнинг ижодий қобилиятлари ва ички имкониятларининг тўла очилишига ёрдам бериши керак.

Агар масала шу тахлитда қўйиладиган бўлса, у ҳолда

асосий масалалардан бири шундан иборат бўладики, қандай амалий механизм ёрдамида ва рағбатлантиришнинг қандай самарали омиллари асосида онгли (мажбурий эмас) ва ихтиёрий равишда педагог кадрлар узлуксиз таълим тизимига киритилиши мумкин.

Бу ғоятда долзарб масаладир. Уни ҳал этиш учун амалдаги тизимда ўқитувчининг касбий ўсиши ва ижтимоий-иқтисодий мақоми (аниқроғи, унинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи) каби омиллар қандай боғланганлигини таҳлил этиш тақозо қилинади. Бу ҳолатда Ўзбекистонда қабул қилинган мактаб педагог ходимлари малака даражаларининг тўрт босқичли таклифига эътибор қаратилади.

Кўрсатилган даража жадвалининг таркиби маълумдир; мутахассис; II категория ўқитувчиси; I категория ўқитувчиси; олий категория ўқитувчиси. Яқин ўтмишга назар солсак, бундай табақалаштириш илгари ташланган салмоқли қадам дея баҳоланади, чунки у мактабдаги тенглаштиришга чек қўйди, ўқитувчиларнинг масъулиятини ва ўз касбий ўсишига нисбатан манфаатдорликни ошишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, амалда педагоглар иши натижаларини уларнинг иқтисодий рағбатлантирилиши билан боғлашга биринчи уриниш амалга оширилди. Бу, шубҳасиз, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида илгари томон ривожланиш тимсоли бўлди. Шунга қарамасдан, эришилган ютуқларни керагидан ортиқ даражада баҳолаш ҳам ўринсиз бўлур эди.

Қанчалик кўп, катта тадбирийд чоралар кўрилган ва кўрилатганлигига қарамасдан, халқ таълими ходимлари кўпчилигининг фаолияти ва психологиясида муҳим силжиш бўлмаётганлиги сир эмас. Бошқа томондан, бу жуда муҳим — мавжуд тартиб халқ таълимига бундан буён рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади деган қатъий ишонч ҳам йўқ. Шунинг эътиборига керакки, бугуннинг ўзидаёқ, мактабда кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши

масаласида жиддий қийинчиликлар бор, вақт ўтиши билан эса бу қийинчиликлар афтидан, янада кўпаяди.

Қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, шунингдек, мўлжални истиқболга қаратиб, биз кейинги ривожланишни халқ таълими ҳозирги амалиёти кўрсатган йўналишда бўлишлигини зарур деб ҳисоблаймиз ва шу муносабат билан қуйидаги таклифни киритамиз: яқин 3-5 йил давомида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун янги 9 -даражали таснифга раҳбарлик учун 3- даражали таснифга ўтиш лозим. (Бу борадаги батафсил таклиф иловада кўрсатилди. Бунда умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарлари учун янги даража жадвалларининг умумий тузилиши аниқ ифодаланган.)

2-чизма

Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари малака даражалари таснифи

IX даража	профессор	
VIII даража	доктор	
VII даража	доцент	
VI даража	вице-доцент	ижодкор-ўқитувчи
V даража	катта ўқитувчи	
IV даража	I тоифали ўқитувчи	
III даража	II тоифали ўқитувчи	
II даража	магистр	III тоифали ўқитувчи
I даража	бакалавр	

3-чизма

Мактаб директорларининг малака даражалари таснифи

III даража	олий тоифали раҳбар
II даража	ижодкор, раҳбар
I даража	раҳбар

2-чизмага диққат билан қаралса, ҳозирги амалдаги таснифга нисбатан муҳим ўзгаришлар қилинган. Масалан, бу ерда „Мутахассис“ тоифаси йўқ. Ушбу категория ўрнига иккита бошқа тоифа киритилган, яъни: „Бакалавр“ — I тоифа ва „Магистр“ ёки „III тоифа ўқитувчиси“ — II тоифа. Бу янгиликлар „Таълим тўғрисида“ Қонуннинг таърифларидан келиб чиқади; уларга мувофиқ олий ўқув юртларини битириб чиқувчиларга ёки бакалавр даражаси (I академик даража) ёки магистр даражаси (II академик даража) берилади. Мактабга ишга бакалавр даражаси билан келган шахсларга маълум вақт ўтиб, қатор мажбурий шартлар бажарилгандан кейин II даража (III категорияли ўқитувчи) берилиши мумкин, бу эса уларни магистр даражасига эга бўлган шахсларга тенглаштиради. „II категорияли ўқитувчи“ (III даража) ва „I категорияли ўқитувчи“ (IV даража) — бу унвонлар амалдаги таснифда ҳам сақланади.

Янги таснифда „Олий тоифали ўқитувчи“ унвони йўқ, унинг ўрнига „катта ўқитувчи“ (V даража) малака - ранги киритилади. Бу янги чизма бўйича қўшимча тўртта юқори даража ўрнатилган.

VI даражага икки малака мос келади: „Ижодкор ўқитувчи“ ёки „Вице-доцент“. Агар „Ўқитувчи ижодкор“ тушунчаси етарли даражада тез-тез учраб турса ва шунинг учун ушбу унвон берилганда нима назарда тутилаётганини тушуниш қийин бўлмаса, „Вице-доцент“ малакасига нисбатан бундай деб бўлмайди. Бизнингча, ушбу мутлақо янги унвонни мактабда ишлаб, айтиш вақтда у ёки бу илмий масала бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаган мактаб ўқитувчиларига бериш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, бу ерда катта ўқитувчилар олдида икки имконият туғилади: улар ёки ўз методик маҳоратини такомиллаштирадилар ва муайян шароитларда „Ижодкор-ўқитувчи“ малакасини олишга муваффақ бўладилар, ёки

бўлмаса улар тадқиқот жараёнига фаол киришадилар, фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлашга лойиқ бўлгунга қадар ушбу тадқиқотни қиёмига етказадилар.

Малака даражасини ошириш учун бундан кейинги имкониятлар асосий мос илмий даражага эга бўлган педагоглар учун йўл очилади. Масалан, „доцент“ унвони илмий даражага эга бўлган ўқитувчиларга Ўзбекистон Республикаси ОАК белгилаб қўйган муайян талаблар бажарилган ҳолларда берилиши мумкин, аниқроғи берилиши керак. Шу вақтга қадар бунга ўхшаш иш бизда қилинган эмас эди.

Лекин агар биз мактаб учун талантли мутахассисларни сақлаб қолишни истасак, у ҳолда ОАКнинг зарур қонунқоидалари (Низомлари) ишлаб чиқирилиши ва расмий тартибда тасдиқланиши керак, токи улар асосида ОАК кейинчалик зарур масалаларни ечиш имкониятига эга бўлсин.

Ўқитувчи „Доцент“ унвонини (VII даража) олганидан кейин унга бериладиган малака „доктор“ унвони (VIII даража)дир. Бу ҳам биз учун одатда бўлмаган малака-даражадир, лекин у албатта, ҳамма зарурий талабларни бажариб докторлик диссертациясини ёқлашга муваффақ бўлган ўқитувчиларга берилмоғи керак. Бундай юқори чўққиларни забт этишга қодир бўлган кишиларни рағбатлантирмоқ, бундан ташқари, истиқболли ёшларга ишонч ва умид бағишламоқ керак.

Ва ниҳоят, охириги — IX даража. Бу даража фан доктори илмий даражасига эга бўлган педагогларга „профессор“ унвонини беришни тақозо этади. Табиийки, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг мавжуд ҳужжатларига тегишли тузатишлар киритилиши керак.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва молиялаштириш манбалари масаласига оид қуйидагиларни айтиш мумкин. Таклиф эти-

лаётган чизма бўйича молиявий таъминлаш йўл-йўриқлари ва аниқ меъёрлар, табиийки, ҳозирча йўқ. Бунинг учун салмоқли тадқиқот иши қилиниши, махсус ҳисоб-китоблар ва ҳ.к. ўтқазилиши керак. Лекин муаммога жиддий ёндашув чегараларини ҳозироқ аниқ айтиб бериш мумкин.

Биринчи навбатда яратилаётган узлуксиз таълим тизимининг натижалари самарадор бўлиши лозимлигидан келиб чиқиш тақозо этилади. Бунинг учун илмий ва моддий асосланган режаларни ишлаб чиқиш керак.

Мамлакатимизнинг ҳозир ўтиш даврининг жиддий қийинчиликларини бошидан кечираётганлиги, давлат хазинасининг эса тубсиз эмаслигини ҳисобга олсак, ушбу масала ўзига алоҳида диққат-эътибор талаб қилишини тушуниш қийин эмас. Шунинг учун ҳам педагогика соҳасининг „янги из“ларга ўтказилиши давлат бюджетига фавқуллода юк бўлиб қолиш ҳолатини истисно этмоғи даркор.

Айни вақтда, ўқитувчилар меҳнатини моддий рағбатлантириш муаммосини ечмасдан туриб, энг қобилиятли ходимларнинг салмоқли қисмидан ажралиб қолиш эҳтимоли мавжудлигини унутмаслик лозим. Бу, энг аввало, „иккинчи эшолон“га яъни педагогика олий ўқув юртларини битириб чиқувчиларга, талабаларига ва бошқаларга тааллуқлидир. Ҳозир бу тоифадагиларнинг маълум қисми мактабда ишламасликка интиладилар.

Ушбу зиддиятли вазиятдан қандай қилиб чиқиш мумкин? Бизнинг фикримизча, масаланинг ечими қуйидагича бўлмоғи керак. Биринчидан, мактабда тенглаштириш унсурларидан қатъий қутулмоқ керак ва педагогика ходимларининг моддий рағбатлантирилиши улар меҳнатининг пировард натижаларига, шунингдек, ўқитувчининг малака даражасига ва касб маҳоратига тўла боғлиқ бўлиши зарур. Ва натижада, меҳнат учун энг кам ва кўп ҳақ тўлаш ўртасидаги тафовут, бугунгидек, бир неча фоизларда эмас, балки, „бир неча даража“да ўз ифодасини

топиши керак. Бундан ташқари, олий даражалар учун меҳнат ҳақи ижтимоий жабҳанинг энг юқори ҳақ олувчи ходимлари тоифалари даражасида белгиланмоғи зарур. Фақат мана шу шартлар бажарилган тақдирдагина мактабларда иқтидорли кадрларни сақлаб қолишга умид қилиш мумкин, ҳаттоки, улар сонини олий ўқув юртлари, илмий муассасалар ҳисобига ошириш ҳам мумкин.

Иккинчидан, таълимга ажратилган харажатлар республика ва маҳаллий бюджет ўртасида аниқ тақсим қилиниши зарур. Бу шуни билдирадики, таълим соҳасини маълум даражага қадар давлат ўз зиммасига олади, маълум чегарадан ўтгач, маблағ билан таъминлаш маҳаллий манбалар маблағлари эвазига амалга оширилади.

Агар биз қайд этилган талабларни тўғри мувофиқлаштиришга эриша олсак, у ҳолда юқорида баён этилган зиддиятларни ҳал этиш йўлларини топишга муваффақ бўламиз. Бизнинг фикримизча, таклиф этилган малака даражалари чизмаси исталган мақсадга яқинлашиш имкониятини беради, бунинг учун қулай шароитларни яратади.

Айтилганларни 2-чизмага мурожаат қилиш орқали тушунтирамиз. Пастки қисм, дастлабки тўрт даражани, яъни бакалаврдан I тоифали ўқитувчигача беистисно ўз ичига олади: Ушбу даражали ҳамма ходимларга ҳақ тўлаш республика бюджети ҳисобидан амалга оширилиши керак.

Чизманинг юқори қисми, „катта ўқитувчи“дан „профессор“гача беистисно беш даражани ўз ичига олади. Бу ерда молиялаштиришнинг аралаш тамойили („республика“ ва „маҳаллий“ бюджет) амалда бўлади.

Бу мактаб ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда харажатларнинг I категория ўқитувчиси иш ҳақи миқдоридан ошмаган даражадаги қисми давлат бюджети ҳисобига бўлишини англатади. Мазкур асос даражага киритиладиган барча қўшимча харажатлар (улар даражага қараб салмоқли даражада ошиб боради) маҳаллий бюджет, яъни ушбу пе-

дагог ишлайдиган шаҳар, туман ва вилоят бюджети ҳисобидан таъминланиши керак. Кўрсатилган қайта тақсимот республика бюджети „юкини анча енгиллаштириши“ билан бир қаторда, маҳаллий ходимларни „оммавий“ тарзда юқори тоифаларга ўтказиш йўлида, юқори тоифаларни ноодиллик билан беришга „кафолат, ғов“ бўла олади. Бошқача қилиб айтганда, кўрсатилган юқори тоифалар ҳақиқатан ҳам фақат шунга сазовор бўлган мутахассисларгагина берилади.

Энди яна бир жиддий масалага — ўқитувчи малакасини аниқлаш асосини ташкил этадиган мезонлар масаласига ўтамиз. Масалага жиддий ёндошиш нуқтаи назаридан бундай мезонлар икки хил — юзаки ва жиддий ёки (ижодий) бўлади. Ҳамма гап уларни тўғри мувофиқлаштириб ола билишдадир. Шу муносабат билан биз қуйидаги ёндашувни таклиф қиламиз.

Беистисно, „катта ўқитувчи“ тоифасига қадар беш даражага нисбатан асос сифатида қатор жиддий формал мезонларни олиш мақсадга мувофиқдир; бунинг афзаллигини кўрсатувчи бир қанча омиллар бор. Энг аввало, эсдан чиқармаслик керакки, республика ўқитувчиларининг кўпчилиги ҳали узоқ вақт ана шу назарда тутилган беш тоифа доирасида бўлади. Шунинг учун тоифаларни ошириш жараёнида, ўқитувчиларни бир тоифадан бошқасига ўтказишда ўқитувчилар ва мактаб маъмурияти ўртасида, ўқитувчилар жамоаси ўртасида ва ҳ.к. муносабатларнинг кескинлашувига йўл қўймаслик керак. Тоифаларни ўзгартириш муносабати билан ҳал этиш чоғида „шахсий содиқлик“га, адолатсизликка йўл қўйиб бўлмайди; фикрларни бузиб кўрсатиш, ўзаро айблашлар ва ш.к. учун „асос“ ёки баҳона яратиб бериш керак эмас. Танланган йўл шахслар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига, жамоада маънавий-психологик ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келмаса, бу масала оқилона ҳал этилди, деб ҳисоблаш

мумкин. Баён қилинганлардан келиб чиқиб, мазкур мезонлар устунлигига эришиш мумкин. Бу мезонлар бири-биридан фарқ қилади. Уларнинг мажмуи ҳар бир ўқитувчи учун аниқ ва тушунарли бўлади. Янги тизимнинг ички мантиқини ўқиб (тўқиб) олгач, ўқитувчилар уни осойишталик ила табиий қабул қиладилар ва унга ўрганиб қоладилар; бунинг эса, ўтиш даврининг одатдаги кечиши ва умуман ушбу дастур — ғоянинг муваффақиятли амалга ошиши учун аҳамияти ўта муҳимдир.

Шундай қилиб, биринчи беш даражали педагог малакасининг даражасини баҳолашда формал мезонлар устиворликни оладилар. Мазкур мезонларнинг мазмунини қандай кўрсаткичлар ташкил этади?

Бизнинг фикримизча, бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) махсус малака имтиҳонларини топшириш ёки тест ўтказиш шаклидаги ўлчам талабларини бажариш;

б) у ёки бу даражани бериш ҳақида мактаб педагогика кенгаши ёки халқ таълими махсус органи тавсиясининг мавжудлиги;

в) педстаж муддати (кўп ё озлиги).

Шундай қилиб, узлуксиз педагогика таълими тизимида стандартлар муаммосига ўзига хос ёндашилади. Қуйида у батафсил таҳлил этилади, ҳозирча эса, тўртта олий даражани беришда қўлланиладиган мезонлар ҳақида тўхталамиз.

Бу ерда шуни қайд қилиш керакки, VI—IX даражаларни фақат „катта ўқитувчи“ малакасига эга бўлган ўқитувчиларгина оладилар. Шу ҳолдагина уларга „ижодкор ўқитувчи“ ёки „вице-доцент“, „доцент“, „доктор“, „профессор“ малакаси ва унвони берилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ушбу даража жадвали имтиёзи мактабдан ташқари шахсларга эмас, фақат мактаб ходимларига берилади.

Мазкур даражалар гуруҳи учун ижодий мезонлар ҳал

қилувчи аҳамият касб этади. Бу дегани, педстаж, тавсияларнинг борлиги, имтиҳонларнинг топширилганлиги, бу ерда тўлиқ ёки қисман ўз аҳамиятини йўқотади. Биринчи ўринга эса, янги методлар ишлаб чиққанлиги, янги усулда дарслик яратганлиги, диссертацияни ҳимоя қилганлиги каби омиллар чиқади. Бошқача қилиб айтганда, бу даражада шундай мезонлар қўлланилиши керакки, улар, асосан, ихтирочилик ёки илмий кашфиёт фактини аниқлашда, диссертацияни ёқлашда, илмий даража ва унвонларни беришда қўлланиладиган мезонларга мос келсин. Маълумки, бу кўринишдаги мезонлар етарли даражада тўлиқ ва аниқ белгиланган ва шунинг учун ҳам улардан олий илмий-педагогика ходимлари учун стандартларни ишлаб чиқишда, албатта, фойдаланиш зарур.

Даражаларнинг янги таснифи—концепцияси умумий қоидаларининг баёни ниҳоясида юқорида келтирилган 3-чизмани қисқача шарҳлаймиз; мазкур чизма умумтаълим мактаблари раҳбарлари учун даража жадвалини яққол ифодалайди.

Ушбу чизмадан кўринадики, тақлифимизнинг моҳияти қуйидагидан иборат: раҳбар меҳнاتини рағбатлантириш мақсадларида ва шу категория ходимлари учун малага даражаси ва реал ютуқлар бўйича муайян чегара киритиш зарур. Албатта, бу ҳол умумтаълим мактаби директориға ўқитувчи сифатида даражалар берилиши ҳақидаги ҳуқуқини бекор қилмайди. Лекин янги тартиб унинг айнан маъмурий ходим, ўқув-педагогика муассаса раҳбари сифатида касбий ўсишини рағбатлантириш учун зарурдир.

Мазкур чизма бўйича иш қуйидагича тасаввур этилади. Мактаб директори лавозимиға тайинланиши муносабати билан ходимға ўз-ўзидан I даража („раҳбар“) берилади. Кейин эса унинг меҳнатига ҳақ ҳозирги вақтда амалда мавжуд қоидаларға мувофиқ тўланади. II даража („ижодкор, раҳбар“ға даъвогарлик қилиш учун, ушбу ходим амалда

Ўзини ижодкор сифатида кўрсатиши керак. Бу турли шаклларда ифодаланиши мумкин. Жумладан, бу мактабда ўқитиш ва тарбиялаш махсус тизимининг ишланмаси, „муаллифлик мактаби“ни тузиш, ўқувчилар билан мактаб ишининг самарали шакллари топиш, мактабда ишбилармонликни ривожлантириш ва ш.к. бўлиши мумкин. Ўқув-тарбия жараёнини ёки хўжалик фаолиятини ташкил этишда ҳақиқий ўзгаришларга эришган етакчи унга ижодкор, раҳбар унвонини бериш йўли билан рағбатлантирилади. Бу тизимда унинг лавозими маошига қўшимча ҳақ тўлашлар маҳаллий манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ва, ниҳоят, III даража („олий тоифали раҳбар“) ўз вазифаларини самарали бажариш педагогик фаолиятини илмий-тадқиқот иши билан муваффақиятли қўшиб олиб борган ва илмий даража олиш учун диссертацияларни муваффақиятли ҳимоя қилган раҳбарларгагина берилади. Ва бунда ҳам, янада катта миқдордаги қўшимча ҳақ тўловлар маҳаллий молия имкониятлари эвазига амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, юқорида баён қилинган тартибнинг қўлланилиши халқ таълимининг кўп сонли раҳбар кадрлар сонини сезиларли даражада фаоллаштириш, энг кўп даражада намуна кўрсатган ходимларни аниқлаш ва уларни маънавий-моддий жиҳатдан адолатли равишда тақдирлаш, илмий ишларни ва энг яхши тажрибалардан фойдаланишни кучайтириш имкониятини беради.

Биз ҳозир ишнинг бошланишида бўлганлигимиз туфайли талаб этилаётган стандартлар тайёр ҳолда ҳали мавжуд эмас. Албатта, жаҳон амалиётида қандайдир ишланмалар ҳозир ҳам бор. Лекин гап бу ерда Ўзбекистоннинг хусусиятларига, таълимнинг миллий тизими тараққиёти истиқболига энг кўп даражада мос келадиган педагогика таълими стандартлари устида бораётир.

Мана шундай ўзига хос таълим давлат стандартларини яратиш ва жорий этиш масаласи олдимизда турибди; бу ўта муҳим иш жиддий меҳнат ва вақтни талаб қилади.

Айтилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: стандартлар тарих ва ўқитиладиган ўқув фанлари назарияси, педагогика, психология, Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти, фалсафа, ҳуқуқ, одобнома, этика, информатика ва қатор бошқа соҳадаги назарий ва амалий билимларга нисбатан талаблар тизимини ўз ичига олиши керак. Юқорида санаб кўрсатилган соҳаларда билимлар уйғунлашган, ички боғланган, мантиқан изчил тизимда мужассамлашган бўлиши ва малака даражаларининг ошиши билан мураккаблашиб бормоғи зарур.

Ўқувчилар ва педагоглар учун давлат стандартларида таълим бошданоқ аниқ чегараланиб қўйилмоғи даркор. Ўқув фанлари бўйича стандартлар, яъни ўқувчилар учун тайёрланган ТДСлар билим, малака ва кўникмаларнинг етарли минимумини тайёрлаш даражасини назарда тутамиз; бу даража жамиятнинг мазкур тараққиёт босқичида унинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиради, бу даражани ҳар қандай ҳолатларда ҳам ҳар бир умумтаълим мактаби таъминлаши керак. Юқоридагилардан умумтаълим эҳтиёжларининг мураккаблашиши ва унинг борган сари ортиб бориши мактаб стандартларининг ўзларида ҳам муқаррар ўзгаришлар бўла боради, яъни улар умуман, доимо такомиллашиб бормоғи ва вақти билан қайта кўриб чиқилмоғи, (масалан, ҳар 5—7 йилда) керак.

Педагогика стандартлари, яъни ўқитувчиларни махсус ва умумтаълим тайёргарлигига нисбатан талаблар тизими ҳақида гап кетганда, масала мутлақо бошқача тус олади. Бу ерда минимумлик тамойили мутлақо мақбул эмас. Аксинча, ҳаёт бу ҳолатда максимумлик тамойилидан келиб чиқишни тақозо этади. Буни қуйидагича тушунмоқ керак. Янада юқори даражага ўтиш учун ўқитувчи билимлар ва

амалий кўникмаларни максимум даражада эгалламоғи даркор, бу унга ўзининг касбий вазифаларини сифат жиҳатдан янада юқори даражада бажариш имкониятини беради. Эгаллаш фактининг ўзини ёки имтиҳонлар ва тестлаштириш шаклида (бизнинг мисолимизда биринчи беш тоифа учун) ёки муайян ижодий натижаларга эришиш шаклида (тўртинчи олий тоифа учун) тасдиқланмоғи керак. Демак, педагогика стандартлар даражалари бўйича кўрилмоғи, бунда ҳар бир кейинги даража олдингисига таяниши, аммо борган сари мураккаблашиб бориши керак. Бу талаб назарий тайёрлаш соҳасига ҳам, амалий билимлар соҳасига ҳам оиддир, уларнинг тўлақонли бажарилиши, шунингдек, ўқитувчига навбатдаги даражани бериш учун шартдир.

Шундай қилиб, ўтказилган тажриба ва таҳлиллар кўйилган муаммо юзасидан баъзи бир муҳим хулосаларга ва умумлашмаларга келиш имкониятини беради. Шунингдек, узлуксиз таълим тизими стандартлар лойиҳасининг айрим кўрсаткичларини белгилаш мумкин бўлади. Албатта, бу фақат шу хилдаги кўп қиррали илмий-амалий муаммога илк бор яқинлашишдир, ҳали кўп нарсани яна аниқлаш, ўзгартириш, тўлдириш керак бўлади.

Бу ерда биз педагог кадрлар узлуксиз таълимининг стандартларини тайёрлаш бўйича кейинги амалий ишларни қандай қилиб ташкил қилиш зарур деган масалага жуда яқин келамиз. А.Авлоний номидаги ХТХ МОМИ шу тоифадаги муассасалар тизимида карвонбошилиқ қилиб, бу соҳадаги ҳамма ишлар ва уларнинг ечимига қўшадиган ҳиссаси ғоят сезиларли бўлмоғи зарур.

Бизнинг фикримизча, олимларнинг, тадқиқотчи-амалиётчиларнинг изланишларини қуйидаги йўналишларга қаратиш лозим:

1. Таълим стандартлари тамойилларини, уларнинг тuzилиши ва мазмунини белгилаш стандарт кўрсаткичлари-

ни бажаришни назорат қилиш усуллари аниқлаш мақсадида таълим стандартларини қўллаш соҳасида чет эл тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш.

2. Узлуксиз педагогик таълимнинг миллий давлат стандартларини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш:

- а) педагогларнинг малака даражалари;
- б) таълим мазмуни;
- в) таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;
- г) миллий хусусиятлар, одатлар ва анъаналар.

3. Узлуксиз педагогик таълим стандартларига ўтишни иқтисодий асослаш.

4. Шахсни узлуксиз таълимга жалб этишнинг психологик хусусиятларини ўрганиш.

5. Таълим стандартларини ва малака меъёрлари талабларини бажаришда турли ёшдаги кимсалар учун мумкин бўлган тиббий-биологик даражани белгилаш.

6. Муаммолари юзасидан ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш.

7. Узлуксиз педагогик таълим тизимида стандартларга ўтишнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш.

8. Педагог кадрлар узлуксиз таълимининг ҳамма босқичларида стандартлардан фойдаланиш бўйича амалий таъсирлар тайёрлаш.

Санаб ўтилган асосий йўналишлардан уларнинг амалга оширилиши турли ихтисосдаги юқори малакали мутахассисларнинг иштирок этишига боғлиқ эканлиги кўриниб турибди.

Агар стандартлар бу ерда таклиф этилаётган кўринишда амалга ошириладиган бўлса, малакани ошириш амалиётида муқаррар тарзда салмоқли ўзгаришлар рўй беради. Ҳамма ЎМОИ ва ПК МОИ ҳамда шаҳар (туман) методика хоналарига ўз ишлари мазмунини стандартларда белгилаб қўйилган талаблар асосида қайтадан кўриб

чиқишга тўғри келади. Улар малака имтиҳонларини қабул қилиш ва тестлаштириш механизмини мактаб ходимларига навбатдаги даражаларни беришнинг ажралмас шарти сифатида ишлаб берилиши керак. Ва, ниҳоят, улар малака оширишининг мазмуни ва шакллари педагогларнинг ҳар бир тоифаси учун алоҳида-алоҳида белгилаб бериш талаб этилади.

Ушбу вазифаларни бажариш бўйича масъулиятни малака оширишнинг турли бўғинлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Масалан, вилоят институтлари методик хизматни мактабларнинг метод бирлашмалари билан биргаликда бизнинг таснифимиз бўйича „I тоифали ўқитувчи“ларгача бўлган ҳамма ходимларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишлари керак.

РХТХ МОМИдан эса, „катта ўқитувчи“ тоифасидаги барча ўқитувчилардан бошлаб, олий тоифали педагогларнинг малакасини оширишни таъминлаши талаб қилинади. Иш шундай амалга оширилса, вилоят институтлари ва Марказий институт ўқув ишининг шакллари ва усуллари бир-бирларидан мутлақо фарқланиши табиийдир. Жумладан, Марказий институтда бирон муаммовий курслар, семинарлар, илмий-амалий анжуманлар, шунингдек, тингловчиларнинг ўз иш тажрибаларини умумлаштириш ишлари асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, МОМИ ихтиёрига „ижодкор ўқитувчи“, „доцент“, эҳтимол, „профессор“ унвонларини беришга доир масалаларни ечиш ҳам топширилади. Албатта, расман ушбу унвонларни халқ таълими вазирлиги („ижодкор, ўқитувчи“) ва Ўзбекистон Республикаси ОАКни („доцент“, „профессор“) беради, лекин ушбу унвонларни беришга тақдим этиш А. Авлоний номидаги МОМИнинг эксперт гуруҳлари ва илмий кенгаши томонидан тайёрланиши керак.

Янги шароитларда Марказий институт вазифаларининг

ошиши муносабати билан аспирантлар ва илмий даража даъвогарлари учун педагогика-психология фанлари бўйича маърузалар курсларини ва номзодлик минимуми дас-тури бўйича имтиҳонлар қабул қилишни ташкил этиш, шунингдек, келажақда институт асосида „малака оши-риш педагогикаси“ ихтисослиги бўйича диссертациялар ёқлаш билан шуғулланадиган ихтисослашган кенгашни ту-зиш масалаларини ўйлаб кўриш керак.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ягона стан-дартларга ўтиш Ўзбекистон Республикаси ХТ МОМИ зим-масига кўпгина қўшимча вазифаларни юклайди ва инсти-тутнинг барча ижодий имкониятларини сафарбар этишни тақозо қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш к о н ц е п ц и я с и

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда узлук-сиз таълимнинг ягона тизимини яратиш бўйича муайян иш қилинди. „Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълими концепцияси“ ва „Ўзбекистон Республикаси узлуксиз пе-дагогик таълим концепцияси“ қабул қилинди. Ушбу кон-цепциялар қўлингиздаги китоб муаллифининг кўп йиллик илмий изланишлари ва шогирдлари — Ш. Саидқулов, А. А. Акмалов, С. А. Усмонов, Э. Дадахўжаев, А. Баҳромов, Ю. Асадов ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижалари асо-сида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирдаёқ узлуксиз таъ-лим ва малака ошириш бўйича ўзига хос илмий мактаб мавжудлигини қайд этиш керак. „Малака ошириш педа-гогикаси“нинг педагогика фанининг мустақил тармоғи си-фатида тан олинishi учун илмий асослар яратилди. Бунда энг сўлмоқли фикр-мулоҳазалар, исбот-далиллар Россия

Федерацияси Педагогика фанлари академияси академиги В.Г.Онушкин бошчилигида кўтариб чиқилди ва концепция яратилди.

Шу билан биргаликда, миллий-минтақавий хусусиятлар ва минтақада шаклланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда малака ошириш концепциясига қуйидаги қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

1. Ўзбекистон Республикаси учун педагог кадрлар малакасини узлуксиз оширишнинг бир-бирларидан объекти, мақсадлари, ташкилий шакллари билан фарқланадиган тўрт даражаси тавсия этилади. Моҳият эҳтибори билан бу педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш тизимидир.

Умумдавлат даражасида узлуксиз таълим тараққиётининг энг муҳим стратегик муаммолари ҳал этилиши керак: интеллектуал салоҳият ва ўқитувчиларнинг умуммаданий даражасини ошириш; минтақаларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро ёрдами учун шароитлар яратиш; жаҳон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касб маҳоратини мунтазам ўстириш.

Ушбу даражада таълим фаолиятининг ижтимоий муҳим мақсадларига эришиш учун ўқитувчилар узлуксиз таълимнинг муқим ядросини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда билим, кўникма, малакаларнинг сифати ва салмоғи, ижодий ривожланишнинг юқори даражаси, ҳар бир ўқитувчининг фаол фуқаролик позицияси лозим даражада кафолатланган бўлур эди.

Вилоят даражаси ўқитувчилар касбининг реал даражаси; узлуксиз таълим тизимининг тузилиши ва вазифаси жиҳатидан таркибий қисмларидаги хусусиятлар каби салмоқли омилларни ҳисобга олиш керак.

Туман (маҳаллий) даражаси ўқитувчилар узлуксиз таълими муаммоларининг аниқ туман ва мактабнинг ўзига

хослиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ечиш демакдир. Айни пайтда мактабда, туман, минтақанинг тури, ихтисослашуви, анъаналари, контингенти ва аҳоли турмуш тарзи ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчилар малакасини шахсий ошириш мазмуни, унинг даврийлиги, йўллари, босқичларини режалаштириш ва лойиҳалашни амалга оширилиши керак.

Шахсий — типологик даража муайян педагогнинг таърибаси ва шахслик сифатларининг уйғунлашуви орқали ифодаланадиган эҳтиёж ва манфаатларини таъминлайди. Бу даражада шахснинг умуммаданий ва касбий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган индивидуал таълим дастурлари алоҳида аҳамият касб этади.

Малака ошириш даражаларини умумлаштира туриб, аввало, уларнинг бир-бирлари билан ўзаро алоқадорликларини қайд этиш керак.

Педагог кадрлар билан ишлаш фақат тор — касбий мақсадни кўзламаслиги керак. Педагог фақат маълум педагоглар жамоасининг аъзосигина бўлиб қолмасдан, айна вақтда у муайян ижтимоий-касбий табақанинг намояндаси ҳамдир. Фаолият мақсадлари, унинг субъекти, воситалари ва ташкилий шакллари ўртасида узвий боғланиш бўлиши зарур.

Агар диққат-эътибор фақат малака оширишнинг даврий ва тизимли шаклларигагина қаратилса, унинг турли бўғинлари ўртасида узилиш пайдо бўлади. Таълим педагогни ҳам касб соҳиби сифатида, ҳам шахс сифатида ривожлантирмоғи даркор. Педагогларнинг кейинги вақтларда пайдо бўлаётган турли норасмий клублари, бирлашмалари, уюшмалари ва б., педагог шахсини имконият қирраларини ўзини ўзи юзага чиқариш йўлида қўшимча манбалар яратмоқда.

Узлуксиз малака ошириш мазмунини белгилаш касбий ва умуммаданий соҳалар ўртасида оқилона нисбат ўрна-

тилиши муҳим ҳисобланади. Касб доирасида узлуксиз ички ривожланиш қобилиятига эга кенг қўламда ихтисос соҳиб бўлган педагогнинг эҳтиёжларини қондира оладиган умуммиллий ва психологик-педагогик билимларнинг ҳиссаси ортиб бориши керак.

2. Ҳозирги вақтда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг фаолияти давлат нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ ги Қонунининг 16-моддаси билан белгиланади. Шу билан биргаликда, бозор муносабатлари ривожлана боргани сари малака ошириш тизими нисбатан мустақил соҳага айлана боради. Бу ижтимоий ҳаёт динамикасининг ортиши, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг жадаллашиши, ички бозорнинг шаклланиши ва унинг узлуксиз сифат ўзгаришлари билан изоҳланади.

Жаҳон тажрибаси бозор рақобати ва ишлаб чиқарувчи кучлар тузилишини тезкорлик ила қайта қуриш шароитларида узлуксиз таълим тизими қуйидаги икки муҳим масалани ечиш зарурати тўғрисида гувоҳлик беради: кадрлар малакасини узлуксиз ошириш учун шароит яратиш; бозор конъюктураси ўзгаришларига мувофиқ тарзда ходимларни ўз вақтида қайта тайёрлашни таъминлаш.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ўрта ва олий таълим тизимидан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам унинг самарадорлиги тизим қандай даражада мустақкам ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосга қурилганлиги билан белгиланади. Шу муносабат билан Республика Олий Мажлисида 1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикасининг „кадрлар тайёрлаш миллий дастури“ кўриб чиқилди. Бу муҳим ҳужжатни тайёрлаш кўп вақт ва қатъий уринишни тақозо қилди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда кадрлар тайёрлаш борасидаги асосий мақсад ва вазифалар, тамойиллар таълимнинг шу соҳасини ташкил этиш ва унинг тузилиши субъектлари ва

ҳ.к. аниқ қайд қилинди. Бундан ташқари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларининг турли мулкчилик шаклларига эга бўлган корхоналар, ташкилотлар ва идоралар, шунингдек, ҳокимият ва бошқарувнинг республика ва маҳаллий идоралари билан бўлган муносабатларининг характери каби муҳим ҳолатлар акс эттирилди.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши, бизнинг фикримизча, сезиларли даражада қисқа муддат ичида Ўзбекистонда малака оширишнинг тўлақонли тизimini ташкил этиш имкониятини беради. Бундай қонунни тайёрлаш ва қабул этишга ўхшаш намуналар жаҳон амалиётида йўқ; Бундай қонуннинг яратилиши Ўзбекистонга мазкур соҳада жаҳон миқёсида устувор мавқени эгаллаш имконини берган ва дунё олдида Ўзбекистоннинг ижодий салоҳиятини яна бир марта намоиш қилади.

3. Малакани ошириш тизимида марказий ўрин меҳнат фаолиятининг танланган соҳасида кадрларнинг касбий тайёргарлигини яхшилаш ишига қаратилади. Ушбу қоида умумтаълим, умуммаданий тайёрлашни инкор қилмаслиги керак. Кейингиси олдингисига табиий ва зарурий қўшимча бўлмоғи керак. Гап шундаки, шахснинг дунёқарашини кенгайтирмасдан, ижодий қобилиятлари ва маънавий-эстетик сифатларини ривожлантирмасдан туриб, уни ижодкор даражасига кўтариш мумкин эмас.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, узлуксиз таълим тизимининг асос нуқтаси ва қуйи чегараси ҳамма учун мажбурий бўлган умумий ўрта таълим, уч йиллик ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълимидир. Демак, 9 йилликни битирувчилар учун ўрта махсус ва касб-ҳунар мактабларини битириш, ўрта махсус ва касб-ҳунар мактабларини битирувчилар учун — бакалавр ёки магистр даражасини эгаллаш асосий мақсад бўлади. Агар узлуксиз таълим мана шундай чизма бўйича қурилса, у ҳолда таълим олувчиларнинг

ҳар бир даражаси учун билим малака ва кўникмаларнинг „қуйи“ ва „юқори“ даражаларини деярли аниқ қайд этиш, муайян босқич учун таълимнинг мазмунини, ўқув материални эгаллаш механизмини, назорат шакллари ишлаб чиқиш ва ҳ.к. учун имконият туғилади. Албатта, бундай нозик масалада кўр-кўрона расмийчиликка ўрин бўлмаслиги керак, ҳеч ким бировнинг ўзи истаган билимни эгаллашига ҳалақит бермаслиги керак. Бироқ тайёрлаш сифатини яхшилаш мақсадида ижодий ва амалий билимларни эгаллашнинг изчил, кетма-кет босқичларини асоссиз „ҳатлаб ўтишга“ йўл қўйиб бўлмайди; чунки пухта асосларсиз ва илмий пойдеворсиз ҳар қандай билим ҳам ўзининг потенциал имконияти доирасида юсак натижа бера олмайди. Юқорида баён қилинганлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: малака ошириш тизими ўқитувчида ҳам профессионализмни, ҳам ижодий имкониятларни тенг даражада ривожлантирмоғи керак; қўйилган бундай талаб эса ушбу тизимда умумтаълим даражасини ошириш механизмини аниқ йўлга қўйишни тақозо этади.

4. Ўзбекистон шароитида педагог кадрлар малакасини оширишда Ў (ПК) МОИларининг катта имкониятлари бор. Шу сабабли мазкур ўқув юртлари халқ таълими ходимларининг касбий тайёрлаш ва малака даражасини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи босқич бўлмоғи керак. Шу муносабат билан, малака ошириш институтларида ихтисослик фанлари бўйича ҳар бир даража учун назорат имтиҳонлари топширилса, бусиз аттестация комиссиялари ўқитувчи, методист ва ш.к.ларнинг тоифасини ошириш ҳуқуқига эга бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Педагог кадрлар малакасини ошириш институтлари олий ўқув юртлари ва педагогика илмий муассасалари билан биргаликда ҳар бир даража учун зарур назарий ва

амалий билимлар стандартини белгилайди. Шу асосда тест топшириқлари ишлаб чиқилади; улар ўқитувчи томонидан кейинчалик иш жойидаги аттестация комиссиясига албатта тақдим этилиши зарур бўлган сертификат олиш учун бажарилади. Бундай имтиҳонга тайёрланиш учун ўқитувчига тест синовлари ўтказиладиган материал ҳажмини билиш зарур бўлади. Шунинг учун керакли дастурлар тайёрланган, кўпайтирилган ва масалан, ҳар бир шаҳар (туман) методика хоналарига етказилган бўлиши керак, токи ўқитувчи у билан хоҳлаган вақтда танишиш имкониятига эга бўлсин. У алоҳида фанлар (педагогика, психология, ўқув фанини ўқитиш назарияси ва методикаси) бўйича тегишли қисмларни ўрганиб, имтиҳонларга кириш ҳақида ариза тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу жараён тартибсиз бўлмаслиги ва МОИ ишига халақит бермаслиги учун имтиҳонни ўқитувчининг ўз ҳисобидан пулли қилиб ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи имтиҳонни муваффақиятли топширган ва гувоҳнома олган тақдирда мактаб (туман ёки шаҳар халқ таълими бўлими) унинг харажатларини тўлиқ тўлаши керак бўлади. Агар имтиҳон топшира олмаса, у ҳолда барча харажатлар имтиҳон топширувчининг зиммасига тушади. Бундан ташқари, шундай тартиб ўрнатиш зарурки, даввогарнинг қайта имтиҳон топшириши аввалги имтиҳондан бир йил ўтгандан кейин мумкин бўлсин. Имтиҳонларга келсак, улар аттестация қилинувчи ходимнинг ўз талабига қўра, аввалги тоифаси бўйича аттестация ўтказиш муддати мустақил тарзда ўтказилиши керак.

Бундай шароитларда МОИларининг нуфузли вазифаси, шу билан бир қаторда, уларнинг масъулияти ҳам кескин ортади. Тестлаштириш жараёнининг беғараз ва холисона бўлишини таъминлаш учун алоҳида тадбир-чоралар кўрилиши назарда тутилган бўлиши керак. Бу ерда республика олий ўқув юртларида тест йўли билан кириш имти-

ҳонлари олиш бўйича тўпланган тажрибадан фойдаланиш мумкин. Бунда тест ҳайъатларига бошчилик қилиш учун бошқа ўқув юртлари ва илмий муассасалардан обрўли мутахассисларни таклиф этиш муҳимдир.

Малака оширишнинг бундай тартибининг жорий этилиши МОИларнинг вазифаларини ҳам ўзгартирган бўлур эди. Улар педагогларга имтиҳон олинадиган ўқув фанлари бўйича махсус тайёргарлик курсларини эшитиш заруратини келтириб чиқарган бўлур эди.

5. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, ҳамма ташкилотлар, муассасалар, идоралар ва корхоналар учун бундай эҳтиёжларга ажратиладиган маблағларнинг энг кам миқдори аниқ белгилаб қўйилиши керак. Нодавлат структуралар ҳам, давлат структуралари каби, ўзларининг фақат ҳозирги қулайликлари устидагина эмас, балки бутун жамиятнинг узоқ муддатли манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Шунинг учун ҳам ходимларнинг малакасини ошириш йўлида бундай „тежамкорлик“ қилиш, аввало иқтисодий воситалар йўли билан амалга оширилиши керак. Ўқитиш ва кадрлар малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар белгиланган муддат ичида сарфланмаган бўлса, уларни бюджетга ўтказиб юбориш оқилона иш бўлур эди. Бошқа томондан, ушбу мақсадларга ажратилган маблағларни давлат солиғидан озод қилиш зарур. Маълум вақтдан кейин бутун жамият ўз аъзоларининг малакасини оширишдан олинган самарани ҳис қила бошлайдики, бу шубҳасиз, мамлакатда узлуксиз таълим тараққиётини қувватловчи ва рағбатлантирувчи муҳим ижтимоий-психологик омилни яратган бўлур эди. Ҳозир эса таассуфки, кўпчилик учун малакани ошириш қандайдир сунъий ва „ўйлаб топилган“дек туюлади. Бундай хато тасаввурни тубдан ўзгартириш фақат омма ўртасида пухта ўйлаб ўтказиладиган тушунтириш ишларидангина иборат бўлиб қолмасдан, таълимнинг мазкур тизими келтириши мумкин

ва керак бўлган амалий натижалар билан белгиланиши керак.

6. Малака оширишни бошқарув тизими юқоридан малакани оширишнинг кенг кўламдаги шакллари (давлат ва жамоат) танлаш имкониятини бериши керак, педагог ёки раҳбар эса, заруриятга кўра, таълим тизимига жалб этилиши лозим. Малака ошириш тизими ва уни бошқарув динамик тарзда ривожланиши ва такомиллашиши керак, яъни ҳар бир босқичда (бунга боғлиқ тарзда малакани ошириш йўналишларини ва уларни ташкил этиш шакллари тузиш, яратиш тақозо этилади) педагог кадрларнинг сўровлари, манфаатлари ва эҳтиёжларига тезкорлик билан жавоб бериши даркор.

Шу муносабат билан малака ошириш тизимининг ҳамма таркибий қисмларини юқори малакали, ижодий, аналитик фикрлайдиган тажрибали илмий ва амалий кадрлар билан таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Узлуксиз малака ошириш тизими ва уни бошқариш пастдан юқорига бир чизик бўйлаб ўтиши керак (мактаб, мактабгача ва мактабдан ташқари ўқув юртлари — туман, шаҳар халқ таълими бўлими — вилоят малака ошириш институти — малака ошириш марказий институти — Халқ таълими вазирлиги малака ошириш бўлими). Фақат тўғридан-тўғри бўйсунуш орқалигина туман, шаҳар халқ таълими бўлими ва вилоят методика хизматларини фаоллаштириш мумкин. Ана шунда улар узлуксиз малака ошириш тизимининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлай оладилар.

7. Ўқитиш мақсадлари ва вазифаларининг, шунингдек, таълим объекти ва жараёнининг ўзига хослиги, яъни малака ошириш педагогикасини педагогика фанининг бошқа тармоқларидан фарқладиган жиҳатларини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Малакани оширишнинг ўзига хослигини очиб беришда биз унинг психологик таҳлилига таяндик.

Олий ўқув юртлари тизимида ўқитишнинг мақсад ва вазифалари мутахассисни ва табиийки, шахсни шакллантиришдан иборатдир.

Малака оширишда ўқитиш жараёнининг асосий мақсади фақат тарбия, ўқув ахборотларини тушуниш ва эсда сақлаш эмас, балки касб кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, билим ва тажрибани фаоллаштириш, ишда ундан ўринли фойдаланиш ҳамдир. МОИ тингловчилари билан олиб борилган кўп йиллик амалий иш жараёнида баъзан ҳозирги замон фан ютуқлари билан мос келмайдиган тушунчалар туркуми тўпланмоқда; бу кўпинча тингловчиларда ўқитувчига нисбатан ишончсизлик туғдиради, уларни ҳозирги замон қарашларига ишонтириш учун қўшимча далил ва исботлар келтиришни талаб этади.

Малака ошириш тизимида ўқитиш мақсади — инсон психологиясида қарор топган тизимни, унинг касбий йўл-йўриқларини қайта қуришдан иборатдир. Бу эса талабаларни ўқитгандагидан унинг психикасига таъсир ўтказишда қўшимча шакллар ва усуллардан фойдаланишни тақозо этади.

Агар малака ошириш тизимида педагоглик фаолияти объектининг (тингловчилар, курсантлар) ўзига хослиги ажратиб кўрсатиладиган бўлса, у ҳолда қуйидаги муҳим хусусиятларни қайд этиш мумкин:

- тингловчиларда барча фанлар бўйича бошланғич билимлар даражаси турличадир. Афсуски, бир гуруҳда ҳар хил иш тажрибали ва турли даражадаги назарий методик тайёргарликка эга бўлган тингловчиларни учратиш мумкин;

- кўпчилик тингловчиларда бой амалий иш тажрибаси мавжуд;

- ЎМОИ ва ПК МОИ тингловчиларига фақат янги материални ўзлаштиришгагина, эмас айтиш вақтда айрим масалалар бўйича қайтадан ўқитишга тўғри келади;

- тингловчиларнинг ёшлари ўртасидаги фарқлар салмоқли бўлади;

— тингловчиларнинг ўқиш муддатлари нисбатан қисқадир ва б. Малакани ошириш тизимида ўқитиш жараёнининг ўзига хослиги мақсаднинг ўзига хослигидан, педагогик таъсир объектининг ўзига хослигидан келиб чиқади.

Машғулотларда тингловчиларнинг тафаккурларини фаоллаштириш — Ўзбекистон Республикаси Ў (ПК) МОИлари учун долзарб муаммолардан биридир. МОИ курсларида педагогларни анъанавий ўқитишнинг энг муҳим камчиликларидан бири шуки, машғулотларда тажриба ва билим алмашишнинг фаоллиги таъминланмайди. Тингловчилар — ўқитувчилар, кўпинча, билимларнинг пассив истеъмолчилари бўлиб қоладилар. Билим биргина хотира орқали эмас, балки фикрий зўриқиш орқали қабул қилиб олингандагина пухта эгалланади.

Ҳозирги вақтда ишлаётган педагоглар XXI асрнинг янги фуқароларини тарбиялашлари керак, уларни демократик жамият шароитларида яшашга ўргатиши мустақил қарорлар қабул қилишга одатлантириши зарур. Бунинг учун уларнинг кўпчилиги кенг қўламдаги ва ранг-баранг билимларга, бошқача иш тажрибасига эга бўлиши, баъзида эса касб фаолияти усулини, яъни ўз фаолиятининг психологик йўналишини ўзгартира билиши зарурдир.

Шу муносабат билан МОИларида ҳозироқ ўқитувчиларнинг ўз касб фаолиятларига муносабатларини ўзгартиришга ёрдам берадиган ўқитиш усуллари қўллай бошлаш керак.

IV боб бўйича хулосалар:

1. Педагог ходимларнинг узлуксиз таълими мавжуд тизимининг барча бўғинларида малака оширишнинг шакллари, усуллари, мазмуни педагогнинг шахс сифатида ва касбий ривожланиши даражасига боғлиқ тарзда ҳар хил

бўлмоғи керак. Ўқитувчиларни текширишнинг диагностик натижаларини, шунингдек, малака ошириш жараёнида минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш этнопсихологик хусусиятларни мустаҳкамлашга ва умуман, малака ошириш тизими самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

2. Ўзбек мактабининг ўқитувчисига ҳозирги вақтда малака ошириш жараёнида асосий эътиборни педагоглик фаолиятининг сифатлари ва таркибий қисмларига қаратмоқ керак. Бу жиҳатдан у бошқа минтақалардаги ўқувчилар тарбиясини йўлга қўйиш катта муаммони келтириб чиқаради. Агар малака ошириш жараёнида ўз мактаби ўқитувчисининг касбга мувофиқлиги сифат жиҳатдан ошса, бу унинг обрўсининг ортишига ёрдам беради ва ишга боғлиқ кўп муаммоларни ҳал этади.

3. Биринчи навбатда, ўқитувчилар малакасини ошириш кўрсаткичида педагогика ва психология бўйича дастурларни ўзгартирмоқ зарур. Ўқитувчиларнинг этнопсихологик хусусиятлари ва касбий даражасини эътиборга олиб, педагогика ва психология бўйича тузилган махсус дастурлар ҳиссий барқарорлик, динамизмни тарбиялашга, шунингдек, ортиқча асабийлик ва иккиланишларни йўқотишга ёрдам беради; бу эса, ўзбек мактаби ўқитувчиларининг шахсий хусусиятларини шакллантиришга ёрдамлашади ва уларнинг касбий фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

4. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида ўқитишнинг фаоллаштирувчи усулларида фойдаланиш шубҳасиз бир афзалликни келтириб чиқаради, у ҳам бўлса, ушбу усуллар педагог шахсини мукамаллаштиришга ёрдам беради. Кейинчалик, агар педагог ўқитишнинг фаоллаштирувчи усулларида ўз иш фаолиятида қўлласа, у ўқувчи шахсини ҳам ривожлантиради.

5. Ўзбекистон педагог кадрлари малакасини ошириш тизимида ўқитувчининг турли шакллари ишлаб чиқилган ва

жорий этилмоқда; кундузги, кундузги-сиртқи, қисқа муддатли курслар, шахсий график бўйича, стажировка, экстернат, муаммоли курслар ва б. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчилар орасида муносиб ўринни топмоқда. Шу билан биргаликда, малакани оширишнинг шундай янги шакллари кашф қилмоқ ва жорий этмоқ керакки, токи улар ўқитувчиларни уйларида, одатий ҳаёт ҳолатларидан ажратмасин. Бу аслида ҳам ўзбек халқининг ўзига хос ҳаёт тарзига ва миллий хусусиятларига мос келади. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълими концепциясида ҳам ўз аксини топиши керак.

6. Мутахассисларнинг малакасини узлуксиз ошириш тўғрисида махсус ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқмоқ зарур.

Ҳозирги вақтда фақат чет эл мамлакатларининг айрим йирик фирмалари ўз ходимлари учун узлуксиз таълимни амалий жиҳатдан жорий қилмоқдалар. Бу соф ишлаб чиқариш таълимидир. Шунинг учун бошқа мамлакатларда эришилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда узлуксиз таълим тизимини шакллантириш зарур.

7. Малака ошириш тизимини фақат жамият талаблари эмас, балки тингловчиларнинг сўроқ-эҳтиёжларидан ҳам келиб чиққан ҳолда белгилаш керак. Шунинг учун ҳам мазкур сўров эҳтиёжларини турли ижтимоий усулларини ва йўллари қўллаб, махсус ўрганиш зарур. Шу муносабат билан республика халқ таълимида узлуксиз педагогика таълими эҳтиёжларини қондириш учун махсус ижтимоий хизматни ташкил этиш лозим.

8. Республикада узлуксиз таълимни жорий этиш йўллари ҳуқуқий ва методик нуқтаи назардан пухта ишлаб чиқилмоғи керак. Улар ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда қўрилмоғи ва ўз ичига ушбу жараённинг барча иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг комплекс тадбирини олмоғи зарур.

Умумий хулосалар

Педагог кадрлар малакасини оширишни назарий, экспериментал ва амалий тадқиқ қилиш узлуксиз таълимнинг умумий муаммолари доирасида олиб борилмоқда. Улар ўз ичига методологик, ижтимоий-иқтисодий, педагогик, психологик ва ташкилий-бошқарув масалаларини қамраб олади.

Узлуксиз таълимнинг ҳозирда мавжуд барча концепциялари нуқтаи назаридан асос таълим мактаби томонидан таъминланиши керак. Шунинг учун ҳам ҳамма ривожланган мамлакатларда мактабда мажбурий ўқитиш муддати узайтирилмоқда. „Ривожланган мамлакатлар даражасига киритилган 23 мамлакат ичида бу муддат икки мамлакатда 12 йилни; икки мамлакатда 11 йилни; олти мамлакатда 10 йилни; ўн мамлакатда 9 йилни; икки мамлакатда 8 йилни ва бир мамлакатда 6 йилни ташкил этади“.

АҚШ, Канада, Япония, Франция, Испания ва Скандинавия мамлакатларида „бирлашган мактаб“ моделининг шаклланиш жараёни кечмоқда; унга умумтаълимдан ташқари, касб таълими ихтисосликлари ҳам киради, яъни умум, махсус, техника ва касб таълимининг яқинлашиш жараёни мавжуддир. Бунда ўқитиш шакллари турлича (кундузги, кечки, сиртқи ва б.), шунингдек, формал ёки ноформал бўлиши мумкин. Таълимнинг бундай модели (тугаллашган умумтаълим плус таянч касб таълими) ўрта мактабнинг юқори синфлари ўқувчиларига танлов имкониятини беради.

Ҳамма ривожланган мамлакатларда амалда яна бир — аралашган модель таркиб топган; бунда умумтаълим халқ таълими идоралари томонидан, касбий таълим эса, бошқа давлат идоралари (бандлик хизмати ва меҳнат ресурс-

лари) томонидан амалга оширилади.

Келажакда барча уч модель ёшлар умумий ва касбий таълимнинг омукталашган ягона миллий моделига бирлашмоғи керак. Ушбу модел ихчамлиги, турли ижтимоий институтларни таълимга жалб этиш имконияти, ҳуқуқий асослар бирлиги, бошқаруви, молиявий таъминоти ва ўқитиш шакллариининг турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Ҳозир жаҳонда олий таълим тузилишининг ўзгариши ва вазифалари доирасининг кенгайиши содир бўлмоқда; бу эса ўқитишнинг ноанъанавий шакллари ва усуллариининг ривожланишига олиб келади.

Оммавий ахборот воситалари, компьютер тармоқлари ва бошқаларни қўллаш назарда тутилган кечки ва сиртқи ўқитишни амалга оширадиган олий ўқув юртларининг сони ортиб бормоқда. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда тарқалган олий мактабда мавжуд уч босқичли тайёрлаш ҳам (биринчи босқич — ижтимоий таълимнинг кенг профили, иккинчи босқич — аниқ ихтисослик бўйича тайёрлаш; учинчи босқич — илмий-тадқиқот, ўқитувчилик ва юқори малакали фаолиятнинг бошқа турларига тайёрлаш) такомиллашмоқда ва ривожланмоқда. Жумладан, ҳар бир босқичнинг ихчамлиги, очиқлиги, янги профил бўйича талабаларни ўқишгача тайёрлаш ташкил этилмоқда ва ҳ.к.

Кейинги йилларда катта ёшлилар таълими борасида маълум ўсишга эришилди; у катта ёшлиларни ўқитишда эҳтиёжлар ва тажрибаларнинг ҳар хиллигини ҳисобга олган ҳолда касбий таълим ва маданий савияни юксалтиришга ёрдам бериши керак. Ҳозирги вақтда таълимга жалб этилган катта ёшлилар сони мактаб ўқувчилари ва талабалар сонидан кўпдир. Катта ёшлилар таълими билан ўқув юртлари ва корхоналар, давлат идоралари (муассасалари), хусусий фирмалар, касаба ва жамоат ташкилотлари

шуғулланмоқда.

Катта ёшлилар таълимининг турли курслари одатдаги ўқув юртларида ҳам, махсус тузилган ўқув юртларида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Кўп мамлакатларда тўғарақлар, шўъбалар, халқ мактаблари, халқ институтлари, ижодий марказлар, маданият уйлари ва ш.к.лар ишлаб турибди. Йирик фирмалар тижорат асосида хизмат кўрсатиш учун ўқув-метод муассасалари тузадилар.

Ўзбекистонда умумий ва касб таълими педагог кадрлар узлуксиз таълими тизимида таянч босқич ҳисобланади, мутахассис бўлгандан кейинги олинган таълимни эса, қўшимча таълим деб аташ қабул қилинган. У одатда, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш тизимида амалга оширилади.

Узлуксиз таълимнинг ягона тизимида аниқ белгиланган бўғинлари (кичик тизимлари) бор: мактабгача таълим; умумтаълим мактаби; ўрта махсус таълим; (академик лицей); касб-ҳунар таълими (коллеж), олий ўқув юртлари, малака ошириш институтлари. Бундан ташқари, узлуксиз таълим тизимида турли ноформал, жамоатчилик институтлари, марказлар, курслар клублар ва ҳ.к.лар мавжуддир.

Шахс ҳаётининг ҳамма босқичларида унинг тараққиётига эришиш узлуксиз таълимнинг бош ғоясидир. Узлуксиз таълим ғоясини амалга оширишдаги жиддий муаммо - бу унинг турли бўғинлари ўртасидаги ворисийликни таъминлашдир. Таянч ва асос таълимдан кейинги таълим ўртасидаги номувофиқлик алоҳида муаммони келтириб чиқаради. Ваҳоланки, шу нарса аниқки, бундай ҳолат жамият тараққиёти мантиқидан, таълимга нисбатан доим ўзгариб турувчи талаблар туфайли содир бўлади. Одам ижодий имкониятининг доимий тараққиётини таъминлашнинг руҳий асосларини шакллантирувчи таянч таълимнинг (умумий

ва касбий) ташкил этилишига тамомила янгича методологик ёндашувни амалга ошириш зарурга ўхшайди. Узлуксиз таълим соҳасидаги ворисийлик кафолатланган яхлит асоснинг таркибий қисмлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

— шахс эҳтиёжлари ва манфаатлари бойлиги, унинг ўзини-ўзи рўёбга чиқаришга қаратилганлиги;

— тафаккурнинг эркинлиги, танқидийлиги; муаммоларга реал ёндашув;

— юксак даражада ишчанлик, психофизиологик имкониятларнинг етарли даражаси ва б.қ.

Албатта, одамни шахсий ва касбий ўсишига доимий эҳтиёж руҳида шакллантириш, моддий-маънавий, ижтимоий-психологик характердаги ва бир қатор омилларга боғлиқдир.

Узлуксиз таълимнинг „шахс мавжудлигининг махсус модели“ сифатида қарор топишида узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида таълим шакллари, усуллари ва мазмуни катта аҳамият касб этади. Улар ворисийликни таъминлаш йўли билан одамни шахс сифатида ҳам, касб соҳиби сифатида ҳам ривожлантиришлари, унинг инсон маданиятининг янада юқори даражаларга кўтарилишида, инсон маданиятини ривожлантиришда фаол қатнашишига ёрдам беришлари керак.

Шу муносабат билан шахснинг кейинги юксалиш йўлини аниқлаш мақсадида ҳар бир муаллимнинг тараққиёт даражасини диагностлаштириш катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичида таълим стандартлари зарурдир.

Жаҳон тажрибасида узлуксиз таълим ғоясини амалга оширишда унга тор касбий йўналиш бериш устуворлик қилади. Бош муаммо—инсон шахсини ривожлантириш эса, эътибордан четда қолмоқда. Инсоний сифатлар, одамнинг умуммаданий ва ахлоқий даражаси инсоният мада-

ниятини ривожлантириш ва сақлаб қолишда ҳал этувчи аҳамият касб этади.

Узлуксиз таълимнинг исталган босқичида педагогик жараён, шунингдек, унинг бутунлиги, ихчамлиги, давомийлиги ва самарадорлиги педагог ва илмий-педагог кадрлар фаолияти орқали таъминланади. Уларни танлаш, тайёрлаш ва малакасини оширишга бутун дунёда катта эътибор берилишини тушуниш қийин эмас. Агар педагогларнинг асос таълими (олий ўқув юртида умумий ва касб таълими) анчагина ишланган бўлса, педагог кадрлар малакасини ошириш ҳозирча узлуксиз таълим тизимида энг кам ишланган тизимча бўлиб қолмоқда.

Бизнинг ишда, педагог кадрлар малакасини ошириш кичик тизими таълимнинг барча бўғинларига самарали таъсир этувчи муҳим амалий омил бўлиши мумкинлиги асослаб берилди, чунки у ўзгарувчан ижтимоий буюртмага тезкорлик билан жавоб бериш ва шу йўсинда, уни таълимга йўналтириш қобилиятига эга.

Шу билан биргаликда, малака ошириш педагогикаси ўзининг мақсад ва вазифалари, предмети ва объекти, усуллари ва назарий-методологик асослари бўлгани ҳолда ҳозирча педагогика илмида алоҳида фан сифатида эътироф этилган эмас.

Педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий-методологик асосларини белгилашда ҳал этувчи қарашлар тарзида қуйидагилар илгари сурилади:

— малака оширишнинг мазмуни ва қурилишига тизимли ёндашув ўқитувчиларни курсларда тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашнинг турли шакллари ва доимий ўз-ўзига таълим беришни қамраб олади. Малакани оширишга бундай ёндашув педагог кадрлар меҳнати самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим шартидир;

— малака ошириш тизими педагог кадрлар меҳнати мазмуни ва характериға нисбатан йўналтирилган ижтимоий

талаблардаги муҳим силжишларга (улар педагог кадрларнинг ижодий фаоллигини оширишга олиб келади) сезгирлик билан жавоб бериш керак. Педагог кадрлар ишида ижодий салоҳиятнинг тараққиёти, аynи вақтда, ўқувчилар мустақил тафаккури тараққиётининг зарурий шартидир, уларни тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмидир;

— педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш шахсни, ижтимоий тараққиётининг фаол субъекти сифатида ривожлантиришда етакчи ижтимоий-педагогик тамойилдир;

— малака ошириш бўйича педагог кадрлар узлуксиз таълими педагогни шахс сифатида ҳам, касб соҳиби сифатида ҳам ижодий ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифасини ҳал қилади;

— малака оширишга шахс фаолияти тарзида ёндашув муайян минтақа педагог кадрлари фаолиятидаги этномаданий, ижтимоий-иқтисодий ва географик-тарихий омиллар максимал ҳисобга олингандагина амалий самара бериши мумкин;

— педагог кадрлар малакасини оширишнинг турли даражаларини ўзаро фарқлаш ва унга яккама-якка ёндашиш, ўқитиш мазмунининг кўп вариантлигига эришиш, малака ошириш шакллари, усуллари ва муддатларини танлашнинг кенг имкониятларини яратиш;

— малака ошириш ва аттестацияни тингловчилар моддий ва маънавий рағбатлантириш билан узвий қўшиб олиб бориш;

— малака оширишнинг давлат ва жамоатчилик шакллари қўшиб олиб бориш ва ҳ.к.

Малака ошириш тизимида ишни такомиллаштириш бўйича синов натижалари, шунингдек, педагог кадрларни ижтимоий-иқтисодий рағбатлантиришнинг ишлаб чиқилган модели, бизнинг фикримизча, педагогларнинг маҳоратларини доимий ривожлантиришларига, касбга

муносабатларини психологик қайта қуришга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги умумлашма хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Узлуксиз таълимнинг ягона тизимини таъминлаш ўта долзарб муаммодир, уни илмий ҳал этиш умуман таълим тараққиётининг қатор бошқа масалаларини ҳал этишга қолип бўлиб хизмат қилади. Узлуксиз таълимнинг ягона тизими шахс ҳаётининг барча босқичларида тараққиёт бўлиши лозимлиги ҳақидаги қоидага таянади.

Узлуксиз таълим ғояси педагогиканинг ҳамма қисмларини, таълимнинг барча унсурларини ўз ичига олувчи маданий тарихни қамраб олади. Айни вақтда, у оламнинг янги, яхлит манзарасини яратишга даъват этади. Узлуксиз таълимнинг ягона тизими инсон маданиятини ривожлантириш, инсон тараққиётига ёрдам бериши керак. Жаҳон амалиётида мавжуд ва ишланаётган барча узлуксиз таълим концепциялари учун умумбашарий муаммо мана шундадир;

— чунки бундай методология ҳар бир алоҳида одамни тажриба объектига айлантиради.

Бироқ жаҳон таълим амалиётида узлуксиз таълим ғояси кўпроқ инсоннинг касб маҳоратининг ўсиши доирасида (ўрта касб таълими) ифодаланади. Одам, алоҳида шахс сифатида, маданиятни кенг маънода тушуниш нуқтаи назаридан, биров „сояда“ қолади.

2. Ўзбекистон Республикасида педагог кадрларнинг узлуксиз таълим тизими қарор топди ва унинг концепцияси ишлаб чиқилди. Унинг асосий кичик тизимлари мактабгача таълим — мактаб — ўрта махсус, касб-хунар таълими — олий таълим — малакани ошириш бўғинларидан иборатдир.

Ҳар бир кичик тизим ўзининг мақсади, вазифалари, шакллари, усуллари ва мазмунига эга. Ворислик педагог

кадрлар узлуксиз таълими тизимида асосий тамойилидир. Шу билан биргаликда, таълимга бўлган ижтимоий буюртманинг ўзгарувчанлиги педагог кадрлар малакасини оширишнинг айнан ички тизимини узлуксиз таълимнинг муваффақиятини таъминловчи бўғин қилиб қўяди.

3. Ўз тарихини 1919 йил ёзда Тошкентда ўқитувчилар тайёрлаш ва муаллимларни қайта тайёрлаш педагогика курсидан бошлаган ва кейинроқ институт тарзида шаклланиб, ўқитувчилар малакасини ошириш билан шуғулланган, 1933 йилда қайта тузилган ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарзида расмийлашган Ўзбекистон Республикасидаги малака ошириш тизими ҳозирги вақтда ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Халқ таълими вазирлигининг малака ошириш бўлими — Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Республика Марказий институти, ҳунар-техника таълими ходимларининг малакасини ошириш Республика институти—педагогика институтлари ҳузуридаги халқ таълими раҳбарлари ва ташкилотчилари малакасини ошириш факультетлари, 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар педагог кадрлар малакасини ошириш институтлари; 9545 мактаб, 9467 мактабгача, 606 мактабдан ташқари ва 442 ҳунар-техника билим юртларидаги методик бирлашмалар, 208 шаҳар ва туман методика хоналари.

Кейинги йилларда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида норасмий структуралар: халқ университетлари, семинарлар, яшаш, ишлаш жойларида қизиқишлар бўйича клублар ва ҳ.к. ҳам фаол ишлай бошлади.

4. Ўзбекистонда педагог кадрлар расмий ва норасмий таълими иш фаолиятининг янги шароитларда уларнинг малакасини ошириш шакллари, усуллари ва мазмунига илмий ёндашув зарурдир. Педагог кадрлар таълими, меҳнати ва мустақил ижодий билиш жараёни педагог шахси тараққиётнинг ягона жараёнига қўшилмоғи керак. Бунда

малака оширишнинг қуйидаги даврийлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир:

— 3—5 йилда бир марта МОИ ва ПК МОИларида уюшган ҳолда малака ошириш (биринчи бўғин);

— бир ойда бир марта туман шаҳар методика хоналари тизимида ташкил этилган таълим (иккинчи бўғин);

— бир ойда бир-икки марта — ўқув юртларининг методбирлашмаларида (комиссиялари) таълим ва доимий ўз-ўзига таълим (учинчи бўғин).

Биринчи бўғин — курсларда ўқитиш педагогларнинг назарий билимлари, амалий ўқув ва кўникмаларини такомиллаштириш ва кенгайтиришни таъминлайди ҳамда, уларни ўз-ўзига таълимга тайёрлайди. Иккинчи бўғин — ўз ишини курсларда ўқитиш вақтида ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда кўради, педагогларга билимларни қайта шакллантиришда методик ёрдам кўрсатади, билимларни маълум бир амалий муаммо теварагида жипслаштиради ва бирлаштиради, яъни Ўзбекистон Республикасида педагог кадрлар малакасини оширишнинг маҳаллий даражасини таъминлайди.

Учинчи бўғин — мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари муассасалардаги метод бирлашмаларининг иши ва ўз-ўзига таълим фаолиятини қайта ўзгартириш ва такомиллаштиришни таъминлайди. Малака оширишнинг барча бўғинларида катта аҳамият касб этадиган ўз-ўзига таълимга алоҳида эътибор қаратилмоғи зарур.

Ҳар бир бўғин учун назарий ва амалий ўқитиш шакллари ва усулларининг оқилона нисбатини топмоқ зарур; педагог кадрларнинг анъанавий-ахборот таълимидан муаммоли — методологик таълимга ўтишни амалга ошириш керак.

Педагог кадрлар малакасини ошириш тизими барча бўғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун муайян минтақада ижтимоий-иқтисодий, тарихий-маданий

ва этнопсихологик омиллар ҳисобга олиниши катта аҳамиятга эга.

Халқ педагогикаси анъаналари педагог кадрлар малакасини ошириш мазмунида муносиб ўринни эгаллаши керак, чунки ўқитув ўз фаолиятини муайян этник муҳитда амалга оширади.

5. Ўзбекистон Республикасида педагог кадрларнинг ўз касбига муносиблиги гоятда долзарб муаммодир.

Педагог фаолиятининг сифатлари ва таркибий қисмлари бўйича маълумотларни таҳлил қилиш педагог кадрлар иши самарадорлигини белгилайдиган қуйидаги 6 омилни аниқлаб берди.

1. Касб маҳорати омили.
2. Ўз-ўзини ижодий рўёбга чиқариш омили.
3. Ўз-ўзига таълим омили.
4. Динамизм ва ҳиссий барқарорлик омили.
5. Конструктивлик омили.
6. Онглилик омили.

Келтирилган таҳлил педагогдаги касбий мувофиқлик даражасининг муайян шахслик хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатди. Шунинг учун МОИлари, туман, шаҳар метод хоналари, мактаблар билан биргаликда педагогларнинг касб ва шахслик ривожланиш даражасини аниқлаш бўйича доимий диагностика ишини олиб боришлари ва малака ошириш тизимининг ҳар бир бўғинида диагностика натижалари асосида иш ташкил қилишлари зарур. Шу йўл билан ҳар бир педагог учун унинг тараққиёт йўналишини аниқлаш мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида МОИлари педагоглар таълимининг илмий, илмий марказ сифатида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу муносабат билан педагогларни ушбу институтларда тайёрлашни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Биринчи навбатда, бу малака оширишнинг

шакллари, усуллари ва мазмунига тааллуқлидир. Бизнинг текширишимиз натижаларига кўра, ўқитувчиларнинг 18,8 фоизи педагогик фаолиятининг сифатлари ва таркибий қисмларини паст фаоллик билан амалга оширадилар, 48,1 фоизи ижодкорлик кўрсатмай ишлайди, 23,1 фоизи, педагогик фаолиятини ижодий ва самарали амалга оширадилар, 10,0 фоизи, илғор тажриба ва фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ижодий ишлайди.

Малака оширишнинг шакллари, усуллари ва мазмунини танлаш ўзаро ажратилган характерга эга бўлиши ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиши керак. МОИ курсларида тайёрлашнинг мавжуд шакллари, усуллари ва мазмунини тингловчиларнинг эҳтиёжларини тўла даражада қондирмайди.

Ўзбекистон Республикасида малака оширишнинг маҳаллий хусусиятларини ҳисобга оладиган қуйидаги шакллари кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Курс машғулотларига эркин график бўйича қатнов орқали малака ошириш.

2. Шахсий график бўйича малака ошириш.

3. Кундузги-сиртқи курслар.

4. Муаммоли курслар.

5. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда бир йиллик курслар.

6. Стажировка.

7. Экстернат.

Албатта, анъанавий шакллари ҳам (ойлик, икки ойлик курслар, қайта тайёрлаш ва б.) сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Малака оширишнинг ҳамма бўғинлари ва шаклларида унинг усуллари ҳамда мазмунини педагогнинг шахсий ва касбий мувофиқлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда танлаш керак. Машғулотларда ўқитишнинг фаол усуллари (иш машқлари, аниқ вазиятлар таҳлили, давра столлари, мунозаралар ва б.) устиворлик қилиши

керак. ПК МОИларида ўқитиш мазмуни тингловчиларнинг функционал фаолияти мазмунига мувофиқ келмоғи керак, уларнинг эҳтиёжлари ва сўровларини ҳисобга олмоғи, ўз-ўзига таълим фаолияти билан ўзаро алоқадорликни таъминлаши лозим.

Шу муносабат билан педагог кадрлар малакасини оширишнинг рағбатлантириладиган шаклларини ишлаб чиқмоқ зарур.

7. Устоз — ўқитувчи Шарқда доим эъзозланган ва ҳурматланган. У донишмандлик, ахлоқлилик ва маданият тимсоли бўлган, ҳамма вақт ўз билимини такомиллаштириб юриши шарт бўлган. Шу билан биргаликда, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини мукаммаллаштиришда педагогнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақоми муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Малакани оширишнинг илмий-методик ва ижтимоий-иқтисодий асослари педагогни моддий тақдирлаш малака оширишнинг самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ эканини назарда тутди. Педагоглар учун 9 даражали ва ўқув юртлари раҳбарлари учун 3 даражали тариф жадвали тавсия этилади.

Бундан ташқари, тадқиқотда педагоглар учун профессор, доцент, вице-доцент, ижодкор ўқитувчи, катта ўқитувчи, I тоифали ўқитувчи, II тоифали ўқитувчи, III тоифали ўқитувчи, бакалавр, магистр каби категорияларни кiritиш таклиф этилади. Раҳбарлар учун раҳбар, ижодкор, раҳбар, олий категорияли раҳбар каби даражалар тавсия этилади.

Ўтказилган тадқиқот ишлари педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини кейинги ўрганиш истиқболини ҳам таъсаввур этиш имкониятини беради. Узлуксиз таълим ва ўқитувчининг ижтимоий фаоллиги, ўқитувчининг меҳнат ва ўқув фаолиятининг ўзаро муносабати, педагог кадр-

лар малакасини оширишнинг давлат ва жамоат шакллари-
нинг нисбати, педагог кадрлар умумий ва касбий таълими
ўзаро алоқасининг педагогик асослари, педагог кадрлар
узлуксиз таълими тизимини кадрлар билан таъминлаш,
малакани оширишда стандартлардан фойдаланиш ва шу-
нинг каби бир қатор бошқа масалалар келгуси тадқиқот-
ларнинг мавзулари бўлиши мумкин.

МУНДАРИЖА

	Бетлар
<i>Муаллифдан</i>	3
<i>Муқаддима</i>	6
 I боб. Педагог кадрлар узлуксиз таълимнинг умум-назарий ва методологик муаммолари	 16
1. Узлуксиз таълим тизимининг назарий ва методологик асослари ..	19
2. Бизнинг тадқиқотимизда қуйидаги нуқтаи назар ўтказилади:	25
3. Олий ва ундан кейинги таълимнинг узлуксизлиги	48
4. Айрим хулосалар	60
 II боб. Ўзбекистонда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши	 63
1. Ўзбекистон Республикаси педагог кадрлари малакасини оширишнинг ижтимоий-маданий ва этнопсихологик омиллари	52
2. Ўзбекистонда касбга ўқитиш ва тарбиялашнинг қисқача тарихий таҳлили	68
3. Ўзбекистонда таълим ва педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг ривожланиши	73
4. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг шакллари, усулари ва мазмуни	83
5. Айрим хулосалар	88
 III боб. Ўқитувчи профессионализи ва педагог кадрлар малакасини ошириш тизимининг аҳволи	 91
1. Ўқитувчи фаолиятининг сифати ва таркибий қисми	92
2. Шахснинг касб учун аҳамиятли хусусиятлари ва ўқитувчилар фаолиятининг мотивацион асослари	112

3. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг ҳозирги тизимининг аҳволи	134
--	-----

IV боб. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш 151

1. Педагог кадрлар узлуксиз таълимнинг шоҳобчаси сифатида малака оширишнинг самарадорлиги	151
2. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида давлат стандартларига ўтишни илмий-методик ва ижтимоий-иқтисодий томондан таъминлаш	163
3. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар малакасини ошириш концепцияси	180
Умумий хулосалар	193

74.58p
Й 69

Йўлдошев Ж. Ғ.

Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари: (ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?).— Т.: "Ўқитувчи", 1998.—208 б.

ББК 74.58p

ЖҲРА ҒАНИЕВИЧ ЙЎЛДОШЕВ

**МАЛАКА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ
ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

(ёхуд ўқитувчи бўлиш осонми?)

**Халқ таълими тизими ходимлари
учун**

Тошкент "Ўқитувчи" 1998

Муҳаррир С. Мирзахўжаев

Бадий муҳаррир М. Калинин

Техник муҳаррир Э. В. Вильданова

Мусахҳиҳлар П. Аъзамова, З. Фуломова

ОИБ № 7505

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 19.05.98. Бичими 84×108¹/₁₂.
Офсет қоғози. Кегли 10 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усули-
да босилди. Шартли 6.л. 10,92. Шартли кр.-отт. 11,42. Нашр. л. 9,55.
20000 нусхада босилди. Буюртма № Д-2975.

"Ўқитувчи" нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07-35-98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошполи-
графкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1998.